



Хурсанд Худайбердиев – 1942 йил 14 декабрда Олтинсой туманидаги Хидиршо кишлоғида туғилган. Тумандаги 22, 23, 25 мактабларда ўқиган, 1961-1968 йилларда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида ўқиган. 1968-2015 йилларда Термиз давлат университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозимида, тарбиявий ишлар проректори, факультет декани, кафедра мудири бўлиб ишлаган. 1972-1975 йилларда Тошкент Техника университетида фалсафа ихтисослиги бўйича кундузги аспирантурани битирган. 1981 йилда Тошкент давлат миллий университетида фалсафа бўйича номзодлик диссертациясини ёклаган. 2017 йил августидан Термиз муҳандислик технология институтида ижтимоий гуманитар фанлар кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Х.Худайбердиев илмий фаолиятида 400 дан ошди илмий ишлар, монография, рисола, ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратган. Шулардан 90 га яқини Ўзбекистон, Украина, Россия, Қозоғистон, Ҳиндистон, Индонезия, АҚШнинг нуфузли журналларида нашр этилган. 13 та ўқув қўлланмаси дарслик ва бошқа асарларда, жумладан, “Миллий истиқлол ғояси”, “Диншунослик асослари”, “Жаҳон фалсафаси қомуси” (2016, 2019, 2023) ҳаммуаллифи бўлиб қатнашган.

ISBN: 978-9910-9953-4-7



9 789910 995347

4851



**Ўзбекистон Республикаси
олий таълим, фан ва инновация вазирлиги
Термиз муҳандислик технология институти**

Х.Худойбердиев

**МАЪНАВИЯТ,
АҲЛОҚИЙ ҚАДРИЯТ
ВА ИСЛОМ
(монография)**

Термиз – 2023

УЎК: 94(575.151)
КБК: 86.38+88.7
Х 87

**Термиз муҳандислик ва технологиялар институти Илмий
Кенгашининг 2022 йил ноябрдаги _____ қарори билан нашрга
тавсия этилган.**

**Бобомуродов Э.Х. Фалсафа фанлари доктори, профессор.
Мажидов М. Фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа
доктори.**

Муаллиф ушбу монографияда маънавият жамият тараққиётининг ажралмас қисми эканлиги, маънавият ва қадрият тушунчаларининг ўзаро алоқаси, уларнинг ижтимоий аҳамияти, ислом ахлоқининг шаклланиши, араб умуминсоний ахлоқида мусулмон ахлоқининг ўрни, мусулмон ахлоқининг ўзига хос хусусиятлари, шарқона ахлоқ тизимида ислом ахлоқининг тутган ўрни, исломнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ва маҳаллий ахлоқ-одоб, қадриятларга сингдирилиши, Ўрта Осиё халқлари тарихида ислом ахлоқининг янада такомиллаштирилиши, кўп эътиқодлилиқнинг бирлиги ва ахлоқий қадриятларнинг ривожланиши масалалари таҳлил қилинган.

ISBN: 978-9910-9953-4-7

© Х.Худойбердиев
© “IRFON-PRINT” нашриёти, 2023 й.

МУҚАДДИМА

Маълумки ҳар бир жамият, давлат, мамлакатнинг ривожланиши учун иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий, маърифий, илмий-техникавий шарт-шароитлар зарур. Буларнинг ҳар бири иккинчиси билан узвий алоқададир. Айниқса ҳозирги даврнинг бош муаммоларидан бири-баркамол инсонни тарбиялашда маънавият, маънавий ҳаёт, маданият, кадрият масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Маданиятсиз, маънавиятсиз, маърифатсиз, маънавий кадриятларсиз инсон баркамол инсон бўлаолмайди.

Шу сабабли республикамызда мустақиллик йилларида, айниқса Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессансни барпо этиш, шакллантириш йилларида бошқа цивилизациялашган мамлакатларда бўлганидек умуминсоний, умумбашарий кадриятларга халқимизнинг маънавий меросига бўлган қизиқишларнинг ошганлиги бежиз эмас. Чунки узоқ йиллар давомида фанда ҳам адабиётда ҳам маънавият, кадрият, маънавий мерос масалаларига етарли даражада эътибор берилмади, бу масалаларни тадқиқ қилиш фаннинг, фалсафанинг диққат марказидан четга суриб қуйилди. XX аср 80 йилларининг охирида мамлакатимизда бўлган ўзгаришлар, айниқса Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви натижасида бу муаммо қўйтадан кўриб чиқилди. Замонавий ўзбек маънавияти, маънавий ҳаёти, маданияти, кадриятини ривожлантириш учун халқимизнинг асрлар давомида ўз тарихида эришган маданий меросидан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат Республикамызнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Биз маънавий кадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён деб ҳисоблаймиз”¹, деган эди.

Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда маънавият, кадриятлар, маданий, маънавий меросдан фойдаланиш муаммоси энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Кадриятлар тузилишига кўра, моддий, маънавий, фалсафий, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқа кадриятларга, характериға кўра умуминсоний, миллий гуруҳий, ҳудудий байналминал ва бошқа кадриятларга бўлинади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 524-б.

Маънавий кадриятлар-сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, ахлоқий, фалсафий, диний, илмий экологик,демографик, этнографик, иқтисодий, демократик ва бошқа кадриятлар инсон маънавиятини, маънавий ҳаётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқотда биз маънавий кадриятларнинг ижтимоий моҳияти ва мазмуни таркиби, жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тарихий шаклларига, маънавиятнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамият масалалари улуғ Ватандошларимиз А.Фаробий, А.Р.Беруний, Х.В.Кошифий,Ж.Давоний, Ибн Сино, А.Навоий, Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқаларнинг фикрлари асосида таҳлил қилинади, маънавият ва кадрият тушунчаларининг мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси, маънавиятнинг кадриятга айланиши, кадриятларнинг хусусиятлари, намоён бўлиш шакллари, баҳолаш мезонлари, дунёқараш ва шахс ҳаётини йўналишида маънавиянинг ўрни ва аҳамияти, кадриятлар силсиласида ахлоқий кадриятларнинг тутган ўрни ва аҳамияти, ахлоқий кадриятлар ва диний кадриятларнинг ўзаро алоқаси, ахлоқ ва исломнинг ўзаро алоқаси, ислом ахлоқининг шаклланиши унинг мажусийлик иудаизм, христианлик, зардуштийлик динларидаги фойдали ҳуқ-атвор, тартиб, ҳатти-ҳаракатлар нормаларини, умуминсоний кадриятларни қабул қилиб, ўзлаштириб олиш, уларни ўз мафкураси ва ақидасига мослаштириш асосида вужудга келганлиги, ислом умумараб, умуммусулмон, хусусан, шарқ халқлари ахлоқий кадриятларини ўзида мужассамлаштирганлиги, ислом дини ва ахлоқининг Ўрта Осиёга кириб келиши, бу жараённинг жуда мураккаб кечганлиги, ахлоқий кадриятларнинг мукаммаллаштиришда Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ғаззолий, Имоми Аъзам, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор,Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий каби олим ва уламоларнинг хизматларига ва ниҳоят ҳозирги даврнинг муҳим муаммоси кўп эътиқодлилигининг бирлиги-ахлоқий кадриятларнинг олий шакли эканлиги масалаларига тўхталиб ўтамиз.

Ушбу монографияни тайрлашда муаллиф ҳолисона маслаҳатлари учун фалсафа фанлари докторлари, профессорлар А.О.Ортиқов, А.И.Абдусамедов, О.Б.Бозоров, Э.Ҳ.Бобомуродов ва бошқаларга ўз минатдорчилигини билдиради.

I БОБ. МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР: МАЗМУН ҲАМДА ТАРИХИЙ ШАКЛЛАРИ.

1§ МАЪНАВИЯТ ИНСОН ЖАМИЯТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ СИФАТИДА

Академик М.М.Хайруллаевнинг таъкидлашича, умуминсоний қадриятларнинг синфийлик ва ғоявий мафкуравийликдан устунлигини ўрганиш жараёни ҳозирги шароитда маданиятнинг ҳар хил кўринишларига маънавийлик ва хусусан динга бўлган эски муносабат ва қарашларни қайтадан кўриб чиқишимиз лозим. Бу жамиятимизнинг янада такомиллашувига ва унинг янада тараққий этишига зарур бўлган янгича вазифаларни ва уларнинг ҳолисона талқини учун керак бўлган меъёрни яратишга олиб келади. Шу муносабат билан диннинг маданий-тарихий жараёндаги ва унинг ахлоқий имкониятларининг тобора кучая боришидаги аҳамиятини ҳамда тутган ўрнини объектив тарзда илмий тадқиқ этишда ахлоқий, диний, эркинфикрлилик, дахрийлик... меросимизни қайтадан кўриб чиқишимиз шарт.² фикрлари диққатга сазавордир. Давримизнинг буюк алломаларидан бўлмиш академик Иброҳим Мўминовнинг Абу Райҳон Берунийнинг қуйидаги фикрларини олқишлагани бизнинг фикримизни асослашга имкон беради: давр-бу муайян ораликдаги замон бўлиб, у қандайдир ўтмиш йилнинг аввалидан ҳисобланади, пайғамбарнинг ўз рамзи ва исботлари билан юборилган пайт ёки кучли, улуғ подшо бўлди, ёки қандайдир халқ умумий сув босиши вайронасида ер зилзиласида ҳалок бўлди, ёки кишиларни фалокатли улат ўзига тортди ёки ҳароб қиладиган очлик, ёки сулолалар алмашишида, ёки дилдаги ўзгаришлар ёки содир бўлган дахшатли фалакий ишоралар, ёки хотирада қоладиган воқеалар, улар узоқ асрларда, узоқ замонларда бўлиши мумкин. Бундай воқеалар, замоннинг бир пайтида нишонланади ва бусиз барча дунёвий ва диний ишларни қилиш мумкин эмас. Турли иқлимда жойлашган ҳар бир халқнинг ўзини махсус даври мавжуд, уни ўзларининг подшолари, пайғамбарлари давридан ҳисоблайдилар, ёки сулолалар ёки юқорида эслатилган воқеаларнинг биронтасидан бошлаб ҳисоблайдиган, Бундай кишиларнинг йилнома тартиби ёрдамида уларга зарур бўлган, ишларни бажаришда ва маълум вақтда (байрамларда), (муддатларни) ҳисоблайдилар, шунингдек низомлар-қарорлар учун уларни бошқа халқлардан фарқлайдилар.

² Қаранг: Из истории общественно-философской мысли и вольнодумия. Под ред. акад. АН Узб. М.М.Хайруллаева.-Т.: «Фан». 1991.-3-б.

Қадимги даврнинг бизга маълум бўлган биринчи ва энг машҳур дастлабки босқичининг ибтидоси-бу инсоният (мавжудлигининг) бошланғичидир³. Шундай қилиб, турли йил ҳисоблашлар мавжуд, аммо улар ўртасида Берунийнинг фикрича умумийлик мавжуд, ҳамма ирк, миллат, халқ, бутун инсониятнинг дастлабки босқичи мавжуд. Ана шу “дастлабки босқичдан” бошлаб-ижтимоий ҳаёт аслида амалий ҳаёт бўлиб ҳисобланади. Абу Наср Форобий (873-950 йй.) ўзининг “Фозил одамлар шаҳари” рисоласида ёзишича, “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганку, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга мухтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёжи туғилади”...⁴ Шундай қилиб, инсонлар яшаш учун зарур бўлган нарсаларни яратиш учун ўзаро бирлашиб ишлаш учун уларни бирлаштирувчи бошланғич асосни, ал-муаллим, ас-сонийнинг шу асарларида ёзишича, инсонийликни яратганлар. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти, Форобийнинг фикрича, бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришиш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар.

Инсониятнинг ўтмиши ҳам, ҳозирги куни ҳам яшаш учун моддий неъмат ишлаб чиқариш жараёнида яратиладиган озиқ-овқат, кийим-кечак, рўзгор асбоблари, турар жой ва шу каби нарсаларга эга бўлиши керак. Бу ўзаро бирлашиб ишлашни талаб қилади, касб-хунарлар ўртасида маълум муносабатларни келтириб чиқаради.

Ўрта Осиёнинг ХҲ аср ижтимоий-фалсафий фикрининг ривожига катта ҳисса қўшган Хусайн Воиз Кашифий (ваф. 1505 й.) ўзининг “Ахлоқи Муҳсиний” асарида ёзишича, Қимматли ҳаёт яшиндай тез ўтади; ҳаётнинг вақти денгиз тўлқини каби беқарор. Ҳар бир ўтиб кетаётган соат бебаҳо жавохирдир; буни билиш керак ва ҳар бир хоҳлаган дақиқага эришиш, алмаштириб бўлмайдиган қулай фурсатдир, уни бузиш мумкин эмас⁵”

Ўзининг фалсафа, мантиқ, ахлоқшунослик, фалакиёт, фикх илмлари соҳасидаги асарлари билан Ўрта Осиёда машҳур бўлган Жалолиддин Давони ўзининг “Ахлоқи Жалолий” (буюклар ахлоқи)

³ Беруний А.Р.Избранное произв. Т.1.-Т.: Изд. А.Н Уз ССР. 1957.-23-б.

⁴ Форобий. Абу Наср. Рисолалар. (Маъсул муҳаррир) Ўз Фа. Мухбир аъзоси М.М.Хайруллаев.-Т.: “Фан”. 1975.-134-б.

⁵ Қаранг: Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Изд. Второе, дополненное.-Т: «Фан», 1976. 467-б.

асарида ёзган эдиким, инсоннинг ўз уруғига ёрдам бериш эҳтиёжини қуйидагича изоҳлаш мумкин: агар ҳар бир одам ўзи учун тартиб бўлсин деса, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, қурол, мулкка эга бўлиши керак, у ҳар бир ишни бошидан бошлашига тўғри келади, унга дурадгорлик асбоблари, меҳнат қуроллари ва зарур ҳунарларни ўрганишга тўғри келади. Кейин озиқ-овқат, кийим-кечакка, турар-жойга эга бўлиши учун уларнинг ҳар бири билан (ҳунар) билан шуғулланиши лозим, лекин у бу вақтда мулкни тартибга солиш ва тайёргарлик кўрганда, у озиқ-овқатсиз, кийим-кечаксиз, турар-жойсиз қолиб кетиши мумкин, бу эса унинг ўлимига сабаб бўлади. Агар унинг бутун вақти ҳунарлардан бирига сарф қилинса ҳам, шу ҳунарларни тўласинча ўргана олмай қолади. Лекин (кишилар) бирлашиб бир-бирига ёрдам берсалар, ҳақиқатан бошқалар учун қайғурсалар, ўшанда ўзаро ёрдам ва алмашиш натижасида адолат йўли пайдо бўлиши мумкин, ҳаёт воситалари тартибга солинади, кишиларнинг ахволи ва инсон уруғини сақлаш мустаҳкамланади.

Ҳар бир киши бошқа одамга эҳтиёж сезади, ҳар бир киши бошқаларни қўллаб-қувватлайди ва уларнинг ўзаро ёрдами туфайли ҳаммаларининг мавжуд ахволи яхшиланади.

Шундай қилиб, шу нарса аниқ бўладики, инсон ўз уруғ-аймоғи билан биргаликда бирлашмага, уюшмага, иттифоққа муҳтож бу (бирлашма) эса жамият деб айтилади...⁶ Бу фикрлар буюк мутафаккир К.Марксдан 4-5 аср илгарироқ изоҳ этилганини ҳам унутмаслигимиз лозим. “Ахлоқи Жалолий”да таҳсинга сазавор қуйидаги маънодаги сўзларни ҳам ўқиймиз: Мучалар билан тана доимий равишда бир-бири билан алоқада бўлгани каби, масалан, ҳайвоннинг қалбида жигар юраксиз мавжуд бўла олмагани каби, туғма ҳаётий қалбнинг кучи ва юраги ҳам жигарсиз мавжуд бўла олмайди, уларнинг иккаласини ҳам озиқлантириш миянинг ҳиссий қалбига боғлиқ. Шунингдек, одамлар ҳар бир-бири билан абадул-абад боғлиқ. Демак, ҳар бир шахснинг такомиллашуви ва яхлитлиги бошқа кишиларга боғлиқ экан. Демак, инсон уруғи билан муомала қилиш ўзаро ёрдам йўли билан бўлар экан, акс ҳолда у адолат (қонун) қоидаларидан четга чиқиб сиқилиб қолади.

Хуллас, Форобийнинг фикрича, кишилар бир жойда бирга яшаб меҳнат қилганлари учун бир-биридан манфаатдор, шу сабабли бу ерда меҳрибонлик манфаатдорликка айланади, шунингдек, бу ерда кишилар бир-бирларидан лаззат-роҳат оладилар, бу ерда меҳрибонлик

⁶ Ўша ерда. 480-б.

лаззат-роҳатга ҳам айланади, мана шу тарзда улар бир-бирлари билан боғланади, жипслашади.⁷

Беруний жамиятнинг келиб чиқишини инсонларнинг энг олижаноб истаклари бўлмиш бир-бирларига кўмаклашув, фойда келтириш, эҳтиёжларини қондириш, яъни умум манфаатга бўлган эҳтиёж деб билади. Ана шу нуқтаи назардан у инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий вазифасини таҳлил этади. У жамият кишиларнинг биргаликдаги фаолиятининг натижасида келиб чиққан экан, демак инсон бошқа кишиларнинг манфаатини ҳам ўйлаб “унинг оламдаги бутун фаолияти давомида инсониятнинг мавжудлигига тааллуқли бўлган қонун-қоидаси сифатида зарур бўлган муайян бурчларни” бажаришни ўйлаши ҳам керак. Унинг таъкидлашича-ҳар бир кишининг қадри-қиймати унинг ўз ишини аъло даражада амалга оширишидир. Инсоннинг асосий бурчи ва вазифаси меҳнатдирким, у орқали ҳамма истаклар амалга ошади. Аммо, инсон мижозининг ҳар хиллиги ва унинг табиатининг турли-туманлиги уларнинг мақсади ва истакларининг ҳар хиллигини таъминлайди. Қачонки уларнинг мақсад ва ўйлари ҳар хил бўлганидан санъат ва касбкорлари ҳам турли-туман бўлган, яъни меҳнат тақсимооти амалга ошган. Лекин бу истак-хоҳишларни ўзбошимчалик ёки юқоридан асосланган деб тушунмасдан уларнинг табиийлигини “қалб, ўзининг ҳолатига кўра кўпинча тана мижозига бўйсинади”⁸ маъносида тушунтиради. Бунга биноан ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баб-баравар бўлади, кишилар ўртасида фарқ қолмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Лекин жамият бобида бу камлик қилади. Жамиятнинг муайян тараққиёт босқичида ўзига хос умумий мақсад ва вазифалар турадиким, уни амалга оширишда жамиятдаги барча кишиларнинг фаолиятини бирлаштиришга, умумлаштиришга ҳам чорлайди. Бу фикримизни янада оддийроқ қилиб кўрсатишга уринган ҳолда Форобийдан қуйидаги ўхшашликни келтириш билан чекланамиз: “Хонадонни кураётганда маълум миқдордаги, яъни шу уйни қуришга етадиган миқдорда қурилиш буюмларини ишлатадилар, бу иштирокчилар 4 га бўлинади: эр ва хотин, хўжайин ва хизматчи, ўғил ва қиз ҳамда хонадонда бор қурилиш ашёлари ва сотиб олинган нарсалар. Буларни бошқарувчи, бир-бирига боғловчи, ягона бўлган мақсадни, яъни хонадонни муваффақият билан кўриб битказиш

⁷ Қаранг: Форобий, Абу Наср. Рисолалар...-115-б.

⁸ Абу-р-Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний. Собрание с ведений для познания драгоценностей (минералогия). Перевед А.М. Беленицкого.-М.: Изд. АН СССР. 1963. 11-б.

мақсаднинг амалга ошириш учун ҳамма бор кучини бир жойга тўпловчи бу уйнинг хўжайинидир, шу сабабли бу киши қурувчи деб аталиб, у уйда худди шаҳар ёки давлатни бошқарувчи кишига ўхшашдир”⁹.

Масаланинг яна бир томони бор. Маълумки, инсон ҳеч қачон туғилганда яхши ёки ёмон бўлиб туғилмайди. Шунингдек ҳунар ҳам туғма бўлмайди. Аммо, “ҳар бир кишида бирон бир фазилатга, ёки қабилликка мойил қобилият бўлади, яъни бирон бир соҳа бошқа соҳаларга нисбатан енгилроқ сезилади, ана шу сабабли инсон одатда ёзиш ёки бошқа ҳунарларга, ўзига қулай бўлган ҳунарларга ёшлигидан мойил бўлади ва шу соҳага у интилади, фақат “ташқаридан” бирон-бир унга қарама-қарши маслаҳат берилмаса, албатта”¹⁰.

Ана шу туғма истеъдод, қобилият ҳунар олдида турган қийинчиликларни енгиб, тажрибалар ортириб ахлоқий ҳислатларга айланса, бу орқали инсон ўзининг яхши мақсадига эришиб хайрли ишларга бор фазилатларнинг энг яхшисига лойиқ бўлиб, ўз замонасининг маънавий жиҳатдан етук фарзандига айланади. Демак, инсон туғилганида камолотли бўлиб туғилмайди, уларнинг орасида фарқ ҳам бўлмайди, ҳулқи фаолияти, ҳаёти ўхшаш бўлади. Булар кейинчалик ўзгаради, яъни жамиятда одамлар орасида ўса бошлаб, бир-бирлари билан турли-туман муносабатлари бошланиб, инсон ўзининг моддий, дунёвий ҳаёти билан мувозий ёндош маънавий “ҳаёт”ни ҳам барпо этади. Бундай мувозий (яъни паралел)лик тўғри тушуниш ҳам катта аҳамиятга эга. Жамиятнинг маънавий ҳаёти муаян дунёвий жараёнлар йиғиндисидир, яъни у ёки бу моддий жараённинг айнан ифодаси, аксидир. Моддий фаолият билан бир қаторда у ягона жамият фаолиятининг иккинчи томони сифатида содир бўлади.

Демак, маънавий ҳаётсиз жамият тараққиёти амалга ошмайди. Аммо, маънавий соҳанинг даражаси, муайян “ҳозирги” мазмунини пайқаш, англаб олиш ҳар доим самарали бўла олмайди. Баъзан маънавиятнинг шаклланиши жамиятнинг моддий тараққиётидан орқада қолиши ёки унинг ўзига хос ички қонунларининг тараққиёти натижасида у моддий ҳаётдан анча-мунча илгарига ўтиб кетиши ҳам мумкин. Мисол учун ҳозирги мустақил Ўзбекистон Республикамизни олсак, мустақилликни мустаҳкамлашнинг аниқ иқтисодий-сиёсий, маънавий заминларини белгилаб, олиш ҳозирги давримизнинг долзарб масалаларидандир. Аниқ мақсад атрофида халқни бирлаштириш шу

⁹ Форобий Абу Наср. Рисолалар...-103-б.

¹⁰ Форобий Абу Наср. Рисолалар....-99-б.

қуйилган мақсадни амалга оширишга яхши самара беради. Президент И.А.Каримовнинг таъкидлашича, “Бугунги кунда ҳам халқни яқдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби-Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини шакллантириш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз”¹¹. Тўғри, ҳозирда республикада иқтисодий ва сиёсий заминларни мустаҳкамлаш борасида дастлабки қадамлар қўйилган. Лекин мустақилликнинг маънавий замин хусусида ҳали ўйлаганимиз йўқ. Одамларнинг қорни тўйиб, усти бут бўлиши билан мустақил бўлиб қолишмайди. Бунинг учун жамият аъзоларида юксак миллий онг, истиқбол йўллари ҳақида аниқ, виждон билан англанилган ва ишонч бўлмоғи зарур.

Бунга осонлик билан эришиб бўлмайди. Бу ўта мураккаб ва узоқ вақтни талаб қилгувчи жараёндир. Лекин уни кечиктириб ҳам бўлмайди. Бунинг учун, аввало, кишилар онгидаги, табиатидаги, ахлоқидаги ўзимиз яратган кўпгина мавжуд алоқа, муомила шаклларига барҳам бериш лозим. Иккинчидан эса, оёқ ости қилинган ва ҳатто кўпинча унутилиб юборилган миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш лозим.

Соғлом маънавий муҳит барқарор бўлган жамиятда ҳамма нарса қонунлар, ҳуқуқий тартиб-қоидалар асосида адолатли йўл билан ҳал этилади.

Демак, инсоннинг асосий фазилати-маънавиятдир. Маънавий баркамоллик бор жойда тараққиёт бўлади, одамлар ўртасида тенглик, биродарлик, ҳамкорлик, ҳамдўстлик, адолатга асосланган муносабатлар бўлади. Материалистик фалсафада борлиқ онгни белгилайди, деган тўғри фикр бор. Лекин ўз ичига бутун маънавий бойликларни ҳам олган ижтимоий онг борлиқнинг сурат сифатидаги ифодасигина эмас, балки унга таъсир кўрсата оладиган катта ижтимоий кучдир. Борлиқни қўли, оёғи бўлган инсонларгина эмас, балки юксак маънавий қадриятларни онгига чуқур сингдирган кишиларгина адолатли равишда ўзгартира оладилар, юксалтирадилар.

Тўғри, бир мақсад йўлида ақидаларнинг турлича бўлиши, йўлнинг турли равишда бўлишига сабаб бўлиб бу йўлнинг бир хилда бўлишига имконият бермаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам мақсадни амалга оширишда қасд ва ғайрат қилиш мўлжалланган ишни бажаришда катта таъсирга эга бўлади. “Ҳар бир борлиқ ҳеч сўзсиз ўз

¹¹ Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар.-Т.: “Ўзбекистон”, 1992, 13-б.

вужудига, ўзига хос бўлган мартаба-энг юксак камолатга эришиш учун борлиққа келган”-лигини қайд этган Берунийнинг эътирофича ҳали Сукрот, Аристотель, Афлотун инсоннинг ҳаёти учун озиқ-овқат ейиш ва бир-бирлари билан алоқа қилиш ва ўзларига керакли нарсаларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат қилиш ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисоблаганлар.

Фойдали фикр юритиш ҳар бир инсоннинг мавқсади бўлмоғи керак, чунки инсон иш қилаётган пайтида албатта ўз олдига бирон бир мақсад қўяди.

Инсоният ўзига яраша фикр, мақсад, ғоялар, иш тажрибасидан бирон ишни қилаётганда ўз билими, тажрибасидан тўғри фойдалана олмаса бир-бирига тўғри фикрларни боғлай олмаса-аҳмоқона иш қилган бўлади.

Инсон олий мақсад сари доимо интила бориши керак. Шунинг учун ҳам инсониятни қадимдан маънавий жараёнлар, уларнинг келиб чиқиш йўллари ва тараққиёти қонунлари қизиқтиради.

Маълум ғоя, назария ва бошқалар воқеликда нимани акс эттиради, улар у ёки бу маънавий ҳаёт таркибий қисмига, ижтимоий воқеликка, кишиларнинг бутун ҳаётий фаолиятларига қандай акс таъсир қилади. Кейин эса маълум ижтимоий фаолиятларни билиш жуда муҳим, чунки маълум маънавий маълумот жамиятда қандай вазифаларни бажаради, унинг қандай аҳамияти мавжуд, кишилар ҳаёти учун қандай қадриятга эга, деган саволлар кун тартибидан тушмай келди.

Маънавий ҳаёт тарбия, таълим, маълумот, маориф, ташвиқот ва бошқа муҳим жараёнларни ўз ичига олувчи ахлоқий, эстетик, диний ва бошқа маънавий қадриятлар ишлаб чиқариш жараёни ҳамдир.

Маънавий ҳаёт нафақат фикр, ғоя, назария ва бошқаларни ишлаб чиқади, балки кишиларнинг ўзларини ҳам ўзгартиради, яъни таълим, маълумот олиш, тарбия жараёнида, кишиларнинг маънавий сифатларини шакллантириш, инсоният томонидан яратилган барча қадриятларни ўзлаштириш жараёнида инсон гуё қайтадан “маънавий туғилади”. Шу маънода Плутарх бундай ёзган эди: “Александр (Македонский-Х.Х.) дастлаб Аристотель билан завқланган ва унинг ўз сўзи билан айтганда ўқитувчисини ўз отаси Филиппдан кам севмаган, Филипп олдида у яшаётганлиги билан қарздор бўлса, Аристотель олдида эса муносиб яшаётганлиги учун қарздор эди”¹². Диоген

¹² Плутарх. Соч., -М.: 1983.53-б.

Синопский куппа-кундузи қўлида фонус билан юрганда, мана шундай “маънавий туғилган” “инсонни ахтараётиман”¹³ деб бежиз тушунтирган бўлмаса керак.

Марк Аврелий ёзган эди: “инсон қандай бўлиши керак деб сафсатабозлик қилгандан кўра, инсоннинг ўзи бўла қолмоқ керак”.

Тўлақонли инсонни шакллантириш муаммолари бутун инсониятнинг “кун тартибида” туриб, ҳаммани ҳаяжонлантириб келмоқда. “Авеста” саҳифаларига қараб шуни қайд қилиш мумкинки, 15 ёшга яқинлашган ўсмирлар балоғат ёшига бағишланган ибодат урф-одатини жамоа олдида бажарар эди. Балоғат ёшига етган йигитни зардушт қонунларига, фалсафа, вхлоқ-одобга ўргатишга, художўй, меҳнатсевап, одил, ўй-ниятли, сўзи, иши эзгу бўлиши ва ҳоказоларга эътибор берилган. Агнатик (агна-оталар йўли билан боғланган бир нечта оилалар иттифоқи Х.Х.) гуруҳ уларга муқаддас камар ва куйлак берилган. Мана шу инициацион расмий инсоннинг “иккинчи туғилиши” деб қаралган. Шундан кейингина ўсмир, жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзоси деб ҳисобланган. Ибодат маросимларида қатнашган, расмийлаштирилган мажбурий муносабатларда, никоҳ ва бошқаларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган. Демак зардуштийлар таълими асосида-нафақат сиҳат-саломатлик ва жисмоний куч ҳақида, балки маънавий етуқлик, маънавий софлик ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиш ётади.

Джемс Джордж Фрезер¹⁴ гувоҳлик беришича, диери қабиласи (Марказий Австралия), Жанубий Шарқий Африкадаги тоғлик қабилалар, Латука қабиласи (Марказий Африка), вонгхи (Янги Жанубий Уэльс) ва бошқалар инициация марсими ёки тишни юлиб олиш орқали болани қабиланинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантириш, етук маънавий мавжудотга айлантиришга ҳаракат қилганлар.

Бу урф-одатларни шу нуқтаи назардан таҳлил этиб, уларнинг маънавий ҳаёт тушунчасидаги ўрнини проф. С.Ф.анисмов кўрсатиб берди. У ибтидоий жамоа даврларидан барча қабилаларда, у ёки бу шаклда удумлар муқаддаслаштирилган бўлиб, боланинг ёки ўсмирнинг етук маънавий мавжудотга “айланиши” расмиятини расмийлаштирганлар.

Ибтидоий жамиятдаги инициация яхудий ва мусулмонларда хатна қилиш, христианлик динига эътиқод қилувчи халқларда

¹³ Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов/Ред тома и авт. Вступ. ст. А.Ф.Лосева. Перевод М.Л.Гаспарова. -2-е изд.-М.: “Мысль”, 1986, 227-б.

¹⁴ Фрезер Дж.Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии. —М.: Политиздат, 1980, 54, 79, 260-261, 552-б.

чўқинтириш ва конформация¹⁵ да кўзга ташланади. Бундай урф-одатни амалга оширмагунча бола ёки ўсмир ҳатто маълум маънода тўла мукаммал бўлмаган мавжудот ҳисобланган.¹⁶

Хатна урф-одати ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан мусулмончиликга мансуб бўлсада, кейинчалик шариат томонидан исломлаштирилган бўлиб, исломда диний рамз ҳисобланмасада, табиий-мусулмонлар онгида нуқул исломга хос деган тушунчани шакллантиришга ҳаракат қиладилар ва бу мусулмонларни бошқалардан ажратиш тимсоли ҳисобланади. (Бу маънода ислом ва идуаизм ҳимоячиларининг муносабати ўхшашдир). Бизнингча, бу урф-одат ўзининг илдизи билан қадимги анъаналарга кўра инсон жуссасининг бирон қисмин худоларга қурбонлик қилиш, шунингдек боланинг етук камолотга етиш аҳдидаги мардлигини синаб кўриш усули билан ҳам боғланган бўлиши мумкин. Юзаки қараганда бундай, ўз-ўзидан маълум нарсани назарий жиҳатдан асослашда гуруҳлар, тоифалар ва синфлар манфаати кўзга яққол туша бошлади. Фақатгина “ўз манфатини” кўзда тутиб тадқиқот олиб бориш бирёқаламачиликка бошқаларнинг фикру-мулоҳазаларини менсимасликка ва бошқа шу каби касофатларга олиб ҳам келди.

Маънавийлики жуда ҳам кўпгина кўринишларидан бўлган меҳр-шафқат, ҳайру-эҳсон, сабр ва тоқат, нуронийлик каби бир қанча инсоннинг ички руҳий оламига тааллуқли тушунча ва категорияларни диний оламга тааллуқли деб ҳисоблаш чуқур илдиз топган эди. Бу тушунча ва категориялар нафақат диний ахлоқшуносликда, балки диндорларнинг кенг оммаси онгида кенг тарқалганини ҳам инобатга олмасдан ундан юз ўгириш келиб чиқди.

Тўғри, маънавийлик тушунчаси кўп қиррали, фавқулодда мураккаб, кенг тушунча, категориядир. И.Кантнинг фикрича, иккита нарса бизнинг тасаввурларимизга ўзининг салмоқли таъсирини кўрсатади: бу бизнинг тепамиздаги юлдузли осмон ва бизнинг ички дунёмиздаги “ахлоқий қонун” яъни инсоннинг ички руҳияти, маънавий олами. Ана шу ички олам, руҳият тушунчасини инсоннинг табиий-биологик хусусиятини моҳиятини етарли даражада билмаслик ҳам турли хил сохта, дағал (вульгар)материализмнинг турли-хил кўринишларига “рух”, “руҳият” каби тушунчаларни тамомила рад этишгача олиб келди.

¹⁵ Католиклар ва протестантларда ёшларни черковга аъзо қилиб олиш маросими

¹⁶ Қаранг: Анисимов С.ф. Духовные ценности... 36-б.

Натижада “маънавийлк” тушунчасини дин, диний назариётчилар ва идеалист файласуфлар ихтиёрига ижарага бериб қуйиб, ундан ҳақиқий инсоний маънода фойдаланганда ҳам ҳадиксираб қолдик. Ўтмишда фалсафий фанларда “маънавийлик” тушунчасига тўласинча эътиборсизлигимиз натижасида кўп йиллар давомида бу тушунча ўта мавҳумлаштирилиб, диний-илоҳиёт томонидан уни олам тўғрисидаги диний ва илоҳий тасаввурларга тааллуқли кучли далил сифатида қаралди. Маънавийлик тушунчасини илоҳий-идеалистик шарҳлаш натижасида унинг ҳақиқий маъноси ва табиатини илоҳийлаштиришга олиб келди.¹⁷

Ҳозирги пайтда бу соҳада анчагина таҳсинга сазавор тадқиқотлар кўзга кўрина бошлади. Шу жумладан, М.С.Каган, В.Т.Федотова, Н.А.Акбарова ва бошқалар.¹⁸ Маънавийлик тушунчасига анча аниқлик киритиб, уни у билан бир қаторда инсон хатти-ҳаракати, ахлоқи ҳамда унинг ҳаёти инсон онгининг такомиллашган сифати эканлиги (демак, маънавийлик билан онгни тўласинча айнан тушунчалар дейиш мумкин эмас) қайд қилинади.

Улар томонидан “маънавий ва онглилик” тушунчаларининг мазмунини бир-биридан тўласинча ажратиш учун муваффақиятли ҳаракат қилинган, чунки бу тушунчалар инсоний такомиллашган сифатларни англатади, бу билан маънавийлик тўлақонли мустақил фалсафий категория мақомини олади. Бу категория нафақат шахс онгининг даражасини англатади, балки инсон ишларига мувофиқ бўлган унинг хатти-ҳаракати, хулқи ва ҳаётининг ички мазмунини ҳам англатади.

Инсоний руҳнинг улуғворлиги, унинг маънавийлик даражаси, унинг бошқа кишиларга муносабати, улар ҳақида қилинган ғамхўрликлар: яқинлиги, севгиси, зарур бўлган пайтда ёрдамга келиб ўз елкасини тута олиши, уларнинг қайғусига ва қувончига шерик бўла олиш, раҳм-шафқат ва ҳамдардлик қила олиши, бирга қайғура олиши ва бошқаларда кўзга ташланади. Юқорида саналган маънавийликнинг шакл ва услубларининг намоён бўлиши, инсоний ўзаро таъсир, муносабатлар хилма-хиллигидан далолат беради. Ўзаро муносабатлар туфайлигина “индивидлар нафақат жисмоний, балки бир-бирини маънавий ҳам яратадилар”, бунёд этадилар.

¹⁷ Қаранг: Акбарова Н.А. Переоценка роли религии и атеизма в формировании духовности в современных условиях (Дисс, на соискание уч. ст.канд. филос. наук. Т.: 1991.)

¹⁸ Қаранг: Каган М.С. О духовном (опыт категориального анализа). Вопросы философии. -1985. -№9; Федотова В.Т. Духовность как фактор перестройки. Вопросы философии.-1987. №3;

Ўз даврида И.Кант руҳни “инсонни тирилтирувчи қонун” деб айтган эди.¹⁹ У инсон маънавиятни ташкил этувчи муҳим хусусиятларидан бири унинг ўзи ўзига қарши тура олиш қобилияти ва у ўз бурчининг юксак майллари орқалигина шахсий ҳавас ва хоҳишларига қарши чиқа олади, деб ҳисоблаган эди.

Тасодиф эмас, инсон инсон сифатида ўз ўзини қурбон қилиш маънавийликни изҳор қилиш шакли. Ўз-ўзини қурбон қилиш ҳодисаси шунинг учун маънавийликни, у вазиятни ўзи тушуниб олишнинг юксак даражаси ва бошқаларга ёрдам беришга интилиши билан боғлангандир.

Мана шунинг учун ҳам маънавийлик шундай қимматли, мустаҳкам инсоний сифатлар билан боғланган ва энг камида инсонийликлардан: раҳм қилиш, меҳр-шафқат, кишиларни севиш, ўзини бошқаларнинг ўрнига қўя олиш, уларга хайрли ишлар қилишни хоҳлаш, ёвузликка қарши тура олиш, камтарлик ва софдиллик, нафақат ўз қизиқишларини ўтказиш, балки бошқа инсонлар манфаатини ҳам ҳурмат қилиш, жамият, жамоа манфаатларини ўзининг шахсий манфаатлари сифатида қабул қилиш билан боғланган. Бундай махсус, қимматли инсоний сифатларни шакллантиришнинг бошланғич нуқтаси шахснинг ҳулиқида намоён бўлиши, унинг маънавийлигини бошқа инсонларда ҳам шубҳасиз эҳтиёж сифатида шакллантириш ҳисобланади. К.Маркс сўзи билан айтганда, бошқа кишига бўлган эҳтиёж энг буюк бой эҳтиёж эканлигини билиб олиш маънавийликнинг олий кўринишидир.²⁰

Биз бу ерда инсон фаолияти маънавийлигининг муҳим тавсияларидан бирига яқин келдик. Бу беғаразлик, холисликдир. Инсоннинг хатти-ҳаракати ва ишлари шу вақтда ҳақиқий маънавийлик ҳисобланадики, қачон улар беғаразлик, холислик далиллари билан қабул қилинган бўлса.

Олий мақсад ишончга асосланади. Диний ишонч, эътиқод тўғрисидагина эмас, балки инсон маълум маънавий ҳолатининг сифати бўлган ишонч тўғрисида ҳам гап кетаётир. Ўз навбатида олий мақсадсиз, чуқур ишончсиз инсон маънавийлигининг асосини ташкил қилувчи ахлоқнинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда жамият маънавий ҳаётини янги қадриятлар билан бойитиш марказий вазифалардан эканлиги тасодифий эмас.

¹⁹ Қаранг: Кант И. Антропология с прагматической точки зрения. 1798.-Соч. Т. 6.-М.: Мысль. 1964.-467-б.

²⁰ Қаранг: Маркс К., Энгельс Ф. Соч., 2-е изд. Т.42. – 119-б.

Ижтимоий борлиқ чегарасида қонун билан тартибга солинадиган ҳаёт, турмуш ҳудуди ҳам кишилар маънавий қобилиятини эркин амалга оширадиган майдон ҳисобланади.

Инсоннинг ички маънавий ҳаёти-бу шундай соҳаки, бу ерда ҳар бир киши ўзига нисбатан ва ўз ҳаётининг қонун-қоидаларини қабул қилиш зарур. Инсон хулқ-атворининг нақши, амалий фаолиятининг йўналиши мана шу нарсага боғлиқдир.

Инсоннинг маънавий фаолиятига юзаки ёндашадиган, инсоннинг соғлом ахлоқий ҳиссиётларини “табiiй” деб, яхшилик қилишнинг, ёмонликдан яхшилик сари тараққий қилиш йўлида туғма хислат бор, деювчи мавҳум тасаввурлар ҳозир ҳам кам эмас.

Ижтимоий ҳаёт тажрибаси, кишиларнинг куч-қуввати ижодга эмас, бузғунчиликка, олдинга эмас орқага ҳаракат қилиши каби ақлга сиғмайдиган мисолларни ҳам билади.

Ўтмиш маданий меросларини тиклаш, одамдан ахлоқий ва ҳуқуқий талабаларга қаттиққўллик қилиш, уларнинг виждонларига мурожаат қилиш-хуллас, гўё буларнинг ҳаммаси жамиятдаги соғлом кучларнинг ахлоқий муҳити учун. Инсон ўз ҳаётида ижтимоий манфаатга тўғри келадиган тўғри йўл топиши учун жуда зарурдай туйилади.

Инсон ижтимоий тараққиёт вазифаларини ҳал қилишда амалий қатнашиб, ўзининг шахсий қадр-қимматини оширади, ўзининг маънавий оламини мавжуд, муайян борлиқ билан қўшади.

Инсон ҳаётининг кўлами қанча кенг ва узоқ бўлса, шунчалик зиддиятларни келтириб чиқарадиган, унга аниқ бир инсоний ўз-ўзини англаб олиш муаммосига яқинлашишга оғирлик туғдиради.

Ўзлигини фаҳмлаб олиш, ҳаёт йўлини танлаш-бу шахс томонидан янги сифатий маънавий ҳолатга ўтиш бўлиб, уни маънавий етукликка эришиш сифатида тавсифламоқ мумкин. Шундагина инсон ўзига объектив умуминсоний нуқтаи назар билан қараш мумкин ва ўз ҳаётини ё мазмунсиз, нотагон сифатида ёки олижаноб муайян ижобий маънога эга ҳаёт деб баҳолаши мумкин.

Бу, бир томондан, жамият тараққиёти билан инсон ўз ҳаётини эркин танлаш учун муайян моддий, маънавий шарт-шароитларни яратиш, уларни амалга ошириш имконияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, тараққиётнинг ўзи катта зиддиятларга дуч келиб, олдин баҳоланган кўплаб, илгари ижтимоий ҳаёт ҳақиқати деб туйилган нарсаларнинг қайтадан баҳоланиши билан ҳам боғлиқ. Қайта баҳолаш иқтисодиёт, маданият, халқаро муносабатлар соҳасига ҳам

қамраб олади. Инсон зиддиятларни ҳал қилишнинг тўғри зарурий йўлига дуч келади. Бу вазият бутун инсониятни қамраб олади. Бундай вазиятни барча индивидлар томонидан шакллантириш дабдаба эмас, сараланган энг яхши шахслар ёки пайғамбар учун атайлаб қилинган нарсаси эмас, балки умумий, ижтимоий, умуминсоний вазифадир.

Албатта шахс ушбу вазиятни бирданига, беихтиёр қабул қила олмайди. Инсон уни ўз тажрибасида синаб кўради, эркин шахс сифатида ўз борлигининг муқобилини таҳлил қилади. Муқаррар бу ерда у ўзининг ўз-ўзини англаш мантиғига бўйсинади, бу мантиқ умуминсоний мантиқ сифатида юзага чиқиши мумкин. Бу мантиқ инсоният маънавий ҳаёти диалектикасини бойитилган кўринишда қайта тиклаши мумкин.

Инсоннинг маънавий олами индивид ички ҳаёти сифатида унинг ташқи кўринишига, у ўзи эъзозлаган, мўлжаллаган нарсаларни танлаб олишга ёрдам беради.

Кундалик меҳнат натижасида, меъморчилик ижодиётида, адабиёт ва санъат асарларида, диний, фалсафий, илмий асарларда ижодкорларнинг “мангу нуқта”лари доимо ёритиб кўрсатилмоқда.

Инсон ўз ҳаётининг ҳақиқий маъноси, мазмунини уларда топомқда. Инсон борлигининг ҳақиқати, унинг ҳаёти, фаолияти атрофидаги воқеликка, жамият ҳаётига қай тарзда таъсири билан белгиланади, оқибат натижада бутун инсоният, унинг тарихий ҳаракати билан белгиланади.

Энг умумий ахлоқий ва ижтимоий тартиб қоидаларидан юз ўгириш инсониятни муқаррар ҳолатга олиб боради. Ҳозирги ҳаёт шароити объектив равишда инсоният тарихий маънавий тажрибаларига мурожаат этишни талаб қилади, у илгари ҳам вужудга келиб турган соғлом ақлга зид бўлган маънавиятларни ҳал қилиш йўллари қайта баҳолашни талаб қилади. Уларни англаш ҳозирги, ахлоқий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Ҳаётнинг мақсади шахснинг ижтимоий қиёфасини очиб беради. Мақсадсиз ҳаёт инсонда борлиқнинг моҳиятини сезмасликни келтириб чиқаради. Шу билан бир қаторда мақсаднинг хусусиятига қараб индивид ўз ҳаётининг мазмунини асослаб олади, унинг маънавий қиёфасини белгилай олади. Инсон ҳаётининг мақсади қанча катта ижтимоий аҳамиятли бўлса, унинг фаолиятида қадриятнинг аҳамияти ҳам юқори бўлади, шунга кўра ўз борлигидан қаноат ҳосил қилиши юқори бўлади. Қаноат ҳосил қилиш ва қабул қилиш даражаси борлиқдаги ҳақиқатни ифода этади. Бу даражага олиб келиш йўли,

ҳақиқий йўл бўлиб, ҳақиқий мақсадга эришишга мувофиқ келади. Ҳаётнинг бош мақсадини аниқлаб, унга эришиш қобилиятини ўзининг бошқа хоҳиш ва интилишларига бўйсиндириш шахснинг маънавий қиёфасини, унинг ифода кучини аниқлаб беради. Бу ерда унга унинг шахсий тажрибаси ҳам қўл келади. Демак, индивиднинг борлиқ ҳақиқатидан берилган эмас, у ишлаб чиқилади.

Барча ишларга, яхши ва ёмон, олижаноб ва қабих, қаҳрамонона ва ифодасиз ишларга инсонларнинг барчасида бир манба каби содир бўлгувчи майл бўлади. Яъни инсон ўзига мақбул бўлганича иш юритадиганга ўхшаса ҳамки кўпроқ фойда, қониқиш олиш учун, кам фойда ёки кам қониқишдан воз кечадиган ҳисоб-китобга асосланади.

Г.В.Плеханов Чернишевскийнинг “Нима қилмоқ керак?” асаридан қуйидаги парчани олиши ҳам бежиз эмас- “... олижаноб ишлар бутунлай ўйламай қилинган иш эмас”²¹ Сукрот дўстликни ҳимоя қилиб, дўстга эга бўлиш фойдали, чунки улар бахтсизликда керак бўлади, деб исботлаган эди. Донишманднинг таъкидига биноан, инсон ўз табиатига кўра яхши раҳмдил ҳам эмас, ёмон жаҳлдор ҳам эмас, балки шароитга қараб раҳмдил ва жаҳлдор бўлиб етишади.

Ҳар бир одам ўзи учун фойдали бўлган бошқа кишиларнинг юмушини, ишини яхши ҳатти-ҳаракат деб атайди; жамиятнинг фикрича, бутун жамият учун ёки унинг кўпчилик аъзолари учун яхши ишлар фойдали деб тушунилади; ниҳоят миллати ва табақасидан қатъий назар кишилар эса умуман инсон учун фойдали нарсани яхшилик деб тушунади.

Кўпчилик турли миллат ва табақаларнинг манфаатлари бир-бирига ёки умуминсоний манфаатларига қарама-қарши бўлиб қолиши мумкин, баъзан бир табақанинг манфаати бутун бир миллатнинг манфаатига қарама-қарши бўлиб қолиши мумкин. Бу ерда яхшилик, қаерда ёмонлик қаердалигини қандай ҳал қилиш мумкин? Бу масалани назарий ҳал қилиш қийин эмас, умуминсоний манфаат алоҳида олинган миллатнинг манфаатидан юқоридир, бутун бир миллатнинг умумий манфаати, алоҳида олинган табақанинг манфаатидан юқоридир, кўп сонли табақанинг манфаати оз сонли табақанинг фойдасидан устундир. Амалиётда у қандай бўлади? Амалиётда кишилар, кўпинча кенгрок омманинг бунга қандай қарашини ҳисобга олмаган ҳолда ўзлари учун фойдали бўлган ҳатти-ҳаракатларни яхши деб, зарарлиларни хунук деб қарайдилар. Лекин Чернишевскийнинг

²¹²¹ Қаранг: Плеханов Г.В. Чернышевский и его время. Соч. Т.-М.: Госиздат. 1924, 216-б.

фикрича, кишилар, табақалар ёки миллатлар ўзларининг хусусий манфаатларини жамият манфаатларидан устун кўрсалар, ниҳоят ўзлари бу “назарийликдан” зарар кўрадилар. Маълум шароитда баъзи миллатлар ўз фойдаси учун жамият манфаатларини поймол қилади ёки баъзи табақалар бутун миллатнинг манфаатларини ҳам шундай қилади, ҳамма вақт бундай ҳолатлар бошқалар манфаатига зарар етганларгагина эмас, балки зарар келтирганлар манфаати учун ҳам зарар келтиради, баъзи табақалар инсониятни асоратга солиб ўзини хунук оқибатларга олиб келиб, ўз қилмиши билан бутун халқни қурбон қилиб-миллатни нобуд этишга олиб келади.

Агар жамият табақалар ёки синфларга бўлинмаган бўлса, бундай жамиятда алоҳида шахснинг ҳатти-ҳаракати кўпчиликнинг манфаатига мувофиқ бўлса яхшилик, кўпчиликнинг манфаатига зид бўлса, бу ёмонликдир. Демак, яхшилик ва ёмонлик ҳукмининг асосида (айтиш мумкинки) Кўпчиликнинг худбинлиги, ижтимоий худбинлик ётади. Лекин бутун бир яхлит худбинлик алоҳида шахснинг альтруизмини,²² индивидуал альтруизмни инкор этмайди. Аксинча, бу унинг манбаи бўлади, жамият ўзининг айрим аъзоларини хусусий манфаатга нисбатан ижтимоий манфаатини устун қўйиш руҳида тарбиялашга ҳаракат қилади, чунки ушбу шахснинг ҳатти-ҳаракати жамият талабини қониқтириши мумкин, бу билан шахс фидокор, одоблироқ, альтруистроқ бўлади. Агар жамиятнинг ушбу талабини шахс ўз ҳатти-ҳаракатида бузса у манфаатпараст, ахлоқсиз, худбин бўлиб қолиши мумкин. Мана шу ҳамма вақт кишилар томонидан содир бўладиган альтруистлик ёки худбинликнинг мезони бўлиб хизмат қилади. Бу ердаги ҳамма тафовут шундан иборат бўладики, шахс ва жамият, кўпчиликнинг манфаатларидан қайси бирини устун қўяди. Жамият кўпчиликнинг манфаатини асос қилиб олар экан, алоҳида шахс ҳатти-ҳаракатининг мезони қилиб унинг шахсий манфаатини эмас, балки унинг ички интилиш билан боғланган қизиқишини ҳам олади. Алоҳида шахс кўпчиллик манфаатига хизмат қилар экан, у аввало шахсий фойдага асосланиб иш қилса, у ўзида катта ёки кичик топқирлик, зеҳни ўткирлик, катта ёки кичик эҳтиёткорлик мавжудлигини сезса-да, катта ёки кичик альтруизмни намоён қила олмайди. Инсонни ахлоқ руҳида тарбиялаш деганда унинг ҳатти-ҳаракатларининг жамиятга фойдали бўлишини, жамиятнинг манфаати унинг инстинктив эҳтиёжга, туғма ҳис-туйғуга айланишини

²² Альтруизм-ўз манфаатларидан воз кечиб бошқаларга яхшилик қилувчи, ғамхўрлик қилувчи одам худбинликнинг акси.

таъминлаши керак. (Кантнинг “қатъий императиви”). Бу эҳтиёж қанчалик кучли бўлса, ҳар бир шахснинг ахлоқи ҳам шунча кучли, юқори бўлади. Қаҳрамонлар шундай кишилар бўладикки, улар ўзининг эҳтиёжларига бўйсинмасдан, ўзига жиддий хавфли бўлса ҳамки жамиятнинг мавжуд матфаатларига хизмат қиладилар.

Бу масалани “маърифатчилар” ҳам, Чернишевский ҳам билмадилар, Кант ҳам бу масалада хатога йўл қўйди. Кант ахлоқий яхши ниятни фойдага ҳеч қандай алоқаси йўқ деб тушунди, у бу ҳолатда шахсий альтуруизмни ижтимоий худбинликдан келиб чиқиб ва ривожланишини тушунтириш нуқтаи назаригача етиб бормади.

Агар у ёки бу “Мен” ўз бахтини бошқалар бахтида кўра олса; агар у бу бахтга “иштиёкли” бўлса, бундай “Мен” худбинлик ҳисобланмай, альтруистлик ҳисобланади. Шундай бир худбин борки у ҳеч қачон ўзининг шахсий роҳатидан бошқа нарса ўйламаса, бошқаси жонбоз, ташаббускор, ўзини бутунлай унутиб, умум манфаатига берилиб кетган бўлади, биров ўз эҳтироси билан яшайди, бошқаси эса ўз ғоялари учун яшайди. Бундай кишилар, бир-бирига тубдан қарама-қаршидирлар.²³

Шундай қилиб, инсон ҳақиқий инсонийлик даражасида яшаши, фаолият қилиши ва ижоди учун моддий нозу-неъматларни яратиш билан бир қаторда ўзининг маънавий қифасини ҳам яратиб бориши шарт. Меҳнат жараёнида бошқа одамга эҳтиёж, бир-бирига манфаатдорлик, ўзаро кўмаклашув, бир-бирини кадр-қимматини билабориши ва ҳокозалар, умумий мақсад ва вазифаларини келтириб чиқаради. Жамият таарққиётининг муайян даражасида келиб чиққан умуминсоний мақсадлар ҳар бир шахснинг маънавий ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Улар ўртасидаги диалектика (ўзаро муомила) жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади:

Маънавий ҳаётни англаш ўзлаштириш жараёнида шахс гўё қайтадан туғилади, яъни тўлақонли инсон шаклланади, маънавийлик таълим, тарбия, тажриба, ва ҳақозалар натижасида инсоният етиштирган мафкура, ғоя, санъат, ахлоқ, дин ва бошқалар орқали инсонни шакллантиради. Маънавийлик инсонда дўстлик, ватанни севиш, ҳурмат, меҳр-шафқат, кишиларни севиш, ўзини бошқалар ўрнига қўя билиш, ҳайру-эҳсон, мурувват, софдиллик... каби фазилатларда кўринади. Ижтимоий борлиқ чегарасида қонун билан

²³ Қаранг: Плеханов Г.В. Ўша асар, 221-222 б.

тартибга солинадиган маънавий ҳаёт инсонларнинг маънавий қобилиятини эркин ва самарали тарзда амалга оширишга олиб келади.

2§ МАЪНАВИЯТ ВА ҚАДРИЯТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Фалсафий ахлоқшунослик адабиётларида анчадан буён маънавият ва маънавий ҳаёт ҳақида бир мунча юзаки фикрлар айтилиб, бу тушунчаларнинг мазмунига озроқ, аниқроғи ноҳолисона бир ёқлама тарзда қаралиб келди. Хусусан, инсоният ҳаётида яратилган маънавиятнинг қадриятга айланиши ҳамда қадриятларнинг хусусиятлари, намоён бўлиш шакллари, уларни баҳолаш мезони каби масалаларнинг ҳар томонлама таҳлили ўз навбати кутмоқда. Устига-устак, дунёқараш ва ҳаётий йўналишда катта аҳамиятга эга бўлган маънавийлик атамаси у ёки бу тарзда кўп қўлланиб, уни бўрттириш, унга бирёқлама-мавҳумлик тарзда қараб, бу атамани меҳр-шафқат, шукр каби тушунчалар билан бирга бизга фақатгина дин орқали тақдим этилган, деган фикрлар ҳам озмунча эмас.

Олима Н.А. Акбарованинг жуда ҳам ўринли ёзишича, бундай қолипга тушиб қолган тафаккурга кўра маънавийлик бевосита диний этикага тааллуқли категория бўлишига қарамай, оммавий онгда бундай тушунча кенг тарқалган. Бу масалада бизнинг фалсафий адабиётнинг айби мавжуд, чунки яқин вақтгача мафкурамизга зид келган идеалистик қарашларни назар-писанд қилмасликка уринар эдик, динни ҳам, идеализмни ҳам, улар билан боғлиқ бўлган категорияларни ҳам “очикдан-очик инкор қилиш” билан шуғулланиб келар эдик. Шубҳасиз, шунинг учун кундалик онг даражасида маънавийлик тушунчаси илмий, материалистик дунёқарашга қарама-қарши тасаввурларга эга бўлган кенг омма онгида мамнуният билан мустаҳкам боғланган эди.²⁴

Инсон ички оламининг муҳим хусусиятларидан бири унга маънавий йўналиш мавжуд. Инсон нафақат овқатланиш, ичиш, кийинишга интилади, балки ҳаётни тушуниб етишга ҳам интилади. Инсон нима учун яшаётганлигининг мақсади бўлиши керак. Бу билан у ҳайвонлардан фарқ қилади. Тўхлик, фаравонлик ҳамма вақт, ҳар ҳолда, узоқ муддатда уни қаноатлантира олмайди. Асосий моддий эҳтиёжларни қондириш ҳаётнинг дастлабки заминидир, муҳим бўлса ҳамки, фақатгина шароитидир. Одам том маънодаги инсон бўлиши, бахтли бўлиши учун унинг маънавий оламининг ривожига ҳам юқори даражада бўлиши зарур.

²⁴ Қаранг: Акбарова Н.А. Ўша асар. 13-б.

Шахснинг маънавий олами дунёни билиш билан бир қаторда ахлоқий ва нафосатга оид бошланғич илмни ҳам ташкил қилади. Ҳақиқат, яхшилик ва гўзалликка интилиш фақат инсонгагина хосдир.

Инсон-бу нафақат ақл, билан балки ирода, сезиш, туйғу, қизиқиш, эҳтирослилик ҳамдир. Одамнинг катта ўлчамдаги шахслиги тўғрисида гапирганда у севади ва нафратланади, жирканади ва маъқуллайди, нимага интилади ва нимани рад қилади, нимани билади деган масалаларни ҳам кўзда тутиш керак. Чунки билим ўз мазмунига кўра (холис) объективдир, у турли кишиларда кўп жиҳатдан бир хил бўлиши мумкин. Бундан ташқари, билишнинг ўзи ҳам фақат қизиқувчанлик бўлмай инсон эҳтиёжи, унинг хоҳишлари ва ҳислари билан боғланган. Чуқур билиш учун уни севиш керак, деб айтишадилар. Лекин, баъзан нафрат ҳам билувчининг борлиққа нисбатан диққатини оширади. Гегелнинг фикрига кўра, оламдаги ҳар қандай улуғ нарса, улуғ эҳтирослар орқали қилинган. Инсон қувонади ва ғазабланади, қандайдир ёқимли ёки ёқимсизга, фойдали ёки зарарлиги, гўзал ва хунукка, ахлоқлилик ёки ахлоқсизликка баҳо беради. Унинг берган баҳоси нафақат унинг холислигига ёки баҳоланаётган нарса ва ҳодисанинг хоссаси, хусусиятига боғлиқ, балки ким баҳо бераётир, қайси кишилар гуруҳи томонидан, қайси ўлчам билан баҳо берилаётганига ҳам боғлиқ. Баҳолаш маълум мақсадни кўзда тутди. Ахлоқий баҳолаш оқибат натижада тарихий, ижтимоий, синфий шароитлар билан белгиланади, улар бизнинг дидимиз, бизнинг қарашларимизни шакллантиради. Бу билан баҳолаш ва унинг тадрижий ривожини олдиндан белгилаб қўяди. Шунинг учун ҳеч қачон яхшиликни ҳодисаларнинг муайян хусусият ва сифатларини кўрсатиб ҳамма замонлар учун қўл келувчи нуқтаи назардан туриб баҳолаш мумкин эмас. Замон ўзгаради, шароит ўзгаради, инсоннинг ўзи ҳам, унинг атроф-муҳитга муносабати ҳам ўзгаради. Янги хусусият, хосса, сифат ҳодисаларнинг янги ахлоқий баҳосини келтириб чиқаради. Бироқ бу тарихий ва синфий баҳолашдаги ўзгарувчанлик мутлоқ эмас. Ҳамма вақт қандайдир доимийлик, умуминсонийлик сақланиб қолади. Ҳар қандай ўзгаришлардан қатъий назар инсон инсонлигича қолади. Бундан ташқари ахлоқий баҳолашда тўхтовсиз ҳаракат бўлиб туради, лекин бу ҳаракат маълум объектив йўналишга, асосга эга, ташқи қунимсизлик ортида яширинган бўлади. Субъектив баҳолашда ҳам тарихий тараққиётга йўналтирилган (холис) объектив қиёфа туради. Чунки одамларнинг баҳо беришга қараб улар яшаётган жамият тўғрисида фикр юритиш мумкин. Қадрият инсон

учун ниманидир маънолигининг изҳоридир. Уларни ўз объектлари (борлиқлари) билан айнанлаштириш мумкин эмас, кишиларсиз қадрият мавжуд бўлмайди. Қадриятлар олами ўзгарувчан, у инсон билан бирга ўзгаради. Қадрият-бу кишилар ҳаёти йўналишининг усулидир²⁵. Гарчи гўзаллик, яхшилик ва ҳақиқат каби қадриятлар ўртасида ўхшамаслик ҳам топилади, бу қадриятлар инсонда ҳамма вақт уйғун бўлавермаса ҳам ҳамма вақт асосий маънавий қадриятларда узвий алоқа мавжуд бўлади. Лекин “инсоннинг” ахлоқий қиёфаси унинг ташқи қиёфасида, хулқ-атворида улар акс этади. Кўпинча бошқа қиёфа чиройли кўринсада, кейин бизнинг кўз олдимизда унинг жозибадорлигининг тушиши, пасайиши мумкин, инсон билан янада яқинроқ танишсак, биз унда маънавий ва руҳий танқислик мавжудлигини сезамиз. Аксинча, кимдир ўзининг ташқи кўриниши билан дастлаб бизда катта таассурот қолдирмаган бўлса, кейин бизга гўзал туйилиши, унинг ташқи белгилари ички олийжаноблиги, ақлли, ахлоқий феълининг юксаклиги билан чақнаб кетиши ҳам мумкин.

Чуқур ҳаётий ҳақиқатга эришиш қобилияти бизнинг ахлоқий собитқадамлилигимизга боғлиқ экан. Чин гапга қалб енгил ва чуқур очилар экан. Шунинг учун қадимги замонлардан айтилган энг доно фикрлар кўплар томонидан, эшитилмаган, қабул қилиб олинмаган бўлиб қолмоқда. Қатор сабабларга кўра, масалан, мафкура “аралашганда”, шундай замонлар бўлганки, яхшилик ва ҳақиқат, яхшилик ва гўзаллик бир-биридан ажратилган, ҳатто улар ўзаро ихтилофларга дуч келган.

Шундай қилиб, қадрият инсон ўзлигини топиб олаётганида, ўзининг ҳақиқий моҳиятини эгаллашида йўлчи юлдуздир. Лекин ҳамма нарса мавжуд ҳаётда ўзидан ўзи бўлавермайди. (Гарчанд шундай туйилса ҳам). Синфий, мафкуравий манфаат қадрият мазмунига қарама-қарши зиддиятлар киритиши мумкин, унга интилиш йўлини буриб юбориши ҳам мумкин.

Демак, ҳар бир ақида ўзига хос қонуниятга эга, улар замирида инсоннинг, оламнинг, унинг яралиши билан боғлиқ ҳақиқатларни англаш йўлидаги изланишлари жамулжамдир.

Ҳар қандай дин инсоннинг оллоҳни англаш йўлидаги онгли фаолияти маҳсулидир. Ҳар бир диннинг ўзига хос излаш йўли, усуллари мавжуд. Айримлари табиатдаги ёки ўзга руҳий омиллардан имдод олиш тарзида, бошқалари шамлар каби руҳларни чорлаш, кейин

²⁵ Қаранг: Акбарова Н.А. Ўша асар, -50-б.

уларни қалбга жо этиш усули билан мақсад сари интиладилар. Илоҳий хизматга бел боғлаган руҳоний, мулла, раввин, шаман ёки ксендз юрагига бу рағбатни ким солади? У неларни ҳис этади, нималарга асосланади? Эҳтимол бу қисматни ўзи белгиламагандир, диний ақидаларни тарғиб қилишни унга табиат ато этгандир. Балки инсоннинг ғайритабиий кучлар билан мулоқотини юқоридан кимдир, аниқроғи худо бошқарар. Эҳтимол, унинг ҳатти-ҳаракати асосида шахсий манфаат бордир.

Е.Березиковнинг ёзишича балким:...Ўтмишда борлиқнинг ўзаро мантиқий боғлиқликларини бизнинг анъанавий англаш усулларимиздан ўзгача тарзда мушоҳада этишга уринишлар бўлгани маълум. Зардушт, Будда, Моний, Исо ва Муҳаммад пайғамбарлар биздан кўра кўпроқ нарсаларни билишган. Афтидан улар ҳузурига оддий одамларга кўриш, сезиш, идрок этиш насб қилмаган нодир зотлар ташриф буюришган. Бу ҳислатга улар алоҳида илоҳий қудратга эга бўлганлари учун эмас, балки жисмларида руҳий қувват мўллиги туфайли ноил бўлгандир. Руҳий қувват уларга борлиқни идрок этишнинг тўрт ўлчамли ҳудудидан эркин ҳатлаб ўтиш, ҳамда ғойиб олам хабарларини қабул қилиш имконини берган. Натижада бу зотлар ақл бовар қилмайдиган мўъжизалар кўрсатишган. Одамлар уларнинг пайғамбарлар, авлиёлар, илоҳлар, тангри элчилари сифатида улуғлаганлар. Бироқ улардаги валийлик, ҳаракатларидаги мўъжизакорлик томомила ўзгача қонуниятларга асосланган, замонавий таъбир билан айтганда, жуда катта биоқувват соҳиблари бўлишган. Мўъжизалар эса табиатда мавҳум тарзда мавжуд эмас. Масалан, тушни мўъжиза сифатида эмас, моддий фаолиятнинг табиий-мантиқий ҳолати-фикрлаётган миянинг маҳсули деб қабул қиламиз. туш кўраётган чоғимизда табиатимиз моҳиятини тўлиқ идрок эта олмасакда, бу жараён хусусида мушоҳада юритамиз, хулоса чиқарамиз. Олисдан туриб ўзгалар фикрини илғаш қандай содир бўлади? Бу ҳолда пинҳоний ишораларга жамланган фикрлар аёнлашувини кўрамиз. Ишораларни илғаш қобилияти кимгадир берилган, кимгадир берилмаган. Бор гап шу. Демак, ҳаммаси инсоннинг табиатига хос хусусият²⁶.

Ёки, маънавий ҳаётда маълум қатлам мавжуд бўлиб, у бадий маҳорат даражасида, хунармандчиликда, қишлоқ хўжалигида, халқ табобатида ва бошқаларда ривожланади ҳамда умуминсоний тусга эга

²⁶ Березиков Е. Руҳлар ўйинига ташриф. Сирли олам. 1992, №1, -44-б.

бўлади. Бироқ улар маълум тарзда муайян қобилиятли ёки ижтимоий жиҳатдан тайёрланган шахслар: шоирлар-қўшиқчилар, бахшилар, табиблар, файласуфлар, қонунчилар, авлиёлар, шаманлар ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилади. Улар одатда кейинги авлодлар хотирасида, афсоналарда, ривоятларда, халқ оғзаки ижодида, ёзма ёдгорликлар ва бошқаларда мустаҳкамланади.

Маънавий ҳаётда бундай маҳсулотларнинг қиймати маънавий қадриятлар сифатида инсоният бойлиги хазинасига қўшган ҳисса ҳисобланади. Улар кўп марталаб ва кўплаб кишилар томонидан узоқ вақтлар давомида баъзан-абдий фойдаланиш мумкин. Кўпинча буюк қадриятларни ижод қилиш, кишилар томонидан унинг ижодкорлари вафотидан кейингина умуминсоний сифатида тан олиниши ҳам бўлган. Бу маънавий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай турига ҳатто агар улар бошқалар меҳнат маҳсулотини ўзлаштириб олиш мавжуд бўлган шароитда ҳам амалга оширилса, тенг тааллуқлидир, чунки ҳамма вақт ва ер юзидаги барча кишиларга қувонч, кучлилик, ҳатнинг жўшқинлиги, бахт, тинч-осойишталик ҳиссиётлари билан вобастадир. Бу категориялар умуминсоний қадриятларга айланади.

Маънавий қадриятларнинг вужудга келиши ўз навбатида янги қадриятларни ишлаб чиқишни рағбатлантиради. “Бу демакки, ижтимоий тараққиётимизда унинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири сифатида доимий ўсиб бораётган эҳтиёж, шу жумладан, маънавий-оламни билишда, гўзалликни яратиш ва қабул қила олиш, эзгуликни яратиш ва унга эришишда, бахт, ўз борлиғини англаб олишда, шунингдек қардошлик, дўстлик, ватанпарварлик, тинчлик, адолат, инсонпарварлик ва ҳаётдаги, маданиятдаги бошқа қадриятларни ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишида муҳим аҳамият ўйнайди”²⁷. Мана шулар маънавий қадриятларнинг асосий вазифаларини ўз ичига олади.

Маънавий қадриятларни яратиш эзгулик, гўзаллик қонунларига асосланади. Шунинг учун маълум вақтда яратилган маънавий қадриятлар янги авлодларнинг маънавий эҳтиёжларини қониқтириб узоқ сақланиб қолиши мумкин, улар янги авлод томонидан инкор қилинмайди, улар ўзининг дастлабки кўринишида мавжуд бўлиб туради, ёки янги ўзгартирилган маънавий қадриятлар таркибида сақланиб туради. Маънавий қадриятларнинг бундай ворисий алоқаси фан тараққиётида яққол кўзга ташланади, қонунларни янада чуқурроқ

²⁷ Қаранг: Анисимов С.Ф. Духовные ценности: производство и потребление.-М.: «Мысль», 1989, 89-б.

ўрганиш, объектив ҳақиқатнинг янги поғоналарини билиш, эски, олдин ўзлаштирилган, янада содда объектив ҳақиқатлар негизига асосланади. Фандаги янги кашфиётлар фақат эски янгилишишларни инкор қилиши мумкин. Масалан, нисбият назарияси ёки квант механикаси Ньютон ва Галилей механикаси қоидаларини чизиб ташламайди.

Г.В.Плеханов: ...нима учун маълум давр давомида шахсан айнан шу таълимотни тушунтириб бериш учун, дастлаб бурунги даврнинг “ақл фаросатнинг ҳолати” билан танишиб чиқиш зарур, ўшанда қандай таълимотлар ҳукмрон бўлганлигини билиб олиш керак. Бусиз ҳеч қачон биз унинг иқтисодиётини қанчалик даражада яхши билмайлик, маълум даврнинг ақлий ҳолатини тушуниб ола олмаймиз,²⁸ деганди. Мана шундай ворисийлик, меросийлик туфайли кишиларнинг ҳар бир авлоди жамият маънавий ҳаётига ўзининг маълум ҳиссасини қўшади, ўтмишдошлари яратган қадриятларга янги қадриятлар қўшади. Лекин кўпинча ёш авлод ўз маънавиятини на бўш жойда ва на бутун эскиликдан холис бўлган равишда янгитдан ярата олмаслигини тушунмайди. Амалда эса у қандайдир “қўшимча” қўшиб, эски ҳақиқатлар, тимсолларга ва қадриятларга янги шаклдаги тўн кийгизадилар. Шунинг учун биз XX аср охирларининг одамлари бундан юз, минг йиллар олдин бошқа жамият ва тузумларда, турли қитъаларда, бошқа ижтимоий шароитларда яшаган кишилар томонидан яратилган қадриятларни тушуна олишимиз, қониқарли қабул қилиш қобилиятига эгамиз. Улар асрлар давомида сақланади, уларнинг ижтимоий қадрияти кишилар учун, ҳаёт ва фаолият учун абадийдир. Шунинг учун ҳам улар умуминсоний ва умумтарихий маънавий қадриятлар ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда бобокалонлар меросини ўрганиш бу қадриятларни тиклашда ва ҳозирги авлод маънавиятининг ривожига ижобий ҳисса қўшади.

Инсон ички дунёсининг муайян ҳолати-маънавийлигининг ўлчови сифатида-унинг ўзлаштириб олган билим, маҳорати, қобилиятининг ҳажми билан эмас, балки ўша билимларнинг ўзлаштириш жараёнидаги олган маълумотлар йиғиндисига ва уларнинг ғоясига муносабати, яъни унинг ҳатти-ҳаракати, хулқ-атворининг йўналишининг ўзлаштириб олган ғояни ўз ҳаракатининг рағбатлантирувчи кучига, ҳаракат дастурига айлантириши олинади. Бу

²⁸ Плеханов Г.В. Избр. филос. произв. в 5-томах. Т.1.-М.: 1956. 662-б.

ўз навбатида, инсон маънавий бойликни, нафақат ўз билими, маҳорати, кўникмалари шаклларида ўзлаштириши мумкин, балки айти пайтда унинг махсус маҳсулоти бўлмиш-қадриятларни ҳам ўзлаштириши мумкин.

Шундай қайд қилиш керакки, маънавийлик атамаси қандайдир қадриятли тусга эга. Маънавийлик-бу онгнинг шундай хусусиятики, у нимани акс эттириш билан эмас, балки жамиятнинг мақсади ва қадриятлари билан белгиланади. Мана шунинг учун ҳам билим, маҳорат, қобилият ва унинг ҳажми ҳақида гапирганда шахснинг ишчанлик, эпчиллик қобилияти маънавийликка нисбатан етарли даражада мустақил ўз-ўзини бошқара олади.

Агар маънавий қадриятлар инсон учун ажралмас узвий ўзига хосликка айланса, бу қадриятлар ҳақидаги билимларни оддий ўзлаштириш эмас, балки бу қадриятлар орқали инсон ўз хулқ-атворини бошқарсагина маънавий маданиятнинг бундай вазифаси ҳақиқатга эзгулик ва чиройлиликка эришиб ҳаётни ўзгартириши шу вақтда амалга ошиши мумкин.

...Маънавийлик даражаси билим даражасига ёки инсоният ишлаб чиққан ва шахс ривожини учун аҳамиятли бўлган қадриятларни маъқуллашга боғлиқ эмас, балки умуминсоний қадриятларни ўзининг кундалик ҳаётида компас (хутбнома) сифатида фойдаланиш даражасига боғлиқ. Бундай қобилиятларни инсон ўзига сингдириш учун нафақат билим, манфаатдорлик, нафақат оддий эҳтиёжий муносабатни, балки кишидан бутун диққат-эътибор кучини сарф қилишни ҳам талаб қилади.

Жамият маънавий мақсадларини ҳар бир шахснинг маънавийлигига айлантириш учун, шахсни маънавий маданият билан таништириш зарур. У қадриятли онгни шаклланишига таъсир қилади, қадриятли онг шахсда инъикос этиши зарур. Кўпгина файласуфлар қадриятли акс эттириш тўғрисида тўхталиб, уни инсоннинг жонли кечинмалари билан бирга мавжудлигини ҳамда у амалий ҳаракатларда намоён бўлишини қайд этадилар. Улар маънавийликни қуйидаги белгисига қараб ажратади, маънавий қадриятлар ҳаётнинг ўзида акс эттирилишидан бурч деб ҳам биладилар²⁹.

Демак, маънавийлик ўз ўрнида қадриятли онг бўлиб, у инсонгагина хосдир, у ўз табиати, келиб чиқиши, вазифаларига кўра ўзига хос ижтимоий хусусиятга эгадир. У шахс ҳаракатини бошқаради,

²⁹ Қаранг: золотухина-Аболина Е.В. Оспецифика высших духовных ценностей. Филос.науки. 1987, №4, 12-б.

унинг фаолияти ва хулқ атворида дастур бўлади. На ҳайвонлар, на кибернетик машиналар, маълум билиш қобилиятига эга бўлсалар ҳам, қадриятларни ишлаб чиқа олмайди. Қадрият маънавийлик Е.В.Золотухина Аболиналарнинг ўша асарларида айтилишича табиатга эга бўлиб, онгнинг муҳим хусусияти сифатида гувоҳлик беради.

Лекин қадриятлар жуда хилма-хил, турли табиатли, кўп томонламандир. Ўз ўрнида маънавийлик ҳам яхлит, бир кўринишида эмас. В.Г.Федотованинг фикрига кўра, маънавийлик турли хил сифатли онгнинг хусусиятидан иборат (иш, ҳаракати, ҳаёти сифатида) бўлиб, ҳукмрон қадриятлар турли, тоифасини акс эттиради. Шунинг учун мавжуд ҳаётда эстетик, назарий, ахлоқий, диндорлик каби турли хилларда намоён бўлади.

Ахлоқий нуқтаи-назарлар инсон томонидан дунёни назарий ва амалий тушунишни акс эттира олса, инсонпарварлик мақсадлари ҳамда умуминсоний қадриятлар билан боғланган бўлсагина маънавийлик сифатида намоён бўлади, шундагина фаол ҳаётини нуқтаи-назар маънавийлик сифатида, шу вақтда юзага чиқиши мумкин.

Антик даврдан, Диоген ва Сенека давридан бошлаб энг олий қадрият деб умумий дўстлик ва қардошлиқ тушуниланган бўлса, бироқ икки минг йилдан бери бу қадриятлар сайёрамиз аҳолиси учун ёппасига эришиб бўлмаган юксак орзу бўлиб келаётир.

Ҳамма вақт инсониятнинг муҳим вазифаси қадриятлар йўналишини тўғри ишлаб чиқиш ҳисобланган. Техника соҳасида мислсиз ривожланишлар шароитида бутун инсоният ҳаётини сақлаб қолиш, у томонидан яратилган маданият, унинг келажаги ҳақидаги умуминсоний муаммоси биринчи ўринга чиқади. Бу шароит ўз навбатида қадриятлар масаласини ўрганишни долзарб муаммога айлантиради, инсоннинг ахлоқини такомиллаштиришга қулайлик туғдиради, унинг ҳақиқий инсонпарвар, умуминсоний олий мақсадларига хизмат қилишга олиб келади.

Инсониятнинг яшаши, ҳаётнинг мазмуни, унинг қадриятлар муаммоси билан чамбарчас, боғланганлигидан далолат беради. Одамнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у оламдаги қадриятларга амал қилади ва унинг учун ҳаётни сақлаб қолишдан ташқари, қандай қилиб яшайди, қандай қилиб мавжуд бўлиб туради деган масалалар муҳим ҳисобланади. Демак, ҳаётда шундай юксак нарсалар ҳам бор эканки, унга кўра инсон ҳаётни баҳолай олиши ва у билан ўз хатти-

ҳаракатларини мувофиқлаштириб бошқара олиши керак экан. Чунки инсон ҳаёти олий инсонпарвар мақсадларга хизмат қилган тақдирдагина қадриятга айланади, бунинг акси бўлган тақдирда ўзининг қадриятлигини йўқотади.

Тараққиёт, инсониятнинг олдинга ҳаракати ҳамма вақтлар ҳам адолатсизликка қарши кураш, ижтимоий тенгсизликни йўқотиш, олий инсонпарвар ғояларни амалга ошира бориш билан чамбарчас боғланган. Инсониятнинг тархӣй тараққиётини-қадриятларни амалга оширишга интилиш, олий қадрият-эркинликка эришиш деб қараш мумкин. Бироқ тараққиётга ҳеч қачон кишиларнинг фаолиятисиз эришиб бўлмайди, чунки “тарих” ҳеч нарса қилмайди, у “ҳеч қандай чексиз бойликларга эга эмас”, у “ҳеч қандай жангларда курашмайди!” “Тарих” эмас, балки айнан инсон, ҳақиқӣй тирик инсон, мана шугина ҳамма нарсани қилади, ҳамма нарсага эга бўлади, ҳамма нарса учун курашади. “Тарих” ўз мақсадларига эришиш учун инсондан восита сифатида фойдаланадиган қандайдир алоҳида шахс эмас. Тарих ўз мақсади йўлида интилувчи инсон фаолиятдан бошқа нарса эмас.

Ҳозирги вақтда фалсафӣй адабитларда қадриятлар муаммосига эътибор ортиб бораётир. У бизнинг жамиятдаги ҳаёт томонидан, инсоннинг ахлоқӣй такомиллашуви вазифалари учун кураш билан қатъӣй тақозо қилинмоқда.

Ҳозирги вақтда ҳақиқӣй қадриятларни тиклаш жараёни содир бўлмоқда, умуминсонӣй олий мақсадлар ва қоидаларга янгича ёндошиш шаклланмоқда. Инсоннинг оламга муносабати фақат уни билиш билан чекланмайди. Инсон нафақат оламини билиб олади, балки унинг гўзаллиги, хунуклиги, эзгулиги, жаҳлдорлиги, адолатлилиги, адолатсизлиги ва бошқалар орқали баҳолайди. У камдан-кам учрайдиган соф кузатувчидир, кўпинча у баҳоловчи шахс (субъект) сифатида юзага чиқади. Баҳолаш натижасида инсон олдида хилма-хил қадриятлар олами намоён бўлади, улар ахлоқӣй, нафосатӣй, динӣй билиш ва қадриятларга гуруҳлашиб, ўзига хос белгиларга қараб аниқланади.

Қадриятларнинг мавжуд бўлишлиги унинг зарурлиги, муқаррарлиги билан ҳисобланади. Қадрият эҳтиёж, сифатида мавжуд бўлади, унинг “императивлиги” (қатъӣйлиги, амрӣйлиги) воқеликда амалга оширилиши ёки оширилмаслигидан қатъӣй назар-шартдир. Қадрият маълум иш фаолият қилишга қўзғайдиган, ундайдиган қандайдир кучдир, ўзининг амалга оширилишини қатъиян талаб қилади. У инсон томонидан яратилган маданият олами орқали амалга

оширилади. Шунинг учун ҳам “қадрият”, “маданият” ва “инсон” тушунчалари бир-бири билан яқин алоқададир. “Инсон”ни биз у ижод этган маданият, унда мужассамланган ва шаклланган қадриятлар орқали қабул қилишга ҳаракат қиламиз.

Биз қадриятда инсон фаолиятидаги маданий ижодкорликнинг мақсад ва вазифаларини кўрамиз, маданиятда эса маълум қадриятларга мувофиқлашган ўзини ва бутун оламни ўзлаштирган инсонни кўрамиз.³⁰ Инсон объектив умумаҳамиятга эга бўлган қадриятларни баҳоловчи субъект сифатида намоён бўлар экан, унинг ўзи шахс бўлмоғи зарур. Шахснинг шаклланиш жараёнида қадриятли онгнинг юксак ўрнини инкор қилиш мумкин эмас. Шахс деганда унинг ахлоқий нафосатий ва бошқа тартиб-қоидаларни англаб олган ва улар орқали ҳаракат қиладиган кишини тушунмоқ керак. Кўпинча инсон турли муқобил вазиятларга дуч келади, у бундай шароитда адолат, эзгулик, гўзаллик, ҳақиқийликнинг ихтирочиси, ижодкори бўлмоғи лозим, акс холда унда “қўрқоқлик” устун келади, у ижтимоий тинчлик ўрнида ўзининг шахсий соғ-саломатлигини маъқул деб билади. Ҳаётда кишилар бир-бирларидан биринчи навбатда қандай қадриятларни эъзозлашлари, қайсиларини бошқаларидан устун қўйишлари билан фарқ қиладиган. Одатда “шахс” ва “қадрият” ҳам ўзаро алоқадор тушунчалар бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб тушуниш, кўриш мумкин эмас.

Қадриятлар ҳақидаги руҳшунослик назариялари шуни кўзда тутадик, гўё қадрият субъектив, мутлоқ, умумаҳамиятли, объектив қадриятларнинг мавжудлигини инкор этади. Бу назарияларга мувофиқ, нарса ва ҳодисалар шахс маълум қизиқиш ёки маълум кечинмалар-ҳислар, ҳузур-халоват, қониқиш орқалигина қадриятларни юзага келтирар эмиш. Бу тўғри, аммо етарлича эмас.

Бу назариялар қадриятлар муаммосини руҳшунослик асосида ҳал қилишга ўринади. Уларда гносеологияда учрайдиган хатога йўл қўйилади, жумладан, мантикий ва гносеологик муаммолар руҳшунослик муаммолари билан қўшиб юборилади. Қадриятни кечинмалар ёки ироданинг маҳсули деб ҳисоблаш камдир. Ахлоқшуносликдаги руҳият шахси нуктаи назардан қарши ва инсофсизлик (аниқроғи бир томонламаликка...) олиб боради. Баъзилар қадрият деганда онгдаги маълум ҳодисаларнинг вазифаларини тушунади, у “қизиқиш” каби атама билан белгиланади. “Ҳар қандай

³⁰ Қаранг: Чавчавадзе Н.З. Культура и ценность. –Тбилиси: Мецнифеба. 1984. 6-6.

объект” қандай бўлмасин унга манфаат, қизиқиш вужудга келиши билан қадриятга айланади³¹. Шунинг учун манфаат, қизиқиш шахс билан ўзаро нисбатда қадриятнинг асосий лойиҳаси, ташкилотчиси сифатида юзага чиқади. Манфаат, унинг таркиби, шакл ва усуллари интеграция (ўзаро боғлиқ асосида-Х.Х.) тадқиқ қилиш, америкалик файласуфнинг фикрича, қадрият ҳақида етарли маҳсулдор, зарурий назария яратишга шароит вужудга келтиради. Лекин у қадриятни субъект томонидан эмпирик (тажриба) асосида тасдиқлашнинг имконсизлигига олиб келувчи ихтиёрий баҳолаш алоқадорлигини қоралайди. Р.Б.Перри манфаат қадриятнинг мезони бўлиши мумкин эмаслигини маълум ҳолатга кўра унутади, чунки манфаатнинг ўзи баҳоланишга мухтож. Шахсий эҳтиёжларни қаноатлантиришга қаратилган манфаат, индивидуал, субъектив натижа беради. У умумаҳамиятли, объектив қадрият бўла олмайди. Аммо манфаат ҳавасмандсиз, манфаатпарастсиз, носубъектив ҳам бўлиши мумкин.

Албатта қадриятни “ҳис қилиш”, уни фаҳмлаб олиш унинг қайғу-кечинмалари билан ҳам алоқадордир. Кечинмаларсиз қадриятни фаҳмлаб олиш мумкин эмас. Бироқ қадрият бу кечинмалар билан бир хил деган маънони билдирмайди. Қадриятлар туфайли бўладиган кечинмалар икки хил томонга-холисона ва шахсий, моддийлашган томонга эга. Қадрият кечинмалари инсон руҳиятининг маълум ҳолати сифатида, субъектив феномен³² сифатида руҳият илмининг маълум бўлими, томонидан-қадрият кечинмалари руҳият томонидан ўрганилади. Шунингдек, нафосатлик ва ахлоқий кечинмалар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин., чунки улар ҳам руҳшунослик томонидан ўрганилади. Бу кечинмаларнинг объектив томони шундаки унинг қадриятга дахлдорлиги-аксиология³³ томонидан тадқиқ қилинади.

Қадрият ўзини мураккаб нодирлик (феномен) сифатида намоён қилади. Унинг намоён бўлишини шартли равишда субъектив ва объектив томонларга, мавридларга бўлиш мумкин. Унинг субъектив томони-инсон қадриятини идрок этишда ундаги туйғуларни ҳис этишидадир. Унинг объектив томони эса бу ҳиссиётларни вужудга келтирувчи қадриятнинг ўзидир. Қадриятни воқеликдан мутлоқ ажралган деб қараш мумкин эмас. Бироқ нарсанинг қадрияти бутунлай субъект томонидан, унинг психофизик хусусияти билан белгиланмайди ва унинг шахсий баҳолаш фаолияти билан

³¹ Peciy R.B. Genezoli Theory of Value. New York. 1926. 139-6.

³² ФУНОМЕН-бу ерда ҳис-туйғу тажрибаси билан пайқаладиган ҳодисани англатувчи тушунча маъносида.

³³ Аксиология-(юнунча-ахиа-қиммат, аҳамият, қадрият ва logos-таълимот)

чегараланмайди. Аксинча, субъект барча индивидуаллик, субъективликдан холис бўлган бўлиши ва бу баҳолаш қадриятга адекват (айнан бир хил) бўлиши керак.

Объективликни ҳақиқий маънода тушуниш фақат қадрият ва шахс масаласини ўрганиш орқали мумкин. Фақат шахсина нарсаларни “Ўз ўзича”, объектив қадриятлар туфайли қараш қобилятига эга. Фақат шу ўзига хос инсоний қобилят туфайли инсон ўзининг ноантропоцентрик³⁴ эмаслигини, коинотнинг марказида эмаслигини, балки оламдаги нарсалар туркумидан бири эканлигини англаб ола олади, ... яъни объектив мавжудотлар инсон кўлами билан ўлчанмаслиги керак, балки объектив қадриятлар нуктаи назаридан ўлчансагина борлиқнинг сақланишига кофиллик бўла олар экан, ўзига хос мавжудот сифатида, ўзида оламни билувчи ягона тамғасини олиб бормайди.

Объектив ва субъектив лаҳзаларни кескин чегаралашнинг биринчи галдаги вазифаси уларни бир-бири билан айнан деб айтиш нотўғри хулосаларга олиб келади.

Бу ерда синфий ва умуминсоний қадриятлар асосларининг ўзаро муносабати масаласи юзага келади. Уларнинг ҳар бири, бири-иккинчисини инкор қилиши мумкиндай туюлади. Бундан динни ҳозирги пайтда инсонларни бирлаштирувчи маънавий асос, шарт-шароит деган анъанавий тасаввурларини қайта тиклашга интилиш вужудга келади.

Аслида эса инсон маънавий оламининг уйғунлигининг умуминсоний, ҳартомонлама, умумий ахлоқий унсурларга айланиши ҳар бир даврнинг улкан маънавий муаммосидир. Мана шу асосда кишиларнинг тарихий вазифаларни ҳал қилишга ёрдамлашадиган, мувофиқлашган ҳаракати юзага келади.

Ўтмиш ижтимоий фикри кишиларнинг маънавий бирлигига асосланган ҳаётнинг маълум қонун-қоидаларига асосланган диний изланишларга катта эътибор берганлиги бежиз эмас.

Диний тасаввурлар маънавий бирликни умумий илоҳий келиб чиқишининг натижаси деб тасдиқлайди.

Инсон ички дунёси нисбий мустақил бўлиб, у қарор топган ижтимоий муносабатлардаги хулқ-атвор шакллари, кишиларнинг турмуш тарзи билан боғлангандир. Лекин ҳар бир инсоннинг бутун ҳаёти давомида ахлоқий назоратчилик қилиши мумкин эмас.

³⁴ Антропоцентризм-инсонни оламнинг маркази ва олий мақсади деб билувчи таълимот.

Шунингдек ушбу назоратчининг ўзи ҳақиқатни тўғри тушунишига ким кафолат бера олади? Агар у ҳаёт қадриятининг ҳақиқий асосларини билмаса-чи?

Жамият ахлоқини доимий такомиллаштириш, ўзига хос ахлоқий саводсизликни тугатиш ҳам юқоридагидан кам бўлмаган мураккаб муаммодир.

Бир хил ўхшаш шароитдаги кишиларнинг турли хулқ-атвори, уларнинг ўз ҳаётлари ҳақидаги мавжуд шахсий тасаввурлари орқали аниқланади.

Тор доирадаги худбинлик чегарасидан чиқиш қобилияти ижтимоий ўз-ўзини англаш тартиб-қоидаларини ўзлаштириб ижтимоий маъсулият, ижтимоий ҳиссиётларини шакллантириш билан боғлиқдир.

Тажрибанинг кенгайиши, инсон мақсадига мувофиқ амалий фаолиятнинг жадаллашувига қарамасдан, янги диний тасаввурлар келиб чиқади. Бундан инсоннинг табиатида дастлаб қандайдир ақл етмайдиган муштарак маврид-лаҳза жойлаштирилганки, у бутун инсоният тарихий тараққиёти давомида ўзгармас доимий ҳаракат қилади, деган хулоса чиқарилади.

Дин инсоннинг англаб олган ахлоқи ва ижтимоий хулқ-атворининг шаклланишида маънавий асос вазифасини ўтади. Диннинг улкан ижтимоий аҳамияти ҳам мана шундадир.

Бу қарашлар тарихан ишлаб чиқиладиган бўлсада, кишиларнинг амалий ҳаётида жорий қилинса-да, улар бу қарашларда ўз ҳаётларининг ҳақиқий аксини кўрадилар. Ислом маънавий анъаналарига кўра ҳамма эмас, балки баъзи махсус кишиларга ҳақиқий борлиқнинг соҳиблари деган тасаввурлар билан алоқададир. Бундай кишиларга ҳақиқий янгиликларга эришиш насиб қилади. Маънавий бирликка фақат умумий диний эътиқод туфайлигина эришиш мумкин. Бошқа динлар каби ислом ҳам кишилар билан Оллоҳ ва унинг пайғамбарлари ўртасида алоқа кучи деб ҳисоблаши билан ижтимоий, синфий, зиддиятлардан “юқори турадиган” кучга айланади.

Тарихий тараққиёт ижтимоий онгда умуминсоний қарашлар, қадриятлар қарор топишининг объектив шарт-шароитини яратади. Лекин қандай қилиб бу объектив шарт-шароитлар кишилар борлигининг англаб олинган асосий фикри (лейтмотиви) бўла олади? Бу саволга дин ҳам идеалистик фалсафа ҳам маънавийлик нуктаи назарида туриб жавоб бера олмайди. Бу ерда алоҳидалик ва умумийлик, тарихий амалиётга ижтимоийлик ва ҳар

томонламаликнинг муайян шакллари диалектикасини очиб берадиган тафаккур зарур.

Инсон ҳаётининг кўлами қанча кўп бўлса, шахс олдида шундай зиддиятлар мавжуд бўлар эканки, унга аниқ умуминсоний ўз-ўзини англаб олиш муаммосига яқинлашиш янада оғирроқ бўлар экан.

Индивид томонидан унинг ўз борлиғини фаҳмлаб олиш, ҳақиқий ҳаёт йўли дунёқарашга эга бўлган кишилар билан очиқ баҳслар, ошкоралик, ўз-ўзини танқид ва мунтазам янгиланиш муҳотида синаб кўрмоғи лозим.

Умуминсоний қадриятларнинг юксаклигини тан оладиган янгича тафаккур XX аср 80-йилларнинг ўрталарида диндорлар ва динга ишонмовчилар ўзаро муносабати ривожини учун янги йўналишлар очди. Шунини тасдиқлаш мумкинки, унинг тарқалиши билан турли дунёқараш вакиллари баҳслари даврининг янги даври бошланди, бу давр алоқаларни амалий ҳамкорликка кўчириш хусусияти билан ажралиб туради. Ҳозирги вазият ўзининг хилма-хил ва мураккаблиги билан жаҳон тарихий жараёнида диний омил ўрнини тушунишнинг изчил, аниқ ёндошувларини ишлаб чиқишни талаб қилади, чунки ер курраси аҳолисининг кўпчиллик қисмини диндор кишилар ташкил қилади³⁵. Айни бир пайтда баҳс манфаат ва қадриятлари бир хил бўлган турли эътиқодли кучлар ҳамкорлигининг шакли ҳамдир. Кишилиқ тарихининг негизида ўзаро муносабатлар янада узвий бир-бири билан боғланиб кетмоқда, XX асрнинг охириги муаммоларини ҳал қилишнинг муҳим шартларидан бири англаб олинмоқда.

Келажақда этик-ахлоқий қадриятларни бўлажак ўзаро тушунишнинг уйғун бирлигининг асосли кучи сифатида қарамоқ лозим, бундан бутун инсониятга тааллуқли умумий масалаларга эришиш учун, уларни тушуниш ва маълум келишувларга келиши зарур деб қараш керак.

Чунки дин ўз асл моҳияти билан ижтимоий зулмнинг сабаби бўла олмайди ва ислом ғояларида ҳам унутиб бўлмас умуминсоний қадриятлар акс эттирилган ҳамда инсонпарварлик қоидалари диндорлар ва динга ишонмовчиларни моддий ва маънавий соҳаларда қулчиликдан озод қилиш учун кураш ҳақидаги баҳсларнинг мавжуд асосини ташкил қилади. Вазифа ҳамма кишиларни даҳрий қилиш эмас, балки оламни ўзгартириш ҳисобланади.

³⁵ Қаранг: Философские науки. 1990, № 2, 5-б.

Дунёқараш тўғрисида мана шу нуқтаи назардан фикр билдирилганда шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, дунёқарашни мафкура билан бир хил деб қарамаслик керак. Дунёқараш мафкурага нисбатан кенгроқ бўлиб, унинг тузилиши мафкуранинг тузилишига кўра кўпроқ кенг ўлчамлидир. Дунёқараш тўғрисида кенг маънода гапирганда фалсафа, социалогия, ахлоқшунослик, ҳуқуқшунослик, педагогик, сиёсий муаммолар билан боғланиб кетган дунёқараш масалалари бўйича ҳозирги даврда баҳслар нафақат керак, балки жуда зарур эканлиги ҳақида фикр билдириш лозим.

Дунёқараш баҳси учун инсонпарварлик дастур бўла олади. Фан умуминсоний олий мақсадларни амалга ошириш йўллари мўлжаллайди. Улар инсон учун шароит яратувчи жамият учун кураш билан боғланган. Албатта, бу масалани ҳал қилишда бизда бузилишлар бўлган. Кўпинча, аниқроғи инсонпарварлик ўрнида акси содир бўлган.

Демак ҳозирги шароитда, умуминсоният масаласининг биринчи ўринга чиқиб олиши учун инсоният амал қиладиган ахлоқий-этик мезонларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Фикримизча, бундай ютуққа келишув орқалигина эришиши мумкин. Инсон ҳаёти, эркинлик каби қадриятларни асослашда важ-далиллар турли хил бўлиши мумкин. Чунки улар икки хил инсонпарварлик анъаналарига, турли дунёқарашга асосланади. Ахлоқнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, айниқса диндорлар ва динга ишонмовчиларнинг кенг оммаси билан алоқа қилган ишда ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга бўлар эди.

Шундай қилиб, инсониятнинг барча муракаб ва долзарб муаммоларини ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли умуминсоний қадриятлар ва қарашлар, эътиқодлар, дунёқарашлар, фикрлар хилма-хиллигини баҳслар орқали эътироз этишдир.

3§ АҲЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МОҲИЯТИ.

Ахлоқ қадимул-қадимдан пайдо бўлиб, у тарихда кўзга кўринадиган ашёвий из қолдирмай, ҳаётга сезилмасдан кириб келди. У қадимги афсона ва ривоятларда биринчи одамлар ҳақида, Олтин аср тўғрисида, инсоний ифбат, яхшилик ва ёмонлик тўғрисида гуноҳларни бартараф этиш ҳақида, ўзига хос шаклларда ўз аксини топди.

Инсонлар бир-бирини олижаноблик, меҳрибонлик, софдиллик, поклик, мардлик каби самимий хислат ва сифатлари учун кадрлай бошлади. Инсоннинг онги таркибида ахлоқий тушунчалар мажмуини яратдиким, унинг чўққиси виждон тушунчаси бўлиб, ахлоқий онг тизимида нодир ҳодиса ҳисобланади. Виждон бир томондан ақлий ҳукмнинг натижаси бўлиб, инсон ўз ҳатти-ҳаракати ва фаолиятининг маъсулиятини ҳис этишидир. Иккинчи томондан эса ўз ҳатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриш, муомаласи учун бошқа кишилар, жамоатчилик олдидаги маъсулият туйғуси ҳамдир. Шунинг учун ҳам у “асбоб” ёки шундай бир инсоннинг “ижтимоий” аъзоси бўлиб, ҳар бир шахс у орқали ўзининг ва бошқаларнинг ҳатти-ҳаракатлари, мақсадлари, мўлжаллари, важ-сабабларини ахлоқий нуктаи-назардан баҳолайди, ўзини ва бошқаларни тузатиб-тўғрилаб боради: ўзига ва бошқаларга инсоф тарозуси орқали тўғри ва ҳаққоний баҳо бера бориш жараёнида ўз виждонини доимо “тўғри созлаб” ҳам боради. Виждонни фақатгина инсондаги ички ҳис-туйғуси, ҳатто унинг ақли билангина аниқлаш камлик қилади. Чунки, инсоннинг виждони қотиб қолган нарса бўлмай, у жамият тараққиётининг таъсирида ўзгаради, ривожланади ва “назорат”да бўлиб, муҳокама ва танқид ҳам қилиниб, жамиятдаги оммавий фикр томонидан баҳоланиб туради. Хуллас, инсон томонидан аввал ўзини, ўзлигини англаб олиш-азалий, абадул-абადий муаммолардан биридир. Бу ахлоқ ва одобнинг моҳияти ҳамдир. Чунки, ахлоқшунослик илмининг таъкидича, ахлоқнинг асосий моҳияти шахс ва унинг бошқа одамлар ўртасида хулқ-одоб масалаларини ўз ичига олади. “Бошқа одамлар” тушунчасига-оила ва унинг аъзолари, кўни-кўшни ва маҳалла, қишлоқ ҳамда киндик қони тўкилган юрти, меҳнат ва ижод билан вобаста бўлган кишилар гуруҳи (муайян коллектив), ғоявий, маданий, мафкуравий фаолияти ёки мавкеи билан вобаста бўлган уруғ-қабиласи, синфи, жамияти ва бошқалар киради. Ҳар бир шахс ана шу “бошқа одамлар” олдида ўзини ахлоқ-одоб тартиб-қоидалари билан муомалада бўлади, ва шу

муомаласи жараёнида амалга ошираётган ҳамда амалга оширган ҳатти-ҳаракатига виждони билан жавоб ҳам беради.

Бу муаммо нафақат ҳар бир шахсни эмас балки инсонлар тақдири ҳақида ўйловчи ота-оналар, юрт бошлиқлари, олиму-мутаффаккирлар, шоиру-ёзувчиларни, авлиё ва пайғамбарларни, илми-фан, фирқа, дин, мафкура ва бошқаларни ҳам қизиқтирган. Шунинг учун ҳам бу муаммога қаратилган ва етишиб чиққан нуқтаи-назарлар, ғоялар турли туман шаклларга эга бўлганлиги ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Шу жумладан, бу соҳадаги диний ғоя ва назариялар мавжуд бўлиб, улар холисона таҳлил этилса, мақсадга мувофиқ самаралар бериши мумкин. Масалан, ҳанузгача Будда³⁶ Гаутамани фаолсизликда, сусткашлик, умидсизлик, хазинликда айблаб, фақатгина каноатга (торига) шукр қилишга даъват этгувчи ва олий мақсадларга фаол ҳаракат, инқилоблар орқали амалга оширишга қарши чиқиб, инсонни тушкунликка олиб борувчи деб келдик.

Ваҳоланки, Будда Гаутама инқилобларга, давлат тўнтаришларига даъват этмаган бўлса ҳам аҳолини табақа, тоифаларга (каста) ва ҳокимият зўравонлигини барча шаклларида жиддий тарзда қарши чиққан. У масалага бошқа томондан ёндошган. Унинг фикрича, муайян Ёвуз ҳокимни ағдариб ташлагандан сўнг, янгиси келса, бу юмушдан нима фойда? Бундан кўра, ҳар бир кишининг ичидаги Ёвузни йўқотиш, яхши эмасми? Гаутаманинг фикрича, инсон аҳлининг чекланганлиги ва жаҳолатлиги ҳамма офатлар, мусибат ва кулфатларнинг манбаи ва бош сабабидир.

Жаҳолат, нодонлик, зулмат энг буюк-офат, ёвузлик, у қадрсиз нарса ва воқеаларни қадрлашга кишини олиб келади, азоб-уқубат бўлмаслиги нарса ва воқеаларни қадрлашга кишини олиб келади, азоб-уқубат бўлмаслиги аниқ жойда, кулфат, заҳмат чектиради. Инсонни қадрловчи учун борлиғи сиру-асрорларини билиб етиш ўрнига жаҳолатга ботган одам эса бу дунёга нима учун келганини тушунмасдан, қандайдир бойлик хирсига берилиб кетади. Яъни инсоннинг “ички” ҳаётини, унинг ички оламини билиш, инсоннинг “ички” ҳис-туйғуларини ўрганиш билан ҳар бир шахс ҳатти-ҳаракатини ҳақиқий (илоҳий ёки дунёвий) йўл-йўриққа солиш, унинг маъсулиятини ошириш-инсоният олдида турган башарий масаладир.

Виждон ҳар бир кишининг ёшига, маълумотига, оилавий тарбиясининг хусусиятига, маданиятига, дунёқарашига, уни ўраб

³⁶ Нурланган, ҳақиқий билим эгаллаган, инсонларни азоб-уқубатлардан холос қилувчи.

олган табиий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муҳитига ва бошқаларга вобаста.

Оммавий фикр ҳар бир кишининг ахлоқий ҳатти-ҳаракатига баҳо берувчи “асбоб” ҳисобланади. Лекин инсонга хос ахлоқий қадриятларнинг дурдоналари бўлмиш ор-номус, ҳаё ва ибодат, уятчанлик, андиша, пушаймон каби тушунчаларнинг мавжудлиги ҳар бир онгли кишини қандайдир ахлоқий доираларда сақлаб туради.

А.Навоий даврининг кўзга кўринган олимларидан бири бўлган Хусайн Воиз Кошифий (1505 йилда вафот этган) ўзининг кенг тарқалган асарлари “Навоий суҳайли”, “Ахлоқи Муҳсини”, “Рисолаи Ҳотамия”да ўзининг ҳаётга, жамиятга бўлган муносабатини билдириб, кишиларнинг энг яхши ахлоқий сифатларини: меҳнатсеварлик, саҳийлик, мардлик, нафсини тийиш, сўзамоллик, донишмандлик ва бошқаларни куйлаган аллома шундай деган эди: “Дунёдаги тартибни сақлаш учун ор-номус зарурий шарт-шароитлардан биридир. Агар уятчанлик йўқолса ўша кишининг виждони бўлмайди, дунёдаги тартиб бузилади, кишиларнинг бир-бирига қизиқиш йўқолади. Лекин уятчанлик дегани ҳар ким ўз ҳаёлига келган ишни қилса дегани эмас”³⁷.

Мирза Абдиқодир Бедил ўзининг “Чор-Унсур”ида ёзишича, ... ақлсиз ишонч, эътиқод-ойна кўзгусининг сирисиз (амальгама)³⁸ бўлганидай гап. Ақлсиз виждон-сўз булоқсиз бўлмагани каби мавжуд бўлмаган саробдир³⁹.

Ахлоқнинг вазифаси одамлар хулқ-атворини фармойишларга мослаштириш деб тушунмаслик керак. Ижтимоий тартибга солишликнинг кўплаб шакллари мавжуд (урф, одат, ижтимоий ҳокимият, қонун ва бошқалар), улар ахлоққа кирмайди ва мажбур қилишнинг ишончли усули ҳисобланади.

Ахлоқнинг асосий аҳамияти нафақат тартиб, интизомни сақлашдан иборат. Унинг тарихий хизмати ниҳоятда кенг ва чуқурдир. Ахлоқий онг инсон маънавий борлигининг хусусияти сифатида табиат ва инсоннинг умумий тарихини белгилайдиган ва ҳаракатга келтирадиган кучлар ибтидоси билан алоқада бўлиши керак. Ахлоқ, жамият ва шахс ривожига имкон туғдирадиган илғор йўналишдаги йўлда ҳаракат қиладиган бутун тадрижий ривож жараёнининг

³⁷ Қаранг: Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане.

Под.ред.скад. Ан УзССР И.М.Муминова и чл.корр. АН УзССР М.М.Хайрулаева. Изд.второе, дополненное. –Т.: «Фан» 1976, 463-464-б.

³⁸ Амальгама – Кўзгуни сирламоқ учун ишлатиладиган симоб билан бирор металл қоришмаси.

³⁹ Қаранг: Материалқ по истории прогрессивной обўественно-философской мқсли в Узбекистане ... 511-б.

воситаларидан биридир. Ахлоқ кишилик жамиятининг янада юксалишига хизмат қилади. Ахлоқнинг тарихий маъноси инсонда инсонийликни қарор топтириш-инсоният маданияти ривожининг умумий маъноси ва йўналиши билан мос тушади, чунки тарихнинг ўзи инсоннинг ҳақиқий маъносини қарор топтириш ва амалга ошириш жараёнидир.

Ахлоқ мавжуд бўлиб туришининг шахсий режаси-бу нафақат унинг қоида ва хулқ-атворлар йиғиндиси эканлиги, балки у инсон маънавий борлигининг усули, унинг маънавий ҳаётининг ўзаги эканлигидан ҳам иборат чуқур ахлоқий туртки бўлиб юксакликка, ҳаётда олий мақсад қарор топишига интилиш уйғотади. Нафақат қулоқ солувчи, итоаткор, интизомли, балки ҳолатларда инсон бўлиш керак. Ахлоқда низом ва тартиб-қоидалар эмас, балки ахлоқий мақсад ва қадриятлар асос қилиб олинади. Низом ва тартиб-қоидалар фақатгина ахлоқий мақсадга, яхшилик, қадриятга эришишнинг воситалари ҳисобланади. Масалан, “Одам ўлдирма”, “ўғирлик қилма” каби оддий ҳукмларни ахлоқий ва ундан бошқа важ-сабаблар асосида амалга ошириш мумкин. Одам ўлдирмасликни ахлоқлилик деб ҳам ахлоқсизлик деб ҳам тушуниш мумкин. Ўз-ўзидан тақиқнинг ёки амр қилишнинг моҳиятини ахлоқли қилади. Бу йўлни бошқа асослар ҳам бошқариши мумкин.

Агар мен тақиқни бузиб ва ўзимни қонун олдида жазоланишимдан, қонли ўч олиш ва бошқалар олдида кўрқсам, бундай кечинмалар ҳали ахлоқ ҳисобланмайди. Агар мен виждон азоби ва афсусланишни бошдан кечирган бўлсам бу ахлоқий тартиб-қоидаларга киради. Дастлаб кўплаб тартиб-қоидалар, тақиқлар, урф-одатлар ахлоқий аҳамиятга эга эмас эди, кейинроқ ахлоқий қиёфа олди, айниқса яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан баҳоланадиганлари ўзгариб борди. Бунга кишилар фаолиятидаги, турлича ҳатти-ҳаракатлар, уларнинг фикрлари, ҳиссиётлари, хоҳишлари, ниятлари киради. Яхшилик ва ахлоқий аҳамиятга эга бўлишга ҳатти-ҳаракатларга олдиндан аниқлаб бўлмайди. Бу даврга, амалий ҳаёт шароитларига боғлиқ бўлади.

Бмроқ ахлоқ умуман ва асосан шахсининг ички қиёфаси ва хулқ атворини инсондан талаб қилинадиган тартиб-қоида ва қадриятларга мувофиқ бўлиши ҳамма вақт талаб қилинган. У аниқ-муайян шароит, синф, табақа тушунчасига кўра бундай бўлиши керак. Синфий жамиятда ахлоқ муқаррар синфий мазмун билан ҳам тўлдирилади. Ахлоқий қадриятлар соҳаси, кишиларнинг маънавий ҳаётининг

асослари илгари ҳам, ҳозир ҳам тўхтовсиз синфий кураш соҳаси ҳисобланади. Бу кураш жараёнида, ахлоқий, мақсадлар, унга эришиш йўллари тушуниб олишда тарихий тараққиёт амалга ошади. Инсон нимага қоникмасин, йиқилмасин, меҳнаткаш халқ ахлоқининг олий мақсади ҳамма вақт унинг тарихий мавжудлигида сўнмасдан, Йўлчи Юлдуз бўлиб келди. Бундай ахлоқ ижтимоий хулқ-атвордаги ҳамма тартиб-қоидаларни эмас, балки яхшилик ва ёмонлик тушунчалари билан боғлиқларини ўз ичига олади.

Мавҳумлаштириш қобилияти, умумлашган тимсолларни англаш, ғайри-табiiй кучларга, руҳга ишониш, табиатни фалсафiiй мушоҳада асосида асослаш, унинг хулқ-атвор қоидаларига амалий, йўл-йўриқларга муносабати (ҳаётiiй қоидаларга муносабати) кейинроқ келиб чиқди.

Яхшилик ва ёмонликни билиш ўз ибтидосида афсонадаги “илоҳiiй билимга” тенглаштирилди. Масалан, турли халқларнинг афсоналарида дастлабки гуноҳга ботиш сабаблари биринчи бўлиб аёл билан боғлиқ эканлиги фикри такрорланади. Аёл ёмонлик ва мусибатларнинг айбдори деб ҳисобланади (лекин бу аёл кишининг тенг ҳуқуқга эга бўлмаганлигини динiiй афсона асосида вужудга келган дегани эмас).

Жинсларнинг руҳiiй жиҳатдан бузилишидаги баъзи табиий тафовутлар ва улар ўртасида меҳнатнинг тақсимланиши бу ерда баҳона бўлгандир. Аёл ҳамиша зурриёт ташвишига яқин бўлган, унинг бу ташвишлардан янада нотинчлик, қаноатланмаслигининг бошланиши эркакларнинг фаоллигини рағбатлантиргандир. Аёллар учун курашдаги рақибчилик ҳам маълум ўрин ўйнади, фаол ҳаракатнинг сабабларини кўзғатди.

Олмониядаги “Франкфуртер Аллгемайне Цайтунг” рўзномасида (10 январь 1992 й.) мухбирнинг “маърифатли Ғарбнинг нуқтаи-назаридан, масалан, исломнинг хотин-қизларга муносабати номақбул. Сабр-тоқат (толетарность)⁴⁰ қаерда тугайди?” деган саволига швейцариялик йирик илоҳiiёт мутахассиси Ханс Кинг исломнинг хотин-қизларга бўлган муносабати ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин, бу масалада христиан динида ва католицизмда ҳам бўлган муаммони унутмаслик керак, масалан, тоату-ибодат жараёнида хотин-қизларнинг ўрни охиригача ҳал этилмаган, руҳонийларнинг никоҳига ва хотин-қизларни динiiй рутба (мансаб)га мансуб этишга фатво бериш

⁴⁰ Толерантность- (лот-сабр-тоқат) бошқа кишиларнинг фикрича, динига, хулқ-атворига чидаш.

ҳанузгача йўқ. Бу масала ҳамма динларга тааллуқли умумий муаммодир, деб жавоб берган эди.

Шарқ динлари азалдан икки бошланғич кураши-яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик, қоронғилик-тўғрисида гапиради.

Инсонийлик биологик, ёввойи, ёмон табиий ҳис-туйғуларни бостириш ва бир ҳолатдан бошқасига ўтказишдан иборат.

Инсон ўзининг энг яхши, энг ёмон хислатлари учун ҳам тарих олдида қарздордир.

Инсониятнинг қадимий ахлоқ-одобга доир тарихини ўрганишда зардуштийлик динининг “Авесто” (асли “Овасто”) номли муқаддас китоб, хусусан, унинг энг қадимий қисмлари бўлмиш “гата”, “Ясна”, шунингдек “Яшта”ларнинг мадҳияларининг айрим қисмлари катта самара бағишлайди. Тадқиқотларга кўра, Авесто тахминан милоддан олдинги IX асрдан IV асрга қадар зардуштийлик ҳукмронлик қилган турли мамлакатларда яратилган. “гата”нинг тасдиқлашича, Зардушт (Зороастр) яхшилик худоси бўлмиш Ахура Маздадан ҳақиқий дин тўғрисида (Қуръонда муҳаммаднинг Оллоҳ билан мулоқот ва суҳбати ҳамда унга ваҳий келиши ҳақида сўз борганидек) ваҳий олади. У янги таълимотни тарғиб қила бошлаган пайтида ҳеч қандай ютуққа эриша олмай, қочишга мажбур бўлиб, ниҳоят Виштаси номли Кава (Князь, подшо)нинг ҳомийлигини топади. Виштаси ўз яқинлари билан зардуштийлик динини қабул қилади. Зардушт эски худоларнинг уруғ-қабила ибодатларини инкор этади. У ягона худо Ахура-Маздани қадрлайди.⁴¹

Зардушт таълимотига кўра, иккита куч: яхшилик ва ёмонлик мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан абадий мурасасиз, душманлик ҳолатида бўлиб келади. Яхшилик кучларига Ахура-Мазди, ёмонлик кучларига эса Ангра Манью бошчилик қилади. Инсон ҳаётини, унинг бахти ёки бахтсизлигини ана шу курашнинг натижаси белгилаб беради.

Проф. Й.Жумабоевнинг ёзишича, “кишилар ўз амалий ишлари, ижобий ахлоқий фазилатлари билан яхшиликка майл эканликларини кўрсатишлари ва бу билан ёвуз кучларга қарши курашда яхшилик руҳига кўмаклашишлари лозим, акс ҳолда номуносиб ҳатти-ҳаракат қилувчи киши осонгина ёмонлик қопқонига илиниб қолиши мумкин. Зардушт: “ёлғонликка ихлос қуйганлар учун абадул-абад азоб-уқубатлар тайёрлаб қўйилган”, дейди. Шу боис инсон ҳаёт мақсадини

⁴¹ Қаранг: Гафуров Б. Таджики. Кн. 1. Душанбе: “Ирфон”, 1989. 74-б.

танлаб, ўз зиммасига муайян мажбурият олар экан, уни адо этиш учун жавобгар бўлиши лозим”⁴².

Хуллас, бу икки куч ўртасидаги кураш башарий жараённинг мазмунини ташкил қилади. Ахура Мазда исмига кўра зардуштийлик кўпинча маздаийлик деб ҳам юритилади, унинг тарафдорлари эса ўзларининг маздаяснийлар (маздаясна-“Маздани ҳурмат қиладиганлар” деган маънода) деб атайдилар.

Мазда (доно) сифатдоши билан унинг номи Ахура, олий худо Ахура, Маздани (доно хоқон) ташкил қилади. Бу ўзгаришлар бевосита ахлоқий жиҳатлари билан аҳамият ўйнаган динга ўтиш билан боғланган жараёнда амалга ошган. Ахура Мазда (қадимги ҳинд асураси аруна каби) асосий диний тушунчалардан бири билан бевосита боғланган, арта (Авестада-аша)-ҳақиқат, адолатли ҳуқуқий тартиб, илоҳий адолат. Зардуштийлар “Гота”сида Ахура Мазда нафақат олий худо, у нафақат бошқа худоларни инкор қилади, балки уларнинг ўрнини олади.

Зардушт ўзига бағишланган қонли қурбонликлар билан боғлиқ урф-одатлар, муқаддас ҳабм ичимлиги (ҳинд сомаси)ни инкор қилади, фақат оловли қадрлашни тан олади. Олов ибодати ва бутхоналари кейинчалик зардуштийликнинг асосий ўзига хос хусусиятларидан бирига айланди. Чорвани кенг миқёсда қурбонлик қилишнинг тақиқланиши, зардуштийлик таълимотининг ижтимоий мазмуни билан ҳам бевосита алоқадордир.

Эрон қабилаларининг маълум гуруҳларида айнаи бир пайтда моноте-истак майлларининг ривожланиши Ахура, кейинчалик Ахура Мазда худосини улуғлаш билан ҳам боғлиқ, шунингдек дуалистик тасаввурлар ҳам тарқалди. Уларга мувофиқ бутун оламдаги худолар табиат ва ижтимоий ҳаётнинг маҳсули, ҳайвонлар ва бошқалар бошланғич яхшилик ёки ёмонликка тааллуқли, ҳақиқат (арта) оламида ёки ёлғонлик (драгуа, авестодаги дўст, друдж) оламида адолатсизлик, бутун ахлоқлик ва ахлоқий поксизлик акс этган. Бундай қарашлар зардуштийлик таълимотида янада кенгайтирилган ва умумлаштирилган, монотеизм бошланғич фаровонлик соҳасида дуализм билан изчил равишда бирга қўшиб амалга оширилган, олдин мавжуд бўлган дуалистик тасаввурлар ягона жаҳоний ихтилоф, мажороларни енгилда инсоннинг фаол аҳамиятига ўрин берилган. Зардуштийликда инсоннинг ўрни аҳамияти Готга асосланган ҳолда,

⁴² Жумабаев Й. Зардуштийлик китоби. “Фан ва турмуш”. 1990. № 10. 14-б.

эркин танлаш қоидаси орқали белгиланади. Инсон яхшилик ва ёмонлик ўртасини танлайди, унинг ҳаракатининг негизи яхшилик ва ёмонлик учун жаҳон кураши боришида маълум аҳамиятга эгадир. Яхшилик йўли ерга пайғамбар Зардушт томонидан келтирилган ҳақиқий дин йўли, деб кўрсатилади. Унинг тарафдорларининг биргаликдаги ҳаракатлари, оқибат натижасида яхшиликнинг ғалабасига олиб келиши керак. Зардушт ёмонлик кучлари устидан яхшиликнинг тантанаси янги олам келиши билан қарор топади, деб башорат қилган.

Ёмонликка қарши курашда инсон яхшиликни асосий бурчи, деб билиб, унинг учун аввало диний ибодат ва урф-одатларни бажариш эмас, балки адолатли турмуш тарзи, “яхши фикр”, “яхши сўз”, “яхши иш” керак дейилади. Ёмонликка қарши курашнинг асосий воситаларидан бири моддий манфаатдорликни ошириш (Ахура Мазда ёки Муқаддас рух томонидан инсон учун яратилган), яъни чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиш деб қараларди.

Зардушт таълимоти ўз мухлисларини деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишга даъват этиб, уни муқаддас бурчга айлантиради, художўйларнинг қаҳрамонлиги деб баҳолайди.

“Видовдата”нинг учинчи бобида айтилишича, худога ёқадиган жой бу шундай жойки, “унда диёнатли киши олов ва сут, хотин ва болалари ҳамда отарлар билан таъминланган уй қурса, бундай уйда чорва ва иш, хотин ва гўдак, олов ва бошқа турмуш жиҳозлари... ҳузур ҳаловатда бўлади. ... Бу ерда диёнатли одам кўпроқ ғалла, ўт-хашак, зироат-ўсимликлари, таомил қилинадиган мевалар етиштиради, у ерда қуруқ тупроқни суғоради ва жуда намли тупроқни қуритади ... кўпроқ йирик ва кичик чорвани кўпайтиради, у ерда йирик ва кичик мол кўпроқ гўнг беради” (Фарбард 2-6; И.СБрагинскийнинг русча таржимасидан олинган).⁴³

Маълумки Ўрта Осиёда зардуштийлик, манихейлик, буддизм, маздакийлик, Митра, Анихатга ҳам аждодларга ва бошқаларга сиғиниш кенг тарқалган эди. Манихейлик ва маздакийлик зардуштийликнинг таъсири остида шаклланиб, ёруғлик билан зулмат ўртасидаги курашнинг абадийлигига ишонч ҳосил қилганлар. Манихейлик таълимотига кўра, ҳали ер ва осмон бўлмаган даврда иккита тартиб-қоида мавжуд бўлган: Ёруғлик (яхшилик) ва зулмат, қоронғилик (ёмонлик). Мавжуд ҳаётда уларнинг қисм, бўлаклари бир-

⁴³ Қаранг: Таджики. Кн. 1. ...79-б.

бири билан қўшиб юборилган эди. Ёруғлик ҳаётининг жўшқин оқими, лекин у зулматнинг исканжасида, уни қутқариш учун зоҳидликка зич тарзда яшаш керак. Инсон ёмонликка қарши курашда ёруғликка ёрдам бериши керак эди. Юксак ахлоқли олий мақсад “Ёруғлик жаннатига” олиб келади, деган манихейларнинг ваъдалари меҳнаткашлар оммаси, ўртамиёна қатламларни аста-секинлик билан эса аҳолининг кенг доирасини қамраб олди.

Маздакийлар ҳам ёруғлик билан зулматнинг зиддиятини эътироф этиб, унинг тўласинча озодлиги учун-хусусий мулкнинг емирилиши билан вобаста, деб биладилар, яъни зоҳидлик эмас, балки амалий фаолият орқалигина ёруғликни қўлга киритиш мумкин дер эдилар.

Бу ерда тўғридан-тўғри ўтроқ чорвачиликни, энг муҳими деҳқончилик ҳўжалигини ривожлантиришга даъват этилади. Демак, Авестода меҳнат ва ахлоққа доир фикр ва андешалар кўпинча халқ афсоналари, тасаввурлари ҳамда мавҳумотли қиёфалар шаклларида берилган бўлса ҳамки, улар дунёвий, инсоний мазмунга эга. Инсоннинг меҳнати ахлоқий соғломлик, эзгулик манбаи сифатида улуғланади. Ахлоқшунос олим Й. Жумабоев юқорида зикр этилган мақоласидаги Авестодан келтирган матнлари бизнинг фикримизга ҳам тўла далил бўлади: “Дон эккан киши тақвадорлик уруғини экади, у маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, у имонни озиқлантириб туради”. Бу қонунни бажариш 10 минг марта ибодат қилиш билан барабар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг. “Экин-экиш-демак ердаги ёвузликни йўқотишдир, чунки дон етилганда девларни тер босади, тегирмон пайдо бўлганда девлар гангиб қоладиган, ун чиққанда девлар саросимага туша бошлайдилар, нон пайдо бўлган пайтда девлар кўрққанларидан зўр бериб дод соладилар”.

Ахлоқий қадриятлар инсонлар ҳаётидаги тутган ўрнига қараб умуминсоний, диний, синфий, соф этник ва элатлараро, соф жинсий ва жинслараро, маълум ёшдагилар ва ҳар хил ёшдагилар орасидаги ахлоқ, одоб, тартиб-қоидаларни ардоқловчи хусусият ва мазмунга эга бўладилар.

Умуминсоний ахлоқий қадриятлар-сўз бирикмалари сифатида тарихий давр, миллий, синфий, ирқий, жинсий ва ҳоказо фарқиятларга мансублигидан қатъий назар, ҳамма учун аҳамиятли, азиз, қимматли, нуфузли, хусусиятларни изҳор этувчи, ҳамма томондан ҳар доим ардоқланиб, аждодлардан авлодларга кўз қорачиғидек асраб ва етказиб берилувчи тушунчалардир.

Афсуски, шу давргача ахлоқшуносликка “ҳамма замонлар ва ҳамма халқ учун умумий бўлган ахлоқнинг бўлиши мумкин эмас” деган фикр ҳукмрон эди. Нима учун энди, кишиларнинг ички ва ташқи оламининг бирлигини, сўзи билан иши мувофиқ келишини одамларга ва жамиятга бўлган самимий ва қатъий-ҳаётӣй йўл орқали шаклланган муносабатини ифода этадиган ахлоқ қоидаларини, яъни ахлоқӣй покликни умуминсонӣй хусусиятга эга эканлигидан кўз юмушимиз керак. Бу ҳислат ҳар доим ҳам миллион-миллион кишиларнинг шахсий ва ижтимоӣй фаолиятига ва ҳатти-ҳаракатига хос фазилат бўлиб, ҳаққонӣйликни, самимӣйликни, қилинаётган ишнинг тўғрилигига ишончни, бошқаларни ҳурмат қилишни ўз ичига олади. Бундай фазилатлар кишига ички гўзаллик, маънавий поклик бериб, инсон ҳис-туйғуларини камолотга эриштириб, ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам ва келажакка ишонч туғдириб келди, келмоқда ва шундай бўлиб қолади ҳам. Инсоният жинси, миллати ва қайси гуруҳга тааллуқлиги, қайси замонда яшашидан қатъӣй назар, маишӣй бузуқлик, безорилик, ножўя ҳаракатларни кўра била туриб индамаслик, бир шахснинг нотўғри йўлдан бораётганини сеза туриб, унга бефарқ қараш, қалтис уринишларни, ҳиёнатларни ҳаспўшлаб кетишга қарши курашиб келган. Хуллас, бундай тушунчалар бир томондан умуминсонӣй талабларни қондирувчи ақл-заковатнинг куч-қудратини изҳор этса, иккинчи томондан, унинг мазмунини муайян миллий-маданий ва ижтимоӣй-сиёсий ҳамда диний, эътиқодӣй ҳаётдан ажратиб бўлмайди. Юзаки қараганда ҳар бир миллат ҳудудидаги ахлоқӣй қадриятларнинг шакллари бир-биридан ажратиш жуда ҳам қийин: қайсиси умуминсонӣй. Қайсиси миллий ёки динийлигини белгилаб олиш жуда ҳам амри малол. Уларнинг орасидаги фарқлар, ўзгармас ва мутлоқ зиддиятлар жумласига кирмайди. Кўпинча ҳар бир қадрият ўзидан фарқ қиладиган бошқа қадриятлар билан узвий алоқадорликда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам қадриятларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, бир қадриятни бутунлай йўқотиб, иккинчисини мутлоқлаштириш ва аҳамиятини барттириб юборишдан олдин яхшигина таҳлил этиш керакким, кўпинча бу кечириб бўлмайдиган хатоларга олиб бориши мумкин.

Мисол тариқасида исломдаги рўза ва қурбон ҳайити байрамларни олсак бу икки байрам соф исломӣй яъни диний байрам ҳисобланади. Иккаласи ҳам ислом томонидан жорий этилган ва исломга хос диний байрам сифатида анъанага айланган. Ислом ақоиди асосида бу иккала ҳайит кунларида намозгоҳларда “ҳайит номози” ўқилади. Аммо,

ўлганларни ёд олиб арафа куни қурбонлик қилиб, ис чиқариб кўни-кўшни ва камбағалларга улашишлар, фитр-садақа бериш, қабристонларга бориб ўлганлар-ҳақиқа дуо ўқиш, қабрларни тозалаш, безаш, хатто сайлларга янги либослар кийиб шоду хуррамлик қилиш, дам олиш, сайл кунлари ёру-дўстлар, қариндош-уруғларни бориб кўриш, бева-бечораларга ош тортиб, садақалар бериш, ёш болаларга “ҳайитлик” улашиб уларга совға-саломлар тортиқ этиш каби халқлар орасида-азалдан шаклланиб қадриятлар-бу диний ҳайитларни маҳаллий, миллий удум, анъаналар билан чамбарчас боғланиб кетишидан холи эмас, яъни, бундай “соф диний” ҳайитлар одамийлик, яхши ниятлик, аждодларнинг хотирасига эҳтиром мазмунига эга бўлиб, инсонни маънавий ва ахлоқий покликка, ҳалолликка чорлаб, халқларимиз ҳаётига сингиб кетган.

Ҳайитлардан халқимизнинг юксак одамийлик ва инсонпарварлик, ахлоқий ва покликка интилиш билан боғлиқ анъаналари ҳам кўшилган. Шу боисдан ҳайит кунлари одамлар орасидаги гина ва ҳафаликлар унутилади. Урушганлар ярашишади. Бир-биридан аразлаганлар кўришишади. Бу улуг айёмда касал ётганларни бориб кўрилади. Табаррук кексалар зиёрат қилишиб ҳол сўралади. Қон-қориндошлар бир-биридан хабар олади.

Оддий меҳнаткаш инсон учун бунинг аҳамиятига етишиш шарт ҳам эмас. Унинг кундалик ҳаётида ахлоқий қадриятларнинг (қайси тусда бўлмасин) амалий аҳамияти зарур. Ахлоқий пок кишига на диний, на даҳрий ва на бошқа назариялар керак. Қадриятларнинг келиб чиқиши ҳақидаги уларнинг қарашларига у муҳтож эмас. Унинг учун пок қалбининг амри билан ҳалол яшаш, меҳнат қилиш, бошқаларни ҳурмат этиш учун ўзига хос энг юксак мақсад. Аммо Қ.Н.Назаровнинг таъкидлашича “кунлик ҳаётда ҳар қандай амалий фаолият қаратилган маънавий ёки моддий қадрият у ёки бу идеал тарзда баҳоланиши, инсон ўзининг кундалик фаолияти натижасида ана шу идеалга тобора яқинлашиб бориши мумкин. Бу узлуксиз жараён давомида амалга оширилаётган фаолият баҳоланганда, унинг умуминсоний ёки инсоният тан олган қадриятлар мезонига мос келиши ёки мос келмаслиги ҳисобга олинади”.⁴⁴ Масалан, бирор ҳатти-ҳаракат ёки муомаланинг ахлоқ-одоб тартиб-қонунларига мос келиши ёки келмаслиги, унинг инсоният ёки кўпчилик томонидан эътироф қилинган яхшилик ёки ёмонлик билан боғлиқ талабларга муносиблиги

⁴⁴ Назаров Қ.Н. Ижтимоий тараққиёт: инсон ва қадриятлар. -Т:-1991, 31-б.

ёки муносиб эмаслиги билан белгиланиб, муайян ижтимоий фикр пайдо қилади.

Одамлар кундалик ҳаётда, жуда кўп ҳолларда фойда-манфаат нуқтаи-назаридан иш кўрадилар, ўз фаолияти, ва муомалага оид ҳатти-ҳаракатларини прагматизм (фойда-олиш) томон йўллашга интиладилар.

Ахлоқий қадриятларнинг намоён бўлиши ва уларнинг инсонларнинг фаолияти ва ҳатти-ҳаракатларининг у ёки бу қадриятлар мезонига мос келиши ёки мос келмаслигига қараб баҳоланиши ўзига хос хусусиятларга эга.

Албатта, ҳамма ахлоқий қадриятларни гуё дин фақатгина ўзига яратилганидек қилиб кўрсатиш бир ёқламаликдир. Лекин ҳақиқат юзасидан қарасак, минг йиллар давомида диннинг таъсирисиз ахлоқийлик ва ҳаққонийлик тимсолларини мужассамлаштирган маънавий тараққиётнинг бўлиши мумкин эмас эди. Биз ўтган алломалар, ота-боболаримизнинг асрлар мобайнида ислом руҳида тарбия олганларини, улар яратган умуминсоний ахлоқий қадриятларни ислом динисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Афсуски, биз кўп йиллар давомида соф материализм ва жанговар атеизм нуқтаи назаридан изчиллик билан, аجدодларимиз меросидан сунъий тарзда даҳрийлик унсурларини қидириб, уни бўрттиришга ҳаракат қилар эдик. Мабодо акси бўлиб қолса-чи? Уларни дарҳол керак бўлган тузумимиз таъбига мувофиқлаштириб “таҳрир” этдик. Аслида эса шарқнинг буюк алломаларининг маънавий мерослари туганмас хазина ҳисобланади.

Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа алломаларимизнинг асарлари Авесто, Қуръон ва бошқа динларнинг ахлоқий китобларида зикр этилган ахлоқий қадриятларга зид келмаган ҳолда элга маърифат, илм нуруни тарқатиш билан кифояланмай, инсонлар дилида поклик, меҳр-оқибат, эзгуликка интиқлик, ўз-ўзини англаш каби туйғуларни сингдиради. Масалан, буюк шоир ва мутафаккир Амир Низомиддин Алишер Навоий фаолиятига бир назар солсак, бу зот ўз даврининг йирик тарихшуноси ҳам бўлган. Унинг яратган ҳамма бадий, илмий, фалсафий асарлари ниҳоятда кўп тарихий асарлар, воқеаномалар мутоола қилганлиги, уларни тадқиқотчи назари билан ёндошгани ва ижодий муносабатда бўлганлигидан далолат беради. (Бу ҳақда кейинги бобларда батафсилроқ тўхталамиз).

Неча асрлар мобайнида инсониятнинг бошига не ташвишлар тушмаган, меҳнату-роҳатнинг ўзи осонлик билан бўлмаган. Уни қўлга

киритиш учун қатра-қатра тер тўкилган, жангу маҳорабалар, беҳаловат тўполонлар, исён ва ғалаёнлар, қўзғолон ва инқилоблар бошидан ўтган. Ана шундай ҳаракат ва инқилоблар, тараддудли, безовтали замонларнинг тарихида биргина ислом дини аجدодларимиз яратган қадриятларни авлоддан-авлодга ўтказиб ва етказиб беришдаги хизматини унутмаслигимиз керак. Албатта бундай хизматни диний ташкилотлар, уламолар, олим ва ҳакимлар, факиҳлар ва бошқалар амалга оширганлар. Бизгача етиб келган ахлоқий қадриятларнинг илоҳийлаштирилиб, такомиллаштирилиб келиши ва уларнинг ижтимоий амалиётда қатнашувида ислом хизматини инкор этиш инсофдан эмас.

Албатта, ҳар бир доира ўзи ичидаги одоб-ахлоқ тартиб-қоидаларига ихлос қуйиб уни ардоқлаган, ҳатто уни бошқа туркумдаги ахлоқ-одобдан устун ҳам қўйган. Масалан, ўтган замонларда ҳам, ҳозирги пайтда ҳам мусулмон оламидаги баъзи халқлар ислом одобини, ислом ахлоқи, маданиятини бошқа халқлар ахлоқи ва маданияти устидан мутлоқ, бекиёс ва мустаҳкам тарзда устунлигини қайд қилувчилар топилиб қолади.

Ахлоқ, одоб удумлари доираси муайян меҳнат соҳасида, ҳунармандлар, деҳқон, зироаткорлар, чорвадорлар каби муайян меҳнат аҳли ичида ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Шарқдаги ажойиб анъаналар дурдонаси бўлмиш эркак ва аёллар орасидаги ахлоқий одоб муомалалари, яъни эркак ва аёлларнинг тарихан шаклланган ўзига хос фазилат, афзаллик, қадр-қиммат, она ҳурмати каби қадриятларни ўзига эътиборини жалб этади. Афсуским, нашр этилган адабиётларимизда, биз бу масаланинг тадқиқини фақатгина эркаклар томонидан хотин-қизларга нисбатан жуда ҳам назари пастлик нуқтаи назаридан олиб бориш билан чеклаб қўйдик.

Ислом эса XIV аср давомида Ғарбда Атлантик океани қирғоқларидан Шарқда Хитой ва Малайзия ороллариғача, Жанубда Африка қитъасидан Шарқий Европа, Осиёнинг шимолиғача яшовчи халқларнинг ижтимоий-маданий, ахлоқ-одоб тартиб-қоидаларини шакллантириб ривожлантиришида муҳим ўрин эгаллаб, мусулмонларнинг ижтимоий-ҳаётнинг ҳамма соҳасида ҳуқуқий, сиёсий, ҳўжалик тузумида ҳам амалий жиҳатдан ҳар томонлама тартибга солиб бошқариб турувчи омил вазифасини ўтиб келди.

Ислом ижтимоий ҳаёт ва маънавиятнинг дунёвий, диний бўлмаган шакллари билан бошқа динларга нисбатан ўзининг мустаҳкам алоқаси билан фарқ қилиб туради. Исломгача бўлган даврда

яшаб ўтган авлодлар яратган қадриятларни ўз ичига олган мусулмон оламидаги ахлоқ одобни тўласинча соф диний, деб атай олмаймиз. Лекин муайян маҳаллий-миллий ахлоқ анъаналарини асраб қолиб, ҳатто уни тараққий этдиришда ислом тутган мавқеини ҳам унутмаслик керак.

Яхшилик, ёмонлик, виждон, ахлоқий бурч тушунчалари умуминсоний мазмунга эга, уларсиз яшаш мумкин эмас, улар ҳеч қачон халқнинг кундалик муомаласидан ташқарига чиққан эмас. Лекин манфаатдор томонларнинг ёндошувига қараб, уларда турли маъно бўлиши мумкин. Шунга кўра баъзилари ахлоқ фақат динга асосланиш мумкин, деган далилни қайд қиладилар. Ёки аксинча. Яхшилик ва ёмонлик, ахлоқлилик ва ахлоқсизлик худо томонидан берилган чегара деб биладилар. Агар уларни фойда ва зарар, қониқиш ва азоб-уқубатга олиб тақасак, бундай вақтда ахлоқий далиллар ақлли мулоҳазалар, ҳисоб-китоб билан алмаштирилиб, ахлоқий амр ўзининг муқаддаслигини йўқотади. Бошқалар эса “яхшилик” тушунчасининг ноаниқлиги унинг манфаат ва фойдага бориб тақалмаслигидан ақлли фикрларнинг тасдиқлашича яхшилик ва ёмонлик фақат “орзу”, хом ҳаёл ва хурофотга хизмат қилади.

Ахлоқнинг мураккаблиги, азалдан унинг табиатининг ғайритабиийлиги ва сирлилиги, унинг табиий сабабларини тушунтириб бўлмаслиги ва виждон гуё худонинг овози эканлигини қарор топиши учун сабаб бўлиб хизмат қилади. Кейинчалик виждоннинг мавжудлигини илоҳиётчилар борлиқнинг олий кучи фойдасига далил сифатида фойдаландилар.

И.Кант диний ғайрат, саъй-ҳаракатнинг, иштиёқнинг манбаси инсоннинг онгидаги гуноҳқорликда ва ундан қутулиш учун интилишда, покланишда жойлашган, деган эди.

Г.Гегельнинг таъкидлашича эса “... муқаддасликка интилиш фақат муқаддас “нопоклик”, “номуносиб”ликнинг вужудга келиши билан мумкин. Инсон ўз олий мақсадларини ўзгартириб ўзининг тузатиш хоҳишида қаноатланмасликни сезади. Виждонга қарши гуноҳ қилиб, буни ўзи сезади, нима қилаётганини тушунади, унинг ўзи “нима қилиш кераклигини” билади. ... ахлоқли одам адолатли равишда адолатни оддий хоҳлайдиган одам эмас, у адолатли йўл тутади, айбсиз бўлмаган одам эса ўз ҳаракатининг ҳақлигини онгида ишонади”,⁴⁵

⁴⁵ Қаранг: Гегель Г. Соч., Т. 8. 224-6.

деган эди. Болаларда ахлоқий онг ноҳақликни англаб олиш қобилияти қарор топганидан кейингина уйғонади.

Уччала дин ҳам асосан нажот ҳақидаги ахлоқий таълим бўлиб, уларнинг адолатли равишда “гуноҳни ювиш динлари” деб атайдилар.

Инсон гуноҳи учун азоб чекиши керак, гуноҳ қийналишлар орқали ювилади. Ўтиқодлилиқ шундаки, ҳар қандай қилинган ёмонлик учун инсон эртами, кечми жавоб бериши керак, бу фақат диндорларгагина тааллуқли эмас, лекин улар барибир оқибатда динга олий кучлар қўлайдиган ахлоқий тартибга бориб тақалади. И.Кант дин оқибат тантанаси яхшилиқни диний ўтиқод билан қариндош қилиб қўяди, деган эди. Чунки кузатилган далиллар ва тарих ҳеч қачон айб, иллат жазоланмай қолмайди деб гувоҳлик беради, саховатлилар эса тантана қилади. Шунинг учун агар инсон далилларга қарамасдан яхшилиқ ўзининг шахсий кучи билан ғалаба қилади, деб ишонса, у исботларсиз ишонади, ахлоқий тартибларнинг мавжудлиги ҳақидаги тахминларга, қонунга асосланади.

У кучи билан адолатнинг қарор топиши олдидаги кучсизлик эса қиймат қойимга ишонишни туғдиради. Бирон киши бировдан ранжигани, сиқилгани учун шикоят қила олмаса кишига жуда ҳам оғир бўлади. Охиратдаги адолатли сўз ҳақидаги фикрга, худо ҳаммасини қўради, ҳар кимни қилмишига яраша тақдирлайди, деган фикр умидсизликдан ишончсизликдан ушлаб туради. Олий куч томонидан бажариладиган жазолашни олдини олиб бўлмаслигига ишониш ҳолисона олганда, бу дунё адолатининг қарор топишига ҳалақит берар эди, жиноят ва камчиликларнинг жазосиз қолишига ёрдам берар эди.

Ҳаётдаги ҳақиқат ва адолат учун курашиш керак. Ахлоқли бўлиш ёмонликдан ўзини четга олиш етарли эмас. Ахлоқ ўз табиатига кўра фаол бўлиб, у ҳаракат қилишни талаб қилади, ҳаётга аралашини фақат нима қилмаслик кераклигини, балки нима қилиш мумкинлигини ҳам ўз ичига олади. Ҳаётни диний тарзда тушунишнинг бу нуқтасига биноан ахлоқнинг ўз моҳиятига кўра зиддиятли эканлигидан далолат беради. Диний гуноҳ, жиноят ва жазо ҳаётда ўзининг моддий асосига эга. Ахлоқсиз ҳатти-ҳаракат маълум маънода ўз ўзидан жазо беришни талаб қилади (дин тилида қийналиш, азоб, гуноҳлар учун қарз узишдир), Чунки ноҳақ ҳатти-ҳаракат нафақат бошқаларга, балки ўзи учун ҳам зарар келтириш ва дилсиёҳликлардир. Инсон виждонсизлик қилса, у ўзига ўзи қасд қилиб ўзига шикаст беради. Ўз шахсига бундай маънавий зарар оқибат натижада ҳаётдан шу давргача олган барча ютуқларидан мураккаброқ ва сезиларли бўлади. Бу ерда виждон

қасоскор вазифасини бажаради. Ўз фаровонлигини аяб, масалан, инсон ўзидаги виждон овозини ўчириши мумкин, аммо қалбдан қай аҳволда яшаши кераклигини чуқур қалбдан англамаслик иложи йўқ. Ўз йўлидан ҳаётий истеъмолидан ҳар қандай четга чиқиш, ўзидан қаноатланмасликка, ички мувозанатнинг бузилишига ва ниҳоят ҳаётнинг тўла қонли эмаслигини сезишга олиб бориши ҳам мумкин.

Бундай ўз-ўзини азоблаш, виждон азоби-бу ахлоқий ривожланиш жараёнидир. Уларни ҳис қилмайдиган инсон маънавий ўлик. Бунинг акси эса ҳар қандай шароитда пасткашликка, қабихликка, бахтсизликка тушишга йўл қўймайди. Ўзида ахлоқий овозни ўчириш-инсон бўшлиқни тўхтатишдир. Ўзи устидан ҳукм қилиш ва ўзини тузатиш, шунинг учун ҳам кундалик ҳаётимизнинг зарурий таркибий қисмидир. Уларсиз шахснинг ривожланиши ҳам бўлмайди.

Ўзи устидан ахлоқий ҳукм қилишни бутун инсоният ижтимоий онгда амалга оширади. Дин даҳшатли суд-қиёмат, машҳар ҳақидаги тасаввурларни яратиб кишиларнинг адолатли интилишини илоҳийлаштирилган шаклда тасвирлайди, айтилиши вақтда баъзи инсонларни воқеликдан ажратиб унинг амалга ошириш ваколатини одамларнинг ўзлари томонидан бажарилиши мумкин бўлган коинотга олиб чиқади. Воқеий ҳаёт қонуниятларини ҳам дин илоҳийлаштиради, ердаги кучларга нариги дунё шаклини беради. Гап фақат ҳаёлий орзу билан қобиғ беришда эди. Худога деб аталган нарсаларнинг ҳаммаси инсондан олиб қўйилди. Айтилиши бир хил ахлоқий қадриятлар диний ва диний бўлмаган онгда майдонга чиқадиган бўлди.

Гап шундаки, ҳеч бир жамият босқичида ахлоқ диндан ажралган ҳолда мавжуд бўлмаган. Ахлоқий эътиқодни динга боғламасдан асослаб бериш олдиндан мавжуд бўлсада, лекин улар ахлоқ эмас эди, балки ахлоқий таълимотлар эди. Баъзилар ахлоқ дин билан бевосита боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрига кўра, дин ахлоқнинг мутлоқ асосидир. Уларнинг кўз унгидан фақат дин ахлоқий талабаларга муқаддаслик ва шак-шубҳасизлик қиёфасини бериш қобилиятига эгадир. Худога асосланмаган ахлоқ ҳақиқий ахлоқ эмас. Дин нафақат у ёки бу ахлоқий тартиб-қоидалар, қадриятларни қўриқлайди. Дин айнан диний бўлмаган онгдаги тартиб-қоидаларга махсус маъно беради. Жумладан, кишилар ўртасидаги дўстлик ҳақидаги ахлоқий қадрият тўғрисида диндорлар ҳам, диндор бўлмаганлар ҳам гап юритадилар, лекин буни улар турлича тушунадилар. Диндорлар ҳамма инсонлар худо олдида тенг ҳам гуноҳкор деб тушунадилар. Диндор бўлмаганлар эса дўстлик

тушунчасига ҳар кимнинг кадр-қиммати ва озодлик, эркинлигини, ердаги бахтини тан олиш масаласини киритади, ижтимоий тенглик талабини ўртага ташлайдилар.

Диний ахлоқнинг бош тафовути нафақат ахлоқий тартиб-қоидаларни асослаш, балки унинг қадрияти ва қатъий қоидаларини ҳам мустақил маъноси ва аҳамияти йўқ деб ҳисоблашдир. Улар ердан юқори бўлган мақсадларга бўйсундирилган, инсоннинг инсониятга хизмат қилиши билан ҳам чекланмайди, балки нариги дунё соҳасига ҳам чиқади. Яна шу нарсани фарқ қилиш зарурки, диннинг ўзидаги қадриятлар, халқ ҳаётида ишлаб чиқилган нарсалардан сингдирилиб олинган. Масалан, севги масаласи дин томонидан ўзлаштирилиб олинган, лекин унга ҳеч қандай динийлик аслида йўқдир.

Гуноҳга ботиш, покланиш, қиёмат-қойим, дўзах, жаннат, худолар қиёфаси каби ҳаёлий каби орзулар, тасаввурлар бевосита диннинг ўзига тааллуқлидир.

Диндорлар муқаддас қоидалар худо томонидан берилган, деб ҳисоблайдилар. Илоҳиётчилар ахлоқни асосий диний ақидалардан олинган деб айтадилар. Аслида эса бунинг аксидир. Худо, нариги дунё қиёмат-қойим, дузах, жаннат ва бошқалар ҳақидаги тасаввурларнинг ўзи ахлоқий-ақлий йўналиш билан ижтимоий шароитлар таъсирида вужудга келди. Динлардаги ҳаёлий орзу кўринишларига кўпинча ахлоқий маъно берилган, қочирма сифатида ифодаланади. Диний-ҳаёлий қиёфалар ва диний ахлоқнинг илдизи битта асосга бориб тақалади. Ғайритабиий кучлар ҳақидаги тасаввурни ўзига хос ахлоқий-рамзий ифода сифатида қарамоқ керак. Ахлоқдан Оллоҳни яратиб, уни яхшилиқнинг ифодаси деб кўрсатиш учун ислом мураккаб муаммо олдида туриши зарур, қандай қилиб Оллоҳ ёмонлик мавжуд бўлишига имкон беради? Худони оқлаб кўрсатиш ҳар бир монотеистик диннинг, худони адолатнинг рамзи, ифодаси дейувчи вазифаси ҳисобланади. Шайтон, иблис, маълум, жин, нопок рух ... динларда ёмонлик сифатида қўлланилади “... худо доно бўлмаган оламни танлади, уни донолар билан тўлдириш учун” (I: 27).

Иудаизм, христианлик, исломда инсониятни жувонмарг қилган биринчи васваса қизиқтирадиган билимдир дейилади. “Шунингдек, ҳар бир пайғамбар учун инсу жинсдан бўлган шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун гўзал (ялтироқ) сўзлар билан васваса қиладилар. Агар Парвардигорингиз хоҳласа ундай қилмаган бўлур эдилар. Бас, уларни тухмат-бўхтонлари билан бирга тарк қилинг! (6:112) Проф. М.А.Усмонов изох беришича, “Бу ерда

шайтон (сатана) ва жин ўртасида яққол фарқ мавжуд. “Шайтон” атамаси қадимги смит (вавилон) анъаналаридан, қадимги яҳудий “сатан” (қарама-қарши ҳаракат қилувчи), юнонча “сатанас” сўзлари орқали европа тилларига ва рус тилига “сатана” бўлиб ўтган. Қадимги араблар афсонасида дастлаб яхшилик, кейинчалик ёмонлик, зарарли рух сифатида ифода этилган”⁴⁶.

Ахлоқ ва унинг қадриятларига муайян манфаат нуқтаи назаридан ёндошувнинг яна бир кўриниши бу синфийликдир. Кишилар ҳали бой ва камбағалга бўлинмаган уруғчилик тузуми даврида ахлоқ одамнинг тартиб қоидалари умум маънода амалга ошар эди. Ибтидоий одамнинг хулқ-атвори унинг меҳнати каби умумжамоа (уруғ ёки қабила) манфаатига мос келарди. Ҳар бир кишининг мувоффиқияти бутун уруғ мувоффақиятига асосланган эди. Инсон учун у вақтлар жамоат тартибини бузиш имконияти йўқ эди, у вақтда ҳаёт бундай сабабни яратмаган эди. У кейинроқ, имтиёзли табақаларга ажралиб чиқиши ижтимоий тафовутлар, мулк, тенгсизлик пайдо бўлиши билан келиб чиқди. Инсон энди олдин амал қилиб келган тартибдан орқага чекинишга, ўзбошимчаликка, шахсий манфаатга дуч келади, ақл эса бунга йўл топиш қобилиятига эга эди. Бу тартиб-интизомнинг бузилиши, бесаранжомлик, эришилган ютуқларни йўқотиш хавфини келтириб чиқаради. Олдин ички туғма ҳис-туйғулар ишлаб чиққан ва қўллаб қувватлаган тартиблар энди ҳимоя қилишни талаб қилар эди, онгдаги танқидий фаолиятни ҳимоя қилишнинг қўшимча чораларини топиш зарур бўлиб қолди.

Ижтимоий бир хиллик ва тенгликнинг барҳам топиши билан, умумий (ижтимоий) манфаат тушунчаси ҳам ўз маъносини йўқотди. Бунга фақат тазъийқ ва тақиқлар орқалигина амалга ошириш мумкин эди ва улар йўлга қўйилди. Мана шу тариқа исбот ва текширишларга муҳтож бўлмаган тартиб-қоидалар ва қадриятларни мафкуравий тусда асослаб бериш ҳам вужудга келди. Бундай исботлар ва текширувлар шу муайян фикр ёки нуқтаи назардан манфаатпарастлар эътибори билан асосланган эди. Тақиқлар кўпинча диний-афсоналар ҳам тушунтирилар эди. Бир томондан, халқ, меҳнаткашлар яхшилик тушунчасига ўзларининг орзу-ниятларини улаган бўлса, лекин бу олий мақсадлар кўпинча юқоридан берилган, муқаддас деб ҳам тушунтирилади. Лекин улар бари-бир адолатнинг тантанасига чақирар эди. Бошқа томондан эса, яхшиликнинг мустақилик ҳаёли ҳукмрон

⁴⁶ Қаранг: “Звезда востока”, 1990, № 6, 163-6.

синфларнинг манфаатини табаррук қилар, ниқоблар эди, ахлоқ соҳасидаги ҳушёр холислик билан қарашга тўсқинлик қилар, кишиларнинг қувватини ва ақлини занжирбанд қилиб қўйиш ҳам келиб чиқади.

Хуллас, моддий манфаатларда зиддият, қарама-қаршилик келиб чиқиши билан ибтидоий умумийликда ўзгаришлар содир бўлиб, онг ичидаги курашувчи нақшларда, шахснинг ички мувозанатининг бузилишида ўз аксини ҳам топади. Бу умумий ва шахсий манфаат, зарурият билан хоҳиш, истак ўртасида тўқнашувни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу ерда инсоннинг ўзи билан ўзидаги ички тартибсизликнинг манбаи яширинган бўлади, унинг шахсий руҳий олами-ақли ва қалби, мақсад ва ҳатти-ҳаракатларидаги мослик “парчаланади”, “чалғитилади”. Ахлоқ мавжудлик ва зарурийликнинг бўлинишини акс эттиради. Агар ўтмиш давлари онгида мавжудлик зарурий ҳисобланса, кейин зарурийлик воқеликда йўқ нарсага айланади. “Ибтидоий одамга бутун олам қандайдир у билан айнан, унинг учун туғилган ҳисобланарди. Энди эса табиат инсонга қандайдир бегона куч сифатида қарши туради, лекин у буни англай олмайди, мавжудлик зарурийлик сифатида қабул қилинмайди. Уйғунсиз олам мавжудлиги учун кескин курашда ибтидоий уйғунлик асос сифатида қабул қилинади.⁴⁷ Ахлоқ тўғрисида гапирганда, у амалга ошмаганлиги учун мавжуд бўлиб келаётир, деб айтадилар. Ахлоқ одамлар қандай ҳаракат қилаётгани ҳақида эмас, балки қандай қилиш кераклиги ҳақида ҳамдир. Ахлоқий хулқ-атвор соҳасида зарурийликнинг бундай акси яхшилик тушунчаси бўлади. Ижтимоий сабаблар туфайли кишиларнинг хоҳишлари ва бурчлари ўртасида ажралишув вужудга келади. Бу бўлинишдан ахлоқий онг ва унинг “абдий”, “қарғиш”га оид саволлар вужудга келди, ахлоқий ва фалсафий фикр кўп юз йиликлар давомида улар устидан баҳс юритади. Энг худбинлик ва ўз-ўзини қурбон қилиш, азоб-уқубат-тоқат, бахт-саҳоват, бурч-иштиёқ, ахлоқий соҳадан моддий муносабатлар соҳасига кўчади.

Шундай қилиб, инсоннинг олий мақсади ва унинг ҳаётга қатъий ишончи, нияти ва ҳатти-ҳаракати, сўз билан иш ўртасидаги ихтилофлар ўзининг чуқур ижтимоий-руҳий илдизига эга. Ижтимоий тенгсизликнинг мафкура, гуруҳий ёки синфий манфаатдорликнинг ахлоқ соҳасига киритилиши инсонлардаги турли важ-сабаблар учун

⁴⁷ Қаранг: Гулыга А.В. Искусство в век науки.-М.-: 1978. 507-б.

курашиб тўқнашувларга олиб келиши мумкин, бахтга интилиш, фаровонлик ахлоқий амр билан тўқнашиб, қарама-қаршиликка олиб келиши мумкин. Бундан синфлар мавжуд бўлган замонларда, ахлоқий қадриятларнинг мазмуни хиралашиб, фазилатсиз бўлиб келган, деб хулоса қилиш адолатсизлик бўлур эди. Тарихдан маълумки, жамият тарихидаги бу катта даврда инсониятнинг ахлоқий фазилатлари ўз тараққиётида чуқур ва кенг мазмунларга эга бўлади.

Кашифий ўзининг “Ахлоқи Муҳсини” асарида ёзишича: “Агар адолатсизлик сақланмаса, кучли ва кучсиз ҳам соғлом ва бемор ҳам йўқолади. Агар кучсизлар халок бўлса, дунёнинг кучлилари ҳам ўз ўрнида қолмайди, чунки кишиларнинг ҳаёти бир-бири билан боғланган. Шундай қилиб, кишиларнинг аҳволи адолатсиз мавжуд бўла олмайди. Адолат-бу кишилар ўртасидаги тенгликни кузатиш учун зарур, адолат-бу энг яхши сифат, адолатсизлик-энг хунук ва жирканч ҳатти-ҳаракатдир”.⁴⁸

Шундай қилиб, ахлоқ ва унинг категориялари яхшилик ва ёмонлик, виждон, ахлоқий бурч инсоннинг воқеликни ва ўзини-ўзи англашнинг (баҳолашнинг) ўзига хос шаклидир, маънавий фаолиятининг туридир. Чунки инсон ҳайвондан фарқ қилиб, тушуниб олинган далиллар асосида ҳаракат қилиш қобилиятига эга, у эркин танлаш қобилиятига эга, яъни нимагадир, ўз муносабатини ўзи белгилай олади, ўз ҳатти-ҳаракатларига ўзи маъсулият сезади. Шунинг учун барча ҳаракатлар ахлоқий жиҳатдан баҳоланади, уларда инсон иродасининг онгли аҳди акс этади. Албатта, бу ҳар қандай жамиятда мажбур қилиш, бўйсундириш зарур дегани эмас. Чунки иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, маъмурият нуфузига асосланган жамоачилик тартиби, тартиб-интизоми, ахлоққа ўз таъсирини ўтказади. Лекин куч билан инсонни гарчи кераксиз қилиқлардан мажбуран воз кечдириш мумкин бўлса ҳамки, лекин ахлоқли қилиб бўлмайди. Албатта, Амалиётда инсоннинг ҳатти-ҳаракати баҳоланади. Бу бировнинг қалбига беҳато назар ташлашнинг воситасидир. Ахлоқий жиҳатдан баҳолаш маълум амалий натижага олиб келган шахснинг яхши ният, мақсадларини четлаб ўта олмайди. Чунки яхши ниятлар зарарли натижаларни, оқибатларни оқламайди. Шунинг учун ахлоқ инсонга ўзининг ҳаракатларининг аниқ оқибатларини, ҳеч бўлмаганда уларнинг энг яқин натижаларини олдиндан кўра олишини унинг зиммасига юклайди.

⁴⁸ Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. 464-465-б.

Кишиларнинг ахлоқлилиги ҳақида фикр юритганда ундаги яхшиликка бўлган интилиш, бошқаларнинг ниятларидан фарқ қилиб, у ўз хулқ-атворини бошқара олиши, амалий мақсадга мувофиқлик ҳамда ташқи, четдан мажбур қилиш, ички туғма ҳиссий қизиқиш, қўрқиш ва бошқаларини ҳам у бошқара олсагина, шунда у киши ҳақида ҳукм юритиш мумкин.

Инсоннинг табиатга, меҳнат фаолиятига махсус ўзига хос муносабати унинг онгли, маълум мақсадга мувофиқ ҳаракатларини асослаш қобилиятини келтириб чиқаради.

Жамиятдаги мақсадга мувофиқлик хусусияти инсонда ўзининг энг юқори чўққисига етади ва ўз чегарасидан чиқиб, унинг онгли ҳаракати ва ижодиётида мақсадга мувофиқликка эришди. Бу ақлий жараён инсон хулқидаги туғма аъзолар ички ҳис, бевосита ички интилишлари инкор қилмайди. Бошқача сўзлар билан айтганда, мавҳум тафаккур ...инсон руҳиятига сингдирилган умуминсоний ҳиссий идрокни билгувчи тажриба асосидагина бўлиши мумкин. Меҳнат соҳасидаги ҳаракатларни тушуниб олиш-умуман барча хулқ-атворни тушуниб олишга ўсиб чиқади. Шундай қилиб, ахлоқий важ ўзига хос хусусиятга эга, у узида ақл ва ҳиссиётни англаб олинган, мақсад, ички туғма ҳис талабини бирлаштиради.

Ички туғма ҳиссий йўл-йўриқлар, шубҳасиз, ўзига хос ахлоқий баҳолашнинг келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Аниғи, улар яхшилик ва ёмонликни ажратиш учун, ахлоқий нуқтаи назардан ҳаракатларни баҳолаш учун дастлабки, илк восита бўлиб хизмат қилади. Маълум тўпланган ҳиссий идрокни билгувчи тажриба яхшилик ва ёмонликнинг бевосита мезонига айланди. Шундай қилиб, ахлоқий бошланғич ички туғма ҳис ва ўз-ўзини англашни бириктиради. Ахлоқий амр, бир томондан, ички туйғу орқали ҳис этилса, иккинчи томондан, онгли баҳолаш, ақлни белгилайди. Меҳнат, маълум мақсадга мувофиқ фаолият ўз ички ҳис туйғу майлини, ҳавасларини англаб олишга имкон беради. Бундай англаб олиш мазмуни ҳаётининг фаолиятдаги мақсадларни туғма ҳис туйғу талабларига мувофиқ ёки номувофиқ тушуниб олишга вобаста. Бундай келишиш тартиб, асос эътибори жиҳатдан маълум бир шахснинг манфаати билан жамият манфаати мувофиқ келгунча, махсус қийинчилик туғдирмаслиги керак.

II БОБ. АХЛОҚ ВА ИСЛОМ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.

1§ АРАБ УМУМИНСОНИЙ АХЛОҚНИНГ МУСУЛМОН АХЛОҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ.

15 аср давомида ислом дини жуда катта ҳудудни эгаллаб келмоқда. Ислом Атлантик океани қирғоқларидан Хитойнинг ғарбий қисмигача, Шарқдаги Малай архипелагигача бўлган ҳудудларда яшайдиган халқларнинг маънавий қиёфасининг шаклланишида муҳим аҳамият ўйнади. Мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини, ҳуқуқи, сиёсати, ахлоқ-одоб, тартиб қоидаларини, ҳўжалик фаолияти ва бошқаларини ҳам амалда ҳар томонлама билимдонлик билан тартибга солувчи бўлди. Бошқа динларга нисбатан ислом ижтимоий борлиқ ва онгнинг дунёвий шакллари, диний бўлмаган ходисалари билан ҳам, инсон билан яқиндан алоқада бўлганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Афсуски, ҳанузгача исломнинг келиб чиқиши ва унинг моҳият-мазмунининг таҳлили, юмшоқ қилиб айтганда, бир ёқламалик тусга эгадир. Ҳайриятки, бу соҳада анчагина янги илмий мулоҳазаларга эга бўлмоқдамиз. Бунга “Ислом. Религия, общество, государство” номли китоб муаллифларининг фикр-мулоҳазалари мисол бўла олади. П.А.Грязневич раҳбарлигидаги етук исломшуносларнинг бу китобда келтирган фикр-мулоҳазаларидан бири шундан иборатки, биз ҳозиргача ислом динини ўрганишда унинг келиб чиқишининг Арабистондаги ички табиий ва қонуний тараққиётидан келиб чиққан нодирлик (феномен) сифатидалигини кўра олмадик. Исломнинг моҳиятини христианлик ва иудаизм динларидан келтириб чиқардик. Ислом ўша динлардаги ақида ва ибодатларни оддийгина, юзаки ўзлаштириб олиб, уни давом эттирган деб тушунтириб келдик.

Ваҳоланки, Ислом Арабистон уруғчилиқ жамиятидаги диний онг ривожининг ички табиий қонуний босқичи сифатида ўзининг ақидалари, ибодатларида кўплаб қадимги Олд Осиё семитлари диний-мифологик тасаввурлари, иудаизм, христианликнинг монотеистик қарашларини ҳамда ўзларининг пайғамбарлари-Марказий ва Жанубий Арабистоннинг худо изловчиларининг-ғоялари, диний амалиётининг тадрижий тараққиёти натижасида вужудга келди.⁴⁹

⁴⁹ Қаранг: Ислам. Религия, общество, государство –М.: Главная редакция восточной литературы. Изд. «Наука» 1987. 3-б.

П.А.Грязневичнинг “Проблемы изучения истории возникновения ислама” асарида ёзишича, араб диний-сиёсий ҳаракатининг чуқур ижтимоий-иқтисодий илдизларини кўрмаган В.В.Бартольд, исломнинг келиб чиқишини уруғ-жамоа тузумининг инқироzi ва ҳалокати билан боғлаш ўрнига уни мажусийлик ва якка худочилик ўртасидаги кураш муаммоси доирасида қолдирди.

В.В.Бартольд ҳозирги исломшунослар каби исломнинг мажусийлик динидаги ички ворисий алоқасини кўриб чиқмади, Муҳаммад эса ўз ҳаётининг қарийиб ярмини у билан боғлаган эди, унинг қабиладошлари, замондошлари ҳам уни кўллаб-қувватлаб, кейин эса мусулмон бўлиб қолдилар. У ислом келиб чиқишининг табиий ва қонуний босқичи бўлмиш Арабистондаги уруғ-жамоа жамияти диний онг шаклининг тадрижий ривожини эканлигини кўра олмади. Бу жамият янги диний онгнинг ички тузилиши учун зарурий бўлган асосий қисмларини аллақачонлар ишлаб чиққан эди. Шунинг учун мана шундай ирсий алоқа Арабистоннинг мажусий аҳолиси ўртасида айниқса шаҳарларда ва деҳқончилик минтақаларида янги диннинг тез тарқалишига имконият яратди.⁵⁰ Бундан ташқари “ислом” атамасини олайлик. Ғарбда ҳам, бизда ҳам “ислом” сўзининг изоҳлашда шундай тушунча томир отганки одатда уни итоаткорлик, мўминлик деб таржима қиладилар.⁵¹ Фалсафа фанлари доктори А.В.Сагадеев эса “ислом ўзини Худо иродасига берилишини, шахсий эътиқод ва илоҳий ваҳийликни қабул қилиш, унинг белгилаб берган хулқ-атвор йўлига мувофиқ ҳаракат қилишни ўз ичига олади, деб тушунади. Муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф фикрига кўра, диннинг ислом деган номи Муҳаммад пайғамбар томонидан эмас, балки Оллоҳ-таоло ихтиёр қилган. Буни Қуръон (5:3) ҳам тасдиқлайди. Ислом сўзи: 1. Ихлос. Турли офатлардан саломат бўлиш. 2. Сулҳ ва омонлик. 3. Итоат ва бўйсунуш”ни ўз ичига олади.⁵²

Қуръоннинг Бақара сурасининг 131 оятида шундай дейилган: “Парвардигори унга: “Буйинсун”-деганида: Бутун оламлар эгасига буйинсундим”, деди. Профессор М.А.Усмоновнинг изоҳича, “бўйсинсин” тушунчасини “ўзини худога топшириш” (ўзини

⁵⁰ Қаранг: ислам. Религия, общество, государство –М.: Главная редакция восточной литературы. Изд. «Науки» 1987. 7-б.

⁵¹ Қаранг: Кориев В.Н. “Невидимые” парадоксы религии и культуры. –М.: Знание. 1991. № 3. 20-б; Ислам: Энциклопедический словарь –М.: Наука. Главн.ред.вост. лит.-ры. 1991. 103-б.

⁵² Қаранг: Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Имон: (Ислом, Қуръон, одоб-ахлоқ). –Т.: Камалак. 1991. 7-б.

бўйсиндириш дини), “бўйсиниш”-муслим маъносида ислом динининг келиб чиқишига тааллуқлидир.⁵³

Мана шунинг учун Қуръоннинг бир нечта сураларида Иброҳим (Авраам) кенг тарихий маънода тасвирланган. “Иброҳим Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида уларни бенуқсон ҳолда адо этди”. Шунда Оллоҳ таоло: “Албатта мен сени одамларга имом қиламан”, деди. “Зурриётимни ҳам-а?”-сўради у. Оллоҳ таоло айтди: “Менинг бу аҳдим золимларга етмайди” (2:124). Ёки: Иброҳимнинг динидан фақат енгилтакларгина юз ўгирадилар. Ҳақиқатдан дунёда уни танлаб олдик ва у охирада шубҳасиз солиҳ (яқинларимиздан)дир (2:130).

“Албатта Оллоҳ Одам Нухни ҳамда Иброҳим ва Иброн сулолаларини бутун олам устидан (пайғамбарлик учун) танлаб олди. Уларнинг бировлари бировларига зурриёт эдилар. Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир” (3:33-34).

“Иброҳим яҳудий ҳам насроний ҳам эмас, балки ҳақ йўлдан тоймаган ҳолда (Оллоҳга) итоат қилгувчи киши бўлган. У мушриклардан ҳам бўлмаган”. “Одамларнинг Иброҳимга яқинроғи унинг йўлига эргашган зотлар мана бу пайғамбар (Муҳаммад алайҳис-салом) ва иймон келтирган кишилардир. Оллоҳ иймон-этиқодли бўлган кишиларнинг дўстидир” (3:67-68).

“Айтинг”. “Мени Парвардигорим тўғри йўлга, Рост динга-ҳақ йўлга мойил бўлган Иброҳимнинг миллатига ҳидоят қилди. У мушриклардан бўлмаган эди” (6:161). Биз бу ерда проф. М.А.Усмоновнинг изоҳларига тўла қўшиламиз, чунки, унинг фикрича, Қуъроннинг мазмунига кўра, Муҳаммад ҳаётнинг охиригача ислом дини Иброҳимнинг динини тиклашдан иборат деган тасаввурга эга эди. Бундан ташқари арабларда араблар ҳам, яҳудийлар ҳам Иброҳимдан келиб чиққан деган тасаввур мавжуд эди. Яҳудийлар унинг ўғли Исҳоқдан, араблар эса Иброҳимнинг Агара (арабча Ҳожар) деган хотинидан бўлган ўғли Исмаил-Измаилдан келиб чиққан дер эдилар. Бунинг илдизи умумсемит диний тасаввурлари билан боғланган бўлиб, бундай тасаввурлар нафвқат яҳудийлар ва арабларда, балки Олд Осиёдаги бошқа семит халқларида ҳам мавжуд бўлган.

Юқорида келтирилган оятларга таяниб, Ислом мана шу маънода VII асрда келиб чиққан эмас, деб қайд қилади А.В.Сагадаев, балки яратилган кунидан агар ундан ҳам илгари бўлмаса мавжуд эди, барча

⁵³ Қаранг: “Звезда Востока”. 1990. № 1. 160-6.

пайғамбарлар, ҳатто Исо ҳам “мусулмон” бўлганлар. Иброҳим-Авраам-“муслим”, диндорларнинг отаси деб аталиб, исломгача тарихни ўзида мужассамлаштириб, унинг исломга муносабати тарихий бўлиб, “Умм-ал-Китоб” (илоҳий китоб худонинг сўзлари, ҳар қандай мусулмонга манзур бўлган-Қуръон)га бўлган муносабатидек тарихийдир.⁵⁴ Бунга Қуръондаги қуйидаги ваҳий ҳам асос бўлади.

“Албатта Мусога китоб бердик. Ундан кейин ҳам пайғамбарлар юбордик. Исо бинни Марямга хужжатлар бердик ва уни Рухул кудс (Жаброил) ила қувватлантирдик. Ҳар қачон бир Пайғамбар сизларга ёқмайдиган нарса (оятлар) билан келса, бировини ёлғончи деб бировини” ўлдираверасизми?” (Қуръон, 2:87).

Ислом бошқа жаҳон динлари каби ўзининг келиб чиқишидан бошлаб инсоният жамияти ишлаб чиққан қадриятларни инкор қилмайди, аксинча уни янги мазмун билан бойитади, инсониятнинг энг яхши сифатларининг йиғиндисини ўзига киритади. Инсоният ислом тимсолида ва унинг ёрдамида яна битта, янада юксакроқ босқичга кўтарилди. Шунинг учун Муҳаммад бир-бирига душман бўлган араб қабилаларини ва кейинроқ барча мусулмонларни яраштириш, бутун инсоният жамиятини бирлаштириш учун шарт-шароит бўлади деб ҳисоблар эди. Мана шунинг учун исломнинг илк тарихининг ўзига хос хусусияти қуйидагилар ҳисобланади. Биринчидан, ислом қисқа давр давомида тор доирадаги арабларга хос диндан ғавқулодда катта давлат динига айланди. Иккинчидан, ислом ҳар томонлама билимдон диний уюшмага айланди, у дастлаб сиёсий қиёфага эга бўлмаса-да, лекин сиёсий воқеаларда маълум ўрин эгаллаб ўзининг шахсий қадриятларини бошқа маданиятларга мажбуран қабул қилдирадди.⁵⁵ Бошқа томондан мусулмонлар христианлар яратган маданий қадриятларнинг яхшилари худди ўзлариники каби ўзлаштириб олардилар. Агар апостол Петрнинг ҳикматли гапини эсласак, ҳар қандай халқда “худодан кўркқан ва тўғри ҳаракат қилган. Унга маъқул бўлади” (Деяния, 10:35), шу нарса аниқки, мусулмонларнинг бошқа диндагиларга, шу жумладан, христианларнинг тутган йўлига қарама-қарши қўйиш учун ҳеч қандай асос йўқ. (Бу масалага қуйироқда қайтамыз).

Қуръон ва исломнинг бошқа манбаларини диққат билан ўрганиш исломда бу диннинг энг муҳим хусусиятлари Марказий ва Шимолий

⁵⁴ Қаранг: “ЛГ-Досье”, 1991. № 7, 7-6.

⁵⁵ Қаранг: Г.Э.фон Грюнебаум. Классический ислам. Очерк истории (600-1258). Пер. с англ. И.М.Дижур. Предисл. В.В.Наумкина. –М.: Гл. Ред. вост. лит. Изд. “Наука”. 1986. 13-б.

Арабистондаги мажусийларга мослашиб кетган умумлашган бирликларини топиб олишга ёрдам беради. Ислом таълимотининг жисмоний ҳукмронлиги эмас, балки маданий қудрати, унинг ички табиатидан келиб чиқувчи бирлаштиручилик руҳи тарқоқ араб қабилалари маконида қудратли уюшма тузилишига ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилди. Ҳамма мусулмонларнинг ҳамжиҳатлиги, бирлиги ҳақидаги ислом ақидаси миллий ва ижтимоий тафовутлардан қатъий назар биринчи навбатда бу қабилаларни бирлаштиришнинг омили бўлди.

Арабларнинг тарихи ва уларнинг тез орада Осиё, Европа ва Африкада жадал суръат билан тарқалиши, улар томонидан юксак маърифатли маданиятнинг вужудга келтирилиши-дунё тарихидаги муъжизалардан биридир, деб қатъий равишда эътироф этади Ж.Неру.⁵⁶

Ислом янги куч ёки ғоя бўлиб, арабларни уйғотди, уларга куч-қувват ва ўзларига ишонч бағишлади.

Бу фавқулодда ҳодисанинг (феномен) тарихий сабабларини таҳлил қилган Неру бунга Муҳаммад Пайғамбар ва унинг сафдошларининг фаолияти, унинг кишилар биродарлиги тўғрисидаги таълимоти ёрдам берди деб таъкидлайди. Нерунинг Арабистон халқлари ҳаёти ва урф-одатлари тўғрисидаги маълумотлари кейинчалик улар фаолиятининг кўпгина маданий ва диний томонлари асосига айланган анъаналарга маълум даражада таъриф беради. У араб цивилизацияси маълум даражада ислом вужудга келгунга қадар шаклланган эди, деган ишонарли далилларни келтиради. Нерунинг ёзишича, “Араб цивилизацияси кўкқисдан фанодан-йўқликдан келиб чиққан ва ислом пайдо бўлгандан кейин шаклланган деб ҳисоблаш хатодир. Баъзи мусулмон олимлари араб халқи тарихи исломгача бўлган даврни жоҳилик даври деб атаб, унинг аҳамиятини пасайтиришга ҳаракат қилдилар. Аслида бошқа маданиятларга ўхшаб араб маданияти семит халқлари-феникинлар, критянлар, халдийлар, яҳудийларнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган бой ўтмишга эга”.⁵⁷ Бу халқлар ўртасида тўқнашувларга қарамасдан, умуман олганда, улар орасида доим алоқалар бўлиб турган, ўзаро айрибошлаш амалга оширилган, баъзи умумийлик мавжуд бўлган деб эътироф, Неру. Хусусан у Яманда араб маданиятининг исломгача ривожланишини алоҳида кўрсатади. Муҳаммад ҳаётлиги даврида

⁵⁶ Қаранг: Неру Ж. Взгляд на всемирную историю. Т. 1. –М.: 1989, 206-б.

⁵⁷ Неру Дж. Открытие Индии. Кн. 1.-.-М.: 1989. 357-б.

форс ва ҳатто Ҳинд сўзлари кирган бой араб тилининг ривожланишига эътиборни қаратади.⁵⁸

Кўпгина олимларнинг фикрича синфсиз жамиятгача бўлган даври (V-VI асрлар) (Йеменнинг ўтроқ аҳолисидан ташқари) жоҳилия даври деб аталади.⁵⁹ Билимсизлик ҳолати, жаҳолат, ёввойилик-жоҳилияга мансуб сифатлар деб келадилар.

Ислом манбаларида ва илоҳият китобларида бу сўзга махсус маъно бериб, исломдан илгариги даврда билимсизлик ва жаҳолат ҳаёт бўлиб, исломдек “ҳақиқий динни” билмаслик, деб таърифланади. “Бу билан илгари билимсизлик ва жаҳолатда яшаган арабларга ислом дини гуё билим ва маърифат келтирган деган ғайри-тарихий ғоя талқин этилади. Аслида араб халқининг исломдан илгариги даврга хос маънавий мерос (масалан, сақланиб қолган адабий мерос), уларнинг маълум билим ва маданиятга эга бўлганларидан далолат беради.⁶⁰ Е.А.Разван “Қоран” и доисламская культура “проблема методика изучения” асарида ёзишича, И.Гольдциэр ўзининг “Мусульманские”да биринчи марта исломгача бўлган поэзия ва Қуръондаги ижтимоий ахлоқ ҳамда ижтимоий руҳиятнинг таққослаш таҳлилига биринчилар қаторида урилиб кўриши бежиз эмас.⁶¹ Чунки илк ислом тарихи ҳам мажусийлик динларидан яккахудочиликка ўтиш тарихи ҳам ҳисобланади.

Гольдциэрнинг исломга бўлган ёзма ва оғзаки адабиёт ва Қуръондаги ахлоқ ва ижтимоий руҳиятнинг қандай акс эттирилганини таққослаб, таҳлил қилиши бизга илк исломнинг ҳақиқий хусусиятларини аниқлашга, қолаверса Муҳаммаднинг ижтимоий қарашларига нисбатан хатоларимизни ҳам юпатишга ёрдам бериши турган гап.

Исломгача бўлган мажусийлик Арабистондаги космогоник⁶² тасаввурлар тўпламида “инсон зотининг отаси”, “биринчи одам”⁶³ тушунчалари мавжуд бўлмаган, ҳар бир уруғ ёки қабиланинг тарихи одатда аجدод-уруғ асосчисини аниқроқ, илоҳийлаштиришдан бошланар эди. Бу ахлоқшунослик онгининг номуттасидлиги билан белгиланар, бу мажусийлик Арабистон мафкурасининг ўзига хос

⁵⁸ Шарқшунос Е.Э.Бертелснинг фикрича, араб тилида форс тилининг ҳажми жуда ҳам оз, аммо форс тилида араб тилининг ўзлаштириб олингани жуда ҳам кўп.

⁵⁹ Қаранг: Беляев Е.А. Арабы, ислам и арабский халифат ...-78-б.

⁶⁰ Усмонов М.А. Ислом. Справочник...-115-б.

⁶¹ Қаранг: “Ислам. Религия, общество, государство” ...147-б.

⁶² Фалакиёт илмининг осмон жисмлари, уларнинг пайдо бўлиши ва ўзгаришлари ҳақидаги бўлими.

⁶³ Бу ҳақда бир мунча батафсилроқ қаранг: Грязнов П.А. Развитие исторического сознания арабов (VI-VII вв). –Очерки истории арабской культуры V-XV вв. –М.: 1982, 83-90-б.

хусусияти эди. Фақат араб христианлари ёки иудейлари ўртасида Библиянинг Одам ота ҳақидаги тасаввурлари тарқалган эди. Муҳаммаднинг хутбаларида биринчи одам ва инсоният ҳақидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши, унинг олам манзарасини англаб олишида муҳим ўринлардан бирини эгаллади, унинг кўплаб замондошларининг, умуман инсоният жамиятининг келиб чиқиши ҳақидаги қарашларида туб бурилиш ясади.⁶⁴

Қуръонда Маккаликларни ягона худога мурожаат этишга чақирилади, бошқа худоларнинг мавжудлиги инкор қилинади, “...сизлар Оллоҳни қўйиб, илтижо қилаётган бутлар агар барчалари бирлашганларида ҳам бир чивин ярата олмаслар...” (22:73).

Бундан кўриниб турибдики ҳар бир қабиланинг худо-ҳомийсининг асосий вазифаси кишиларнинг кундалик ишларига ёрдам бериш бўлган бўлса, энди унинг ўрнига ягона худо ҳамма нарсани, тоғларни ҳам, ерни ҳам, осмонни ҳам, кишиларни ҳам яратувчиси сифатида келади.

Инсон зотининг кўпдан-кўп аجدод-уруғ ва қабилаларнинг асосчиси ўрнига битта умумий ота-Отам ота вужудга келади. Унинг қиёфасига мурожаат этиш шуни кўрсатадики, Муҳаммадгача маккаликларда ҳаммага умумий бўлган биринчи ота ҳақидаги тасаввур ҳам бўлмаган, демак “инсоният” деган ижтимоий тушунча ҳам бўлмаган.

П.А.Грязневичнинг фикрича, Муҳаммаднинг мақсади кишиларнинг диний ибодат бўйича тарқоқлигина тугатиш эди. Қуръонда этно қабила тарқоқлиги эмас, балки кўпхудочилиқ қораданади. Шунингдек ислом арафасигача бўлган ва Муҳаммад давридаги бутун поэзияда ҳам қабилаларнинг марказлашуви ёки бошқачароқ уруғ бирлиги ҳақида ҳеч қандай чақириқ айтилмаган. VII асрнинг биринчи чорагидаги бутун Арабистонда яшовчиларни этнологик ва маданий бирлик сифатида бирлаштиришнинг ғира-шира бўлсада ғояси илгари сурилди.⁶⁵

Поэзияда ўз-ўзидан келиб чиққан умумий ном “кишилар” (ан-нас) кенг тарқалди, бу иборанинг маъносида одатда энг аввало қадимги арабларнинг тил билими асосида, ўхшаш урф-одатларга ва ҳўжалик юритиш малакаларига эга бўлган умумий ахлоқий, ҳуқуқий тасаввурларга эга бўлган кишиларни тушунилар эди. Бу сўз билан бадавий шоирлари, хусусан ўзига ўхшаган кишиларни, ор-номус, ор-

⁶⁴ Қаранг: “Ислам. Религия, общество, государство” ...59-б.

⁶⁵ Қаранг: “Ислам. Религия, общество, государство” ...137-б.

номуссиз тушунчаларини, уруғчилик одамидаги довюраклилик, мардлик (мурувва) жасоратларнинг умум йиғиндисини ўзида мужассам “этган”, “қонга-қон” қасосини бажарувчиларни, уруғчиликка оид ўзаро ёрдамини тушунар эди.

Лекин шунга қарамасдан, аввалгидан Арабистоннинг кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси ўзларининг ўзлигини англаб, бир-биридан ажралиб кетганларини қайси элат насаби қаторига тааллуқли эканлигига қараб аниқладилар. Арабистон уруғ-қабила жамиятининг мустақил қабила, қабилавий гуруҳларга ажралиб кетганлиги умумараб маъносида ўз-ўзини англашнинг йўқлигида намоён бўлди. Қабилавий фикрлар хилма-хиллигидан уларнинг онгида барча Арабистон қабилаларининг умумий аждоди тўғрисидаги тасаввурнинг ишлаб чиқилмаганлигига сабаб эди.⁶⁶ VI асрнинг охири VII асрнинг бошларидаги шоирлар ҳали ҳам ўз қабилалари, қабилалар иттифоқини кўкларга кўтарар, бегоналарни қон қақшатар эди, кўплаб шоирлар бутун Арабистонга қахрамон-тинчлик ўрнатувчиларни мактар эдилар, чунки улар қабилалар ўртасидаги у ёки бу урушга хотима берган эдилар, лекин уларнинг биронтаси ҳам қабилалараро марказлашв қандайдир янги бирлик яратиш-чақириғи билан чиқмаган эдилар. Бу мавзу исломгача бўлган поэзияда йўқ эди.

VII асрнинг биринчи ярмида Арабистондаги ўзига хос тараққиётнинг жараёни, шу билан араб жамиятининг бирлиги тузилишига бевосита таъсир қилган нарса Муҳаммаднинг пайғамбарлик фаолиятидир.

Араблар неча юз йиллар илгари у ёки бу қабиланинг аъзолари сифатида тенг, ҳамма уруғлар баробар бўлган шароитда яшаганлар.

Ишлаб чиқарадиган ерлар, яйловлар, чорва, қудуқлар ва ҳовузлар муайян бирон-бир кишига эмас, балки ҳаммага тегишли эдиким, бу муносабатларнинг баробарлигини таъминларди.

Е.А.Беляевнинг ёзишича, V-VI асрларда араблар (Йеменнинг, ҳеч бўлмаганда уларнинг аксарият кўпчилиги, ўтроқ, аҳолидан ташқари) ибтидоий жамоа муносабатлари босқичида бўлган. Давлат ва унинг муассасалари ҳали бу синфсиз жамиятда ташкил этилмаган. Араблар уруғ-қабила тузумида яшаган, уларда биттагина кишиларни бирлаштирган ташкилот бўлиб, у қон-қардошлик алоқаларига асосланган эди. Арабистоннинг бутун аҳолиси, кўчманчилар ҳам ўтроқлар ҳам алоҳида қабилаларга бўлинган эди, ҳар бир қабила эса

⁶⁶ Қаранг: “Ислам. Религия, общество, государство” ...135-б.

(уларнинг сонига қараб, уларнинг тарқалган ҳудудининг ҳажмига қараб) кўп ёки оз сонли уруғ-аймоқларга бўлинган.⁶⁷

И.Гольдциэрнинг фикрича, уларнинг ижтимоий тузуми ўзаро қабилавий муносабатларга асосланган эди. Муайян қабилага мансублик қабиладошларни бир-бири билан боғлайдиган бўгин бўлиб, бу билан уларни бошқа гуруҳлардан ажратиб турар эди.⁶⁸

Араб генеологлари (“насл-насаб тарихи билимдонлари”) тасаввурига кўра, VII-VIII асрларда барча араблар ўзининг келиб чиқишини Библиядаги Авраам (арабча-Иброҳим) билан боғлайдилар. Шимолий арабларнинг келиб чиқишига унинг ўғли Исмоил, жанубий арабларнинг келиб чиқишига эса арабларнинг Кахтани деб аталган Иактан асос солган деб билар эдилар. Довюррак жангчи, ўз уруғига беҳад берилган у ёки бу қабилага мансублигидан мағрурланувчи, ўзга қабиладаги душманлари устидан мазах қилиб мириқиб кулувчи-исломгача бўлган поэзиянинг бош қаҳрамонлари ҳисобланади.

Асад қабиласидан бўлган шоир Обид ибн ал-Аброс “кўрқоқлиги билан қарилик ёшигача яшаб келган” қабиладошларининг кўпчилигини ўлдирилганларини тараннум этиб, мағрурланиб ёзган. Поэзиянинг бунга ўхшаш қаҳрамонини танлаш араб қабилалари ўртасида урушларнинг доимий хусусиятига эга бўлганлигидир. Бундай талон-тарожлик билан ўтувчи қабилалараро урушлар йилнинг саккиз ойида сурункасиз давом этарди. Уруғдошининг ўлдирилгани учун “қонга қон қасоси” оддий ўч олиш бўлмай, балки ўлдирилганнинг оиласи, уруғига етказилган тавон учун жанг ҳам эди. Тўкилган қон учун ўч (қасос) олиш (хун олиш) диний руҳиятнинг таркибий қисмига айланиб кетди.

Баъзи ривоятларга қараганда, исломгача ўрта ҳисоб билан 1200 бошқаларда эса 1700 урушлар бўлиб, улар тўхтовсиз равишда давом этиб, минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган.⁶⁹

Шоир Лабиднинг тасвирича, у замон араблари бири иккинчиси томонидан қурганини бузиб, иккинчи эса уни қайта бошдан қурувчи икки нафар ишлайдиган одамларга ўхшайдилар.⁷⁰

Қариндошлик алоқаси энг зўр ижтимоий куч бўлган. Қабила ва уруғларни азалдан кўплаб кўрган, жасурлиги билан танилган,

⁶⁷ Қаранг: Беляев Е.А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннее средневековье. Второе изд. —М.: Наука. 1966. 67-б.

⁶⁸ Қаранг: Гольдциэр И. Арабские племенные отношения и ислам; Крымский А. История мусульманства. Самост. Очерки, обработки и дополнения перевода из Дози и Гольдциэра. Ч. I. II. —М.: 1903. 89-б.

⁶⁹ Қаранг: Саидбаев Т.У. Истоков ислама. -Исломский вестник, № 2, (31.1 1992), 23-б.

⁷⁰ Қаранг: Исламский вестник, 1992, № 3. 24-б.

мулоҳазали, низоларнинг олдини оладиган, уруғдошларнинг манфаатини ҳимоя қила оладиган ва ифодалай оладиганлар бошқарар эди. Ҳокимият ва ҳурматга сазовор кишиларгина унга муяссар бўларди. Улар сайид (яъни жаноб маъносида) бўлган, бизга яқин замонларда эса уларни шайх деб атаётганлар.

Қабила аъзоси ўлдирилса, ярадор қилинса ёки жисмоний масҳара қилинса унинг барча қабиладошлари қасос олишлари зарур эди. Қасос нафақат қотилдан, балки барча уруғ ва қабила аъзоларидан ҳам олиниши керак эди. Бу уруғ-қабиланинг бирдамлиги ва ўзаро ёрдамнинг энг кучли кўриниши эди, унда ҳар бир қабила аъзоси ўз қабиладошларининг ҳатти-ҳаракати учун ўзини маъсул деб ҳисоблар эди.

Шоир Дурейд ибн ас-Симма шундай деган эди: Мен жазийя қабиласидагилардан бириман, агар у адашиб юрса, мен ҳам у билан адашаман, агар у тўғри йўлдан кетаётган бўлса, мен ҳам у билан бирга бораман.

Маълум қабилалар ўртасида қонли қасос (соф), баъзан бир неча ўн йиллар давом этиб, кўплаб одамий ва моддий зарар келтирарди. Уруғ қабила бирдамлиги асосида намоён бўлар эди, уни Ибн-Халдун қон-қардошликка асосланган ҳиссиёт бирлиги деб белгилайди.⁷¹

Бадавий подшолигидаги тенглик, эркинлик, мустақиллик ҳақидаги осойишталик (идиллистик) роҳат-фароғатлилик тасаввурига кўра, гуё ҳеч қандай тарихий асосга эга эмасдирлар. Исломгача бўлган араб поэзияси эса бутунлай бошқа тасаввур беради. Мулкый бўлинишнинг оқибатлари ва натижалари энг аввало V-VI асрлардаги араблар ўртасида (кўчманчиларда ҳам, ўтроқларида ҳам) тўла намоён бўлган эди.

Бир томондан юқори табақалар кўплаб чорва сонига, қулларга эгалик қилиб-салук номини олса, иккинчи томондан эса ишлаб чиқариш воситаларидан биринчи навбатда чорвадор маҳрум бўлган ва тасодифий иш ҳақлари билан кун кўрувчи камбағал-бадавийлар ҳам пайдо бўлдилар, кўпинча уларни қабиладан ҳайдаб чиқарар эдилар, уларни тарид деб атардилар.

Шоир Шанфара салуклардан эди, саҳрода дарбадарлик қилиб юриб манманлик билан шундай деган эди: Менинг сизлардан яқинроқ оилам бор: серғайрат бўри, қоплон (олачипор қора жунли), сиртлон (ёлдор сассиқ)⁷².

⁷¹ Қаранг: Беляев Е.А. Ўша асар 71-б.

⁷² Қаранг: Крачковский И.Ю. Аш-Шанфорий песнь пустыни. Изб. соч., -Т. II, 240-б.

Шоир таабата Шарран бошқа бир машҳур таридлардан бири бўлиб, фақатгина унинг биргина номини эшитиш замондошларнинг юрагида қурқув ўйғотар эди. “Ёлғизлик унинг севимли йўлдоши эди, чалкаш юлдузлар онаси-қутб юлдузи ижозати билан дарбадарлик қилар эди”⁷³.

Е.А.Беляев фикрига кўра, салук ва таридлар бадавийлар жамиятида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг парчаланиши натижасида пайдо бўлди, улар тенгсизликка қарши курашдилар.

Уруғ задагонларининг (энг аввало сайдлар ва раислар) моддий устунлиги уларга оддий бадавийларникидан тубдан фарқ қилувчи ҳаёт тарзини юритишга имкон берар эди. Янада кўпроқ вужудга келаётган норозиликларни, иқтисодий тенгсизликни сиртдан силликлаш учун, улар зиёфатлар уюштирар, етим-беваларга моддий ёрдамлар берар эди. Бадавийлар буларнинг ҳаммасини илтифот кўрсатиш деб эмас, ўз йўлбошчисининг бурчи деб тушунар эди.

Аммо бутпараст арабларнинг ёзилмаган одатий ахлоқий қоидалари ҳам бўлиб, унда шоирлар томонидан доимо ардоқланиб мадҳ этиб келган нодир инсоний сифатлар мавжуд бўлган.

Масалан, Бакр уруғидан бўлган шоирнинг тасдиқлашича, “менинг чодиримда қорни тўймаган (оч)лар рад жавобини олмайдилар”.

Амир уруғидан бўлган Лабид эса “Ҳар томондан шамол эсганда, менинг чодиримда камбағалларни тўйғизадиган овқат бўлади ва жулдир кийган бева-есирлар, қорни тўймаган очлар алаҳсираб келади, нимжон озғин болалар менинг лагандаги овқатларимга судралиб келадилар”⁷⁴, дейди.

Лекин сахро ўғлонларини мағрурлик, тантилик, бойлик ва камбағалликка дангал қарши, ғийбат ва миш-мишларга нафрат ҳиссиётлари тарк этмаган ахлоқий фазилатлар мавжуд бўлган. “Сахро қўшиғи”дан олинган мана бу мисоллар фикримизнинг далили бўла олади.

18. Ёвузлиги, эзгулигидан олдда турувчи бекорчи эмасман, агар уни қўрқитсанг қуролсизга ирғиб турадиган ношуд эмасман.

50. Мен сабр-тоқат ҳомийси; бўри юраги каби мен унинг кирдикорларини қуршаб оламан-сиртлон унинг ҳашакиси,⁷⁵ ақл-фаросатни шиппак каби оламан.

⁷³ Қаранг: Беляев Е.А. Ўша асар, 75-б.

⁷⁴ Қаранг: Саидбаев Т.У. Истоков ислама. Исламский вестник. № 2. 31.1. 1992. 25-б.

⁷⁵ Ҳашаки бўри ва Сиртлон арабларда зийракликнинг махсус рамзи сифатида тушунилади.

51. Вақти билан мен муҳтожликда бўламан, вақти билан бойийман, чунки бойликка узоқни кўра оладиган, тиришқоқ кишигина эриша олади.

52. Мен қамбағалликдан очикдан-очик хафа бўлмайман, қувонмайман, бойлик сари мағрур бораман.

53. Ақлсизлик менинг вазминлигимни енга олмайди, мени миш-мишларнинг оқибатларини суриштирувчи ва ғийбатчидек кўра олмайдилар.⁷⁶

Абс уруғи бошлиғининг ҳамда ҳабашлик қул хотиннинг ўғли шоир ва жангчи Антара ўзининг “Ҳарбий мувоффақиятлари билан мақтаниб”, “сенга мардонавор жангга отланиб, тик найзам билан беҳато нишонга олишимни ҳикоя қилиб берадилар”, шу билан айни вақтда “Бизнинг қасамёдимиз мустаҳкам, бизнинг шон-шуҳратимиз пус (бўш) мақтов эмас”, деб таъкидлашни ҳам унутмайди.

Қадимги арабларда душманига нисбатан ҳам мурувват ва тантаналик (қонли қасос, хун) (қонга қон олиш)дан истисно, меҳмондўстлик, ваъдага вафолик хислатлари хос эди.

Аммо бундай фазилатлар билан бир қатор уларнинг ҳаётида “қўполлик” анчагина учрайдиган, ҳатто “ваҳшийлик” деб аталган қилиқлар ҳам йўқ эмасди.

Бундай ахлоқий ҳолатларнинг мавжудлиги кўпинча мажусий, кўп худоларга топинишлари билан асосланади. Мажусий ўз фаолиятида бу худоларнинг биронтаси олдида ўзини астойдил жавобгар ҳис қилмасди, чунки бир худонинг ўрнига иккинчисини қўйиб сажда қилавериш ҳеч гап эмасди. Мажусийларнинг худоси кишини табиат билан боғлаб, ундан муайян ҳатти-ҳаракат талаб қилмасдилар. Аммо одамлар ўртасидаги муносабатларга “аралашмасдилар”, уни тушунтириб ҳам бермасдилар. Яхшилик ва ёмонликдан қай бирини танлаб олиш заруриятини ўргатмай, яқинлари, қариндош-уруғлари ва умуман одамийлик одоб-ахлоқ ҳақида ўйлашга ундамасди.

Унинг устидан ва бошқалар устидан ҳукмрон бўлган мажусийнинг ягона худоси йўқ эдики, унга сажда қилса ва унинг буйруқларини ижро этса, у билан доим бўлган худо ҳам йўқ эди. Масалан, қурбонлик маросимини ўтказган мажусий у (яъни бут) энди ҳамма соҳада мени қўллашга мажбур деб ундаса, ундан шу заҳотиёқ ўч оларди. Шунинг учун ҳам мажусий арабда ўз ҳатти-ҳаракати учун ахлоқий жихатдан маъсулият йўқ бўлиб, муайян уруғ ва қабиланинг

⁷⁶ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т. I. II. Изд. АН СССР.-М.: -Л.: 1956. 241-243-б.

номусий қоидаларини инкор этиши ҳеч гап эмасди. У ҳозирги, шу куннинг ғами билан овора бўлиб, келажакни ўйламасди. Кучлиси кучсизни аямайди, уни ранжитиб, мазоҳ қиларди Тарадининг ёзишига “мен кучсиз бўлсайдим, истагани мени сиқарди” чунки “кучсизни ҳамма навбати билан уради ... каттаси ҳам кичиги ҳам”⁷⁷.

Академик Е.А. Беляев ўша дарвларда кенг тарқалган ухува, ухуват (сингил, ҳамшира) номини олган тартиб-усулни ўрганиб, уни қариндошлик, биродарлик ва ҳимоя қилиш каби ахлоқий тартиб-қоидаларнинг шаклларида бири деб атайди. Унинг ёзишича, одатда қандайдир оз сонли оғир ҳаётнинг оқибат натижада камқувват, хароблашиб қолган қабила кучли қўшни қабилалардан бирига ўзининг бир ёки бир нечта аъзоларини юбориб, бу қабила билан имконият борида биродарлик муносабатларини йўлга қўйишга уринган. Агар бунинг имкони бўлса камсонли қабила ўзининг кучли иттифоқчиси ва ҳимоячисига эга бўлган. Натижада турли қабиладан икки киши “биродарла”, уларнинг қабилалари ҳам ўзининг барча қоида ва бурчларига асосланган ҳолда қариндошлик муносабатларига ўтган.

Ухувва хусусан кўчманчилик билан қўшничиликда яшаётган дефқончилик қабилалари орасида юқори баҳоланиб, айниқса қурғоқчилик йиллари улар махсус кўчманчи қабилалар (албатта моддий инъомлар билан) билан ухувва муносабатларида бўлганлар ва ўзларини бошқа қабилаларнинг ёвузликларидан ҳимоя қилган. “Лекин бундай”⁷⁸ ухувваларни феодал муносабатларнинг юзага келиши деб аташга ҳеч қандай асос йўқ. Ҳали бу ерда феодализмнинг асосий белгилари ҳам йўқ эди: деҳқонларнинг сайидларга шахсий қарамлиги, феодал рента йўқ эди”.

Исломгача бўлган араблар афсоналарининг ҳеч қандай тартибини яратмадилар, улар унинг фақат муртак шаклига эга эдилар. Халос. Жоҳилия замонларида яратилган ахлоқий қадриятларнинг бири-бу ўша жоҳилия деб аталган замонларда муқаддас ойларнинг белгиланишидир. Унда хижозликлар ва неждийлар Каабага ҳаж қилар эдилар, қон тўкилиши, қонли ҳисоб-китоб қилиш тақиқланади. Макка ва унинг атрофидаги ҳудудлар “ҳарам”, яъни муқаддас вилоят деб аталди, унда ўлдириш, зўрлашни амалга ошириш мумкин эмас эди. Қуръонда ҳам бу ҳақда шама, ишора мавжуд, унда Оллоҳ номидан шундай дейилади: “Улар ўзларининг атрофларидан одамлар талон-тарожга дучор бўлаётгани ҳолда, биз Ҳарамни (яъни Маккани) тинч-

⁷⁷ Саидбаев Т.У. Истоков ислама, 26-б.

⁷⁸ Беляев Е.А. Арабк, ислам, арабский халифат в раннее средневековье. Второе изд.-М.: “Наука”, 1966. 73-б.

осойишта қилиб қўйганимизни кўрмадиларми?” (29:67), яъни талон-тарожга дучор бўлган, мулки ва эркинлиги йўқолади. Демак, ўша замонларда ор-номуслик мажусий тафаккурида талон-тарож, савдо-сотик юмушида умуман инсонлар орасидаги олди-берди муносабатларида эгрилик, ҳаром ва ҳар қандай фирромликларга қарши нафрат ўйғотадиган қадриятлар ҳам пайдо бўлган. Ёки “Ўлчовни тўла ўлчанглар ва камайтириб (тортувчилардан) бўлманглар! ... тўғри тарози билан тортинглар. ... Одамларга нарсаларни камайтириб берманглар, Ер юзида бузғунчилик қилиб санқиб юрманглар!” (25:181-183).

Қуръонда бундай нохуш қоидалар (афтидан улар кенг тарқалган бўлган) қаттиқ таъқиб остига олингани асоссиз бўлмаган: “Ўлчов ва тарозидан уриб қолгувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай! Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир” (83:1-3)

Аста-секин, ҳаётнинг тақозоси билан қабилалараро муносабатларни ўз ичига оладиган ҳар хил уюшмалар, қабилалараро “ташкилотлар” ҳам пайдо бўла бошлайди. Масалан, йирик савдогарлар, судхўрлик, қулдорлар махсус гуруҳ-малани малаъ-(а) одамлар гуруҳи ташкил этиб, ўз ҳудудларида амал этувчи ўзига хос одоб-ахлоқ тартиб қоидаларини яратадилар. Ёки қуллар ичидан махсус миршаблар-ахабишлар (ахи-(а)бир касбдагиларни бирлаштирувчи таълимот) гуруҳлари пайдо бўлди. Маккадаги ўзига хос махсус мажлислар уйи(дар ан-надво ҳам оқсуяк зодагонлар хизмати амалга оширувчи) оқсоқоллар кенгаши вазифасини ўтайдиган бўлган эди.

Савдо-сотик масалалари бошқа ҳудудларга борди-келди, карвон йўллари талабига мувофиқ ўзига хос муомаланинг бошқа элат ва халқлар билан муомала қилишни ҳам тақозо этар эди. Шу мақсадда ҳам Беляевнинг ёзишича, ўша пайтларда пайдо бўлган. Иляф-(илф (а) дўст) ҳам ҳамдўстликнинг бир хили бўлиб, қурайшийларнинг биргаликдаги ҳаракати, йирик савдо гуруҳларини уюштиришдаги зарурий қобилияти маъносида қурайшийларнинг чет давлатлар билан тузган савдо-дипломатик шартномалари тушунилади. ⁷⁹

Гарчи бунга ўхшаш қабилалар иттифоқини ташкил қилиш Арабистонни бирлаштиришга, марказий-ҳокимиятнинг келиб

⁷⁹ Қаранг: Беляев Е.А. Арабы, ислам, арабский халифат. 103-б.

чиқишига ўзига хос интилишни акс эттирса ҳам, у монотеизмнинг инъикоси ва уни монотеизм муқаддасликка кўтарган.

Маккалик ханифаларнинг диний таълимоти Қуръоннинг “рахмонийлик” сураларида баён этилган, яъни Муҳаммад ўз фаолиятининг бошини одатдаги ханиф сифатида бошлаган эди. Лекин ханифийлик Макканинг камбағал аҳли ва қулларнинг орзу-умудларини қониқтира олмас эди, чунки у оламнинг ҳалокати ҳақидаги ноаниқ-хира бўлган келажакни ваъда қилар, инсон вафотидан кейин яхши яшашни ваъда берар эди. Қиёмат-қойим билан кўрқитиш, жаҳаннам азоблари арабларнинг ўша замондаги авлодларига керакли даражада таъсир кўрсата олмади. Буни нафақат нариги дунё, балки маккаликларнинг амалий ишчанлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Албатта ислом цивилизацияси билан яқиндан алоқада бўлганинда, ислом, шариат ва унинг урф-одатларининг мустаҳкам биносининг орқа томонида яширинган шартли содда, оддий чизмалар ортида яширинган унинг ранг-баранглигига, тирик организмдан иборат эканлигига тўқнаш келиш мумкин.

Араб маданияти ва адабиёти юзлаб йиллар давомида ўзининг шакллари ва мазмуни узоқ вақтлар мобайнида энг мукаммал ҳисобланган ўзига хос намунадан-мажусий араб поэзиясидан ўзлаштириб олган.

Қадимий бўлган ўша маданият азалдан миллий мулк эди ёки исломгача бўлган тарих давомида бошқа, кейинчалик эса мусулмончилик ҳукмронлигига тушган мамлакатларга кўчирилди, тезлик билан боғлаб қўйилди ёки янги араб-мусулмон маданияти олдида бутундай йўқолиб кетди, дастлаб бўйсиндирилганларга ҳозиргача мавжуд бўлиб келаётган барча маданиятларнинг таркибий қисмлари сингдирилди.

Ислом ўзи вужудга келаётган пайтда тўла шаклланган, гуллаб яшнаган миллий поэтик анъаналарга дуч келди, деб ёзган эди Ф.Габриэли.⁸⁰

И.Ю.Крачковский ҳам “Сират Антар” ва Аш-Шанфаранинг “Сахро қўшиғи” кабиларга катта эътибор билан қараган. Унинг фикрича, “Сират Антар” (“Антарнинг феъл-хўйи”) ўз замонасининг воқеанома (эпопея)си бўлиб, исломгача бўлган халқ ижодиёти таъсирида афсонавий зотларга айтантирилган шоир атрофидаги

⁸⁰ Қаранг: Габриэли Ф. Основные тенденции развития в литературах ислама. Арабская средневековая культура и литература. Составитель и автор предисловия И.М.Фильштинской. –М.: Наука. 1975. 18-б.

гурухлаштирилган воқеалар баён этилган. Бунга олим томонидан Коссен де Персел тақризидан келтирилган қуйидаги матн далил бўла олади: “Бу ерда саҳродаги араблар ҳаётининг тўғри тасвирини топиш мумкинки, уларнинг ахлоқига вақт, афтидан, ўзининг ҳеч қандай таъсирини кўрсата олмади. Уларнинг меҳмондорчилик, уларнинг интиқоми севгиси ва саҳийлиги, босқинчиликка эҳтироси, шеърятга табиий ҳаваси-буларнинг ҳаммаси тўлалигинча аниқ ёзилган”.⁸¹

Пайғамбар исломгача поэзияни қойиған бўлса-да ва бу Қуръон ва ҳадисларда акс эттирилган бўлсада, лекин уларни ўз мақсадларида фойдаланишга ҳалақит бермади (Қаранг: Қуръон, 26:224-225-226; 36:36-37; 37:69-70; 51:10-11). Масалан, Гольдцизр мурувват ва диннинг, қадимги поэзияда акс этган мажусий олий мақсади билан Муҳаммад ташкил этган биринчи мусулмонлаштирган ислом олий мақсади ўртасидаги кескин фарқ ҳақидаги ҳозиргача асосий далил бўлиб хизмат қилиб келаётган фикрларни усталик билан таҳлил қилиб берди. Мажусийлик хусусияти якка ҳудочиликка ёқмаган. Лекин мусулмонларнинг биринчи авлодлари туфайли сақланиб қолган ворисийлик, ўзига хос миллий, ўзини ўзи сезиш ва фахр-қадриятини, тушунчаларини янги дин кишиларнинг қалбидан тўласинча чиқариб ташлай олмади. “Мусулмон” ўзи учун поэзия азалдан маънавиятни акс эттиришнинг ягона воситаси бўлган “араб”ни кишилар ичида ўлдира олмади. Унда маълум таърифга кўра, уларнинг ҳашамати қайд қилинган эди, у ўтмишнинг тирик хотираси эди. Шундай қилиб, эски поэзия ислом тарихининг катта қисмини қамраб, антология шаклида тўпланиб ўрганилди. Қадимги поэзия муқаддас китобни аниқ тушуниш учун зарурий маълумотларга эга, бу қисман тўғридир.

Жоҳилия инсонпарварлигининг яшовчанлиги ҳақидаги фикрнинг асоссизлигини қадриятларнинг кўрсаткичи сифатида-унинг ажойиб чидамлилигини кўрсатиб, сақланиб қолишида исбот этиш мумкин. Инсонпарварлик олий мақсад жоҳилия томонидан ўзича кенгайтирилди ва ривожлантирилди.

Баъзилар Исломга бўлган даврдаги адабий ҳаётда араб прозаси йўқ эди. Ҳар ҳолда, унинг мавжудлиги ҳақида ўша даврда ҳеч қандай далил йўқ, дейдилар. Қадимги бадавий қаҳрамонларига адабиётчиларнинг каттагина қисми шубҳа билан қарайдилар, кўплаб араб адабиёти асарларида бадавийнинг олий мақсадли сифатларининг

⁸¹ Қаранг: Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т. I. III. Изд. АН СССР. –М.: -Л.: 1956. 50-б.

соҳиби сифатида эмас, балки қўпол, нодон, ўғри ва босқинчи сифатида тасвирланади.⁸²

Араб мажусийларининг ижтимоий ҳаёти қадимги анъаналарга асосланган бўлиб, у албатта ислом таълимоти кўрсатмаларидан кескин фарқ қилади. Чунки умумий насл-насаб ижтимоий ахлоқнинг рамзи ҳамда, унинг уруғдоши ҳатти-ҳаракатини баҳолашнинг мезони бўлиб, Қабилавий қонун-қоидаларни ҳаётга қатъий равишда амалга оширилиши араб жоҳилиясининг асосий арқонини ташкил қилган.

Арабларнинг ўз-ўзини англаш омиллари ўртасида аجدодларнинг шон-шуҳрати энг юксак ўрин эгаллайди. Бу маълум уруғнинг жамиятда тутган ўрнини белгилашда ҳам мезон бўлиб хизмат қилади. У ахлоқий хусусият ва аломатларнинг меросийлигига ишонади, энг яхши фазилатлар ва нуқсонлар аجدодлардан мерос қолади, аجدодлар борки, улар томонидан келгувчи авлодларга дастур-ул амал бўлмиш-сунналар⁸³ мерос қолдирганлар ва бу суннада авлодларнинг ҳатти-ҳаракати амалга ошган бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, аجدодлар шон-шуҳрати авлодлар, ота-боболарига ўхшашлари учун абадий омил бўлиб қолади. Шунинг учун ўтмишга ҳурмат билан қараш, уруғ хотираси араблар учун қаҳрамонона ҳатти-ҳаракатларни такомиллаштириш, шахсий шон-шуҳрат ва кадр-қимматнинг ошишида кучли далил бўлиб хизмат қилади. Шахсий ифтихор ва кадр-қимматнинг аҳамиятсиз фақат меросий шуҳрат ва кадр-қиймат унинг мардонавор танти одам унвонини олишига из қолдириши керак. Мана шунинг учун ҳам кимнингдир пасткашлик ҳатти-ҳаракати унинг аجدодларининг разиллиги билан алоқадор деб кўрсатилар эди.⁸⁴ Албатта бора-бора, жамиятнинг тараққиёти, табақаланиш жараёнининг кўзга кўрина бориши билан уруғ-қабилачилик алоқаларининг бузилишидан арз қилувчи садолар пайдо бўла бошлади. Бир қабила аъзоларининг иккинчи қабилага менсимаслик, илтифотсизлик билан боқиши одат бўла бошлади ва ўзаро ҳурмат, қариялар олдида бош эгиш каби ўтмиш ҳиссиётлари унутила бошлади. Қиёмат-қойим, илоҳий қудрат ва бошқа ғайри табиий материя ҳақидаги ваъзлар чўл ўғлониди яхши таассурот қолдирмади. Ҳар бир араб қабиласи ўзидан ўзи жуда ҳам завқ оларди, унинг аъзолари “энг яхши одам” ўз орзу-тилак, мақсадларини

⁸² Фильштинский И.М., Щидфар Б.Я. Очерк арабо-мусульманской культуры (VII-XII в.в.), -М.: Главн. Ред. вост.лит. 1971, -121-б.

⁸³ Сунна-Гольдциэр қадимги муаллифларга таяниб, унинг келиб чиқиши Мухаммаддан олдин бўлган, дейди.

⁸⁴ Қаранг: Гольдциэр И.Арабские племеннқе отношения и ислам. 92-б.

такомиллаштириш керак деб ҳисоблаган Араб энг намунали одамни ўз қабиласидан ахтарар эди.

Шунинг учун ҳам Муҳаммад ўз ваҳийларида саҳро соҳибларини исломга киритилишидаги қийинчиликлардан шикоят қилар эди, улар динга ишонмасликда жуда кучли, кўпроқ мунофиқлик, диний мақсадлар учун фидо қилишга қаратилган солиқларни мажбурий деб қарадилар ва фақат вазиятда ўзгариш бўлишини кутадилар. Бу ҳолни Қуръондан қуйидаги ваҳий.

“Аъробийлар куфру нифокда-қаттикроқ ва Оллоҳ ўз пайғамбарига нозил қилган нарсаларнинг чегараларини билмасликда лойиғроқдирлар. Аъробийлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, қилган садақаси (ўзи учун) зиён деб билади ва сизларга (мўминларга) болалар келишича кўз тутиб туради...” (9:97-98) тасдиқлайди.

Шубҳасиз, қуйидаги оятдан шу нарса кўриниб турибдики, шахсан шундай бадавийлар ҳам борки, улар ифтихор билан ўз пулларини Муҳаммаднинг мақсадлари учун сарф қиладилар ва бу йўл билан Оллоҳга яқинлашмоқчи бўлдилар, лекин бундайлар озчилликни ташкил қилади: Аъробийлар орасида Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган ва қиладиган инфоқ Эҳсонини Оллоҳ даргоҳида қурбат (яқинлик) ҳосил қилиш ва пайғамбар дуосига (мушарраф бўлиш) деб биладиган зотлар ҳам бор. (9:99). Ҳатто бундай диндорлар орасида ҳам шундай кишилар борки, улар динни ташқи жиҳатдан тан оладилар, қалбидан эса исломнинг ахлоқий талабларига ва унинг ақидаларига ҳеч қандай майлга эга эмас: (Эй Муҳаммад), ҳали (Мадинага қайтганингиздан кейин) сизга аъробийлардан бўлган (сиз билан бирга сафарга чиқа олмадик). Энди ўзининг бизлар учун (Оллоҳдан) мағфират, дерлар. Улар тилларида, дилларида бўлмаган нарсани-ёлғонни айтурлар... (48:11). Улар Муҳаммад ислом деганда нимани тушунади ва у нимага ўргатадиганлигини билмагандек сезадилар: “Аърабийлар: “Иймон келтирдик”, дедилар. (Эй Муҳаммад, уларга) айтинг. “Сизлар иймон келтирганларингиз йўқ, лекин сизлар “бўйинсундик”, денглар, чунки ҳали-хануз иймон дилларингизга кирган эмасдир” (49:14). Шу ўринда бу оятдан нарса кўриниб турибдики, анъанага кўра Мадина жамоаси аъзолари мўминлар ҳисобланар эдилар, кўчманчи қабиалар, эса Мадина ҳокимиятига бўйсиниб, фақат итоаткорлар (муслимлар) эди”⁸⁵.

⁸⁵ Қаранг: Звезда Востока, 1991. № 5. 156-6.

“Оллоҳ кимни ҳидоят қилишни истаса, унинг кўнглини ислом учун кенг қилиб қўяр. Кимни адаштиришни истаса, унинг кўнглини худди осмонга кўтарилиб кетаётгандек тор ва танг қилиб қуяр. Шунингдек Оллоҳ иймонсиз кимсаларга разолатни (ғолиб) қилур” (6:125). Демак Муҳаммад биринчи марта мустаҳкам куч билан ўзининг ахлоқий таълимотини арабларнинг одатдаги дунёқарашига қарши қўя олди.

Табиий, қадимги арабларнинг ижтимоий муносабатлари адолат ва олижаноблик, жасурлик, ҳомийлик, меҳмондўстлик ва бошқа қонун-қоидаларга асосланган эди. Лекин “исломгача” бўлган арабларнинг бу ахлоқий сифатлари қабул, уруғ оилавий алоқалари билан мустаҳкам чатишиб кетган эди. Масалан, ўлдирилган уруғдош қони учун қасос олиш қонуни; ҳар бир киши учун содиқлик ва ўзини биров учун қурбон қилиш, араб урф-одатига кўра қабила билан чамбарчас боғланган. Бу яхши фазилатларга амал қилиш онгсиз табиий майлгагина асосланмай, аксинча, улар маълум ҳуқуқий қарашлар, ривоятлар орқали тартибга солинар эди. Шоирнинг қуйидаги ҳикматли сўзи ҳам сақланиб қолган, унинг И.Гольдциэрдан матнини келтирамиз: “Ҳақиқат уч усул билан аниқланади: Қасамёд, беллашув, аниқ далиллар орқали (яъни ишнинг ўз ҳолати билан).”⁸⁶

Ислом таълимоти саҳоватлик ҳақидаги бир қатор тушунчаларга қарши чиқмай, исломдан ҳимоя изловчиларга меҳр билан вафодорлик қилиб, саҳоватни ўзининг диний таълимотига ҳам қабул қилди. Лекин шунга қарамасдан, мажусийликкача бўлган ахлоқий қарашларнинг асосий қоидаларига ислом қаршилиқ қилди. Масалан, Муҳаммаднинг ахлоқий таълимоти арабларнинг қасос олиш тушунчасига бутунлай ёт эди. Чунки исломгача бўлган араблар бировдан кўнгилни ранжитгани учун қасос олишни ўзича тушунар эди, қасос нафақат ўч олиш, балки миннатдорчилик маъносида ҳам тушунилар эди. Уларнинг тушунчасига кўра, кечириш ва душман билан ярашиш саҳоват ҳисобланмас эди. Шу маънода қадимги маърифатли халқлар бўлмиш мисрликлар, юнонлар ўртасида ҳам бу масалага шундай ёндошган эдилар. Уларнинг ахлоқий таълимотида инсоннинг бурчи ўз дўстларига нисбатан мурувватлироқ бўлиш, душманларга эса ёвузлик қилишдан иборат деб тушунилади. “Ҳатто бир мунча кейинроқ мавжуд бўлган стаистик ахлоқ бўйинча кимгадир мажбуран ҳафа қилиш билан боғлиқ бўлган зиённи иккиланмасдан қилавериш керак.

⁸⁶ Қаранг: Крымский А. История мусульманства. Самостоятельные очерки, обработки и дополненные переводы из Дозы и Гольдциэра. Ч. II. –М.: 1903. 57-б.

Мана шундай қасос олишга бўлган ахлоқий ҳиссиёт йўналишини биз исломгача бўлган арабларда ҳам учратамиз, уларда Муҳаммад таълимоти тарқалганидан кейин ҳам кўп нарсаларни учратамиз; “Яхшиликка-яхшилик” дейди бир қадимги ҳикмат, “ёмонликка-ёмонлик”, ким уни бошлаган бўлса ўша айбдор” дейилади. Ёмонликка ёмонлик қилиш қоидаси қадимги Арабистонда шоирлар учун ўзини ва ўз қабиласининг феълени макташ учун баҳона бўлган.

“Мен ўзимда яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам қарзни ушлагандай сақлаб тураман”, “Менга ёмонлик келтирганларга ёмонлик билан, яхшилик келтирганларга яхшилик билан ҳисоб-китоб қиламан” (Аусъ Ибн Хажар) “Эркакларнинг эркаги-эрталаб ҳам, кечкурун ҳам душманга ёмонлик қилишни, дўстларга яхшилик қилишни ўйлаган кишидир”⁸⁷.

Ислом бу инсоний ҳиссиётлар соҳасида улуг ислоҳ қилишни бошлади. Муҳаммад авф этиш бу заифлик эмас, балки яхши фазилатдир, хафа қилган одамни кечириш билан, савобли иш қилган бўлади, деган фикрни айтган эди. Агар кимдир дилсиёҳлик учун ўч олмаган бўлса жаҳилия замонларида пасткаш кўркқоқ ҳисобланиб, ўз қабиласига иснод келтирган ҳисобланган бўлса, Қуръон эса бундай кишиларга: “(У тақвадор зотлар) яхши-ёмон кунларда инфоқ-эхсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган кишилардир”

(3:134), уларга Оллоҳ севги саъда қиладди. Инсон худодан кечирим сўрашининг шартларидан бири, Қуръон талабига кўра, инсон ўзига қарши қилинган ёмонликни кечира олиши ва бу дилсиёҳликни унутишга ҳаракат қилиши ҳисобланади: “Сизлардан фазл ва кенг-катта мол-давлат эгалари қариндошларга, мискинларга ва муҳожирларга Оллоҳ йўлида инфоқ-эхсон қилмасликка қасам ичмасин, балки уларни авф қилиб, кечирсинлар! Оллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизларми?! Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир” (24:22). “...Агар сизлар уларни авф этсанглар, кечириб юборсанглар ва мағфират қилсанглар, у ҳолда албатта Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир”. (Қуръон, 64:14). “...ёмонликни яхшилик билан қайтарадиган зотлар-ана ўшалар учун охират диёри бордирки, (у диёр абадий туриладиган жаннатлар)...” (13:22-23), “Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан қилинг? (Шунда) баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват

⁸⁷ Қаранг: Крымский А. Ўша асар, 58-60-б.

бўлган кимса қайноқ-содик дўст каби бўлиб қолур. Унга (ёмонлик ва яхшилик билан даф қилиш ҳислатига) фақат сабр-тоқатли зотларгина эришурлар, унга фақат улуғ насиб эгасигина эришур” (41:34-35). Эзгулик ва марҳаматлилик уоуғланади, масалан, камбағал қарздорларга, беваларга, етимларга, кулларга ва бошқаларга кечиришни энг савобли иш, деб кўплаб марта тавсия қилинади. (41:34, 24:234).

(“Ҳар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир (яъни ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бордир). Энди ким интиком олишга қодир бўлгани ҳолда авф қилиб (ўртани) тузатса, бас, унинг ажри Оллоҳнинг зиммасидадир. Албатта. У зулм қилгувчиларни севмас” (42:40).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Қуръон эски араб қарашларига қарама-қарши боради, ислом ахлоқшунослигида эса ахлоқий илоҳиётга тааллуқли кўплаб ҳадислар, адабиётлар, уларнинг ҳар бирининг мавжудким мазмунидан кечириш яъни ал-Авф каби фикр қизил ип сингари ўтади.

Шундай қилиб, жоҳилиянинг кўплаб ахлоқий тушунчалари муҳим ўзгаришларга дуч келди. Араб мусулмонлар ахлоқида янги давр бошланди ва уларнинг ҳаётларида “Жабрлаш ўрнида кечириш” талаби жўшқин равишда оқа бошлади.

Хуллас, жоҳилия замони ва ундаги ўзига хос ахлоқ-одоб удумларининг ўзига хос мавжудлиги динлар ҳукмрон бўлган даврларда, у инсон ривожига тўсиқ бўлмай, аксинча инсон гуё ўзининг асл моҳиятини фақатгина диндан бошқа шаклда ифода эта олмайди ва унинг ўзи азалдан диндор ҳамда ахлоқ-одобли қилиб яратилган, деган фикрлар устидан биров бўлса ҳам мулоҳаза юритишга ундайди. Дин ҳали ахлоқ эмас, санъат ҳам эмас, бироқ ўзига хос диний ёки бевосита диний таълимотдан келиб чиққан ахлоқий тартиб-қоидалар мавжуд. Демак, дин-ахлоқ, дин-фалсафа, дин-санъат ва бошқа шартли сўз бирикмаларида диннинг қандай тарихий мавқеи бор эканлигини аниқлаш зарур. Диндорлар онгида бу сўз бирикмаларининг яхлит инъикосини тадқиқотчи томонидан ажратиб таҳлил этилиши керак, акс ҳолда уларнинг ўзаро таъсирини тушуниш қийин. Бундан ташқари, кўрсатилган нарсаларга бир-биридан фарқламаган ҳолда ёндошув ижтимоий онгнинг бошқа шакллари (айни вақтда ахлоқий, фалсафий ва эстетик каби онгли назарда тутилмоқда) дин билан алмаштириш хавфини келтириб чиқаради.

Баъзи кишиларнинг фикрича, исломни кишилар қабул қилдими, демак, унинг қалби ҳам исломий бўлиб қолди. Бу оддий диндорларнинг онгида ҳам, ислом ақидаларида ҳам кенг тарқалган ўтмишга назар ташлаш воситаси бўлиб хизмат этувчи фикр бўлиб хизмат этади ва этмоқда. Юқоридан тарқалган ислом амалда ҳамма ерда ва ҳамма томонидан бир хил қабул қилинган эмас. Масалан, мажусийлар бу таълимотни ўзларининг мавжуд ахлоқларидан устунроқ, ахлоқ сифатида эмас, балки исломни, унинг ақидаларини содда қилиб айтганда, янада кучли ва қудратли бўлганлиги учун қабул қилдилар.

Савол туғилади: шахс ва жамиятнинг ривожланишида маънавий ҳаётнинг диний бўлмаган соҳасининг тарқалиши, кенгайиши қандай аҳамият ўйнаган?

Энг аввало шуни қайд қилиш зарурки, оламни диний бўлмаган маънода акс эттириш шакллари диний-мистик кайфиятлар тарқалаётган даврда ҳам, масалан, ислом келиб чиқаётган даврда ҳам мавжуд бўлган исломгача диний бўлмаган маданиятнинг анъаналари қулайлик туғдирган эди. Масалан, ахлоқ ислом вужудга келаётган ва тарқалаётган даврда, нафақат ислом талқинида, балки мустақил қиёфага ҳам эга эди, уни жамият турли қатламлари вакиллари томонидан турлича намоён бўлди. Бадавийнинг диний ахлоқи сақланиб қолди, ислом ахлоқи эса ҳали ҳамма нарсани ўз ичига қамраб олмаган, ҳар тарафлама эмас эди.

Гап шундаки исломгача бўлган ахлоқий қарашлар ҳамма вақт ҳам инсонпарварликка қарши бўлмаган, аксинча шахснинг қудратли кучини акс эттирган, мавжуд ахлоқий тартиб-қоидалар диндан ташқари бўлган алоқаларда ҳукмрон синфлар ичида ҳам ўзида умуминсоний қоидаларнинг ибтидосини, табиий ёки онгли равишда демократик маданиятни омма томонидан ишлаб чиқилган умуминсоний ахлоқ таркибий қисмларини идрок қилади. “бу жараёнда диндорларнинг кўпчилиги (хатто илоҳиётчилар ҳам) маълум ҳисса ўйнайди, буни эса ўтмиш асрларининг безаги деб қараш мумкин, улар одамларни ҳам севар ва эҳтиёт қилар эдилар, илмни ҳурмат қилиб, кишилар ўртасидаги дўстликни қадрлар эдилар.”

Шундай қилиб, дунёвий ҳаёт қадриятларининг аҳамиятини эътироф этиш аждодлар маънавий маданиятида камдан-кам учрайдиган ҳодиса эмас у халқ оғзаки ижодида, лирика, романларда ва бошқаларда кўплаб намоён бўлади. Улар ахлоқнинг инсонпарварлик кучининг ортиши учун шарт-шароит яратди. Бироқ шахснинг

маънавий олами ва ижтимоий онг узоқ вақтлар диннинг кучли таъсирида бўлган бўлсада, афтидан улар тўласинча дин томонидан ютиб юборилмаган эди⁸⁸.

Бундай шароитда янги ўз-ўзини англашнинг пайдо бўлиши, бутун араб мажусийларини бирлаштиришга қуйидаги иккита бир-бири билан алоқадор далиллар билан боғланганини инкор қилиш мумкин эмас: биринчидан, айнан пайғамбарнинг юксак вазифаси арабларни жаҳон тарихида фаоллик кўрсатишга қобилиятли эканлигини кўрсатади; иккинчидан, Яқин Шарқ жамиятининг истисносиз барча тадрижий йўллари шаффоф шишадан ўтган нурлар каби, ислом орқали ўз йўналишини ўзгартиради, ҳатто бу жамият ҳар қандай йўлдан оздирадиган, исломни тазйиқ қилишларига қаршилик қилди, у исломнинг чуқур таъсири янги тарихий муносабатлар тартибига қўшилиб тубдан ўзгариб кетди.⁸⁹ Муҳаммаднинг ўзига хос вазифасининг маъноси шу бўлдики, у худо-Оллоҳ ҳақидаги тушунчани кўп-қиррали шаклга эга бўлган буюк сиймога кўтарди. Бу эса унга кишиларни янги хилдаги уюшмаси бирлигига бирлаштиришга олиб келди. Ўша давр жамиятига бундай қарашларнинг таъсир қилиши, унинг замондошларининг ҳаммасига тушунарли ҳолда уларнинг тили ва санъати орқали изҳор этилди. У нафақат худо номидан, балки араблар номидан гапирарди ёки ўзининг фикрича, у халқига араб пайғамбари сифатида келди.⁹⁰ Муҳаммаднинг ўз халқига келиши қўйидаги ҳабарда баён этилган: “Айтинг” (эй Муҳаммад): “Албатта намозим, ибодатларим, ҳаёту-мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Оллоҳ учундир. У зотнинг биронта шериги йўқдир. Мана шунга (яъни ягона Оллоҳга ихлос қилишга) буюрилганман. Ва мен бўйсунгувчиларнинг аввали-пешқадамиман” (6:163). Барча мусулмонларнинг бирлиги ҳақидаги ақида, бутун умматнинг мутлоқ бирлиги масаласи тавҳид (яккаҳудолик, бирлашув) тушунчасида, жойлашган. Илоҳий адолат умматнинг аъзоларига тенг тарқалади, чунки барча мусулмонлар Оллоҳ олдида тенг деб қаралади.

Қуръоннинг қуйидаги оятлари: “Албатта иймон келтирган, ҳижрат қилган ва молу жонлари билан Оллоҳ йўлида курашган зотлар ва (Маккадан ҳижрат қилиб келган муҳожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар-ана ўшалар, бир-бирларига дўстдирлар” (8:72) ёки “Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Оллоҳ йўлида курашган зотлар

⁸⁸ Тажуризина З.А. Идеи свободомыслия в истории культуры.-Изд. МГУ. 1987. 151-152-б.

⁸⁹ Г.Э.Фон Грюнебаум. Классический ислам, 27-б.

⁹⁰ Ўша жойда, 27-28-б.

ва (мухожирларга –Х.Х.) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар-ана ўшалар, ҳақиқий мўминлар бўлиб, улар учун мағфират ва улуғ ризқ бордир” (8:74).

Исломнинг илк тарихи давларидаёқ умматни тушуниш, унда умматни нафақат маънавий, шунингдек умматдагиларнинг Оллоҳнинг ҳомийлигига боғлиқ муносабати билан белгиланувчи ижтимоий бирлик, деб тушуниш шакллана бошлади. Албатта мажусий қабилаларнинг бирлашуви бир текис ўтмаган, тинч ваъзхонлик тарғиб қилиш билан бир қаторда жойи келганда куч, қурол, босқинчилик, қўполлик ҳам қўлланилди, уруғ ва қабилаларнинг ташкилий асосларини бузиб ташлашгача борилди. Шунга қарамасдан Қуръонда шундай ваҳий борки, у ёки бу динни қабул қилишда мажбур қилишга оғиш кескин қораланади. Муҳаммад тарафдорларининг ўзи унча катта бўлмаган жамоа даврида “динга зўрлаб (киритиш) йўқдир” (2:256), деган фикр, исломнинг илк давридаги халқпарварликни акс эттирарди. Қуръоннинг “Асалари” сурасидаги 126-128 оятларнинг гувоҳлик беришича мусулмонларни маккалик мажусийлар доимий равишда таъқиб остига олганлар. Муҳаммадга эса даъват йўлида озор-азиятларга сабр-тоқат қилиш амр қилинади. Қуръон жазолаш ҳақида эмас, қасд олиш, покланиш ҳақида панд-насиҳат беради, яъни мўмин душмандан қасд олишни хоҳламаса, фақат душман нима қилганига қараб жавоб бериши, яъни душманнинг қилмишига қараб, ўрнида қасд олиш керак. Агар мўмин буни четлаб ўтса, худога ҳайрли ишни қилган бўлади.⁹¹

Албатта, Қуръонда мусулмонлар ва унинг атрофидаги мусулмон бўлмаганларга тинч ёки нотинч ўзаро муносабатда бўлишга тааллуқли бир хил маънога эга бўлмаган фикрлар мавжуд. Бу Муҳаммад ва у яратган жамоанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган муайян шароитни ҳам ифодалайди. Дастлаб Пайғамбар ўзига душман бўлган мажусийлар билан очикдан-очик қарама-қарши бўлмасликка ҳаракат қилар эди, ҳатто шундай вақтлар ҳам бўлдики, қанча панд-насиҳатлар таъсир қилмаганидан кейин, уларга йўл кўрсатиш фойдасиз эканлигини тушуниб Муҳаммад мажусийлардан тезлик билан юз ўгирарди. Бу вазиятни тасдиқлаш учун Қуръонга қуйидаги ваҳийлар киритилган эди: “мушриклардан юз ўгиринг”! (15:94). Лекин Қуръонда уруш олиб боришни ҳал қиладиган оятлар ҳам учрайди (22:39-42). Проф. М.А.Усмонов изоҳ беришича, “мусулмонлар

⁹¹ Қаранг: Звезда Востока, 1990, № 10. 173-б.

Мадинага кўчиб ўтганларидан кейин бу биринчи марта уруш олиб боришга ижозат, деб қабул қилинган” “Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Оллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир ...Улар ўз диёрларидан фақатгина: “Бизнинг парвардигоримиз (ягона) Оллоҳдир” деганлари учун қувилган зотлардир. Агар Оллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз Оллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларнинг) узлатгоҳлари, (насронийларнинг) черковлари, (яхудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта Оллоҳ ўзига (яъни, динига) ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур. Шубҳасиз, Оллоҳ кучли, қудратлидир (22:39-40). Уруш, табиий, муодофаа маъносида характерида бўлиши кераклиги яна бир ваҳийда қайд қилинади: “Сизларга қарши урушувчилар билан Оллоҳ йўлида жанг қилинг ва тажовузкор бўлманг! (Шубҳасиз Оллоҳ тажавузкорларни севмайди)” (2:190). Фақатгина “тавба” сурасининг 3-5 оятларидагина мусулмонларга нисбатан босқинчиларга муомала қилган мажусий-бадавийларни қаттиқ жазолашга очиқ чақириш мавжуд: “...кофир бўлган кимсаларга аламли азоб “хушхабар”ини етказинг!” (9:3). Магар (эй мўминлар), сизлар (билан) аҳд-паймон қилган мушрик кимсалар кейин (аҳдларидан) бирон нарсани бузмасалар ва сизларнинг зиёнингизга биров билан ҳамкорлик қилмасалар, у ҳолда (сизлар ҳам) уларнинг аҳдларини белгиланган муддатга тўла-тўкис етказинглар! (9:4). “Бас, қачон уруш ҳаром қилинган ойлар чиқса, мушрикларни топган жойингизда ўлдирингиз, (асир) олингиз, қамал қилингиз ва барча йўлларда уларни кузатиб турингиз!” (9:5). Проф М.А.Усмоновнинг фикрича, 5-оят (арабча “аят ас сайф”), машҳур “қилич оятидир”, исломни қилич кучи билан қарор топтиришга чақиради.⁹² Фалсафа фанлари доктори А.В.Сагадеевнинг фикрига кўра, “қилич” ёки “исломни” танлаш фақат мушриклар томонидан таклиф қилинган.⁹³ Лекин шу суранинг 6-ояти шу еридаёқ раҳм-шафқатли бўлишга чақиради: “(Эй Мухаммад), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас уни ҳимоя қилинг, токи Оллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг. Бу (ҳукм) уларнинг (ҳақиқатни) билмайдиган (жоҳил) қавм бўлганлари учундир” (9:6).

⁹² Қаранг: “Звезда Востока”, 1990. № 7. 159-6.

⁹³ Қаранг: “ЛГ-Досье”, 1991, № 7. 7-6.

Муҳаммаднинг ҳаётидаги воқеалардан бири бу масалага ажойиб мисол бўлиб хизмат қила олади: ўзаро жанжаллардан икки гуруҳга бўлиниб қолган аҳолини бирлаштириш учун, ўзининг бош вазифасини адо этишда, унга муҳожирлар билан ансорийлар ўртасида бир мувофиқлик келишувга эришиш зарур эди. Бу эса ўз ўрнида муҳожирларни иқтисодий мустақилликка кофилик беришга мажбур эди, бунинг учун фақат тақиқланган ойларда Макка Карвонларига ҳужум қилишга кафолат беришга мажбур эди. Унинг кичкина бир ⁹⁴гуруҳ Макка ва Тоиф ўртасида карвонга ҳужум қилади, битта маккаликни ўлдиради, иккитасини асир олади ва 624 йилнинг бошида Карвонни қўлга олади. Кейин бир асирни маккаликлар сотиб олади, иккинчиси эса Мадинада қолиб исломни қабул қилади. Масала шундаки, “Тавба” сурасининг 36-37 оятларида 4 ойнинг муқаддаслиги эътирофқилинади, бу ойлар исломгача ҳам муқаддас ойлар ҳисобланган. Бу ойлар давомида уруш ва қўққисдан ҳужум қилишлардан тийилган. Бу 1-чи муҳаррам ойи (айнан “муқаддас”, “тақиқланган”), 7-чи ражаб ойи (айнан, “уруш ва ҳужумлардан тийиш”), 11-зу-л-қаад ойи (айнан, уйда қолиш), 12-зу-л-ҳижжа ойи (ҳаж ойи, яъни ҳаж қилиш).⁹⁵ Бу ҳаракатларнинг ахлоқий томонлари орқага суриб ташланган эди, сиёсий тажовузлик эса улар учун ҳатто жозибали бўлган. Ниҳоят кейинроқ, иқтисодий мантиқ заруриятига мувофиқлаштирилиб улар қабул қилинди. Буларнинг барчаси қуйидаги ваҳийларда қайд қилинди, унга кўра маккаликларнинг динга ишонмасликлари, муқаддас ойларнинг тинчини бузишдан ҳам янада оғирроқ гуноҳ ҳисобланади. “Сиздан шаҳр-и ҳаром” уруш ҳаром бўлган ойда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “У ойда жанг қилиш катта гуноҳдир. Оллоҳнинг йўлини тўсиш, унга ишонмаслик ва масжид-ул ҳаромдан (яъни Маккадан тўсиш ва ундан аҳллари қувиб чиқариш Оллоҳ наздида улуғроқ гуноҳдир...”. “Иймон келтирган, (ватанларидан) ҳижрат қилган, оллоҳ йўлида курашган зотлар-ана ўшалар Оллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар...” (2:217-218). Шундай қилиб, “... уларни сизлар ўлдирмадингиз, балки Оллоҳ ўлдирди...”(8:17).

Исломнинг бирлаштирувчилик кучи унинг дастлабки ривожланиш даврида намоён бўлиб, кейин ҳаётий кучга айланиб ва ўзининг бошқа ҳолатига айланди, Муҳаммад вафотидан кейин араб истилолари даврида соф араб “табиати”да диний жамоадан

⁹⁵ Қаранг: “Звезда Востока”, 1990. № 7. 160-б.

байналминал хусусиятига эга бўлди. Мусулмонлар жойлашган ҳудудлар, маҳаллий жамоалар яшайдиган жойлар ёки ҳатто дар ал-исломдан ташқарида яшаётган алоҳида мусулмонларни бирлаштирган уммат ҳақидаги тасаввурлар шакллана бошлади”.⁹⁶

Мусулмон илоҳиётчилари илк исломдаги умматни байналминал, “миллийликдан юқори” хусусиятга эга деб кўрсатиш тарафдорларидир. Бу фикрни улар пайғамбарнинг дастлабки издошлари орасида нафақат араблар, балки бошқа халқлар вакиллариининг борлиги билан асослашга ҳаракат қиладилар.

Муҳаммад уммати ўзининг бошиданок, қабилавий бирлашмалардан юқориқ маънода тушунилиб, унга барча хоҳловчиларни-“қизилларни” ҳам, “қораларни” ҳам яъни барча қабилаларини, ҳабашларни ҳам қабул қилишга тайёр эди. Қора танли Билол, собиқ кул, кейин Муҳаммаднинг ишончли кўриқчиси, биринчилардан бўлиб исломни қабул қилиб ва пайғамбарнинг умматига ҳеч қандай эътирозларсиз қабул қилинди. Қуръонда қадимги пайғамбарлар тарихини ифода қилиб, Муҳаммад уларнинг ҳар бирлари қабила ва уруғ-аймоқларга бўлинишни билмаган ягона уммат, халқни ташкил қилишган, дер эди.

Уммат ичида катта ҳуқуқларга эга бўлган хўжайинлар ҳам, ҳуқуқлари чекланган фуқаро ҳам бўлмай-ҳамма Оллоҳ олдида тенг эди. Қулчилик ҳам аста-секин йўқолиши керак эди. Чунки исломни қабул қилган қулни озодликка чиқариш зарур эди. Умматга тааллуқли бўлмаганлар бошқа динларга ишонувчилар ичида қуллар бўлиши керак эди. Ўзини худога бағишлаган мусулмон ижтимоий тузумини-битта худо, битта дин, бир халқ, ҳамма учун бир қонун, деб тушунар эди.⁹⁷

Кўплаб исломшуносларнинг фикрига кўра, Муҳаммаднинг жамоаси мана шундай “моноэтник” киёфага эга бўлган илк исломнинг (ҳатто илк халифаликда ҳам) мутлоқ яхлитлиги ҳақидаги тасаввурни юзага келтиради. “Бироқ, -деб ёзади Г.В.Милославский, араб-мусулмон давлати чегарасининг кенгайиши билан, бу тасаввур янги мазмун билан бойиди, модомики мусулмон жамоаларининг этник бирлиги тез орада хилма-хил бўлиб қолди”⁹⁸ А.Б.Халидовнинг фикрига кўра, араб-мусулмон маданиятини яратганлар ўртасида

⁹⁶ Қаранг: Милославский Г.В. Интеграционные процессы в мусульманском мире. –М.: “Наука”. Главная редакция восточной литературы. 1991. 54-б.

⁹⁷ Панова В.Ф., Вахтин Ю.Б. Жизнь Мухамеда. –М.: Политиздат, 1990. 272-б.

⁹⁸ Милославский Г.В. Интеграционные процессы в мусульманском мире, 54-б.

араблар озчиликни ташкил қилган эдилар, гарчи уларга дастлабки даврларда ташаббус ва ҳукмрон ҳолат тааллуқли эди. Г.В.Милославский мана шунга асосланиб, бизнинг фикримизча, тўғри хулоса чиқаради. Бу шароитда “мусулмонларнинг бирлиги” ғояси махсус ўрин эгаллаб, ҳукмрон мафкура сифатида исломнинг интегратив (бир бутун қилиб бирлаштирмоқ) вазифасини янада аҳамиятлироқ қилди. Унинг фикрича, исломнинг интегратив вазифаси инсониятнинг мусулмонлар ва кофирларга бўлиниши ҳақидаги қонуний қоида туфайли ўзига хос хусусиятга эга бўлди. Мана шу қоидага кўра олам дар ал-ислом (ислом ери)-ислом тўла ҳукмрон бўлган ҳудудга мусулмонлар диний эркинликдан фойдаланиб, лекин сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаган ерлар дар ал-сулҳ (шартнома ери)га бўлинар эди, ниҳоят, дар-ал-харб (урушлар ери) ноислом ниҳояларга бўлинар эди, бунинг устига сўнгги икки “минтақа”, назарий жиҳатдан вақти келиб дар ал-исломга айланиши лозим эди. К.Маркс бундай чекланишга ўз диққатини қаратиб, шундай ёзган эди: “Қуръон ва унга асосланган қонунлар бутун дунё халқларини география ва этнография жиҳатидан оддий ва қулай ифода билан мусулмонлар ва кофирлар деб, икки мамлакатга, миллатга бўлиб қўяди”. Г.В.Милославский бу ерда К.Маркс матнидан қуйидаги фикрини узиб қўяди. “Кофирлар-бу “ғайри дин”, “душман” демакдир. Ислом кофирлар миллатига лаънатлар ўқийди ва мусулмонлар билан кофирлар ўртасида узлуксиз душманлик ҳолати туғдиради”.⁹⁹ Л.И.Климович ҳам айнан шундай нуқтаи назарда туради. У “инсоният тарихи шуни намоён қилдики... бошқа диндаги кишиларга тоқат қилмаслик тарғиботининг ноинсонпарварлик моҳиятининг Қуръонда пайдо бўлишига Қадимги Шарқ динларининг, турли дин кишиларининг бир-биридан ажратилиши билан белгиланади деган фикрлари таъсир этди. Мана шу сабабга кўра Қуръонда ... бошқа фикр (“динда мажбур қилиш йўқ” ва бошқалар) ... кейинчалик илоҳиётчилар бошқа диндагиларга мурасасизликни Оллоҳ томонидан берилган абадий ҳақиқат деб тасвирлай бошладилар.¹⁰⁰ У мана шу ҳодисада Қуръондаги қуйидаги оятларга таянади. “...Мўминлар мўминларни қўйиб, динсизларни дўст тутмасинлар!” (3:28). “Эй мўминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз!” (5:51); “Эй мўминлар, ёнларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглари ва улар сизлардаги куч-қувватни кўрсинлар! Билингларики, албатта Оллоҳ тақвадорлар билан биргадир” (9:123).

⁹⁹ Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Т. 10-167-б.

¹⁰⁰ Климович Л.И. Книга о Коране, его происхождении мифологии. –М.:Политиздат. 1986. 255-б.

Муҳаммад Оллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга, бўлган (мўмин)лар қаҳрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар (48:29).

Бу ерда юқорида айтилганлардан тубдан фарқ қиладиган, А.В.Сагадеев томонидан берилган нуқтаи-назарга бир мунча батафсилроқ тўхталиб ўтишга тўғри келади. Сагадеевнинг фикри 1991 йил “ЛГ-Досье”нинг 7-сонидан берилган. А.В.Сагадеев тўла асос билан (К.Маркс, Л.И.Климович, Г.В.Милославский ва бошқаларнинг) қарор топган фикрларини нотўғри қолипга тушиб қолган, тарихан нотўғри юзага келган қарашлар деб айтади. Шарқ ва Ғарб халқларининг ўзаро муносабати тинчлик ва келишувнинг кўплаб ёрқин мисолларига эга, уларни билиб олиш ҳозирги давр учун ҳам жуда қимматлидир. Лекин қуръоншунослар А.В.Сагадеевнинг фикрича воқеанавислар биринчи навбатда ҳафсала билан улар ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлик ва урушларни қайд қилганлар. Шунинг учун антик даврда Европа ўзини эллин маданияти¹⁰¹ орқали Осиё билан боғланиб ўзини Европа сифатида англаган пайтидан бошлаб дастлаб фақат кичик Осиёликларни кейин эса ҳамма осийлик-ёввойи деган салбий қиёфани вужудга келтирди. Эсхилнинг “Форслар” фожеали сахна асари ва Геродотда эса юнон-форс урушлари Осиё ва Европа ўртасидаги низоларнинг намоён бўлиши деб тарғиб қилинди. Ўтаилоҳийлаштирилган, мафкуравийлаштирилган ўрта асрларда эса қитъалар ўртасидаги ихтилоф христианлик ва ислом ўртасидаги келишиб бўлмайдиган душманлик тасаввури даражасига етиб, сарацин-басурман (мусулмон)нинг салбий қиёфасини яратди ва улар эътиқод қилган дин тўғрисида ҳам қатор ёлғон фикрларни келтириб чиқарди.

“Бундай андозавий қарашлар орасида,-деб ёзади А.В.Сагадеев,-исломни қилич ва олов билан тарқатувчи зўравонлик дини, мусурмонлар эса, қайси ҳокимиятни забт этмасинлар, мусулмончиликка эътиқод қилмовчиларнинг бошини аямай танидан жудо қилар эдилар” (Герберт Романский) дегани анча яшовчан бўлиб қолган эди. Бундай уйдирмалар салбий урушларни оқлашга ва ўзларининг бошқа диндагилар маданияти олдида норозилик ҳиссиётларини қоплашган эди.¹⁰² Мусурмонларга зид бўлган ўша замон адабиётлари оқимини таҳлил қилган А.В.Сагадеевнинг фикрича-Қуръонни зўравонликнинг дарслиги деб эълон қилинган.

¹⁰¹ Эраимиздан олдинги III-I асрларда юнон ва миср маданиятларининг қўшилиб ривожланган кўриниши.

¹⁰² Қаранг: “ЛГ-Досье”. 1991. № 7 7-б.

М.Лютернинг “О войне с турками” асари бунинг чўққиси бўлди, дейди. Унинг фикрича, мустамлакачилик муқаддас урушларига мажозийлик қиёфа бериб, уларнинг фазилатли қилиб кўрсатишга ҳамда “ўта маданий” Ғарб билан “ўша қолоқ” Шарқ ўртасидаги азалий қарама-қаршилиқни ахлоқий жиҳатдан асослашларининг беманилигининг очиб ташларди. Қачонким асоратга тушган Шарқ жиҳад байроғи остида ўз озодлиги учун курашга отланганида, “ислом босқинчилик дини ва бошқа диндагиларга мурасасиз” деган фикр ўрнига эски оҳангга алоҳида тус берувчи қўшимча оҳанг сифатида исломга хужумкорлик рўҳини киритиб, ўзларининг норозиликларини хаспуштлашга киришилди.

Албатта, Шарқнинг мустамлакачиликдан қутилиши бундай фикрларга путур етказган бўлса ҳамки, “оммавий” онгда эски қолип ҳали мустаҳкам жойлашган. А.В.Сагадеевнинг таъкидлашича, “қилич ёки ислом” амалини танлаш фақатгина мажусийларга қаратилган эди. Христианлар, яҳудийлар ёки бошқа монотеистик диндагилар эса исломни қабул қилишлари ихтиёрий бўлган, агар қабул қилмасалар, зиммийлар мақомини олиб фақатгина жон боши солиғи-жизья тўлаш билан исломнинг ҳомийлигига эришиб, бошқа босқинчилардан ўз шахслари ва мол-мулкларини бемалол сақлашга муяссар бўлар эдилар. Унинг фикрига кўра, исломнинг илк тарихида шундай даврлар бўлганки, мусулмон ҳукмдорлари бошқа диндагиларни исломга ўтишларини нафақат рағбатлантирмаганлар, балки ҳар томонлама қаршилиқ ҳам қилганлар. Араб истилолари пайтида исломни ҳеч қачон қурол кучи билан тарқатишни ўйлаб ҳам кўрмаганлар. А.В.Сагадеев бу истилолар ғалабаларининг қатор сабабларини кўрсатди: бу кўплаб ўлжа эгаллаш истиқболи; арабларнинг Византиялик эзувчилардан халоскорлар деб кутиб олиниши; мусулмон солиқларининг Византияликлар солиғидан фарқи ва бошқалар.

Бизнинг нуқтаи-назаримиз ҳаёт диалектикасидан келиб чиқади: К.Маркс, Г.В.Милославский, Л.И.Климович ва бошқалар бир томондан, А.В.Сагадеев бошқа томондан ўз фикрларига кўра ҳақдирлар. Чунки гап шундаки “қилич ёки ислом” деган амални танлаш нафақат мажусийлар, балки ислом тарқалган мамлакатлардаги муайян шароитга қараб қўлланилган. Хуллас, Ислом ўзининг бутун қарама-қаршилигига, изчил бўлмаганлигига қарамасдан, тарқоқ араб қабиаларини бирлаштирди, кейин эса араб бўлмаган этник гуруҳлардан мусулмон дунёсини шакллантирди. Унинг бирлаштирувчи омили диний руҳ билан суғорилган бўлсада, мусулмон

одамларни севги, дўстлик, адолат, тенглик нуқтаи-назари асосида ишонтира олди. Яъни ислом ахлоқ-одоб тизими ўзидан олдинги мажусийлик номи билан аталган катта бир инсоният тарихи давридаги жараёнидан етилиб чиққан ҳамда араб халифалиги худудида азалдан шаклланиб келган иудаизм ва христианлик дини асосида амалда бўлган ахлоқий қадриятларнинг негизида келиб чиқди. Албатта бу негиз келажакда ислом каломи асосида, қайта ишлаб чиқилди ва унга соф исломий ахлоқий атамасини беришга астойдил ҳаракат бошланди.

2§ МУСУЛМОН АХЛОҚИНИНГ ЎЗИГА ХОС МАЗМУНИ

Ислом ўз ҳаётининг бошланғич даврида халқ ўртасида мустаҳкамланиб олиш учун бундан буён исломга эътиқод қилувчи араб қабилалари орасида азалдан пайдо бўлган, фойдали тартиб ва ҳатти-ҳаракатларни, шу жумладан анчагина ахлоқий қадриятларни муқаддаслаштирди ва ислом талабларига жавоб бера олмаган мажусийларнинг бир неча аждодлари ҳаёти давомида мустаҳкамланган расм-русмлар ва удумларга зид бўлган талайгина ахлоқий тартиб-қоидалар ислом томонидан қабул қилинмаган. “Акс ҳолда, халқ ўртасида таянч тополмай, унинг маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб эта олмас ва халқ томонидан ижтимоий онг шакли сифатида ўзлаштириб олинмас эди”.¹⁰³ Шундай экан, ислом ахлоқи деб нимани тушуниш мумкин? Дин билан ахлоқ, ўртасида қандай ўзаро муносабатлар мавжуд? Деган саволлар туғилади.

Проф. М.А. Усмоновнинг таъкидлашича, узоқ вақтлардан бери фанда дин ва ахлоқнинг ўзаро муносабати масаласи мунозарали бўлиб келмоқда. Баъзи олимлар диний ахлоқ мавжуд деб ҳисоблайдилар.¹⁰⁴ Ислом мафкурачиларининг фикрига кўра эса, ахлоқ ўз моҳияти жиҳатидан соф диний тушунчадир, шундай экан, диндан ажратилган ҳеч қандай ахлоқнинг бўлиши мумкин эмас. Ахлоқ абадий, демак дин ҳам абадийдир. Агар дин йўқолса, ахлоқ ҳам йўқолади, башарият ҳам яшашдан тўхтади.

Бундай нуқтаи-назар илм-фан доирасига кирмайди. Илм-фан ахлоққа тарихий ҳодиса сифатида қарайди. Чунки ахлоқий тартиб-қоидалар динлардан олдинроқ минглаб йиллар давомида инсоният жамиятининг ривожланиши, инсоний муносабатларнинг тараққиёти жараёнида яратилди. Шу билан бирга жамият тараққиётининг муайян босқичида тарихий ҳодиса сифатида пайдо бўлган дин ўзидан олдин юзага келган ахлоқий тартиб-қоидаларга жиддий таъсир кўрсатган.

М.А.Усмоновнинг юқорида зикр этилган мақоласида ёзишича, дин ўзининг махсус ахлоқини яратмайди, у ахлоқнинг ҳамма тушунча ва тартиб-қоидаларини жамиятдан олади, улар ўз соҳасига киритган ҳолда диний мазмун беради, ўз мафкураси ва ақидаси асосида

¹⁰³ Бозоров О., Худайкулов А. Ахлоқий қадриятлар ва ислом. “Зарафшон нашриёти”. Самарқанд, 1992. 12-13-б.

¹⁰⁴ Қаранг: Усмонов М.А. Распространение ислама и его роль в истории Средней Азии. К изучению истории вольнодумных идей в общественной мысли Средней Азии. Под редакцией академика АН РУз. М.МХайруллаева.-Т: “Фан”, 1991. 24-б.

ривожлантиради. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай диний ахлоқнинг асосида умуминсоний ахлоқнинг хусусиятлари ётади. Шунинг учун ҳам диний муносабатлар ўз моҳияти билан ахлоқий муносабатлар шакли билан қопланган. Аммо бундан диний муносабат билан ахлоқий муносабатни айнан деб бўлмайди. Тўғри, ахлоқий муносабат динда ўз аксини олиб, диний тус ҳам олиши мумкин. Агар дин диннинг мавқеи кучли бўлса, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, оммавий, қабилавий, миллий ва бошқа муносабатлар диний тус олибориши ҳеч гап эмас. Бу ҳол албатта ижтимоий муносабатлар динининг маросимий жиҳатларини кучайтиришга олиб келади. Ҳозирги вақтда дин кучайиб ахлоқ маданиятини диний деб, уларни диний муносабат билан аралаштириш авжига чиққан ҳоллар ҳам мавжуд бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам диний муносабат билан иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадий ва бошқа муносабатларнинг туб фарқини билиб олиш жуда ҳам зарур. Динни баъзи бир ахлоқий қадриятларнинг ижодий жиҳатларини инкор қилгани, ёки баъзиларига тамоман диний мазмунни жойлаштирганидан ажабланмай, динни фирибгарлик ёки мунофиқликда айблаш ҳам шарт эмас. Чунки умуман дин, жумладан, исломнинг ўз мухлисларига ва улар орқали бошқа инсонларга ахлоқнинг тарғиботи ва тарқатувчилик сифатидаги ўрнини инкор этиш ҳам мумкин эмас. Жуда ҳам кўпгина ахлоқий ақидалар, қонун-қоидалар ва тартиблар асрлар давомида амал қилиб келмоқда. Уларда диний мазмуннинг мавжудлиги, диннинг инсонпарварлик ва ўзига хос ижобий аҳамиятини инкор этмайди. Жамият томонидан қабул қилинган ва ўзлаштирилган бундай ахлоқий тартиб-қоидалар, гарчи диний ақида ва диний тусда бўлсалар ҳам, шу жамият ҳаётидаги ижобий ҳодисадир. Уларнинг моҳияти умуминсоний бўлиб, башарият ва инсоният жамиятининг яшовчанлиги қанчалик доимий бўлса, шунчалик абадий бўладиган, ҳатто барча динлардан кейин ҳам мавжуд бўладиган умуминсоний ахлоқнинг абадий йўл-йўриқлари сифатида мавжуддир. Булар оддий ахлоқий тартиб-қоидалар бўлиб, уларсиз башариятнинг мавжудлигини тасаввур қилиш қийин. Улар йўқолса инсоният жамияти ҳам йўқолади, одамзод ҳам ўз инсонийлигини йўқотади.¹⁰⁵

Бизга қолса, диннинг (жаумладан, исломнинг) жамият ахлоқий ҳаёти тарихидаги ўрнига шу нуқтаи-назардан, шу услубиятдан туриб ёндошувни мақсадга мувофиқ деб уқтирмакчимиз.

¹⁰⁵ Қаранг: Бозоров О., Худойқулов А. Ахлоқий қадриятлар ва ислом. 13-б.

Энди ислом томонидан ўзидан илгари пайдо бўлган қайси тартиб қоидалари қонунлаштирди ва қандай янги ахлоқий тартиб-қоидаларни яратиб, ҳаётга сингдирди, деган масалаларнинг таҳлилига ўтамиз.

Ислом келиб чиқишидан бошлаб сайёрамизнинг жуда ҳам катта ҳудудида яшаб келган халқларнинг ижтимоий-маданий қиёфасини шакллантиришда муҳим аҳамият ўйнади, мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг, шу жумладан, ҳуқуқ, ахлоқ, сиёсат ва ҳўжалик фаолиятида ҳамда бошқа соҳаларда амалда ҳар тарафлама тартибга солиб бошқарувчанлик вазифасини ўтади. Барча динлар ичида ислом диний бўлмаган дунёвий ижтимоий борлиқ ва онгнинг шакллари билан яқин алоқада бўлиши билан ифодаланади.

Аввало шуни айтиш керакки, “... ислом араб қабилаларининг тарқоқ, тўзиб ётган ибодатларини бирлаштириб, арабларнинг миллий динини яратди...”,¹⁰⁶ деган фикр нотўғридир.

П.А.Грязневичнинг “Проблемы изучения истории возникновения ислама” асарида ёзган фикрига биноан, Муҳаммаднинг мақсади диний ибодат туфайли кишиларнинг бир-биридан ажралиб қолганини тугатиш эди. Қуръонда қабила-уруғларнинг тарқоқлиги эмас, кўп-худочилик қораланди. Шунингдек, исломгача ҳам, Муҳаммад давридаги поэзия ҳам қабилаларнинг бирлашиши ёки ўзига хос даражадаги бошқачароқ ягоналик яратиш тўғрисидаги ҳеч қандай чақириқлар айтилмаган.¹⁰⁷

Араб давлатчилиқ тузумида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қабилалараро уюшма ва бирлашмаларнинг келиб чиқиши уруғчилиқ жамияти учун одатдаги ҳодиса бўлса ҳамки, лекин исломгача ҳам, унда кейин ҳам Арабистон ҳудудида арабларнинг марказлашувининг умумий асоси шаклланмаганлиги учун ҳам бу интилишларнинг биронтаси ҳам ўз ривожини ниҳоясига етказа олмади. Тўғри, Муҳаммадгача Сажжаҳ, Тулайх, Асвад, Мусайлима каби яккахудочилик ғоясини тарғиб қилган ханифлар араб қабилаларини ягона дин атрофида бирлаштиришга интилиш майли билан чиққанлар, Лекин уларнинг биронтаси ҳам муваффақият қозонмаган. М.Б. Пиатровскийнинг “Пророческие движение в Аравии VII в.” асарида қайд қилишича, ханифлар шахсий тақвадорликка берилмадилар, тарғибот юритмадилар, кишиларга панд-насихат қилмадилар. Улар Пайғамбар қилганидек, худонинг номидан, худонинг каломи билан эмас, балки кўпроқ ўзларининг номидан гапирар эдилар. Бунинг

¹⁰⁶ Токаров С.А. Религия в истории народов мира. —М.: 1964, 512-б.

¹⁰⁷ Қаранг: Ислом. Религия, общество, государство... 11-б.

устига, ханифлар ҳаракати маҳаллий манфаатлар, маҳаллий, ҳудудий чегараланган мустақиллик, ўтмишга қаратилганлиги ва пайғамбарнинг тўла ҳукмронсизлиги билан ажралиб туради. Муҳаммад эса ўз фаолиятида маҳаллий вазифалар билан чекланиб қолмай, ўзи етишиб чиққан анъаналар билан алоқани сақлаб қолган ҳолда ўз фаолиятини унга уюшма-умматни тузишга бағишлади. Ўз вазифасини у жаҳоний аҳамиятга молик ҳодиса деб тушунди ва ўз жамоасини доимий ва чексиз равишда ўсишига интилади.¹⁰⁸

П.А. Грязневичнинг ўша асарида ёзишича, Қуръонда Арабистон аҳолиси учун умумий этноним (халқ номини ифодаловчи сўз-Х.Х.) учрамайди. Фақат VII асрнинг ўрталарига келиб исломда янги этносоциал бирликнинг диний тусда бўлишига интилиш сифатида пайдо бўлди ва араблар-ал-араб сўзини ўзига ном сифатида қабул қилди.¹⁰⁹

Демак, ислом миллий дин сифатида вужудга келмаган ва муайян бир уруғ-қабилавий бирлик билан боғланмаган. Юқорида таҳлил қилганимиздек, Муҳаммаднинг уммати ҳудудида аввало инсоннинг қадри-қийматига алоҳида ўрин ажратиладики, бу кадр-қиймат “мажусий”, “сахро ўғлони”га бўлган кадр-қийматдан тубдан фарқ қилади. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар бир дунёқараш таркибида инсон ҳақида, унинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар муҳим ўрин эгаллайди.

Қуръондаги исломгача бўлган поэзияга нисбатан шу нарса яққол кўзга ташланадики (аста-секин ўсиб борадиган), шахснинг ижтимоий жиҳати ва хусусиятига ҳатто урғу берилган, бу эса ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланганлигидан далолат беради. Муҳаммад инсонни диний мавжудот деб тушунади (“Албатта сизларнинг Оллоҳ наздидаги энг хурматлироғингиз тақвадорроғингиздир”) (49-13), яъни биринчи навбатда ижтимоий хусусиятга эга бўлган инсон назарда тутилади. Пайғамбарнинг янги инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги янгича қараши бу ерда ҳал қилувчи аҳамият ўйнади, барча кишиларга бир аждод-Одам-Ато;! Худо унинг яратувчиси ва унинг тақдирининг ҳақони (тотем ҳам эмас, анима ҳам эмас, фетиш ҳам эмас). Бу янги фикр полетизмдан фарқ қилиб инсонни улуғлашда янги қадам, қадрият ҳисобланади.

Шу нуқтаи-назардан алоҳида шахс ва жамиятни дўзах азобларидан қутилиши, умуман инсоннинг этноқабилавий ёки

¹⁰⁸ Қаранг: Ислам. Религия, об’ество, государство... 20-22-б.

¹⁰⁹ Қаранг: Ислам Религия, об’ество, государство... 11-б.

ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, ҳақиқий худога ишониши билан боғланган (муруввадаги уруғ учун... деган қадрият ўрнига,): “(қиёмат кунда) сизларга қариндош уруғларингиз ҳам, бола-чақаларингиз ҳам ҳаргиз фойда бермас!...” (60:3), деб инсонни Оллоҳ олдидаги қарзга бурчи юзини угиради.

“Абу Лахабнинг кўллари қуриган-ҳалок бўлгай! (Аниқки) у қуриди-ҳалок бўлди! Мол мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ! Яқинда у ва унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан эшилган арқон бўлган хотини (ловуллаб турган) алангали дузахга киражак” (111:1-3). “Сўнгра ... Мусо билан Қорунни Ўз оят-муъжизаларимиз билан Фиръавн ва унинг одамларига юборганимизда, улар кибру-ҳаво кидилар ва жинойтчи-гуноҳкор қавм бўлдилар” (10:75). Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг бир-бирига муносабатларидаги янги хилини англаб олиш заруриятига олиб боради. “Мўминлар, ҳеч шак-шубҳасиз, оға-инилардир...” (49:10).

Қурундаги бу оятлардан уруғчилик жамияти тамаввурларида тарбияланган инсоннинг қарор топиш босқичлари, синфий жамият учун хос бўлган дунёқарашнинг янги хилини кузатиш мумкин.

Қуръонда бу Муҳаммад кўпроқ ишлатган диний (мафкуравий) мазмундаги (абд Оллоҳ, нафс, башар, бану одам, уммат иша, ҳизб, муслим, мўмин) атамаларини, инсонни этнобиологик мавжудот сифатида намоён қиладиган (анам) ёки уруғ—қабила ташкилоти (фасила, ашира, қабила) атамалари билан таққослайди. Бу сифатий (фарик, тоифа) этноқабилавий (қавм), ҳарбий (уста, фира), этнобиологик (башар) атамаларини белгилашга сабаб бўлади. Бу ерда уруғчилик атамаларини таҳлил қилиш ниҳоятда мураккаб эканлигини қайд этиш зарур, чунки бу атамалар нафақат мазмунига кўра фарқ қилади, балки, амалий хизматдаги ўрни билан, ижтимоий муносабатларга қандай жиҳат берилганлиги билан ҳам фарқланади. Шунини қайд қилиш керакки, Муҳаммад одамларни, кишилар жамоаларини Арабистоннинг ижтимоий муассасаларини шартли белгилаш учун биринчи навбатда уруғчилик жамияти ишлаб чиққан ташунчалардан фойдаланди, доимий равишда анъанавий тасаввурлар, қадриятларга қайтишга чақирди, бироқ унинг пайғамбарлик фаолияти давомида улар қайтадан ўйлаб кўрилди ва янги асосга эга бўлди.¹¹⁰ Агар Муҳаммад фаолиятининг биринчи босқичида қуйидаги даъват тарзда бўлган бўлса “(Эй Муҳаммад), қавми-қариндошларга, мискин

¹¹⁰ Қаранг: Ислоҳ Религия, общество, государство. 52-53-б.

ва йўловчига (хайру эҳсон қилиш билан) ҳақларини ато этинг ва исрофгарчиликка йўл қўйманг!(17:26), Мадинада эса у камбағал қариндошлар ва оддий камбағаллар ўртасида фарқ қилмайди. (58:5(4); (5:91) (98); (96(96)). Тағин ҳам у ерда шундай дейди: “Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Оллоҳ ва унинг пайғамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан-гарчи улар ўзларининг оталари ёки ўғиллари ёки оға-инилари ёки қариндош уруғлари бўлсаларда-дўстлашаётганини топмассиз...” (58:22).

Шундай қилиб, Муҳаммад бадавий “шарафини ҳимоя қилиш кодексини тиклаш даъватидан бошлаб, унинг қоидаларини мутлоқ асослаш хулосасига асослаш хулосасига келади, илгари қариндошларга ёрдам бериш бўлса, энди эса ҳамма қариндош бўлиб қолди (аждод битта,Одам ато). Энди “ўзимники” билан “бегоналар” ўртасидаги чегаранинг хусусияти бошқа оламга кўчди, муҳим, инсон ҳақиқий дин, ягона худога эътиқод қиладими, йўқми, у ҳамма учун мажусий ва аҳли китоблар учун ҳам юборилган Оллоҳнинг расулига қандай муносабатда бўлади.

Барча кишилар (бану одам) бир қабила (қавм) бўлиб қолдилар, демак энди пайғамбарнинг хутбаси ҳам “барча кишиларга” қаратилиши кеоак эди. Шунинг учун Муҳаммад “ҳамма” кишиларга юборилган эди. “Эй инсонлар”! Сизларни бир ондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳавони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Оллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз билан ажралиб кетишдан сақланингиз! (4:1). (Қуръон, 17:91(89); 5:19 (17)).

Энди ҳар бир одам ўз ҳаётида Оллоҳдан миннатдор бўлиши кераклигига ишонтирилади, “Оллоҳ сизларни оналарингиз қорнидан бирон нарса билмаган ҳолингизда чиқарди ва шукр қилишингиз учун сизларга кулоқ, кўзлар ва дилларни берди” (16:78). Шундай қилиб, Қуръон кишиларнинг қон-қардошлик бирлиги ҳақидаги фикрларини асослашга интилади. Кишилар олами, Муҳаммаднинг фикрига кўра, энг аввало кишилар бирлигининг йиғиндисидан иборат: “Ерда судралиб юрган ҳар бир жонивор, осмонда қанот қоқаётган ҳар бир қуш худди сизлар каби (Бизнинг қўл остимиздаги) жамоалардир...” (6:38). Хуллас, уммат шундай тирик мавжудотларнинг бир тури бўла олиши мумкин.

Бошқача айтганда, бутун жонли олам Муҳаммадга жамоадошларининг йиғиндиси сифатида тушунилади. Пайғамбарнинг

бу қараши уруғчилик жамияти тасаввурларига ҳам мувофиқ келар эди, бироқ Муҳаммад ўзининг пайғамбарлик фаолияти давомида кишилар оламини ташкил этувчи бирликларнинг хусусиятини қайтадан ўйлаб талаб қилинади.

Учинчи Макка даврининг охирларидаги сураларда эса қавм термини билан бир қаторда “қабила”, “халқ” атамалари ўрнида кўпинча тоифа (15:10) уммат ва фирқа-ҳизб (40:5) атамалари пайдо бўлади ва улар кишиларнинг диний жамоаларини белгилаш учун қўлланилади. Бу каби инсон тушунчаси умумбашарий, умуминсоний қадриятларга ўтишда қадам ҳисобланади. Аммо, у умум диний қобиғи, асосида албатта.

Бундай бирликнинг тепасида янги раҳнамо имом туриши керак эди. (2:124).

Шу муносабат билан еттинчи суранинг оятлари диққатга сазовордир. Агар кимдир элчиларнинг чақириғини инкор этса, (Оллоҳ айтур): “Сизлардан илгари ўтган жин ва инсдан иборат (динсиз) миллатлар билан бирга дузахга кирингиз”! Қачон бир жамоат кирганида; шеригини (яъни ўзини йўлдан урганларни) лаънатлайди... (7:38).

Шундай қилиб, бану адам тушунчаси ҳажмига жамоалар-“халқлар” (уммат) қабила ҳам киради, уларга худо ўз элчиларини юборган: бу Мусонинг қавми-бану Исроил (5:20), Нухнинг қавми (7:59) ва Нухдан кейинги бошқа авлодлар (23:31-34), мадян (7:85), Лут қавмига (7:80) ва бошқалар.

Энди энг муҳими жамоа (халқ)нинг пайғамбарга муносабати, жамоа аъзоларининг тақвадорлик даражаси эди: “Уларни (яхудийларни) бутун ер юзига жамоа-жамоа қилиб бўлиб юбордик. Уларнинг ораларида яхшилари (яъни иймон келтирганлари) ҳам, ундай эмаслари (иймонсизлари) ҳам бордир. Уларни (динсизлик ва исёндан қайтишлари учун кўп яхшилик (неъматлар) ва ёмонликлар (балолар) билан синаб кўрдик” (7:168).

Энди Қуръон кишиларни этноқабилавий белгиларига қараб эмас, балки асосан диний белгисига қараб бўлади. Кишилар энди Оллоҳга ишонувчилар ва ишонмовчиларга, мусулмонга, мажусийга, христианга, иудага бўлинади. Пайғамбар учун этник тафовут ундан ҳам муҳим эди. “Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳам бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни турли-туман халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Апбатта сизларнинг Оллоҳ

наздидаги энг хурматлироғингиз тақвадорроғингиздир...”(49:13), Яъни, инсоннинг эндиги кадр-қиммати унинг қайси қавм, қабилига мансублигида эмас, балки унинг Оллоҳ олдидаги мўминлиги, худо жўйлигидир.

Албатта шуни унутмаслик керакки, Муҳаммад ерда инсон учун махсус ўрин ажратди. “Эсланг” (эй Муҳаммад), Парвардигорингиз фаришталарга: “Мен ерда (Одамни) ҳалифа (ёрдамчи) қилмоқчиман”, деганида улар айтдилар: “У ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (Ҳалифа) қиласанми? Холбуки биз ҳамду сано айтиш билан сени улуғлаймиз ва сенинг номингни мудом пок тутамиз”. Оллоҳ айтди: “Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан”. Ва Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбару қилиб деди: “Агар ҳалифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини менга билдиринг!” (2:30-31). Шайтондан бошқа барча фаришталар Одам отага сажда қилар эди. Шундай қилиб Одам ато ер юзида подшони эмас, балки худони ифодалайди, бироқ ҳалифа подшонинг ўз фуқаролари устидан, уларнинг ўйлари ва иродалари устидан ҳокимиятини ифодалаганидек, Оллоҳнинг ҳалифаси ҳам ер юзида худонинг вакили сифатида, унинг одамларга юборган қонун-қоидаларини, унинг яратганлари устидан мутлоқ ҳокимиятини ифодалайди.

Бунинг билан ислом инсонни нафақат ибодат қилишликка, ер юзида тақво ила ҳаёт кечиришига кўрсатма бериш билан чегараланмай, инсонларни аҳл-иноқ, яшашга, ота-она, фарзандлар, қариндош уруғлар ва яқинлари билан яхши муомала ва муносабатда бўлиш вазифасини ҳам юклайди. Ўзини мусулмон ҳисоблаган ҳар бир инсон шариат аҳкомларини аввало ўзида, қолаверса, оила аъзолари ва қариндошлари ўртасида тўла тадбиқ этишга ҳаракат қилиши лозим. Яъни ҳар бир инсон ислом дини талабларини бошқалар орасидаги ижросига ҳам жавобгар. Бу борада қуйидаги ҳадисда бундай дейилади: “Сизлардан кимки бирон кимсани шариатда қайтарилган мункар иш қилаётганини кўрса, ундай одамни қўли билан бўлса ҳам (яъни: жисмоний куч ишлатиб бўлса ҳам) бу мункар ишдан манъ қилсин, агар қўл билан қайтаришга имкони бўлмаса тили билан панд ва маслаҳат айласин, агар бунга ҳам қодир бўлмаса ўша одамни қилаётган ишини қалби билан ёмон кўрсин. Бундай қалби билангина бировни кабиҳ

ишини ёмон кўргувчи одам имони заиф одам бўлур”.¹¹¹ Демак, инсон Оллоҳнинг ер юзидаги ҳалифа ва у ислом аҳкомларини жорий этишда фаол ҳаракат этиши ҳам лозим.

Оллоҳ ҳамма нарсани, осмонни ҳам, ерни ҳам, ердаги ҳамма нарсани яратувчисидир (27:64); (2:29) ва ҳамма нарсани Одам отага (яъни одамларни ҳам) инъом этди, улар билан шартнома тузди (20:115), у одамларни “Одам отанинг авлодини”, “Одам отанинг ўғилларини ердаги ноиб қилиб тайинлади (35:39); (27:62), “...сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтариб қуйган зотдир...” (6:165).

Шундай қилиб, Одам отанинг авлодлари (бану одам), агар улар худо билан бўлган шартномага амал қилган бўлсалар, ўзларининг биринчи аجدодидан мерос қолган вазифани дунёда илоҳий ҳокимиятни намоён қилган бўладилар.

Лекин Оллоҳ ўзининг меҳр шафқатида ердаги кишиларнинг бир ўзини қолдирганларича йўқ. Уларга ёрдам қилиш учун, ерга ўзининг ҳалифалари (Одам-ота, Довуд)ни юборганлар, улар эса худонинг қонун ва иродаси билимини бўлиб берди, фақат улар асосидагина ўқитишга ҳуқуқ берилди, кишиларни йўл-йўриққа қараб, тафвадорлигига қараб ҳукм қилиш керак. (38:26). Бундан ташқари, халифа илоҳий билимларни улар кимга юборилган бўлса, ўшаларга бериши керак. Шу маънода улар бу билимларни соҳиби, бўлиб оладилар.

Демак, Муҳаммад халифа атамасига ҳокимият тўғрисидаги янги тасаввур, яъни кишиларнинг ҳокимияти эмас, балки худодан келган ҳокимият масаласини киритди. “Уруғ оқсоқоли, дохийси нуфузидан Оллоҳ ҳалифасининг нуфузининг фарқи, у худонинг иродасини билишга асосланади”¹¹² Муҳаммаднинг инсон, инсоният ҳақидаги тасаввурининг тадрижий ривожини мураккаб ижтимоий ва мавқуравий жараёнлар билан боғланган, улар Арабистонда VI асрнинг охири VII асрнинг бошларида жумладан, арабларнинг этник онгида, ўз-ўзини англаш соҳасида, муҳим силжишлар бўлди. Улар аста-секин араб қабилаларини ягона халққа бирлаштириш билан боғланди, уруғчилик ташкилотидан ҳудудийга, жамиятнинг давлатгача бўлган шаклидан давлатга ўтиш билан боғлиқ бўлди.

Бу йўналишлар VII асрнинг охири VIII асрнинг бошларида пайдо бўлган насабшунослик асарларида, Қуръон тафсирларида ўз аксини

¹¹¹ Совет Шарқи мусулмонлари. 1410х-1990 й. 1-сон (85), 5-б.

¹¹² Ислом, Религия, общество, государство, 65-66-б.

топди, уларда араб қабилаларининг бирлашган насабшунослиги Одам отанинг қиёфасини юқорига кўтарди. Бу билан Арабистон аҳолиси Библиядаги бошқа халқлар билан “қариндош” бўлиб қолди, уларнинг тарихи жаҳон тарихидан бир бўлаги (бану одам) бўлиб қолдилар.

Шу билан бир қаторда Ислом дини таълим беради: “... Осмонлар ва Ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Оллоҳгина (билур)” (27:66), яъниодамлар ҳеч нарсани билмайди. Инсоннинг билими фақатгина худонинг иродасигагина боғлиқдир. “...Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдек. Унинг ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг, изнисиз оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани билади...” (2-255).

Қуръонда кишиларнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий тенгсизлиги тан олинади ҳамда ёритилади. “...Уларнинг ҳаёти-дунёдаги маишат тирикчиликларини ҳам, уларнинг ўрталарида Биз ўзимиз тақсимлаганимиз ва баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиши) учун айримларини айримларидан баланд даража-мартабаларга кўтариб қўйганмиз...” (43:32). (Бу дунёда) Уларнинг бировларидан бировларини ризқу-мартабада қандай устун қилганимизни кўринг! (17:21). Қуръоннинг бу оятлари шундан далолат берадики, кишиларнинг табиий ва мулкый тенгсизлиги Оллоҳнинг ўзи томонидан белгилаб берилган, мулксизлар ўз аҳволларини ўзгартириш учун ҳаракат қилишлари мумкин эмас, бадавлатларнинг мулкларига эришиб бўлмаслиги кўрсатилади. Лекин халқнинг яхши ҳаёт ҳақидаги умудини ўзмаслик учун Қуръон ҳамма нарсадан маҳрум бўлганларга келажакда, нариги дунёда, ўлгандан кейин яхши ҳаёт ваъда қилади, бу дунёдаги ҳаёт вақтинча, ўтқинчи деб ҳисоблайди: нариги дунёдаги ҳаётда кишилар абадий роҳат-фароғат, ҳақиқий бахт-саодатга эришади деб ишонтирилади. “Бу ҳаётий-дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулгидир. Агар улар билсалар, охират диёригина (мангу) ҳаёт (диёридир)” (29:64). Шунинг учун инсон ўзининг хулқ-атвори билан Оллоҳнинг раҳм-шафқатига эга бўлиш учун, ўлгандан кейин жаннатга тушиш учун, ерда маҳрум бўлган ҳамма нарсага эришиши учун ҳаракат қилиши керак. Бу ҳаракат доирасида ахлоқий нормаларига шарафли ўрин олган.

Мълумки, нариги дунё ҳақидаги ислом таълимоти, диннинг бошқа қоидалари каби мавҳум хусусиятга эга эмас, балки аниқ акс этган ижтимоий йўналишга эга; инсоннинг дунёвий ҳаёти қисқа ва унинг ҳаётининг асосий қисми эмас, инсоннинг ҳақиқий ва абадий ҳаёти у ўлгандан кейин бошланади, кимда-ким дунёвий роҳат-

фароғатдан воз кечса, у келажакда нариги дунёдаги ҳаётда ҳамма фаравонликдан фойдаланади, кимда-ким ердаги бахт билан алданса, нариги дунёдаги фаравонликлардан маҳрум қилинади, яна ҳам бутун ҳаётида азоб-уқубатларга дучор бўлади. “...Ким Оллоҳнинг неъматини келганидан сўнг, уни ўзгартирар экан, бас, албатта, Оллоҳ жазосини қаттиқ зотдир” (2:211). Қуръонда айтилишича, мусулмон қанчалик даражада огоҳлантирилмасин: “Одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг гапирган гапи, ҳаёти дунёда Сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи (исломга) ашаддий хусуматчи бўлган ҳолда дилидаги “иймонига” Оллоҳни гувоҳ келтиради” (2:204).

Имом Бухорий келтирган ҳадисга биноан: “Ислом беш нарсанинг устига бино қилинган, биринчи қалимаи шаҳодат, яъни ла илаҳа иллоллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ калимасини тил билан айтиб ва дил билан тасдиқлаш, иккинчиси ҳар куни беш вақт номозни ўз вақтида адо этмоқ, учинчиси моли нисобга етса закот бермоқ, тўртинчиси бир йилда бир ой рамазон рўзасини тутмоқ ва бешинчиси қодир бўлса умрида бир иарта ҳаж қилмоқ”.¹¹³

Оллоҳнинг яккаю-ягоналиги қадрлаш ислом динининг биринчи аркони сифатида ҳамма мўмин мусулмонлар тақвадорлик ҳатти-ҳаракатининг асосини ташкил этиб, унинг одоб-ахлоқлилик фазилатини таъминлаб беради. Ҳар бир мусулмон буни ёддан билиши фарз ҳисобланади. Мусулмонлар онгида қуйидаги ҳадис кенг жой олган. Муҳаммаднинг айтишича “айт У-Оллоҳ яккаю ягона”ни ун маротаба охиригача ўқиса Оллоҳ унинг учун жаннатга уй қуриб беради. Иккинчи ҳалиф Умар ибн-Хаттобдан “... агар биз буни янада кўпроқ такрорласак нима бўлади?” деб сўрасалар “...унда Оллоҳ янада кўпроқ ва яхшироқ қилади”, деб жавоб берган экан. Хуллас, Қуръон ва ислом нуқтаи-назаридан Оллоҳдан кўрқиш умуман яхши фазилат. Бу ҳислат ислом ахлоқининг асосини ташкил этади.¹¹⁴ Чунки худодан кўрқиш (арабча-тақво, барча динлардагидек исломда ҳам ўша диндорларга нисбатан ишлатиладиган тушунча) инсонни доимо бировларга ёки ўзига қарата ёмон иш қилмасликка даъват этади, Оллоҳнинг қаҳри олдида кўрқувдан бўлишини таъминлайди. Шунинг учун художўйлар ислом ва Кўрқув талабларини қатъий эътиқод билан ижро этиб, бу ва у дунёда худонинг қаҳри ва ғазабидан кўрққанларидан уни ахлоқ-одобларининг ўлчов мезонига айлантириб олишлари лозим. Яъни “ёлғон сўзламаслик, бировнинг ҳаққини

¹¹³ Совет Шарқи мусулмонлари. 1410-1990. 2-сон (86). 6-б.

¹¹⁴ Қаранг: Бозоров О., Худайқулов А. Ахлоқий қадриятлар ва ислом... 41-б.

емаслик, бировга озор бермаслик, ота-оналарни ҳурмат қилиш, ёки авлодни тўғри тарбия қилишлик кабиларни ўз ичига олади”.¹¹⁵ Демак, ислом художўйлик ақидасининг моҳияти Оллоҳдан келиб чиққан ҳамма нарса, хатти-ҳаракатни ахлоқий деб билишга олиб боради. Бу билан ахлоқий эркинлик тақво-худодан қўрқиш доираси, ҳудуди билан чегараланиб қолдирилади.

Ислом ақидасига биноан, оғзаки бўлмиш ташаххуддан сўнгги талаб-намоз ўқиш ҳам мусулмонларда фозил ахлоқни жорий этгувчи омиллардан биридир. “Ислом нури” газетаси Акмал исмли Самарқандликнинг “Менинг диндор дўстим бор. Лекин у, афсус намоз ўқимайди: Бунга нима демоқ керак? Деган саволига қуйидаги жавоб келтирилган: Аввало дўстингизни диндор деб таърифлашингиз нотўғри. Зеро у ислом динининг асосий рукни-динимиз устуни бўлган намоз ўқимас экан. Бу ғур кишиларнинг ўзини диндор деб аташлари ёлғон ва алдашдир. Намоз ўқимаган киши диндор ҳисобланмайди. Хусусан қасддан намоз ўқимаган киши ислом миллатидан эмас. Киши дангасалик қилиб намоз ўқимаган, у фасиқдир. Намоз дин устунидир. Ким уни ўқимаса динни вайрон қилгандир”¹¹⁶.

Демак, намоз бу ислом динининг асосий рукни уни адо этиш фарз ва устуни бўлиб уни ижро этмаслик эса мусулмонликдан кишини маҳрум этади. Номозга ахлоқий мазмун берилишига Қуроннинг Анкабут сурасининг қуйидаги ояти асос бўлиб келмоқда: “(Эй Мухаммад), сиз ўзингизга ваҳий қилинган китоб-Қуръонда бўлган (оятлар)ни тиловат қилинг ва намозни тўқис адо этинг! Албатта намоз бузуқлик ва ёмонликдан тусур. Аниқки, Оллоҳни зикр қилмоқ (барча нарсалардан) улуғроқдир. Оллоҳ қилаётган ишларингизни билиб турур”. “Бузуқликдан ва ёмонликдан тусур” жумласи “жуда кўп диний китобларда ҳозирда ҳам намоз тўғрисида гап бошлашдан олдин эпиграф сифатида қўлланиб келинади”.¹¹⁷

Ислом “Олий маъҳади илмий мудири Салоҳиддин Муҳиддиннинг ёзишича, “ислом дини буюрган ибодатлар (шу жумладан, намоз ҳам-Х.Х.) қуруқ кўриниш ва шакллардан иборат бўлган одатлар бўлмай, балки уларни дин кўрсатгандек қилиб бажарган кишиларда фозил ахлоқ, бировларга нисбатан мурувватли ва меҳр шафқатли бўлишларини таъминлайди”.¹¹⁸ Муаллиф ўз

¹¹⁵ “Ислом нури”, 1411 ҳ-1991 й. № 2 (20).

¹¹⁶ “Ислом нури”, 1992, № 24.

¹¹⁷ Усмонов М.А. Ислом ақидалари ва маросимлари. Маъсул муҳаррир Д.Н.Ғаниев-Т.: Ўзбекистон. 1975. 120-б.

¹¹⁸ “Ислом нури”, 1992, № 24.

фикрининг далили учун қуйидаги ҳадисни келтиради. “мен улуғлигим олдида намоз сабабли ўз бўйинини эгган бошқага нисбатан ўзини ниҳоятда камтар ҳисоблаган, менга гуноҳкор бўлиб қолса дарров тавба қилган, камбағал-мискинлар, тул хотин ва мусофирларга мурувватли ва раҳмдил ҳамда мусибат етган инсонларга шафқатли бўлган кишиларнинг номозини қабул қилурман”.

Қуръонда “закот”, “садақа”, “ўз мулкидан ҳаражат қилиш”, “Оллоҳга қарз бериш” каби иборалар бир-биридан фарқ қилинмайди. Ҳатто “Оллоҳ йўлида ҳаражат қилингиз”, кўрсатмаси “Оллоҳ йўлида жанг қилингиз” кўрсатмаси билан айнанлигини ҳам кўрамиз. Закотни ислом арконларидан бири сифатида Қуръонда мусулмонларнинг молларидан олинадиган уларни покловчи-тозаловчи садақа сифатида деб (19:103) эълон қилинган. Шунинг учун ҳам қарийб ҳамма диний асарларда закотни фарз сифатида фақат олинадиган солиқ бўлмай, балки мусулмонлар қалбида шафқат ва меҳрибонлик уруғини экувчи, ҳамда турли табақалар ўртасида биродарлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамловчи восита деб таърифланади. Закот орқали одамлар алоқасини яхшилашга, уларни бир-бирларига меҳру оқибатли бўлишга ҳамда гўзал ахлоқларга боисдир-дейилади.

Рўза тутиш ва рўза ҳайити ислом динининг пайдо бўлиши билан боғлиқ барча мусулмон халқлар одатига кирган. Қуръоннинг Бақара сураси 183-оятда биринчи бор рўза тутиш амр қилинган тарихин бу воқеа 624 йил февраль ойига тўғри келади. Ислом ва Қуръон рўзани ҳар бир шахс ва ҳар бир жамиятни ёмонликлардан сақловчи исломий фарз деб атаган. Рўза араб тилида “ассавм” дейилади, у бир нарсадан ўзини тийиш маъносини англатади. Рўза ҳақидаги ҳадислардан бирида Албатта рўза бир сақловчи нарсадир. Сизлардан кимки рўзадор бўлса, фоҳиша сўзларни сўзламасин, жоҳил кишиларнинг ишини қилмасин. Агар бир киши у билан урушса ёки сўкишса, мен рўзадорман, мен рўзадорман, деб айтсин, дейилиб, уни ахлоқий фазилатлар даражасига киритади. Рўзани “сақловчи” дейишдан сабаб шулки, ҳар бир рўзадор ўзини ёмон ишлардан тийиб, гуноҳ ишлардан сақланиши инobatга олинади, яъни кишиларни алдамайди, ёлғон гапирмайди, зулм қилмайди, фитна, беадаб сўзлардан, уриш-жанжаллардан, ёмон одатлардан шахс ўзини сақлайди. Рўза бева-бечораларга меҳр кўрсатиб, инсон қалбида раҳмдилликни тарбиялайди, ҳамда инсонийлик алоқаларини яхшилади. “Рўзанинг ҳикматларидан яна бири кишилар орасидаги тенгликдир. Рўза барча кишиларни мажбуран фақир-мискин ҳолига келтиради. Бу мажбурий фақирлар инсон

қалбини амалий равишда барча инсонлар тенг эканлигига, улар ҳаммалари бир хил, Оллоҳнинг бандалари эканлигини ҳис қилдиради”.¹¹⁹

Ҳадислардан бирида эса шундай дейилган: “бир соат қилинган адолат 60 йиллик кечалари билан намоз ўқиб ва кундузлари билан рўза тутиб қилинган ибодатдан афзалдур”.¹²⁰

“Дар ан-надвоъ” – арабча йиғилиш жойи. II-III асрларда ҳали Маккада ягона ҳокимият вужудга келмаган, ҳукумат турма ва давлатни бошқаришнинг бошқа воситалари ҳам шаклланмаган эди. Ҳар бир уруғ ўз оқсоқоли (арабча шайх) томонидан бошқарилар, умумий масалалар бўйича шайхлар бу кенгашда тўпланиб маслаҳатлашар эдилар.¹²¹

Араблар тарихида (эрамиздан илгариги II-I асрларда) вужудга келган Каъба ибодатхонасига бўлган иштиёқ ислом томонидан ҳаж қилиш маросими Қуръон оятлари орқали мусулмонлар олдида қуйилган асосий талаблардан бири сифатида илгари сурилган. Сабаб-ҳаж маросими мусулмонлар ўртасида диний эътиқодни мустаҳкамлаш ва арабларни диний бирлаштириш эди. Шу билан бир қаторда ислом таълимоти ҳажни адо этиш ахлоқий фазилатлардан холи бўлган шунчаки саёҳат-сафар эмас, чунки Оллоҳ таоло ҳаж сафарига борган кишилар гуноҳ, фисқ-фужур ишларни қилмаслиги, бировлар билан жанжаллашмаслиги ва озор бермаслиги кераклигини уқтиради.

Хуллас, ислом мусулмонларга фозил ахлоққа фақатгина ислом арконларининг каромати орқали эришувни унитмасликлари керак. “Агар киши аркони Исломни бажармаса ёки бажарган ибодатлари қалбини тозаламаса, мункар ишлардан қайтармаса, Оллоҳ таоло ва бандалар ўртасидаги алоқасини мустаҳкамламаса-ундай одам ҳавои нафсга мубтало бўлган булур ё мазкур арконларни талаб даражасида адо қилмагандир”¹²²

Ислом арконларига берилган қисқа тафсилотлардан чиқадиган биринчи хулоса, илк ислом асосчиси ва Қуръондаги ғоялар бир томондан, бу арконлар орқали янги келиб чиқаётган динни эътиқодга айлантириш ҳамда уни ана шундай соддагина талаблар орқали тез суръатлар билан араблар орасига тарқатиш эди. Иккинчидан, эса бу арконларни қонунлаштириш нафақат қилич ва қалқон ёки зўравонлик усуллари орқалигина амалга оширилмай, исломдан илгари пайдо

¹¹⁹ Совет Шарқи мусулмонлари. 1410-1990. 2-сон (86). 7-б.

¹²⁰ Совет Шарқи мусулмонлари. 1410-1990. 2-сон (86). 8-б.

¹²¹ Қаранг: Усмонов М.А. Ислом ақидалари ва маросимлари. -127-б.

¹²² “Ислом нури”, 1411 ҳ-1991 й. № 2 (20) сон.

бўлган ахлоқий қадриятнинг хизматини ҳам унутмаганлар. Яккаю-ягона Оллоҳга эътиқод қилишнинг араб қабилалари ўртасида тарқалган кўп ҳудолик тасаввурларидан афзаллигини ахлоқий қадриятлар орқали асослаш ва уни амалга ошириш ўзига яраша прогнессив воқеа ҳисобланади. Жонсиз, тошу ёғочдан, темиру-маъданлардан ясалган худочалар ўрнига Оллоҳ-инсон ва табиат устидан мутлоқ ҳокимиятга эга бўлган. Қуръондаги тавҳид таълимотининг асосий мазмунини ташкил этиши билан Унга Раҳмон (шафқатли), Раҳим (раҳмдил), одамларни (иркидан, рангидан, жинсидан, ёшидан, бою камбағаллигидан қатъий назар) тўғри йўлга солувчи, меҳрибон ҳамхўр меҳру-шафқатли каби ахлоқий сифатлар бериш ўз самарасини беради. Чунки мажусий деб аталган даврлардаги худочалар муайян қабила ҳудудида “амал” қилиб, меҳнат, ов, уруш, ёки муайян бирон тасодиф-тангли даврларда кўл келиб, бошқа бир қабиланинг ҳукмронлиги жорий этилса, у худога ўз вазифасидан “озод” ҳам этиларди; қабилалараро иттифоқларни келтириб чиқаришда жуда ҳам кўпинча “худоча”нинг “қудратли” ҳам этмасди.

VI асрнинг охири ва VIII асрнинг ибтидоси шароитида эса арабларнинг бирлашувини бир ёқадан бош чиқариб меҳнату-роҳат фазилатларига эришувини, инсоннинг бўлган пок муносабатларини амалга оширувини ва ҳоказоларни тақозо этарди. Шу етишиб келган эзгу фазилатларни амалга оширишни ислом дини асосчилари тақво орқали амалга ошириш йўллариини топганларига ҳолисона тан бериш керак. Оллоҳдан кўрқитиб бўлса ҳам ким одамларни ёмонлик қилишдан ўзи ахлоқий қадриятлар. Оллоҳдан кўрқитиб инсонни одоб доирасида шижоатли қилиш-яхши инсоний фазилат, хислатдир. Масалан, номозни олсак, ўқимаса бундан муъмин 15 хил жазога гирифтор этилади (6 таси, шу дунёда, 3 таси ўлим вақтида, 3 таси қиёмат кунида).

1.Дунёда: Оллоҳ унинг ризки рўзидан ва ҳаётидан баракани кетказди, сиймосидан яхшилик аломатини йўқотади, ўлими кишилар дуосидан бебаҳра қилади, қилган ишларининг ажрига етиша олмайди. Оллоҳ таоло унинг дуосини қабул қилмайди.

2.Ўлим вақтида: хор бўлиб оч қолиб, қанча сув томизсалар ҳам чанқаб ўлади.

3.Қабрда: Оллоҳ таоло унга қиёмат кунигача даҳшат қилиб турувчи фаришталарни биркитириб қўяди, қабр зулматли ва даҳшатли бўлади.

4.Қиёматда: Олло таоло унга жазирамага тортувчи фариштани боғлаб қўяди, уни узоқ қилади ва у даҳшатли азобга қолади.

Қисқача изоҳлаганда, мўминлар қилган ҳамма амалларини дурустлиги ёхуд бузуқлиги намозга боғлиқ. Намози дуруст бўлса, қилган амаллари ҳам дуруст, намози бузуқ бўлса қолган амаллари ҳам бузуқдир.¹²³

Лекин Мовароуннахр мусулмонлари идорасининг бошлиғи таъкидлаганди. Ислом фақатгина кўрқитиш билан иш кўрган деган хулоса тамоман ҳақиқатга молик эмас. Чунки бундай “кўрқитиш тарбияси” “қалблардаги нурни сўндиради ва яхши аломатларини беркитади. Ҳар бир кишида яхши иш қилишга хоҳиш бўлиб, бу хоҳишни яхши мукофот ва Оллоҳнинг фазликарамига эришиш ваъдаси билан руҳлантириб туриш лозим”.¹²⁴

“Оллоҳдан умидворлик билан кўрқиб-инсоннинг ишларига таъсир қилувчи энг муҳим омиллардан биридир. Шу нарса виждонини тарбиялайди, ва уни инсоният жамиятининг яхши аъзосига айлантиради”.¹²⁵ Шунинг учун ҳам Қуръон яхшилик, инфоқ-эҳсон, аҳдга вафо, сабр-тоқат, шукр, адолат, одоб, савоб каби фазилатли тавадорларга, зулмга,бузғунчиликка, жиноят, ожкўзликка, ҳасадга, надоматга, дилозорликка, гинага, нафси шаҳвонийлик каби гуноҳкорлик ҳислатларига берилиб кетмаган мусулмонларга жаннатий яхши ризқ, роҳат ва фаравонликлар ваъдалари билан безатилган. Бундан мақсад юқорида зикр этилган ахлоқий тушунча ва фазилатлар “илоҳийлаштирилиб, мўминларни ислом ақидалари ҳамда ахлоқи ҳудудига ушлаб туриш, амалда унинг динга алоқадор бўлмаган соҳаларга тадбиқ этишдир”.¹²⁶

Ислом динини ўзлаштиришда ва эътиқодни кучайтиришда керак ибодатнинг бир кўриниш сифатида намоз ҳам сиғиниш ва илтижо мазмунига эга бўлиб, ахлоқий қадриятлар билан тўлдирилиб, мажусийлардаги сиғиниш, ёки яҳудий, православ ҳамда католицизмдаги сиғиниш ибодатларидан ўзининг оддийлиги, ҳаммабоплиги билан ажралиб туради. Хусусан, иссиқ, иқлим шароитида яшовчиларнинг ҳаётига таҳоратнинг илоҳийлаштириб киши организми учун зарур бўлган санитария-гигиена талабларига моҳирона мослаштирилиши ҳам ақлнинг ишидир. Тиббиёт

¹²³ “Ислом нури”, 1411 ҳ-1991 й. № 3 сон.

¹²⁴ Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Имон. 88-б..

¹²⁵ Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Имон. 88-б.

¹²⁶ Бозоров О., Худайкулов А. Ахлоқий қадриятлар ва ислом 51-б.

олимларининг исботлашларига қараганда, таҳоратнинг игна-терапия даволаш нуқталарини ўз ичига олиши, иссиқ жазирамада яхтаккина таҳорат суви, совуқ шароитда илиқ сув билан игна-терапия нуқталари билан муомалада бўлиш... хусусан, қарияларга поклик, тетик-бардамлик бағишлашининг ўзи-фазилатдир. Номоз рўза орқали номозхон ва рўзадорни бузуқликдан на номаъқулчиликдан сақлаш ҳамда уларнинг покликка, даъват этиб бировнинг мулки ва жонига қасд қилишдан сақлаш-бу ҳам қадрият ва ахлоқий фазилатдан жуда ҳам ўринли равишда фойдаланишдир. Закотни эса ё кўлига қурол олиб дин йўлида жангга кириш ёки жамоага моддий ёрдам бериш талабларига мослаштириш илк исломнинг пойдеворини яратишда асосий омиллардан бўлса, уни инсониятнинг қалбидан келиб чиққан ва инсон руҳий ҳаётининг энг афзал томонларидан бўлган ҳайру-эҳсон, оч бўлган биродарларига моддий ёрдам, ўзаро ёрдам жамият аъзоларининг фаравонлигини ошириш ва уларнинг қайғу-амалларини енгиллаштириш каби ахлоқий қадриятлар орқали улуғлаш учун ҳам фазилатли ишлар қилинган.

Араб қабилаларини бирлаштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган Муҳаммад ўз тарғиботининг муваффақияти учун илгаридан арабларни бирлаштиришда маълум аҳамият ўйнаб келган Каъбадан ҳам фойдаланди.¹²⁷ Ҳар йили дунёдаги барча мусулмон мамлакатларидан миллионлаб зиёратчилар ёши, жинси, миллати, ирқи, қайси табақага мансублигидан қатъий назар “мусулмонлар бирлиги”, байналминал ғоялар билан суғорилиши ҳам ўз ҳолига қадрият ва фозил ахлоқ ҳудудига киради.

3§ ШАРҚОНА АХЛОҚТИЗИМИДА ИСЛОМ АХЛОҚИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Араб халифалиги ижтимоий ривожланишининг турли даражаларида бўлган кўпгина халқлар ва қабилаларни бирлаштирди. Унга халқнинг минг йиллик маданий меросига эга бўлган қадимги маърифат ўчоқлари Сурия, Миср, Икки дарё оралиғи (Месопатамия), Хуросон, Мовароуннаҳр ҳам кирди. Бу маданий мерос асосда II-III аср давомида халифалик тарихида араб-мусулмон маданияти деб ном олган маданият шаклланади. Бу маданият араблар ва босиб олинган ҳудудлардаги халқлар учун ҳам катта аҳамият касб этди. У ўз

¹²⁷ Усмонов М.А. Ислом ақидалари ва маросимлари. -128-б.

анъаналарини ҳозиргача сақлаб келмоқда ...Халифаликдаги араблаштирилмаган халқлар гарчанг бир неча асрлар ўтгач миллий маданиятларини сақлаганларига қарамасдан бу маданиятнинг таъсири ўз аҳамиятини йўқотмади.¹²⁸

Бу араб-мусулмон маданияти жаҳоннинг катта қисмида ривожланган илму-фан, техника, савдо, ривожланган иқтисодий-сиёсий ҳаётни ўз ичига қамраб олиб шу катта ҳудудда ўзига хос шарқона ахлоқий, мафкуравий йўналиш бутун борлиқ, инсон ва ижтимоий ҳаёт моҳиятини изоҳлашда “ҳаммабоп” дунёқарашни шакллантирди.

Бу шароитда араблар томонидан оламни сезишда туб бурилиш бўлди. Оламнинг манзарасини билишга ўтилди. Бунинг асосини жаҳон тарихи ва инсоният маданий тараққиётининг бирлиги тартиби ташкил қиди.

Инсоният ўзининг маънавий тадрижий ривожининг маълум босқичида ўзини ягона бир бутунлик, яъни мусулмонийлик сифатида англай бошлади, бу бирлик маълум ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасида амалий воқеликка айланди.

Инсоният уруғининг бирлиги ғояси, тарихийлик ғояси каби инсониятнинг аста-секин тараққиёти сифатида диний-афсонавий шаклда ислом орқали англаб олинадиган бўлди. Бутун қабилавий динларни баъзан ҳамма арабларга умумий бўлган баъзи урф-одатларни инкор қилиб, ҳамма қабиаларга уларни бир-биридан ажратмасдан мурожаат этиш, исломни умум араб, кейин эса жаҳон динига айланишига имконият вужудга кела бошлади.

Бироқ дастлаб умумараб, ҳартомонлама билимдонлик дини сифатида келиб чиқиб, ислом тарихи давомида муқаррар ўзини турли халқлар, уларнинг маданий, ижтимоий ҳамда ахлоқий тажрибалари билан бир хил айнан деб ўхшатиш зарурияти ҳам келиб чиқабошлади.

VII асрдан ҳанузгача бўлган мусулмон мутафаккирларининг асарларида инсониятнинг тараққиётини ислом жаннатга олиб келиши керак, бундан бутун оламни ўзига қамраб олади деган ғояни учратамиз.

Шарқда ўрта асрлар даврида ислом асосида араб-турк-форс тилидаги халқларнинг маданий бирлиги вужудга келди, шунингдек ислом динидаги барча халқларни бирлаштиришни мафкуравий асослаш учун ҳам хизмат қилади. Чунки Муҳаммад ўзини

¹²⁸ Қаранг: Из истории общественно-философской мысли вольнодумия в средней Азии. 12-б.

пайғамбарлик даврининг ҳақиқий якунловчиси сифатида иддао билдириб илоҳий ваҳийлик асосида иш олиб беришдан маълум эдики, унда шубҳасиз махсус диний даҳолик бўлган. Муҳаммаднинг худо ва унинг хусусиятлари, унинг ваҳийлари, илоҳий деб буюрилган яхшилик ва ёмонлик ҳамда тақдир ҳақидаги таълимоти, гарчи жуда тўла бўлсада, лекин унда ҳеч қандай ёлғон бўлмаган. Аммо арабларнинг мажусий динлари билан таққослаганда бу ғоялар диний онгдаги катта ютуқ ҳисобланади. Бу сўзлар буюк рус олими В.С.Соловьевга мансубдир. Шунинг учун бўлса керакки, ислом ўзининг ҳаммабоп ақидалари ва оддий амрлари билан кўплаб халқларнинг тарихига, турмуш тарзига бемалол қўшилиб кетади. Бу халқлар учун Муҳаммаднинг дини “яхудийлар учун қонун, эллинлар учун фалсафа бўлганидек-халқларга тушунилиши осон бўлган илк педагогик шаклидаги мажусийликнинг спритиуализмдан (руҳни воқеликнинг асоси деб билувчилар-Х.Х.) ва теизмга (худо оламни яратган ва уни ирода қилади деювчи ақида оқими-Х.Х.) ўтиш босқичи бўлди”¹²⁹.

А.В.Журавскийнинг фикрича, Ислом ҳаммабоп ва одми бўлган диндир, у ақлга асосланади, унинг қонунлари инсонга мурувватлидир. Қуръонда зўрлаш қораланади¹³⁰.

Биринчи мусулмон арабларида шаклланган маънавий мумтозлик сезгиси, ўз динини ва ўз тилининг устунлигини англаш ҳиссиёти ҳам яқин Шарқда христианлашган дунёқарашнинг устунлигини бартараф этилишига, уларнинг янгича дунёқарашни англаб олишига ёрдам берди¹³¹. Проф. М.А.Усмоновнинг ёзишича, муаммонинг бошқа жиҳати ҳам бор. Ҳеч қандай дин “соф” ҳолда мавжуд эмас. Дин жамият маънавий ҳаётининг ҳамма томонларида мавжуд бўлиб, уни таъсир доирасига айлантиришига ҳаракат қилади. Дин жамият маънавий маданиятидан алоҳида эмас, балки у билан қўшилиб кетган ҳолда мавжуд бўлади. Шунинг учун маданиятнинг кўп шакллари дин билан чирмашиб кетган ва аксинча кўпгина диний тушунчалар ва тасаввурлар маданият орқали изоҳланган. Инсоният маънавий тарихида маданият ва динни ажратмаслик қонуний ҳисобланган. Шунинг учун “қўш ҳақиқат” ғоясига келиш учун минг йиллар талаб қилинди.

¹²⁹ Соловьев Вл.С.Собрание сочинение, 2-е изд. Т.VI; СПб: 1911-1914; 554-555, 584,617-6.

¹³⁰ Қаранг: Журавский А.В. Христианство и ислам. Социокультурные проблемы диалога. –М.: Наука. 1990. 31-б.

¹³¹ Қаранг: Грюнебаум Г.Э. Основные черты арабо-мусульманской культуры. –М: 1981. 35-б.

Асрлар давомида халқлар динга эътиқод қилиб, унинг кўрсатмаларига риоя қилиб келганлар. Борлиқнинг моҳиятини илмий талқин қилиш илгари ва ҳозир ҳам кишиларнинг озчилик қисми учун хосдир¹³².

Ислом ҳам инсонларнинг кундалик ҳаёти, турмуши, анъанаси, руҳияти, ахлоқий ва қадр-қиммат йўналишларида ўз аксини топиб, кишилар турмуш тарзи соҳасига жуда катта таъсир кўрсатади. У ҳаётнинг ҳамма соҳаларида дунёқараш, маросимлар ва урф-одатлар, анъаналар, ҳиссиётлар, ахлоқ, оилавий муносабатлар, ҳатто хулқ, ўзаро муносабатлар, меҳнат, дам олиш, овқатланиш ва бошқаларда ўз аксини топиб кетди. Меҳнаткаш омманинг кундалик ҳаётида етишмайдиган нарсасини, азоб-уқубатнинг, бирон бир нарсага интилишини хом-ҳаёлий тарзда бўлса ҳамки уларнинг ўрнини тўлдиришига интилди. Аммо миллионлаб оддий кишилар бу бошпанани хом ҳаёлий деб эмас, балки таскин топишнинг ягона йўли деб ҳисоблайдилар. Шу туфайли диннинг илдизлари кишилар ҳаётида чуқур ўрнашган бўлиб, у кўп асрлардан буён маънавий, ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни, кишиларнинг турмуши ва хулқ-атворини бошқариб келмоқда¹³³.

Шунинг учун ҳам ислом доимо мавжуд бўлиб ва ҳозир жамиятнинг маданий ва маънавий-ахлоқий томони орқали сақланиб келиши, унинг нафақат мусулмончиликка хос ўзининг дунёқараши, ижтимоий-ахлоқий ақидалари, балки исломий тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган кишиларнинг дунёвий, маънавий, ахлоқий ғоя ва юксак орзуларини акс этади. Шунинг учун ҳам мусулмон халқларининг маданият тарихи ва унинг исломий қадриятлар йўналиши бир-биридан ажратиб бўлмас ҳолда боғлиқдир. Қарийб ҳамма мусулмон халқларининг маънавий-маданий ҳаёти ва тарихий тақдирида исломнинг аҳамияти ана шундай аснода кечган. Шунинг учун ҳам ислом кишиларни бирлаштиришда-осонгина Оллоҳга ва руҳларга ишониш, оламнинг яратилиши, нариги дунё ва урф-одатларни сингдириш билангина амалга оширди, деган фикрга қўшилиш жуда қийин. Бу осонгина амалга ошган тадбир бўлмай, балки ислом тарихий тараққиётининг муайян даврларида кишиларнинг зарурий эҳтиёжлари орқали келиб чиқадиган интилишларига жавоб бериб, ҳаётда тўпланиб қолган қониқиш ҳосил қилмайдиган ҳиссиётларга ёки улар олдида келиб чиққан кўрқишлардан қутилиш

¹³² Из истории общественно-философской мысли и вольнодумия в Средней Азии.

¹³³ Қаранг: Ўша асар, 22-б.

йўлларини ҳам бераолган. Масалан, исломнинг Осиё ва Африканинг катта ҳудудида тез ва мустаҳкам қарор топиши шарқий христианларга қарши арабларнинг ҳарбий босқинчилигининг тақдирини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамият ўйнади. Бунга аввало илк исломнинг христиан диний-эътиқодий ишларига (албатта, христианларнинг сиёсий бетарафлиги бўлган шароитида) сабр-тоқатлилиқ муносабатида бўлишлиги бўлса, сўнг мусулмонлар уларнинг динларини Византия томонидан таъқиб ва қувғин қилишларидан ҳимоя қилиши эди. Бунинг устига, араблар биринчи пайтларда христианларга диний ибодатларни юнон тили ўрнида ўз миллий тилларида олиб боришларига ижозат бериши ҳам диққатга сазавордир.

Кейинчалик эса исломнинг сиёсий ва илоҳий жиҳатдан мустаҳкамланиши ва христианликка зид бўлган кайфиятларнинг кенг ёйилиши яқин Шарқ христианларининг асосий қисми томонидан мусулмонликни қабул қилишга олиб келди, динига содиқ бўлиб қолганлири эса асосан араблаштирилди.

Ислом жамоалари сон жиҳатдан бошқа барча диний жамоалардан ошиб кетгандан сўнг давлат ва жамият энди озчиликни ташкил этиб қолган гуруҳларга эътибор бермаслиги мумкин эди. Араб тилига асосланган цивилизация тараққиёти, диний жонланиш тўлқинларининг мурасасозлик билан мослашуви, ислом турмуш тарзининг шаклланиши ҳамда такомиллашуви ва ниҳоят, ислом бўлмаган дунё билан кескин муносабатлар аста-секин зиддиятларни кучайтириб юбордики, улар биринчи навбатда “ғайри динлар”нинг яккаланиб қолишига олиб келди. Аммо халифалик қулашидан олдин бир қанча асрлар давом этган давр бўлган эдики, бу даврда исломнинг иқтисодий ва маданий экспансияси (тажовузда), ҳеч бўлмаганда яҳудийлар мисолида бўлганидек, ҳамкорлик фаолияти учун кенг имкониятлар берди ва оқибат натижада “Аҳли” китоблиларни араблаштиришга олиб келди.¹³⁴

Ислом тушунчаси дастлаб одам ўзини ягона Оллоҳга топшириш деган ғоясини англатган (шундан муслим-ўзини худога топширувчи) бўлиб, ширк(оллоҳга шерикни топшириш, кўпхудочилиқ) тушунчасига қарши қўйилган. Лекин тезлик билан мусулмон ҳуқуқшунослари асарларида “ислом” ўзининг янги маъносига эга бўлиб-“Қуръон қонунлари қарор топган ва ҳаракат қиладиган олам чегараси”, деб аталган. Шу маънода мусулмон ҳуқуқининг аҳамияти

¹³⁴ Қаранг: Фон Грюнбаум Г.Э.Классический ислам. 130-б.

“дар-ислом” (“исломнинг худуди”)-мусулмон ҳукмдорлари ҳокимият остида бўлган, бутун ҳаёти шариат билан бошқариладиган мусулмон мамлакатларини-умумлаштириб номлашга айланади, “Дар ал-ҳарб” (“урушлар худуди”)-“дар ас-сулҳ”¹³⁵-худудидан ташқаридаги мусулмон бўлмаган мамлакатлар бўлиб мусулмон ҳуқуқшунослари томонидан мусулмонлар билан уруш ҳолатида ва уруш ҳаракатлари йўқ бўлса яраш аҳди тузилган, деб тушунилади.

“Дар ал-ислом” доирасида классик ислом миллатларни ажратмаслик нуқтаи-назари асосида иш юритиб, инсон мавжудлигини қуйидаги уч ҳуқуқий ҳолатни тан олади: “тақвадор” сифатида, “ҳимояга олинган киши” (аҳл ўз-зимма)¹³⁶ ва “кўпхудочилиқ” сифатида, у исломни қабул қилиниши лозим ёки шарт ёки қириб ташланиши керак эди. “Ҳимояга олинган кишилар”-аҳл ал-китоб-“муқаддас китоб одамлари”, деб тушунилиб Қуръонда асосланишича диний белгисига қараб-Оллоҳга ишонувчи диндор мусулмонлар билан динсизлар ва мажусийлар ўртасидаги ўрталик ўринни эгалловчилардир. Уларга аввало христианлар ва яҳудийлар киради. Аҳл ал-китоблилар ҳақидаги тасаввур Қуръон яратилаётган даврларда исломнинг иудаизм, христианлик билан яқин алоқа-битта худони аътироф этиш ақидалари асосида пайдо бўлди, у Муҳаммадни яҳудий ва христианлар томонидан уни пайғамбар деб тан олишини умид қилган эди.

Мусулмон истилолари бошланганидан кейин Аҳл ал-Китобга сабр-тоқат қилиш иттифоқчилар ва босиб олинган ерларда ёрдамчиларга заруриятнинг мавжудлигидан кейин босиб олинган. Худудларда бошқа динларга мансуб кишилар кўпчилиқни ташкил қилганларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини ташкил қилиб бериш зарурияти ҳам кучайди.

Аҳл ал-Китоблилар мусулмонларнинг ўрта аср жамиятида катта ўринга эга эдилар, айниқса унинг дастлабки даврларида ҳали яҳудийлар ва христианлар ҳунармандлар ва савдогарлар ҳамда маъмурий идораларнинг катта қисмини ташкил қилган эдилар¹³⁷.

¹³⁵ “Дар ас-сулҳ” (“тинчлик сулҳи худуди”)-умумлаштирилган вилоятлар тушунчаси бўлиб олинган ерлардаги мусулмонлар билан тузилган сулҳ асосида белгиланган солиқнинг ҳажми, мусулмон бўлмаган аҳолининг ҳуқуқий аҳволини белгиланади. Сулҳ шартларидан ташқаридагиларда олдинги тартибда амал қилавериши тушунилади.

¹³⁶ “Аҳл ўз-зимма” (зиммий-“ҳомийликдаги халқлар”)-бошқа диндагилар, мусулмонлар ҳокимиятини тан олганлар, жон боши солиқ (жүзья) тўловчилар, бунинг учун мусулмонлар ҳимоясига эга бўлганлар (зимма); ташқи душманлардан ҳимоя қиладиган ва мусулмонлар билан бир қатор шахс ва мулк дахлсизлигига эга бўлиш.

¹³⁷ Қаранг: Ислам Энциклопедический словарь.-М: Наука.Гл.ред. восточ.литературы. 1991, 28-29-б.

Умуман ислом мамлакатларида Аҳд ал-Китобнинг аҳволи ўрта аср Европасидаги бошқа диндагиларга нисбатан анчагина яхши эди. Одатда яҳудийлар ҳатто шарқий христианлар европалик христиан ҳукмдорлар паноҳидан кўра мусулмон ҳокимиятини афзалроқ кўрардилар.

Мусулмонларнинг Аҳд ал-Китобликга умумий сабр-тоқатли муносабати Қуръонга асосланган. Бу Қуръондаги куйидаги 3:113-115, 118 4:54; 5:5, 66, 83;6 61;22:46. Сура ва оятларда баён этилган. Бу сураларда Оллоҳ томонидан худонинг ваҳийси ҳисобланмиш муқаддас китоблар (Таврот-Тора, Забур-Псалма, Инжил-Евангелие) юборилганлиги, лекин улар матнлари бузилиб, улардан Муҳаммадни эслашни ҳамда Муҳаммаднинг охириги пайғамбар сифатидаги фаолияти тўғрисида баён олиб ташлаганлиги ҳақида фикрлар ҳам юритилади.

Мусулмонларнинг Аҳд ал-Китоб билан ўзаро муносабати масалалари VII-XI асрларда ҳуқуқшунослар томонидан бир қатор қонун мажмуаси ишлаб чиқилиб тартибга солинади. Мусулмон мамлакатларида ўрта асрларда Аҳд ал-Китоб ўзининг урф-одатларини очикдан-очик бажариши мумкин эди, ибодат уйларига эга бўлиши мумкин эди. Даврга ва амалга оширишдаги шароитга қараб, кучли ёки кучсизроқ даражада унга амал қилинар эди. Вақти-вақти билан уларга таъсир кучаяр эди, бу христианларни давлатни бошқариш соҳасидан четлатишда, христианликнинг таъсиридан исломни ҳимоя қилишда (Қуръонни ўқиш ва изоҳлашни таъқиқлаш, Пайғамбар тўғрисида ноўрин гаплар айтиш, мусулмонларининг христиан динига эътиборини кучайтириш, христианларнинг мусулмон аёлларига уйланиши ва бошқаларда) кўзга ташланар эди. Ҳижаз ва Арабистоннинг баъзи қисмларидан яҳудийлар ва христианларни қувиб чиқариш кийим кийишда, бир жойдан иккинчи жойга юришдаги алоқа воситаларида; яшаш жойи ва бошқалардаги талабларга қаттиқ амал қилиш буюрилган.

“Халифа ал-Мутаваккил даврида зиммийлар ҳам кийимларида ажратадиган белги осишлари керак эди. Эронда, масалан христианлар махсус чари белбоғи-зуннар боғлаши, яҳудийлар эса кўкраги ва орқасида иккита ямоқ солиши керак эди. Зиммийлар отда юриши мумкин эмас, балки фақат хачирда юришлари керак эди. Улар

мусулмонлар билан учрашиб қолганда хачирдан тушиб йўл беришлари керак эди¹³⁸.

Хуллас, қонунчиликнинг асосини диний ақидалар ташкил қилар эди. Улар нафақат маънавий, балки ижтимоий ахлоқий ҳаётни ҳам тартибга солар эди. А.Мец ўзининг Мусульманский ренессанс асарида ёзишича, бундай қоидалар мусулмон халқларига янги сиёсий тузумни тузишга бир мунча қаршилик ҳам қилар эди¹³⁹.

А.Хаурани “ислом империяси” кўплаб маҳаллий, қабилавий, тил, диний гуруҳлардан ташкил топган эди. Баъзан улар бир-бирига берк, қоронғи, ҳеч нарсани қарийб кўрсатмайдиган, қорнғи бирликларни ҳам ташкил қилдилар¹⁴⁰, деб ёзиши ҳам асоссиз бўлмаса керак.

Шундай қилиб, исломий ахлоқ, умуман исломнинг адаптация (мослошув) га майил қобиляти асосида, ўзининг Оллоҳнинг олдида ҳамманинг тенг, биродорлик, бирлик ҳиссининг устунлигига қурқмасдан мусулмон оламининг бирлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи фавқулудда кўп ва хилма-хил миллий ва муайян ҳудудий ахлоқий тартиб-қоидаларини сақлаб ва умумлашга ҳаракат қилиб келди. Юзаки қарашда исломий ахлоқ мусулмон цивилизацияси асосида ҳамма ахлоқий тартиб-қоидаларни “истеъмол” қилаверадигандек кўринсада у жуда сараловчи хусусиятига эга бўлиб, исломий эзгуликлар негизини қўллаб қувватлайдиган ахлоқий тартиб-қоидаларнигина тан олади ва уларни қабул қилиб, унинг ўзига хослигига зид келадиганларини рад этиб келди. (Бу жараённинг тахлили келаси бўлимларда). Албатта бу жараёнда исломий ахлоқий тартиб-қоидаларнинг ҳукмронлигини таъминлаган ҳолда Яқин Шарқ ва бошқа мусулмон ўлкалари халқларнинг ахлоқ-одоб удумларини бирлаштириб, ўзига хос шарқона ахлоқ-одоб тартиб қоидаларини жорий этишда муайян ўрин эгаллади. Исломшунос Г.Э. фон Грюнебаум томонидан исломнинг бундай ҳар томонлама ўзлаштиришга майиллиги ва жўшқин бунёдкорлик хислати мавжудлиги ҳақидаги фикри исломий ахлоқнинг келиб чиқиши ва тараққиёт йўлига ҳам, қайд қилиш керакким, исломнинг нафақат соф дин сифатида бўлмай, балки инсонларнинг турмуш тарзи сифатида ҳам майдонга чиқишини назарга олсак, унинг шарқона ахлоқ-одобни оддий, ҳаммабоп шаклда келтириб чиқариши шубҳасиз туйилади.

¹³⁸ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в 7-15 вв.-А.: 1966. 184-185-б.

¹³⁹ Қаранг: Мусульманский ренессанс. –М.:1973. 39-б.

¹⁴⁰ Қаранг: Журавский А.В. Христианство и ислам. -М.:Наука. 1990. 65-б.

Аммо ҳаёт тақозоси, муайян шахс, гуруҳлар, синфларнинг моддий ва маънавий манфаатлари ва маҳаллий ғайри-исломий халқларнинг қаршилиги ҳамда сиёсий, мафкуравий қарашларининг таъсирида мусулмонлар бирлиги ғоясига, ахлоқий қадриятларига анчагина путур ҳам етказди.

Ислом оламининг нисбатан бирлигининг илк кўриниши VII-X аср¹⁴¹ни ўзи ичига олиб, диний ва сиёсий бирлигининг чегаралари мувофиқ келган ягона мусулмонлар жамоаси бўлмиш Муҳаммад ва тақвадор халифларнинг даври ҳисобланади. Мусулмон давлати мавжуд бўлганлигининг биринчи юз йиллигида ислом диний таълимоти жамиятдаги кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қандайдир расмий диний-ҳуқуқий фармойишларнинг, соф ахлоқ-одоб тартиб қоидаларининг йиғиндисини ифода этарди. “Бунда энг аввало ҳуқуқ ва урф-одатларнинг ташқи томони масалалари билан қизиқар эдилар¹⁴². “Цивилизациянинг (муайян ижтимоий тараққиёт босқичида-эришилган моддий ва маънавий маданият босқичи) қиёфаси ҳамма вақт мафкура билан боғлиқдир: муайян цивилизацияга ўзига хос маълум мафкура ҳам мос келади, ҳар бир янада юксакроқ цивилизациянинг даражаси янада юксакроқ жамият маконий ташкилоти даражасига мувофиқ келади (унинг “маънавий” бир бутунлиги), чунки мафкура баъзан энг аввало бир бутун қилиб бирлаштириш вазифасини бажаради”¹⁴³.

Мусулмон оламининг тарихий маркази, шубҳасиз, яхлит эмас, бундан унинг сиёсий парокандалиги ҳам далолат беради. Мана шундай “ягона ислом бирлиги” Муҳаммад вафотидан бир неча ўн йил кейин ўзининг сиёсий мазмунини йўқотиб қўйди-мусулмонлар ўртасида ихтилофлар, кейин қатор мусулмон давлатларининг вужудга келишига олиб келди. Шундай қилиб, ислом тарихининг илк даврлариданок “мусулмонлар бирлиги” қарашлар йиғиндиси унинг сиёсий амалга оширилиши, Муҳаммаднинг давлат ташкилоти намунасига асосланган бўлсалар ҳам турли тасаввурларга (андозаларга) ҳам мувофиқ келар эди.

Айни бир пайтда “мусулмонлар бирлиги” ҳақидаги тасаввурлар билан бир қаторда мусулмон оламидаги халқлар ижтимоий онгида ҳали исломгача келиб чиққан “асабийя” асабиян-(а)-ғоясининг тушунчаси билан боғланган қарама-қарши тасаввурлар ҳам

¹⁴¹ Қаранг: Милославский Г.В. Интернациональные процессы в мусульманском мире. –М.: Наука. 1991. 55-б.

¹⁴² Петрушевский И.П. Ислам в Иране в 7-15 вв... 199-б.

¹⁴³ Милославский Г.В. нтернациональные процессы в мусульманском мире. –М.: Наука. 1991. 15-б.

ривожланди, шаклланган миллат шароитида бу ҳолатни, Г.В.Милославскийнинг фикрича, “партикуляр миллатчилик” деб аташ мумкин. Бу атаманинг аҳамиятини ўз қабиласи онгига содиқ, қон-қардошлик ва маънавий алоқалари билан боғланган алоқа, “туруҳий ҳам фикрлик” сифатида ҳам тушуниш мумкин¹⁴⁴. Бироқ ислом дунёсида феодал тарқоқликнинг кучайиши, хусусан, Бағдод халифалигининг инқирозга юз тутиши натижасида “алоҳидалик” (яккалик, бошқалардан ажралиш) ғояси янада аниқроқ айтила бошлади. Ортодоксал илоҳиётчиларнинг фикрига кўра, “асабий” “мунозарали ҳодисалар” туркумига киради. “Ривоятларга кўра Муҳаммад асабийя тарафдорларининг қораланган, уларни ўз жамоасининг аъзолари деб ҳисобламаган. Лекин шунга қарамасдан XIV асрнинг машҳур олими Ибн Халдун ўзининг тарихий-фалсафий рисоласи (тарактати)да исломни тарғиб қилиш. Агар у мурожаат қилинаётган кишиларни “асабийя ришталари орқали бирлаштирмаса, у ютуққа эриша олмайди”, деган¹⁴⁵.

“Биз мусулмонлармиз” (“қарама-қаршиси” улар мусулмон эмас) тасавури мусулмон олами халқларининг оммавий онги маълум жуғрофий чегаралар билан алоқада бўлган этник бирликни англашнинг шаклланишида эриб, баъзан раҳбарлик қилиб яшади. Маълумки ўрта асрларнинг кўплаб ёзма ёдгорликлари айнан шу жараёни гувоҳлик беради. Кўплаб ўрта аср мисрлик муаллифлар билимнинг турли соҳаларига мансуб асарларида ўзлари ва ўз мамлакати аҳолисини мусулмон оламининг нафақат бир бўлаги, лекин айнан Миср аҳолисини шундай деб қарайдилар. Шу билан бир қаторда мусулмон оламидаги кўп халқлар учун, хусусан, унинг чекка ўлкаларида, кишиларнинг этник ва диний мансублиги амалда маънодош сифатида қаралган. Шундай қилиб, ислом ўзининг зиддиятларига, изчил-эмаслигига қарамасдан, “мусулмонларнинг бирлиги” ҳақидаги тасавури биринчи навбатда этносоциал жараёнларда бирлаштирувчи омил бўлди. “Ислом бирлиги” қарашлар йиғиндиси ўз тараққиётида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг маълум босқичларига мувофиқ келадиган босқичларни босиб ўтди. Мусулмонларнинг бирлиги ғоясининг келиб чиқиши ва мустаҳкамланиши феодал муносабатларнинг пайдо бўлишидан тўласинча қарор топиш даврида содир бўлди, у араб жамияти ичидаги бирлаштирувчилик жараёнларига мувофиқ келади, кейин эса

¹⁴⁴ Қаранг: Милославский Г.В. Ўша асар, 55-б.

¹⁴⁵ Милославский Г.В. Ўша асар, 56-б.

марказлашган феодал давлатини шакллантириш даврида содир бўлди. Унинг кейинги даври эса сиёсий тарқоқлик мусулмон давлати ҳаётида араб бўлмаган этник гуруҳларнинг кучайиши билан белгиланади¹⁴⁶. Афсуским, бунинг амалга ошувида анчагина тўсиқлар мавжуд бўлган, Бу тўсиқлардан бири, юқорида баён этганимиздек, ахлоқий тушунча мавжуд бўлган. Бу тўсиқлардан бири, юқорида баён этганимиздек, ахлоқий тушунча ва категориялар муайян гуруҳ, синф, ҳукмдорлар ёки бир миллат ва элатларнинг манфаатини изҳор этгувчи мафкуравий ғояларга ҳам хизмат қилишдадир.

Иккинчиси, Муҳаммад вафот этгандан бошлаб исломда мураккаб диний ва сиёсий ихтилофлар вужудга келган. Халифаликка садоқатли бўлганлар ўртасида турли “мусобақалар” диний, сиёсий тусдаги ислоҳатларни келтириб чиқариб, исломни жуда кўплаб мактаб ёки мазҳабларга бўлиб юборди. Ваҳоланки, “...динни барпо қилинглари ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманглари” (43:13) деган ваҳий Қуръонда битилган. П.Цветковнинг ёзишича, исломдаги ақлий ғалаёнга арабларнинг босқинчилик урушлари ҳам катта ёрдам берди. Бу ҳол ҳам умуминсоний қадриятларга қаратилган исломий ахлоқдаги қўйчилик тартиб-қоидаларнинг амалга ошувида тўсиқлик келтириб чиқарди.

Учинчиси, ислом гарчи босқинчилик урушлари натижасида бошқа элат ва халқларни қуллиқка айлантирган бўлса ҳамки, уларнинг руҳини, маънавиятини абадий қул қилиб олаолмади. Ўз руҳий, маънавий ҳолати жиҳатидан ҳар бир халққа хос қарашлари, урф-одатлари ва ахлоқий қадриятларнинг талайгинасини эса қамраб олаолмади. Бундай қарашлар, урф-одатлар, ахлоқий қадриятлар кўпинча табиий, ички қонуний хусусиятларини сақлаб мавжуд бўлиб қолаверди. Энг нари борганда енгилгина ислом тусини олиб, аммо назарий жиҳатдан мансуб бўлган янги қарашларга, ахлоқий тартиб-қоидаларга юзаки бўлса ҳам уларга ўхшашликни ҳам қабул қилмади.

Исломга бўйсундирилган халқлар мусулмончилик рутбасини у малол келганига қадар сақлаб туришга тайёр эдилар. Вақтинчалик суқунатли жанг сақланиб қолиши керак эди; агар ўз ҳаётини сақлаб қолиши учун ёки вақтинчалик манфаат учун ислом-эътиқодини амалга ошириш қанчалик қийин бўлса, асрлар ва минг йиллар давомида аждодлар қонига чатишиб кетган ўзларининг динларини қалбдан олиб ташлаб уни рад этиш эса жуда ҳам оғир эди¹⁴⁷. Шунинг учун ҳам умум мусулмончилик бирлигига ҳалигина исломлашган араб мажусийлари

¹⁴⁶ Милославский Г.В. Ўша асар, 57-б.

¹⁴⁷ Қаранг: Цветков Д.Исламизмъ. Т.4. 4-б.

Муҳаммадга ваҳий бўлган динни қабул қилишларига қарамасдан, унинг вафотидан кейин эса уларнинг орасида тезлик билан олдинги, ўзларининг қалбларига ёқимли бўлиб қолган бутпарастлик динларига қайта бошлаганлар. Айни пайтда арабларга нисбатан ривожланган халқлар эса мажбуран қабул қилинган дин билан дарҳол муросага келишлари анчагина қийин эди. Қадимги динлар ва маданият уларнинг руҳиятига кўпроқ ўзига хос озуқаларни берар эди. Тўғри, талайгина мусулмончиликка бўйсундирилган халқлар ўзларига исломнинг руҳини сингдира бошладилар.

Исломнинг умумбирлик ғоясига зарба берган сабаблардан яна энг асосийси шу диннинг ички тараққиёт қонунларидан келиб чиқади, яъни исломнинг диний таълимоти манбаларида талайгина қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги, Қуръон, ҳадисларнинг хилма-хил нуқтаи-назарларга имкон яратганлигидир. Ҳамма гап шундаки, христианликдаги каби ислом илоҳиёти ҳам дин келиб чиққанидан анчагина кейинроқ шаклланган.

Айниқса, Муҳаммад ибн Абдул Карим аш-Шаҳристониининг таъкидлашича, илк исломда тақвадорлик ва бидъатчиликни аниқлашнинг мутлоқ ва кўпчилликка маълум ва мунзур бўладиган мезонлари ҳамда суннийлар йўналишидаги ислом ақидаларини келиб чиқувчи ёки изоҳловчи “маркази” бўлмаган¹⁴⁸.

П.Цветковнинг изоҳича, хулафо ар-Рашиддинлардан халифа Али пайғамбардан кейин динни изоҳ қилувчилардан энг забардасти эди. Қуръондан бевосита чиқарилган қонунлар фавқулодда оз бўлган ва улар маълум шароит учун ёки маълум вақт учун қабул қилинар эди. Уларни изоҳлаш эса асосан Али ва унинг шогирди ибн Аббоснинг зиммасига тушарди. Уларнинг вафотидан кейин, уларнинг сабоқларини олган ва бу қонунларнинг изоҳланишини кузатиб борганлар ўзларининг қонуншунослик мактабларини оча бошладилар. Уларни ислом оламида фақиқлар деб атаганлар. Фақиқлар кўпайиб, аста-секин улар халқ омасининг онгини ушлаб турувчиларга айлана бордилар. Табиий, пайғамбар томонидан ҳар бир ҳодисани қандай ҳал қилганини билишга қизиқиш кучайиб, ошиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун ривоятлар кўпая борди¹⁴⁹. Албатта қонуншунослик ҳар бир хусусий ҳодисани муайян шароит, унинг талабига қараб ҳал қилар

¹⁴⁸ Муҳаммад ибн Абдуллаҳ-Карим аш-Шаҳристони. Книга о религиях и сектах. Часть I. Ислом.-М.: Наука. 1984. 11-б.

¹⁴⁹ Қаранг: Цветков П.Исламизм... 7, 10-б.

эдиларки, бу қонунлар мусулмонларнинг ахлоқий ҳатти-ҳаракатини белгилашга асос бўларди.

Қуръоннинг мазмуни мусулмонлар онгида хилма-хил фикрларни келтириб чиқарган. Шунинг учун уни шарҳловчилар томонидан “қийин” бўлган тушунчалар, ишора, зиддиятларни изоҳлаб бериш одат бўлиб қолган. Ҳатто Қуръонда баъзи оятларнинг “бекор қилинадиган” ва “бекор қилинган” махсус қоидаси ҳам ишлаб чиқилган. Қарама-қарши нуқтаи назар тарафдорлари бир хил ютуқ билан Қуръондан далил келтирганлар. Масалан, муътазалийлар Қуръоннинг 129 жойида уларнинг ирода эркинлиги ҳақидаги ақидасига фойдали фикр бор, десалар, суннийлар ўз навбатида Қуръоннинг 216 жойида ўзларининг тақдирини олдиндан белгилаш ҳақидаги таълимотига фойда берадиган фикр бор, дер эдилар.

Уммовийлар ва Аббосийларнинг сиёсий муҳолифлари ҳам Қуръондан далил олар эдилар. Шиалар ва хорижийлар эса баъзи сураларнинг ҳақиқий эканлигини инкор қилардилар. Шиалар қайд қилишларича, Қуръоннинг кўплаб жойларини суннийлар томонидан ўз динларининг манфаатларига мувофиқлаштириб олганликлари тўғрисида фикр юритадилар. Масалан, шарқшунос П.Цветков ўзининг “Исламизм” асарида “шиалар нуқтаи-назаридан Алига бағишланган ва Усмон Қуръонида қолдирилиб чоп этилмаган” қуйидаги сураларни келтиради:

1.Эй, мусулмонлар нур (яъни Муҳаммад ва Али)га эътиқод этинглар!

2.Али тақвадор мўминлардир; Биз унга Машҳар кунида муносиб баҳо берамиз. Биз унга қилинган ноҳақликни биламиз. Биз уни бу оила орасида энг ҳурматли деб тақдирлаймиз. У ва унинг оиласи кўп хорланмоқда. Унинг душмани (яъни Муавия)¹⁵⁰ гуноҳкорларнинг бошлиғидир.

3. Биз сенга бизнинг ҳукмронларимизга қарши чиқмайдиган кишиларнинг насли ҳақида хабар берамиз. Ҳаётми ёки йўқми, менинг меҳру-шафқатим ва тинч-осойишталик уларга.

4. Уларнинг йўли билан борувчилар хусусида эса менинг илтифотим: чиндан ҳам уларнинг истиқомат гоҳлари жаннатда¹⁵¹.

Ислом диний манбасининг асосийларидан бўлмиш-ҳадис (луғавий маъноси: хабар, сўз ва бирор янги нарсa. Диний адабиётда пайғамбарнинг сўз ва ишлари, тўғрироғи пайғамбарга нисбатан

¹⁵⁰ Абу Суфийннинг ўғли (661-750), Уммавийлар сулоласининг асосчиси.

¹⁵¹ Цветков П. Исламизм... 49-б.

бериладиган сўз ва ишлар тушунчаси) яна ҳам кўплаб қарашларни келтириб чиқарарди. Дастлаб ҳадислар “йўл-йўналиш”, кейинчалик Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари, ҳатти-ҳаракатлари ҳақидаги ривоятга айланди. Пайғамбарнинг сўзларига бўлган ҳурмат, иззат-икром ҳадис ижодкорларига ҳалақит бермади, натижада жуда кўплаб ўйлаб чиқарилган, зиддиятли маълумотлар, Муҳаммаднинг сўзлари, ҳатти-ҳаракатлари, унинг саҳобалари ҳақида келиб чиқди¹⁵² “Ислом нури” газетасининг 1990 йил 13-сонида ёзишича, “Менинг номимдан ёлғон сўзлаш бошқалар номидан ёлғон сўзлаш эмас. Кимки менинг номимдан ёлғон сўз айтса, ундай одам қиёмат куни ўзи учун жаҳаннамдан бир жой ҳозирлаган бўлур”, деган ҳадис бўлишига қарамасдан ҳали халифа Усмон даврида Абу Бакр, Умарлардан кўра Алининг халифаликка муносиблигини даъво қилувчи (“Ҳар бир пайғамбарнинг васийси (ўринбосари) бўлган. Али менинг васийимдир”) ва ҳижрий йилининг 40-йилларида Али билан Муавия орасида жанжал сиёсий тус олиб, мусулмонлар “бир қанча тоифаларга бўлиниб кетгач” ёлғон ҳадислар кўпайиб, “мусулмонларнинг бўлинишига” олиб келди. Ҳар бир гуруҳ ўз мавқеъини Қуръон ва ҳадислар асосида мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб далил излай бошлади. Шу фикрларнинг муаллифи Мовароуннаҳр мусулмонларининг диний бошқармаси раиси ноиби қози Зоҳидхон Абдулқадир Ас-Сабоъийнинг “Суннат ва унинг Ислом шариатидаги ўрни” китобидаги ёлғон ҳадис кўшишнинг асосий етти сабабларини ҳам келтиради. Биз унинг мухтасар мазмунини келтиришни лозим топдик:

1. Сиёсий ихтилофлар, сиёсий гуруҳлар Пайғамбар номидан ёлғон

Ҳадислар тўқий бошлаганлар. Бу соҳада жуда ҳам жиддий ҳаракат қилганлар Рофизийлар¹⁵³ бўлиб, улар энг кўп ёлғон ҳадис тўқиган гуруҳлардан деб кўрсатилади.

2. Зиндикийлар¹⁵⁴ ислом динини тағ-туби билан йўқотишга ҳаракат

қилувчилар. Ислом келгунга қадар халқларни эзган собиқ амир ва султонлар мунофиқона исломни қабул қилган бўлиб, исломдан ўч олиш учун турли йўллар билан исломни бузиб кўрсатишга ва унинг ақидаларини нотўғри талқин қилишга киришганлар.

¹⁵² Аш-Шаҳристони... 11-б.

¹⁵³ Рофизийлар ҳақида қаранг: Ислом, Справочник.232-б; Ислом. Энциклоп. Словарь...198-б. Ва бошқалар.

¹⁵⁴ Қаранг: Ислом. Справочник... 121-б; Ислом Энциклопедический словарь... 78-б. Ва бошқалар.

3. Миллатчилик, қабилачилик, ўз имомига ёки ҳамшаҳарига тарафкашлик, баъзилар миллатига, қабиласига ёки бошқа нарсаларга муносиб бўлган қабиласини, ўз миллатини кўкларга кўтариш мақсадида ёлғондан ҳадислар тўқиш.

4. Одамларни йиғлатишга ҳаракат қилиш учун қиссахон ва ваъзхонлар Пайғамбар ҳақида турли қиссалар тўқиб, кўпгина авом халқни ўзларига жалб этардилар.

5. Фақҳий ихтилофлар ва илми каломдаги ихтилофларни ўз мазҳаби фойдасига ишлатиб, сохта ҳадислар орқали ўз мазҳабларининг обрусини кутаришга ҳаракат қилганлар.

6. “Биз пайғамбаримиз фойдасига ёлғон сўзлаймиз, зарарига эмас”, деб баъзи нодонлар исломга фойда келтираман деб сохта ҳадислар орқали одамларни ибодатга ва итоатга даъват этганлар.

7. Подшоҳлардан ҳайру-эхсон олиш ёки уларга яқин бўлиш мақсадида подшоҳлар хоҳишига қараб сохта ҳадислар тўқиганлар¹⁵⁵

П.Цветков ҳам ўз асарида ибн-Халдун (1332-1406) араб тарихчисидан қуйидаги маълумотни келтиради: Муҳаммад ўз ўрнига ворис тайинламаган деган фикр нотўғри. Чунки, Муҳаммад охириги ҳаж маросимидан қайтаётганда Годир Хум деган жойда тўхтаб, туялардаги эгарларни бир жойга тўплаб, минбар этиб муаззин орқали ўша ердан ҳаммани намозга чақиртиради. Муҳаммад эгарлар тепасига чиқиб Алини ҳам ёнига чақиради. Али Муҳаммаднинг ўнг томонига чиқиб туради. Муҳаммад оллоҳга ҳамду-санолар айтиб, йиғилганларга қуйидаги маслаҳатни айтади: Мен яқинда ўламан, яратган мени чақирмоқда, аммо ҳали сизларни ташлаб кетиш вақти келмаган. Мен сизларга икки нарсани қолдирмоқчиманки, сизлар унга риоя қилсаларинг, улар сизларни ҳақ йўлига бошлайди: бу-Оллоҳнинг каломи ва менинг хонадоним. Бу иккаласи ўзаро мустаҳкам боғланганлиги мен билан кавсар (яъни жаннатдаги дарё-Х.Х.) бўйича қўшилгувчи давом этади. Кейин у илова қилиб: Пайғамбар тақвадорларга уларнинг шахсий жонларидан ҳам яқин эмасми?

- Шундай, Эй Пайғамбар! Деб оламон жавоб қайтарган.

Агар мен сизларга ўз жонларингдан ҳам яқинроқ бўлсам, Али ҳам сизларга ўз жонларингдан ҳам яқинроқдир. Мен кимга дўст бўлсам, Али ҳам шундай дўст. Эй, худойим! Унинг дўстларига дўст бўл,

¹⁵⁵ Қаранг: Ислом нури. 1990 й, 13-сон.

душманларига душман: унга ҳамдам бўлганларга ҳамдам бўл, уни сотқувчиларнинг умудини буз. Сўнгра эгарлардан тушиб, ўз чодирига бораётиб Алини ўз чодирига боришини айтди. У мўминларга Алининг чодирига бориб уни табрик этишларини буюрди. Эркаклардан кейин аёлларга ҳам бориб табриклашни буюрган. Мусулмонлар орасида Умар ҳам бўлиб, у “офарин Али! Сен менинг хожам ва ҳамма мусулмонларнинг хожаси бўлдинг, -деган”

П.Цветков яна бир бошқа тарихчининг ҳикоясини келтиради: Бир кун Муҳаммад ҳар бир арабга дўст сайлаб олишни буюради. Абу Бакрни Умар билан, Усмонни Абдурахмон ибн Авф билан ва шунга ўхшаш ҳамма муҳожирларни биродарлик ришталари билан боғлайди. Шунда Али бошини қуйи солиб, шахс бўлиб чиқиб кетаётганида Муҳаммад уни тўхтатиб қаерга кетаётганини сўраганда, Али унга жавоб бериб: -Сен ҳамма муҳожирларга биродар тайинладинг, мени эса унутдинг-дейди.

- Мен сени охирги навбатда қолдирганим шунинг учунки, Сени ўз биродарим деб тайинламоқчи эдим. Жаброил шундай деб менга буюрди. Кел Али биродарлик иттифоқини тузайлик, келажакда ҳақиқий икки-оға-ини каби, амалда сен билан бирга бўлайлик.

Яна у қўшимча қилиб “Али сен мен учун Мусога¹⁵⁶ Иброҳим каби, аммо мендан кейин пайғамбар бўлмайди”¹⁵⁷.

Умуминсоний қадриятларга кирадиган исломий ахлоқдаги тартиб-қоидаларнинг мутлоқ равишда амалга ошувига тўсиқ келтириб чиқарган омиллардан яна бири-бу ислом тарихида пайдо бўлган мактаблар, йўналишлар ва мазҳаб ҳам секталарнинг вужудга келишидир. Аш-Шаҳристоний диний “ҳақиқат”ни адашишга қарама-қарши қўйиб, қуйидаги ҳадисни мисол қилиб келтиради: “менинг жамоам етмиш учта мазҳабга бўлинади, шулардан бири нажот топади, қолганлари халок бўлади”: Ундан сўрадилар: “Ким нажот топади”? У жавоб берди: “Сунна ва мураса аҳллари”¹⁵⁸. Ундан сўрадилар: “Сунна ва мураса нима”? У айтди: “Бугун мен ва менинг издошларим қилаётган амаллар”. У-унга тинчлик!-деди. “Менинг Жамоамнинг бир қисми қиёмат Койимгача ҳақиқатни билишни тўхтатмайдилар”. Ва (яна) унга тинчлик!-де-ди: “Менинг жамоам адашув билан келишувга кела олмайди”. Лекин,-деб ёзади, С.Прозоров, аш-Шаҳристоний

¹⁵⁶ Тавротни қубул қилиб олган.

¹⁵⁷ Цветков П. Исламизм... 49-50-б.

¹⁵⁸ Сунна ва мураса аҳллари (аҳл ас-сунна ва-л-жамоа) ҳар қандай янгиликни мусулмон жамоалари билан келишиб қонунлаштиришга асосланувчи-Муҳаммад турмуш тарзининг издошлари. Кейинчалик бу атама сунна тушунчаси билан бир хил тушунила бошланди.

китобининг кириш қисмида ислом асосчисининг бундай тушунтириши “тақвадорлик” билан “даҳрийлар” ўртасида аниқ чегаралайдиган йўл ўтказилишининг зарурлиги кўпроқ умумий ва ноаниқ бўлиб қолган. Бундан ташқари шиалар Алининг фикрига таяниб, фақат Муҳаммад сунналарини тан олади, сунналар эса бу тушунчага “тақвадор” халифлар ва пайғамбарнинг энг яқин издошларининг ҳаракат тарзини ҳам қўшиб тушунар эдилар.

Шундай қилиб, ислом диний таълимоти манбаларидаги ноаниқликлар, зиддиятлар ва махсус диний аҳл кучига эга бўлган қарорларнинг муассасасининг йўқлигидан илк исломда кўплаб турли фикрлилик, хилма-хил нуқтаи назарларнинг мавжуд бўлиб қолишини келтириб чиқарди.

Илк ўрта аср мусулмон жамиятида ислом қонунчилигининг энг муҳим масалалари бўйича ҳам, хусусий масалалари тўғрисида гапирмаганда ҳам ягона, мажбурий қоидалар йўқ эди. Илк исломда тақдирнинг олдиндан белгиланиши ёки ирода эркинлиги, Қуръоннинг яратилганлиги ёки яратилмаганлиги, антропоморфизм¹⁵⁹ ёки “илоҳий аломатлар”ни эътироф этиш ва бошқалар метаморфозага¹⁶⁰ дуч келди. Масалан, инсон бутун имконият кучи ва бўлғуси хулқ-атвори билан бирга яратилган, деган фикр устун эди, ўз ҳаракатларида эркин танлашдан маҳрум эди. Бундай фикр тарафдорларини жабарийлар (жабр-мажбур қилиш), яъни мутлоқ тақдирнинг тарафдорлари, дер эдилар. Уларни Уммавийлар қўллаб қувватладилар, уларнинг таълимотининг мафкураий қуроли ҳамма нарса Оллоҳ томонидан белгиланган, жумладан, тарихий воқеалар ҳам Уммавийлар ҳокимияти тақдир кучига биноан қонуний деб аталиши, одамларнинг кули билан ағдариб ташланиши мумкин эмас деб ҳисоблар эди. Мана шу асосда 1-хижрий асрининг 3 ярми давомида вужудга келган инсоний ирода ва фаолият эканлигини тарғиб қилганлар даҳрийлар деб эълон қилинди. Қадриятлар таълимотининг муътазалийлар асосладилар ва ривожлантирдилар, улар “илоҳий адолат” кучига биноан ёмонликни одамларга амр қилинмаслиги керак, дер эдилар, у одамдан келиб чиқади, демак одамнинг ўзи у ёки бу ҳаракатни танлайди ва унинг маъсулият ҳис қилади. Муътазилийларнинг ақидавий тартиби, жумладан, ирода эркинлиги ҳақидаги таълимоти ҳукмрон ўрин

¹⁵⁹ Антропоморфизм-инсонга хос бўлган хусусият ва хоссаларни табиатнинг ташқи кучлари деб тушуниш, уларни афсонавий мавжудотнинг иши деб билиш худо, руҳ ва бошқалар.

¹⁶⁰ Метаморфоза-ривожланиш натижасида бошқа кўринишга ўтиш, бошқа тусга кириш, айланиш.

эгаллаган пайтда (827-851)¹⁶¹, унинг душманлари, улар орасида жабарийларни ҳам бидъатчилар деб эълон қилинди ва таъқиб остига олинди.

Маънавий нуфузли кишиларнинг ислом ақидаларини ишлаб чиқаришдаги мустақиллиги, жамоатчилик фикрининг шаклланишига вақти-вақти билан халифалар қаршилик қилишга ҳаракат қилар эдилар, у ёки бу мактабнинг таълимотини ё тақвадорлик ёки “бадъатчилик таълимоти деб атар эдилар. Ақидавий бахслар юритишни таъқиб остига олар эдилар мусулмон оламида базан халифалик тахтида шундай кишилар ҳам пайдо бўлганки, уларнинг ўзи очикдан очик динни оёқ ости қилувчилар ҳам бўлиб чиққан. Фақат биргина Валид халифни эслаш етарлик. У зарурияти бўлмаган ҳар қандай нарсага ҳам аралашар, Қуръонни бир жойга қўйиб унга мўлжаллаб отиш билан ҳам шуғулланар эди. Бу ўз навбатида тақвадор бўлмаган халифани айбловчи ҳар хил янги оқим ва мазҳабларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлди”.

Аббосийлар халифалиги (750-1258) даврида Абу Ханифа, Малик ибн Онос, Шафигий ва Ибн Ханбал-тўртта ортодоксал мактабларни ташкил этдилар. Ал-Мансур, айниқса Ал-Маъмун халифалиги даврида фан, маданият соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Улар ўз саройларига машҳур жаҳон илоҳиётчилари, қонуншунослари, адабиётчилари, олимларини жалб қила олдилар.

Уруғ кўнгилдагидек тупроққа тушди, кўпчиллик фалсафий мулоҳазаларнинг мазасига тушуна бошладилар. Лекин бошқа томондан синчковлик руҳи, сиёсий эҳтиросларни изоҳлаш зарурияти, турли халқларнинг қарама-қарши интилишларида зиддият уйғотишга ҳомийлик қилувчилар бидъат шаклда акс этиб, шафқатсиз, чексиз диний урушларни келтириб чиқарган. Лекин араб тафаккури бундай далилли курашга тайёр эмас эди, янги таълимотнинг тарғиботчиларига диалектика қуроли етишмасди.

Юнон фалсафаси худди шу нарса билан таъминлади. Аристотель арабларга ўқитувчиликда устунлироқ иш қилди. Юнон фалсафасидан келтирилган янги қуролдан, биринчи муътазилийлар фойдаландилар, улар ўзларининг далилларининг кўп қисмини, ҳатто ўз назарияларини Юнонистон фалсафий китобларидан ўзлаштириб олдилар.

Сиёсий манфаатлар асосида Уммавийлар (661-750) даврида диннинг бўлиниши содир бўлди. Уларнинг даврида илоҳий қонунлар

¹⁶¹ Асосий халифалардан Маъмун, Муътасим ва Восиқ ҳукмронлик қилган давр.

бирданига янги йўналиш олди. Маълум шароитда қандай ҳал қилиниши керак бўлган умумий қоида ва тартибларни йўққа чиқардилар, маълум вилоят ҳокимлари масалаларни ўз хоҳишларига қараб ҳал қилиб, ҳокимлар қўлида бўлиб динга ўз қўлини қўйишга фаол ҳаракат қилиб кўрди. Итоатли қурол сифатида бўлган қонуншуносларнинг ҳукмлари унчалик ҳисобга олинмай қўйди. Фақат уммавийларнинг кейинги давридагина қонуншуносларнинг аҳамияти яна ошди. Аббосийлар халифи ал-Маҳди (775-785) биринчи бўлиб динга ўз қўлини қўйишга фаол ҳаракат қилиб кўрди. Унинг талаби билан “бидъатчи” мазҳабларнинг тўла рўйхати тузиб чиқилади, уларга қарши қаттиқ чоралар кўрилади. Унинг фармонида биноан, “бидъатчи”ларни таъқиб остига олиш учун “бидъатчиларни кузатувчи” саҳиб аз-занадика (ёки аъриф аз-занадика) мансаби доимий ва расмий жорий қилинди. У айниқса кадарийларни, уларнинг ирода эркинлиги ҳақидаги таълимоти учун шафқатсиз жазолади, бу таълимот шиаларда ҳам бидъатчи деб янгидан эълон қилинди. Шиалар уммавийларга қарши курашда ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотни қабул қилган эдилар. Бироқ ал-Маҳди ўзининг барча ҳаракатларида сиёсий ваз-сабабларга амал қилди, халифанинг муҳолифлари, унинг ҳокимиятига хавф туғдирадиганлар “бидъатчилар”, деб эълон қилинди. Аслида эса халифаликда бу вақтда ақидалар ҳақида ягона қараш қарор топмаган эди. Агар шундай қилингандagina давлат дини барча учун мажбурий деб эълон қилинар, ундан чекиниш “бидъат” деб топилар эди, унга тааллуқлилар таъқиб қилинар эди. Бу шароитда халифанинг вазифаси илоҳиётчилар ишлаб чиққан тақвадорлар томонидан эълон қилинган ақидаларни танлаши ёки ҳимоя қилиши керак эди.

Бундай қарашни биринчи бўлиб муътазилийлар яратдилар. Энг яхши ишлаб чиқилган илоҳий қараш, деб халифа ал-Маъмун (813-833) томонидан бидъатчи деб аталган муътазилийлар таълимоти қабул қилинди, у давлат дини сифатида қабул қилинди, бу дин “энг эътиқодли”, давлат ҳимоя қиладиган дин деб аталди. У 212 (827) йилдаги фармонида биноан барча ҳакамларни, илоҳиётчиларни, қонуншуносларни динда синаб кўришни жорий қилди. Махсус муассаса-Михна а-синов тузилди. У ўзига хос шафқатсиз ҳакам бўлиб, муътазалийлик ақидаларини қабул қилмаган амалдорларни ишдан бўшатар, сургун қилар, жазолар эди. 231 (845) йилда шунчага бориб етдики, халифалик билан Византия ўртасида асир алмаштириш пайтида халифалик амалдорлари мусулмон асирлардан, фақат ким

Қуръон ваҳий келган, келажак ҳаётида Оллоҳни кўриб бўлмайди деган кишиларни қабул қилиб олган; қолганлари юнон кўлида қолиб кетган¹⁶².

Ислом тарихи кўплаб адоватларга тўла: бундай адоватларнинг сабаби ақидачиликнинг қуйидаги масалалари бўлган: худо ва унинг инсонга муносабати ҳақидаги; Оллоҳнинг табиати ва “сифатлари” ҳақидаги; тақдир ва инсоний ирода эркинлиги ҳақидаги; гуноҳга муносабат ва бошқалар ҳақидаги баҳслар шундай адоватларга сабаб бўлган.

Кескин баҳолаш ва ҳукмлар билан тўлган мусулмон мунозарали адабиёти “бидъатчилик” таълимотини инкор қилишдан кўра кўпроқ муаллифларнинг субъектив фикрларидан далолат беради. Бунинг беғараз мусулмон бидъатшунослари ҳам тан олганлар. Аш-Шахристони: “Ким ўз таълимотига жуда берилиб, кўр-кўрона тарафкашлик қилса, ўзининг муҳолифини ишонмасликда ва адашишда айблайди”¹⁶³, деган эди.

... Ислом дастлабки уч юз йил давомида мазҳаб ва турли йўналишларнинг таълимоти сифатида мавжуд бўлди, унинг мафкураси турли оқимлар ва мазҳабларнинг кураши жараёнида шаклланди. “Бидъат” мафкураси деб номланган мафкура ва унинг муқобиллари-“ортодоксаллик”-нисбий тушунчалар бўлиб, исломга хос хусусиятлар билан боғлангандир. Аслида эса ягона мафкуравий жараённинг икки томонидан, бунинг устига уларнинг ҳар бири мустақил мавжуд бўла олмаган, бир-биридан ажратилмаган, бошқа томондан ўзаро таъсирда, фақат бир-бирига қарама-қарши қуйилган.

“Бидъат” мафкурасининг аҳамияти тўғрисида гапирганда шуни эътиборга олиш зарурки, “бидъат” таълимоти ортодоксал исломнинг энг заиф ва нозик жойида жойлашиб, ислом мафкуравий қарашининг ривожига ўзига хос “рағбатлантирувчи фермент”¹⁶⁴ сифатида хизмат қилган. У ёки бу масалада баҳс қандайдир йўналишда ҳал қилинишдан қатъий назар “бидъатчилар” томонидан кўтарилган масалалар муқаррар ҳукмрон фикрларнинг шаклланишига олиб келади, ислом ақидалари, уларни тартиблаштиришни тўлароқ очиш ва янада аниқроқ шаклланишига хизмат қилади.

¹⁶² Қаранг: Бартольд В.В. Ислом. Т.6. 124-125-б; Петрушевский И.П. Ислом. 210-б.

¹⁶³ Аш-Шахристони ўша асар, 177-178-б.

¹⁶⁴ Тирик вужуднинг ўсиши жараёнида пайдо бўладиган ва вужудда бўлиб турган кимёвий акс таъсирни тезлатишга ёрдам берувчи тирик модда.

Аш-Шаҳристони мазҳабларни тасвирлаганда, Муҳаммаднинг айтганларига асосланади, уни етмиш учта мазҳабга тарқалиб кетишини айтади. Исломунос Бартольд ўзининг “Мусулманская догматика Секты” асарида ёзишича, Қуръондаги мазҳабларга бўлинмасин деган ваҳийга қарамасдан, ислом пайғамбар вафотидан қарийб ўттиз йил ўтгач уч гуруҳга бўлинади, дастлаб фақат собиқ фирқалар, лекин кейинчалик диний мазҳаблар қиёфасини олиб ҳозир ҳам хорижийлар, суннийларва шиалар шаклида мавжуддир¹⁶⁵.

Илк исломда учта диний-сиёсий оқимни-хорижийлар, шиаликлар, суннийлар-ташқил топиши мусулмонлар олдида улар учун қатор янги муаммоларни қўйди. Бу биринчи навбатда имоннинг қонунийлиги муаммоси, “дин” тушунчасини аниқлаш, инсоннинг ўз ишлари олдида маъсулияти муаммоси, Қуръоннинг табиати, худонинг моҳияти ва илоҳий сифатлари фақат Қуръон ва ҳадисларга асосланадиган дастлабки таълимотларнинг издошлари исломдаги янги оқим ақлнинг далилларига асосланувчи қадарийлар-муътазилийларнинг кучли таъсири олдида жуда қийин аҳволда қолдилар. Муътазилийлар каломи¹⁶⁶ янги далиллаш усули асосида вужудга келган бу таълимот, янги таълимот сифатида бир томондан, зардуштийлар билан инсон ишларида яхшилик ва ёмонлик ва иккинчи томондан, Дамашқ христиан илоҳиётчиларининг худонинг сифатлари ҳақидаги фикрлари билан баҳс юритиш таъсирида шаклланди. У юнон фалсафасининг ҳам таъсирини ўзида синаб кўрди, мусулмон жамоасининг ўзида пайдо бўлиб, у ўзининг шахсий ўзига хослигини сақлаб қолди.

Муътазилийлар каломи усулларини дастлабки таълимот издошлари сунний илоҳиётчилари қабул қилиб олдилар, илм ал-калом, мулоҳаза йўли билан илм қиёфасини олиб, ислом асосчисига ва Қуръонни ҳимоя қилган, диний эътиқод (ақоид)ни ҳимоя қилиб, унинг душманлари фикрини рад қилади. Мусулмон схоластик илоҳиётининг алоҳида хусусияти мунозарали йўналиш бўлиб қолди. Илм ал-калом илоҳиётининг бир қисми сифатида мусулмон эътиқодининг олти та моддасини ўз ичига олади: Оллоҳнинг ягоналигига, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, қиёмат-қойим ва тақдирнинг олдиндан белгиланишига ишониш.

Аммо илми калом ҳам мусулмон оламидаги ягоналик, бирликни мутлақ асраб қола олмади. Мусулмонларнинг ягоналиги, бирлигига

¹⁶⁵ Қаранг: Бартольд В.В. Соч.Т. VI. 167-6.

¹⁶⁶ Калом-нутқ, сўз; ал-калом-худонинг сўзи, ислом илоҳиётининг илк шакли.

ислом дини билан бошқа динлар ҳамда исломнинг ўз ичидаги зиддият ва тафовутлар йўл қўймади. Мусулмончиликка оид бўлган ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар умум ҳолатга эга бўлиб, ҳар бир мазҳаб, сектага оид бўлган мусулмонларнинг муайян ахлоқ ҳатти-ҳаракатига путур етказди.

Мусулмон империяси емирилгач ҳам мусулмон ўлкалари орасида мустаҳкам маданий алоқа, аввалгидай қарор топгандек эди. Давлат чегаралари вақтинчалик, кам моҳиятсиз деб эълон қилинди; мусулмонлар бир давлатнинг фуқароси бўлмасалар ҳам, эътиқод жиҳатдан биродар эдилар. Аммо В.В. Бартольднинг фикрича, мусулмон оламининг маънавий бирлиги учун икки давлатнинг-Туркия ва Эроннинг ташкил топиши биринчи салбий оқибатларга олиб келди, суннийлар ва шиаларга диний бўлиниш вужудга келди, бу исломнинг биринчи асридан мавжуд бўлиб, кейин келишиб бўлмайдиган бўлиниш тусига эга бўлди. XVI асрнинг охирида суннийлар ва шиалар бир-бирларини биринчи маротиба кофир деб эълон қилдилар, XVII асрда Эронда қисқагина вақт расмий равишда мусулмончилик тикланганлиги, бунинг динга боғлиқ эмас эканлигини яққол кўрсатди. Турк олимлари, агар форслар турк султонини мусулмон дунёсининг ягона бошлиғи деб тан олмасалар, форслар исломнинг душмани деб эълон қилдилар. Бундай бошлиққа зарурият бирлигига Қуръондан қуйидаги чуқур маъноли иборани келтириш зарурияти ҳам пайдо бўлиб қолди. Агар (осмону заминда) Оллоҳдан ўзга худолар бўлганида ҳар иккиси бузилиб кетар эди. Бас, арш эгаси бўлмиш Оллоҳ улар сифатлаётган (шериклардан) покдир¹⁶⁷ (21:22). Қуръонда айтилган самовий ҳокимият тўғрисидаги фикр, ердагига нисбатан адолатли эканлигини исботлашга уринишдир, албатта.

Бутун мусулмон оламини сиёсий жиҳатдан бирлаштириш хаёли, бир давлат ёки давлатлар иттифоқи кўринишидан илгари ҳам, шу кунларда ҳам учрайди, лекин ҳамма вақт у таълимот сифатида на диний, балки сиёсий, кўпроқ эса аниқроғи сиёсий мақсадларга эришишнинг воситаси сифатида илгари сурилади¹⁶⁸.

Демак, ислом келиб чиққан биринчи асрларда ягона ва яхлит қарашлар тизими эди. Бу яхлит қарашлар ягона мусулмон ахлоқ-одоб, тартиб-қоидаларини ишлаб чиқа бошлади. Хусусан, унинг шарқий ажам мамлакатларида шарқона деб-ахлоқ тизимини шаклланиб, янада

¹⁶⁷ Проф. М.А.Усмонов бу оятга қуйидагича маъно беради. “Агар Оллоҳдан бошқа худолар ҳам бўлганда эди, ер ҳам, фалак, ҳам йўқолиб кетган бўлур эди”. Қаранг: “Звезда Востока”, 1990, № 12 167-6.

¹⁶⁸ Қаранг: Бартольд В.В. Соч.Т. VI. 401-402-б.

ривож этишида катта аҳамият касб этди. Аммо, бу ягоналик умри абадий бўлмади. Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқнинг жуда катта ҳудудига тарқалиши жараёнида исломгача шаклланиб келган бир қатор маънавий ғоялар таъсирига учрайди. IX-X асрларда бир қатор мазҳаблар (секта), йўналишлар исломнинг ичида бир қанча назариялар пайдо бўлиб, келишмовчиликлар, қарама-қаршиликлар, бир-бирини инкор қилишлар, курашларга олиб келди.

Исломда энг катта оқимлар бўлган сунний ва шиалар ўртасидаги тафовут улар орасида баъзан қон тукишларга олиб келиб, ҳатто мусулмон давлатлари орасида минг йиллар мобайнида тўқнашув ва жанжаллар баҳонасига имкон бериб келди. Эндигина шаклланаётган ислом ахлоқи шикаст еди. Бу шикаст жуда кўп шаклларни ўз ичига исломий ақидалар томонидан берилди. Ҳар бир мазҳаб ўз ахлоқий ақидаларини ишлаб чиқариб, иккинчиларини инкор этиб ва ҳатто даҳрийликда айблаш бошланди.

Исломий ахлоққа яна дунёвий илмлар асосида ривожланиб келаётган ахлоқий билимлар ҳам рақобатлик қила бошлади. Секталар орасидаги тафовутлар ўзаро танқид ва ўзаро фош қилишлар илмий-табиий билимлар билан бир қаторда ҳурфикрлик, эркин фикрликни озиклантириб ҳам келди. Бундай рақобатлар албатта, кескин курашлар натижасида бир-бирида бўлган фойдали, ахлоқий қадриятларни, жаҳл устида “улоқтириб ташлаш”ларга ҳам олиб келди.

Лекин ислом мафкураси турли оқимлар ва мазҳабларга қарши кураш жараёнида шаклланган бўлса ҳам ва ислом турли мазҳаблар ва турли йўналишлардаги таълимот сифатида мавжуд бўлган бўлса ҳам бу жараён кўп сонли диндорлар онгининг мустаҳкамланишидагина эмас, (ҳа нафақат диндорларнинг) балки дунёвий ахлоқий қадриятларнинг мазмунига ҳам ўзига хос салбий, аҳамият ўйнади. Қадриятлар мафкура ёки сиёсий нуқтаи назардан баҳоланган пайтда ўзининг умуминсоний моҳиятини йўқотади. Бу келишмовчиликларнинг барчаси ақл учун жуда кўплаб озик бериши мумкин, лекин инсон қалби учун ҳеч нарса бермайди. Қадриятларга ўзининг “кўнгил хуши”га қараб ёндошиш, уларни ўз манфаатига қараб бичишга ва кўплаб қадриятларни таҳқирлашга олиб келади, уларнинг мазмунини баҳсли қилади, нотўғри талқин қилади, булар эса қандайдир бир қонун-қоида ва тафаккур манбаларини излашда илҳом бахш этмайди, яъни илмий тадқиқотларнинг самарасига таъсир этади. Масалан, Ижтимоий адолат учун кураш жараёнини олсак, Тарихчиларнинг фикрича, диний байроқ остида амалга ошган бундай

курашлар ҳамма вақт ҳам ўз самарасини бермаган, тўғри, норозилик ривожидавомида у ёки бу мазҳаб ўз гирдобига кенг халқ оммаси ҳаракатини ҳам қамраб олиб, уларни ижтимоий адолатсизликка қарши норозиликнинг фаол шаклига қўша олди ҳам. Бундай ҳаракатлар ва халқ қўзғолонлари, аксинча тасаввуф ёки у ёки бу мазҳаб байроғи остида амалга ошиб, улар кўпинча деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг ўз ичига қамраб олган.

Аммо бу байроқлар, орқасидаги ғоялар, бу таълимотлар халқ оммаси учун кўпинча тушунарли эмас эди. Бу таълимотлар расмий (ортодоксал) ислом билан келиша олмаса ҳамки оддий мусулмон унинг мағзига бориб етаолмасди. Оддий мусулмон илоҳий ҳабар ваҳийдан бошқа ҳақиқатни билмас эди. Мутасаввуфлар ва мазҳабларнинг бошлиқлари томонидан ҳалиги “оддий ҳақиқат”га нисбатан қийин илмий услуб билан илгари сурилган, лекин тушуниши қийин бўлган, унга бегона бўлган мантикий фикр мулоҳазаларга оддий халқ тушунаолмасди. Аксинча, азалдан мавжуд бўлган ва илк исломга манба бўлган таълимотлар (тенглик, адолат, инсоф, меҳру-шафқат ва бошқалар, энди исломдаги оқим ва талайгина мазҳаблар яратган таълимотлар билан таққосланганда оддий халқни гангитиб ҳам қўйди. Шундай қилиб “бидъатчилик” атрофидаги оламга бўлган ўзларининг ўзига хос қарашлари кенг халқ оммаси учун мафкура хизматини ўйнаши ҳам кўпинча даргумон эди, бинобарин, ижтимоий адолат учун курашнинг байроғи ҳам бўла олмас эди.

III-БОБ. ИСЛОМ АХЛОҚИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИДА

1§ ИСЛОМНИНГ ЎРТА ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШИ ВА МАҲАЛЛИЙ АХЛОҚ-ОДОБ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ЎЗИГА СИНГДИРИБ ОЛИШИ

Исломнинг турли халқлар орасида тез равишда тарқалиб, уларнинг турли шароитларига ва урф-одати, удуми, ахлоқ-одоби-умуман маҳаллий маданият ва цивилизацияларига муқим тарзда мослашуви-бу диннинг ўзига хос хусусиятларининг изҳоридир. Бу жараёнга исломнинг мослашув чанликка қобиляти деб таъриф берсак ҳам бўлади. Албатта, мослашув қобиляти исломда маънавий бирлик ҳиссининг устунлигига қарамасдан, мусулмонлар хаддан ташқари жуда ҳам кўп ва хилма-хил маҳаллий, миллий ва муайян ҳудуддий унсурларни сақлаб ва умумлаштириб, ўзига ҳазм қилиши билан ҳам бошқа динлардан фарқ қилиб туради.

Лекин бундай тезлик ва муҳим тарздаги мослашувни муайян тарихий шароит ва маҳаллий халқнинг унга бўлган муносабатидан ҳамда уларнинг янги динга кўрсатган қаршиликларидан ажратиб қараш нотўғри фикрларга олиб келиши мумкин. Бунинг яққол мисолини араблар томонидан Ўрта Осиёни босиб олиб, бу ҳудудда исломни жорий этишлари жараёнида ҳам кўриш мумкин.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Наршахийнинг “Бухоро тарихи” Херман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи”, Абу Тохирхожанинг “Самария”, Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий”, Ибратнинг “Фарғона тарихи” ва бошқа манбаларнинг таъкидлашича, араблар томонидан Ўрта Осиё ҳудудларининг босиб олинishi осонлик билан кечмаган. Х.Вамбернинг ёзишича, арабларнинг ҳужуми ва исломни жорий этиш жараёни хижрий 46-98 (666-714) йилларни ўз ичига олади. Наршахийнинг ривоятча, уч маротаба фатҳ қилиган ва уч мартаба қайтадан ислом дини қабул қилдирилган, ҳар даъфасида яширин равишда эски динига қайтган Бухоро ўз дарвозаларини фотиҳларга тўртинчи маротаба очиш жараёни ҳам қирғинбарот урушлари орқали амалга ошган. Наршахийнинг баён этишича, Убайдуллоҳ ибн Зиёд Халиф Муовия (халифалик йиллари 680-683) томонидан Хуросонга юборилиб, у Байканд ва Ромитанни забт-этиб, тўрт минг бухоролик асирни шахсан ўзига олди. Унинг фармони билан дарахтларни кесдилар,

қишлоқларни вайрон қилдилар... бир миллион дирҳам баробарига сулҳ тузилди. Хуросон амири Саъид ибн Усмон ҳам ўзидан олдинги зотлардан орқада қолмади. Унинг Бухоро ҳокими Хотинга: “Мен энди Суғд ва Самарқандга бораман, сен менинг йўлимдасан, қайтишимда” мени йўлимни тўсмаслигинг ва мени ранжитмаслигинг учун сен томондан бирон гаров бўлиши лозим деб Бухоро маликзодалари ва деҳқонларидан 80 кишини гаров қилиб, Бухоро дарвозасидан қайтиб кетди ва шу кетганича кетмоқда¹⁶⁹.

Хуллас, тўртинчи марта Хуросоннинг ҳокими Қутайба ибн Муслим қаттиқ жанг қилиб, Бухоро шаҳрини олади, кўп машаққатлардан кейин бу ерда турли қийинчиликлар натижасида ислом динини жорий этади. Қаттиқ ва узоқ жанглар натижасида Бухоро шаҳрини маҳаллий аҳоли қўлидан бутунлай тортиб олиб, уни араблар ўзаро бошқарганлар. Самарқанд ҳам шиддатли жанглар натижасида Қутайба қўлига ўтади. “Табарийнинг ривоятча, ажнабийларнинг ҳамда хориждан келган кишиларнинг қўлларини маълум муддатгача муҳрлаб қўядиган бўлишган. Бунда изнсиз чиққан кишиларни қатл жазосига ҳукм қилганлар”¹⁷⁰.

Херман Вамберининг қайд қилишича, амир Қутайба ибн Муслимга 705 йилда Мовароуннаҳрни фатҳ қилиш топширилди. Мақсад бу ўлкани талон-тарож қилиш, мамлакатни тамоман бўйсундириш ва мусулмон этиш эди. Ҳамма ёқни бузиш ва хароб қилишга буюрди. Қилич ушлашга қодир эркакларнинг барчасини ўлдиришга, хотин-қизларнинг барчасини асир олишга буйруқ берди, ҳатто туркларнинг бир кўзи кўр сардорига ўз хунуни тўлаб, омон қилишга ҳам руҳсат бермади.

Бу сиёсий макрнинг жазосини ҳаммадан кўпроқ Самарқанд тархони тортди. Сулҳ аҳд этишига қарамай, аҳдномага мувофиқ, бу ерда солинадиган масжидни қуришни тезлаштириш баҳонаси билан шаҳарга ғишт берувчилар ўрнига 4000 қурулди араб киритилди. Таркон бу хиёнат учун имтиқом олишни истагач, араблар ҳужум қилдилар. Уни бутун тарафдорлари билан бирга қатл қилдилар. Самарқанд таланди, ғорат қилинди. Ғанимат олинган олтин бутлар ва уларнинг жиҳозлиги 50 минг мисқол оғирликда эди.

¹⁶⁹ Самария (Абу Тоҳирхожа). Бухоро тарихи. (Наршахий). Шажараи Хоразмшоҳи (Баёний) Фарғона тарихи (Ибрат). Тарихий эссе (таҳрир ҳайъати: Б.Аҳмедов ва бошқалар).-Т.: Камалак. 1991. 115-116-б.

¹⁷⁰ Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи.-Т.: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1990, 16-б.

Бухоро учун ҳам бошқа ислом мамлакатларида қўлланилган сиёсий тадбирлар каби оғир эди. Лекин исломни йўлидаги баъзи бир сирли усулларни мағрур бухороликлар ҳам чуқур ҳис этдилар. Арабларга маълум бўлишича, ислом динини қабул этиши баъзи бир иккиланувчи одамлар эски маъбудаларига ҳамон ибодат айлаб, яширин жойларда ва ертулаларда сажда қилардилар. Шу сабабли ҳар бир бухоролик ўз ҳовлисининг ярмисини арабларга бериши амр қилинди.

Наршаҳий ҳам юқорида зикр этилган ўз китобида келтирганки, Қутайба ибн Муслим Бухорога келиб уни олган, Бухоро аҳолисига ўз уйлари ва ерларининг ярмини арабларга беришни буюради. Араблар уй эгаларига ислом шариатидан таълим берди, ҳамда уларнинг ислом одобига риоя қилишларини кузатиб турди. Агарда исён этсалар, араб маъмурларига чиқар эди. Янги динга кирувчилар учун мукофот қилиб пул бериладиган бўлди. Жума куни Қутайба жомеъсига намозга келган кишилар икки дирҳам мукофот олардилар. Регистонда бино қилинган бу масжидда ҳам қиём, рукуъ, саждалар аркони ибодатга, яъни имомга суяниб бажарилар эди. Ибодат дуолари, Қуръон оятлари арабча, ҳатто форсча ўқилар эди. Эски дин тарафдорлари ўзларига таклиф этилган динга бир мунча давр қарши турдилар. Ўша замонга оид Қусурли¹⁷¹-маълумотларга қараганда, Бухоро мусулмонлари ун йиллар мобайнида масжидга борганларида ёнларида қурол олиб юришган. Ерли халқларга эса, исломни қабул этган бўлсаларда, қурол тақишга руҳсат берилмаган. Икки орада тез-тез келишмовчилик бўлиб турган. Хусусан, манбаларда Бухоронинг қариялари кўпроқ қаршилиқ қилганлари тасвирланади. Улар масжидга таклиф этилганда, тош билан жавоб беришган. Бу муомала арабларни ғазаблантирган, шу боис улар қарияларга хужум қилиб, уйларини бузиб, мол-мулкларини талон тарож қилишга, уй, асбоб-ускуналарини мажбуран масжидларни таъминлашга беришган. Шунинг учун Наршаҳийнинг ривоятча бу масжидларнинг эшиклари турли расмлар ҳамда санамлар билан музайян этилган. Ундан ҳам ажабланарлиси шуки, бу тасвирлар, бу ишлар, сунний мусулмонларига ташвиш солиб, уч юз йил давом этган. “Кўшки муғон” деган жойда оташпараст (муғ)ларнинг “ибодатхоналари пайдо бўлган”

Саъид Бухоро ишларидан Фориғ бўлгач, Самарқанд ва Сўғдга бориб кўп жанглар қилди ва зафар унинг томонида бўлди.

¹⁷¹ Нуқсонли, камчиликлар.

Самарқанддан ўттиз минг кишини асир қилиб кўп мол қўлга тушириб (қайтди)¹⁷².

Ривоят қилишларича, Қутайба Байкандни фатҳ қилганида бор бутхонада оғирлиги тўрт юз дирҳам келадиган битта кумуш бут топган. У яна бир қанча кумуш жомлар топиб олган ва уларнинг ҳаммасини жамлаб тарозида тортганида бир юз эллик мисқол чиққан. У ҳар бири кабутар тухумидек келадиган иккита марварид ҳам топган. Қутайба: “Бу қадар катта марваридларни қаердан келтирдингиз?”-деб сўраганида: Иккита қуш оғзида олиб келиб мана шу бутхонага ташлаган,-деб жавоб берганлар.

Кейин Қутайба бу қиммат баҳо нарсаларни йиғиб ҳалиги иккита марварид билан биргаликда Хажжожга араб халифалигининг шарқий қисмларининг 694-714 йилда ибн Муслимнинг Хуросон амири бўлган йили 705 (170) юборди ва унга Байканднинг фатҳ этилганлиги ҳақида хат ёзиб у икки доно марварид қиссасини ҳам қайд қилиб ўтди. Хажжож унга шундай жавоб ёзди: “Хатда айтганларинг менга маълум бўлди: у икки доно катта марварид доналаридан ва уларни қушлар олиб келганлигидан мен жуда ажабландим, аммо шундай қимматли нарсани қўлга киргизиб, уни бизга юбориб кўрсатган саховатинг ундан ҳам ажойиброқ туюлди; худо сенга барака берсин”¹⁷³.

Бухоро аҳолиси ҳар сафар (ислом лашкарлари келганда) мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганида эса яна диндан қайтар эдилар. Қутайба ибн Муслим уларни уч марта мусулмон қилган, улар эса яна диндан қайтиб кофир бўлган эдилар. Бу тўртинчи марта (келганда) Қутайба жанг қилиб Бухоро шаҳрини олди, кўп қийинчиликлардан кейин (бу ерда) ислом динини юзага чиқарди ва ҳар турли йўллар билан уларга қийинчиликлар туғдириб, дилларига мусулмончилиқни ўрнаштирди. Улар эса Норшаҳийнинг ёзишича, ислом динини юзаки қабул этиб, ҳақиқатда бутпарастлик қилар эдилар. Арабларнинг бухороликлар билан бирга яшатиб уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турди. Шу йўл билан у мусулмончилиқни ўрнатди ҳамда шариат ҳукмларини бажаришга мажбур этди; масжидлар бино қилди, кофирлик ва оташпарастлик асарларини йўқотди.

Наршаҳийнинг айтишича, Бухороликлар бундан олдинроқ зиммий бўлиб, Жузъя тўлаб турар эдилар.

¹⁷² Наршаҳий. Бухоро тарихи... 109-117-б.

¹⁷³ Норшаҳий. Бухоро тарихи... 121-б.

Ат-Табарийнинг таъкидлашича, мулкдорларнинг бўйинларида муҳрлик қоғоз осилиб турарди. Бу шундан далолат берардики, араблар жузья ва хирож тўловчилар бўйнига муҳр осибдек аянчали удумни Ўрта Осиёда эрта жорий этишган.

Шаҳарларни забт этган фотиҳлар талончилик билан бирга уйларни ҳам эгаллаб олиб арабларга беришди. Масалан, Самарқандда Мадина ва Маккадан келган қурайш қабиласига мансуб 6 минг нафар арабга уй ва мол-мулк берилди. Шаҳар канорасидаги қишлоқ аҳолиси орасида ҳам бакр қабиласига мансуб араблар бор эди.

Қутайба ислом динининг тарқалишига катта эътибор берди. Дастлабига ислом динини янгидан қабул қилганларга ҳар турли имтиёзлар беришда, аввало: хирож-ер солиғи ва жузья-жон бошидан олинадиган ўлпондан озод қилишди, лекин иш тартиб билан қатъий олиб борилмади; чунки бу босқинчилар манфаати учун фойда келтирмас эди.

Ярим асрдан зиёд вақт мобайнида сўғдийлар ва туркийлар араблар билан кураш олиб бордилар. Гарчи араблар Мовароуннаҳрни мусулмонлар амирининг боғи деб ҳисоблашган бўлса-да, улар ҳар вақт ҳам ундан эркин фойдалана олишмасди.

Наср сайёр (738-748) ҳокимият тепасига келиши билан (Хуросон ва Мовароуннаҳр Ноиб сифатида) арабларнинг Ўрта Осиёни забт-этишининг янги ва сўнги босқичи бошланди. У арабларнинг мударийлар қабиласига мансуб, деҳқон зодагонларини ўз томонига ағдаришга муваффақ бўлиб, уларнинг аслзодаларга хос имтиёзларини сақлаб қолди, араб зодагонлари ва деҳқонлари ўртасида қариндошлик ўрнатишга хомийлик қилди. Наср Бухорхудот Туғшоданинг қизига уйланиб, Хунбундаги ерларни унга инъом этди. Бу билан араб ҳамда сўғд, бактрия ва Хоразм гуруҳларининг бирикуви бошланди.

Ислом дини тарғиботчилари қаерга бормасин, атрофида соқчилар, ҳарбий гуруҳлар билан бўларди. Араблар ўзлари забт этган худудлардаги аҳолини бирлаштиришда исломни катта кучга эга ҳисоблашди. “Ўлжа ҳақидаги суралар”, ўлжани тақсимлашни қонунлаштиришди. Ислом динини тарғиб этиш билан бирга араб тилининг тарқалиши ва аҳолини араблаштириш жараёни ҳам кечди.

Босиб олинган шаҳарларда масжидлар қуришга катта аҳамият берилди. Кўп ҳолларда масжидлар учун янги бинолар қурмай, зардуштий ибодатхоналарини мослаштириб олишда (Бухоро, Самарқанд, Марв ва бошқа шаҳарларда шундай бўлган).

Ислом динининг тарқалиши катта қийинчилик билан кечди. Ҳатто араблар хизматига ўтган деҳқонлар ҳам ўз дилида кофирлигича қолаверди. Наср ибн Сайёрнинг бўлғуси қайнотаси Бухохудот Туғшода ҳар жихатдан арабларни қўллаб-қувватлаган бўлса-да, намоз ўқишни хоҳламади, уни маҳаллий зардуштийлик расм-русумига мувофиқ дафн этишди. Унинг иккала ўғли умрларининг охирида исломдан узоқлашишди.

Хуллас, араб босқинчилари VIII аср бошларида Ўрта Осиёга катта зиён келтирди. Бу даврда Ўрта Осиёдаги давлатлар феодал ривожланиш босқичига кириб, оғир ижтимоий-сиёсий инқирозни бошидан кечираётган эди. Ўрта Осиё ҳудудида бир қанча мустақил давлатлар пайдо бўлди. Улардан энг кучлиси Суғдиёна ва Хоразм эди. Шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилди.

Ўрта Осиёдаги давлатлар араб халифалигининг феодал ҳокимлари тасарруфига тушиб қолишининг сабаби уларнинг тарқоқлиги ва тинкани қуритадиган феодал урушларидир.

Арабларнинг келиши арафасида Ўрта Осиёда сиёсий тарқоқлик мавжуд бўлиб, тарихчиларнинг таъкидлашича, у 15 дан ортиқ тарқоқ феодал давлатларига бўлинган эди. Суғдиёнада ягона ҳокимият йўқ эди. Маҳаллий майда ҳукмдорлар ўзаро жанжаллашиб туришарди. Бунинг устига хилма-хил динларнинг мавжудлиги ҳам бу давлатларни бирлашиб, босқинчиларга қарши курашда бир ёқадан бош чиқаришга ҳалақит берган. Бунга илова, араблар ҳужумига ёрдам берган маҳаллий гуруҳлар ҳам бўлган. Уларнинг баъзилари арабларга пул, қурол бериб кўмаклашиб ҳам турган.

Арабларнинг ажам мамлакатларда жуда тез ва муваффақиятли тарзда ўз ҳокимиятини жорий этишида маҳаллий халқларнинг ахлоқ-одоб соҳасидаги тартиб-қоидалари ва тасаввурларининг исломда мажид сифатида умумлаш тирилишига доир муаммолар жуда ҳам кам тадқиқ этилган.

Қарийиб ҳамма тадқиқотчиларнинг фикрича исломнинг тез тарқалиши нафақат араб динининг босқинчиликка тобеълиги, балки унинг ўта мутаасиблиги, исломни жорий этиш йўлида араблар томонидан ўзини фидо этиши каби хусусиятлар натижаси эканлиги қайд қилинади. Ваҳоланки биринчидан, Ўрта Осиёга келган араб аскарларининг аксарияти кечаги мажусий (ҳали исломни тўласинча тушунмаган ва яхши ўзлаштириб олмаган)лар ташкил этган бўлса, иккинчидан, Ўрта Осиёнинг забт этилишидан сўнграгина исломда 4 та ҳуқуқий шариат мазҳаблари шаклланиб, улар бир-бирларини тан

олганларидан кейин ислом илоҳиёти шакллана бошлаган эди. Шунинг учун ҳам араблар олдида ажам мамлакатларини ислом мафкурасига бўйсундириш ваколати ҳам аниқ ва равшан шаклланмай, улар олдида асосан босқинчилик, бойлик ортириш масалалари устун эди.

Ўрта Осиё халқлари араб босқинчиларига мардонавор қаршилиқ кўрсатишди. Шунинг учун Ўрта Осиёдаги давлатларнинг араб ҳарбий бошлиқлари томонидан забт этилиши қарийб юз йилга чўзилди. Аммо бирдамликнинг йўқлиги ва ҳукмрон бошлиқларнинг сотқинлиги ғарбда Пирений ярим оролидан Шарқда Химолай тоғларигача улкан ҳудудга эга бўлган араб халифалигига Ўрта Осиёнинг киришига олиб келди.

Бухоро, Марв шаҳарларида маҳаллий хонадонларда арабларни ҳам кўплаб жойлаштирдилар. Хусусан арабларнинг қаҳру-ғазаби баъзи жойларда расмий дин ҳисобланган зардистризмга қарши йўналтирилган эди¹⁷⁴.

В.В.Бартольднинг фикрича, IX асрнинг яримларида, яъни бир ярим аср мобайнида ислом ўрта Осиёда жорий этилишига қарамай, бу ҳудудда четдан келтирилган дин ҳисобланади. Аввалида бу исломни жорий қилиш бўлмай, араб халифалигининг Ўрта Осиёга сиёсий маънода жойлашуви десак аниқроқ бўлади. Исломнинг тарқалиши бошда босқинчилар ҳатти-ҳаракатининг руҳий самараларига воваста. Маҳаллий аҳолига уларнинг тантанавий тарздаги ғалабалари қандайдир ғайри-табiiй ҳисобланган қудратларнинг қўллаши орқали бўлаётгандек туйилган. Араблар маҳаллий ибодатхоналарни масжидларга айлантиришлари, уларнинг бундай шаккоклиги, яъни азалий қадамгоҳларни оёқ ости қилишларининг (маҳаллий худолар) томонидан жазосиз қолиши “эски худолар”га ишонч, эътиқодни сустрлаштириб, янги динга юз ўгиришига сабаб ҳам бўлди. Баъзан жон солиғидан озод этиш ёки умуман солиқлардан озод этиш (арабларга душманликда яшаган қабилалардан халифаликни асраш учун исломни қабул қилган чегарадошларни) “иқтисодий сиёсат”лар ҳам исломни жорий этишда анчагина иш берган. Шубҳасиз, халифалик бундай босқинчилик урушлари Ўрта Осиёда ижтимоий кучларнинг мувозанатини ўзгартирди. Янги ижтимоий муносабатларга таъсир этиб, унга янги мазмун касб этди, ҳамда мафкуравий тус берди.

Ислом мафкураси бора-бора бу жамиятлардаги ҳамма қатламларнинг манфаатига мос келиб, уларнинг эътиқодига айлана

¹⁷⁴ Қранг: Саидбоев Т.С. Ислом и общество.-М.: Наука. 1984.21-б. Колесников А.И. Завоевание Ирана арабами (Иран при «проведных халифах») –М.: 1982. 218-223-б.

борди. Масалан, бой задогонлар янги мавқеъни тезроқ тушуниб олишди. Босқинчилар, уларнинг имтиёзларини чекламасдан, аскинча уларга таянган ҳолда давлатни бошқаришда жалб этиб, уларнинг янада бойишига йўл очиб берабошлади.

Шунинг учун ҳам улар исломни биринчилар қаторида қабул қилиб, қўлларидан келганича дин янада кенг тарқалишига жон куйдира бошладилар. Бу билан уларнинг ахлоқий тартиб-қоидалари мазмунида исломий мазмун жой ола бошлади. Арабларнинг келиши ўзаро алоқаларни, кичик давлатлар орасидаг келишмовчиликларни, йирик шаҳарлардаги ижтимоий ҳаётда қандайдир барқарорликни келтириб чиқарди. Бу эса ўз навбатида савдо-сотиқ юмушларининг турғунлигига, савдо ходимларини майда феодал подшоҳларнинг ҳархашаларидан қутқариб, савдогарлар фаолиятини янада кенгайтириб ривожланишига олиб келиши ҳам улар томонидан исломни тезроқ қабул қилишга олиб келади.

Шундай бўлсада Бухоро савдогарлари қаҳқашонлар, Наршахийнинг ёзишича, жума намозига боришмаган вақтлари ҳам бўлиб, ўзларининг азалий зардуштийлик динига эътиқод қилишдан қайтмаганлар ва араблар билан чинакам кураш ҳам олиб боришган¹⁷⁵.

Тўғри, Қуръонда “Оллоҳ байъни (олди-сотди-Х.Х.) ҳалол... қилган” (2:275) деб ёзилган. Аммо судхўрликни қоралаганига қарамай бу динни савдогарлар орасида қанчалик хўш келганини кўриш қийин эмас. Чунки бу дин келгунча савдогар бойиб кетиши халқ нафратига тез-тез учраб турган бўлса, энди эса янги дин томонидан у жамият олдида қонуний тус олди. Тўғри, Қуръоннинг “Такосур” сурасида мол дунёга ҳирс қуйиб унга сиғиниб юрувчиларни таҳқирлаган, аммо ҳамма бойлик эмас, балки “Оллоҳни эслашдан ва у зот буюрган ҳақ йўлида” юришдан юз угирган¹⁷⁶ кимсалар қораланади. Нопок йўллар билан ва дўзахи, оллоҳни унутиб, йиғилган бойликни қоралайди. Аммо “Вал-лайл” (92) сурасидан маълум бўлишича, ким дунё ва охиратда бахтли ҳаёт кечириш учун ўзи орттирган мол-давлатидан камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақаларни бериб турса, мудом тақво билан, ёлғиз Оллоҳдан қўрқиб яшаса-унинг жойи жаннатда бўлади. Янги дин энди унга маълум хайру-эҳсонлардан сўнг савдогарга охиратдан керакли жой ажратади.

Янги дин тарқоқ кўчманчи қабилаларга ҳам қўл келди. Чунки бу дин тарқоқликка барҳам бериб, келажакда чорвачиликнинг ривожига

¹⁷⁵ Қаранг: Наршахий Бухоро тарихи... 82-б.

¹⁷⁶ Қаранг: Петрушевский И.П. Ислам в Иране... 19-б.

йўл очиб берадиган бўлди. Янги пайдо бўлган қабилалар бирлиги бўлмиш турклар этник гуруҳига ҳам ислом қарши чиқмади.

Қуръон фаолиятсизлик, ғайратсизликни қоралаб, моддий ва диний ҳаётда фаоллик кўрсатувчилар тарафида туради. “Ким Оллоҳ йўлида ҳижрат қилса, ер юзида кўп паноҳ бўлгудек жойларни ва кенгликни топгай” (4:100). Ислом хусусий мулкни ҳам, қулликни ҳам, қулдорликни ҳам инкор қилмаган, ҳатто асирларни қулга айлантириши тарафдори бўлиб, фақатгина уларга раҳмдилона муомала қилишни буюради. Аммо Макка зодагонларига қарши Муҳаммаднинг аёвсиз курашини кўрган қулар Муҳаммадни ўз паноҳлари деб билар, дўзах азобларини қул эгаларига қаратилган деб билар эдилар¹⁷⁷.

Шундай қилиб, Оллоҳнинг олдида ҳамма тенг, баробар деган ғоя камбағал ва эзилганларга исломни қабул қилишга олиб келди. Уларга исломнинг тарқалиши энди диний фазилатни биринчи ўринга қўйиши жуда ҳам ёқимли кўринади. Ҳақиқий тақводорликни, ўз хулқи билан Муҳаммадга ва унинг яқинларига тақлид қилишни, мусулмончилик ақидаларини яхши билиб, уни ижро этишни исломий фазилат деб тушунадиган бўлдилар. Ҳали иқтисодий ҳаётда ўзгариш бўлмаса ҳам, ўз ҳужайинидан тўласинча боғлиқлигига қарамасдан оддий меҳнаткаш жуда ҳам содда исломий маросимларни ҳамма билан биргаликда адо этганлигидан мағрурланиб, ҳақиқатдан анча йироқ бўлган ҳиссиётга тўлган бўлса ҳам ўз қадрини билгандек туюлар эди. Ўзаро уруш, талон-тарожлардан тўйган халқ оммаси энди исломнинг марказлашган давлат ҳокимияти берган тинчликдан, барқарорликдан енгиллик ҳиссиёти асосида яшашга отланадилар. Бунинг устига устамонлик билан баъзан солиқ тизимида берилган вақтинчалик “енгилликлардан” қувониб, маълум даврларгача маҳаллий аҳоли ҳақиқатан ҳам яхши ҳаёт кўра бошладилар. Бошқа араблар ҳатто уларнинг ички ҳаётларига аралашмасдан ҳам турдилар.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, исломнинг Ўрта Осиё халқлари орасида сингиши маҳаллий халқ орасида кенг ёйилиб келган диний эътиқодлар билан кураш жараёнида кечди. Бу курашда исломнинг қайси ахлоқий тартиб-қоидалари маҳаллий диндорлар онгида иш берганини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, ислом маҳаллий динларнинг қайси ахлоқий мавридларини, жиҳатларини олишини аниқлаш ҳам лозим.

¹⁷⁷ Қаранг: Норшахий Бухоро тарихи... 82-б.

Араб истилосигача Ўрта Осиёда жуда кўп диний эътиқодлар тарқалган эди. Хусусан, шаҳарларда ҳамма динларга нисбатан эркинлик берилиб, уларга кенг имконият яратилган эди. Буларнинг энг қадимийлари зардуштийлик дини бўлиб, унинг ғояси асосан яхшилик, эзгулик, ёруғликнинг ёмонлик, разиллик, зулмат ўртасидаги курашга таянади.

Таниқли ўзбек шоири, тилшунос ва маърифатпарвар Иброт (1862-1937) яқинда мерос туркумида нашр этилган “Фарғона тарихи” асарида ёзишча, “...Туркистон мамлакатларида бино бўлган эски харобалар бор, ани” муғний иморати деб айтурлар. “Муғ деб оташпараст Афросиёбдан қолган иморатлар бўлса керак”¹⁷⁸. “Бухоро тарихида” Наршахийнинг ёзишча Афросиёб томонидан Сиёвуш ўлдирилиб унинг кўмилган жойи “Дарвозаи Ғуриён” деб аталган самонфурушлар дарвозасининг ичкараси бўлиб, бу жойни оташпарастлар азиз тутадилар ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили наврўз куни қуёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди. Бухоро аҳолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари бўлиб у барча вилоятларда машҳурдир. Куйчилар унга мослаб қўй тузганлар ва қўшиқ қилиб айтадилар уни “оташпарастлар йиғиси” дейдилар. Бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди¹⁷⁹.

Қадим замонларда Бухоро аҳолиси бутпараст бўлганлар. Ҳар бир бозор бўлган кунлари сотилган. Абу-л-Хасан Нишопурийнинг “Ҳазони ул-улум” китобида айтишча, қадимги вақтларда Бухорода бир подшоҳ бўлиб, унинг номи Моҳ эди. У ана шу бозорни қуришга буюради; унинг фармони билан дурадгорлар ва наққошлар у йилдан бу йилгача бут йўниб, белгиланган кунда шу бозорга келтириб сотишар ва халқ уни сотиб олар экан. Ҳар қачон у бут йўқолса ёки синса, ёки эскирса, шу бозор куни бошқасини сотиб олар ва эскисини ташлар эканлар.

Бу жой яна оташпарастлар ибодатхонаси (ҳам) бўлган бозор куни одамлар бу ерга йиғилганларида ҳаммалари ибодатхонага кириб оловга талпинганлар. Бу ибодатхонанинг турган жойига мусулмонлар қувватланиб кетган, Моҳ масжидини бино қилдилар ва Бухоронинг муътабар масжидларидан бирига айлантирадилар.

Қадимдан бу ўлкада Қуёшга, оловга сиғиниш кенг ёйилган. Кўпгина шаҳарларда махсус жойларда муқаддас оловлар сақланган,

¹⁷⁸ Иброт. Фарғона тарихи. 275-б.

¹⁷⁹ Наршахий. Бухоро тарихи 104-б.

оловга ҳурмат шунчалик баланд бўлганки, унга ҳар хил ифлос ва сассиқ кўланса нарсаларни ташлаб ёндириш ман этилган. Масалан, энг биринчи бундай муқаддас олов Хоразмда бўлиб, уни “Азархудра” деб атаганлар. Шунга ўхшаш “олов уйлари” Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам мавжуд бўлган.

Қадимий эътиқодларга биноан Ахура Мазданинг оламнинг у ёки бу кўринишларининг ҳимоячиси сифатида унинг ноиблари Митра, Анахит, Хумо, Хубби, Миррих каби маҳаллий худолар Ўрта Осиё ҳудудида ҳам мавжуд бўлган. Қуёш ва ёруғликларнинг худоси бўлмиш Митра ўспирин йишит тимсолида ер ва осмонда истиқомат этиб ёвузлик ва зулмат худоси бўлмиш Ахриман билан кураш олиб боради. Митра Ахриман изидан қувлаб осмондаги қоронғи булутлар орасида яшил камалакларни ёқади. Бундай камалакларни Митранинг камон ва ёйи деб унга сиғинганлар.

Хотиржамлик ва мўл-кўлчилик, фаравонлик худоси бўлмиш Анахит (нахит)га эса серҳосилдорлик ва барака берувчи деб сиғинганлар. У гўзал ва чиройли қиёфали тасаввур этиларди.

Хумо-бахт, омад ва бойлик маъбудаси эса танаси, қанотлари ва боши олтин, кумуш ва қиммат баҳо тошлардан ташкил топган ўта чиройли қуш каби тасаввур этилган. У кўзга кўринмаган, аммо унинг сояси тушган бандага бахт келтирган.

Хубби (Фарғона-эр Хубби)-сув худоси бўлиб, суғориш иншоатлари ва сувчиларни офатлардан сақловчи бўлиб, довюрак йигит сиймосида тасаввур этилган. Шифобахш, даво берадиган манбаларни яратган деб билганлар. Хоразмда ҳам Хубби сув худоси деб эътироф этилган.

Миррих-уруш ва ғалабалар худоси бўлиб, яхши қуроолланган новқирон қиёфада тасаввур этилган¹⁸⁰.

Кушан империяси даврида давлат дини сифатида Ўрта Осиё ҳудудида будда дини ҳам тарқалган. Х.Вамбери “Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи” асарида ҳам қуйидагиларни қайд қилган. “Эски турклар тарихидан маълумки, ота-боболаримиз, исломиятдан аввал будда динига, Кўк динига (шоманизм) мансуб бўлганлар, уларнинг тотеми ҳайвонлар ва қушлар бўлгани ҳам маълум. Шу жиҳатдан қараганда, шунингдек Темур даври ва ундан кейин ҳам исломлан аввалги турк одат ва анъаналари сақланиб қолган, хусусан, исломийлашган турклар ўзларига бир арабий исм билан бирга битта

¹⁸⁰ Қаранг: История Узбекиской ССР. –Т.: “Фан”. 1974. 35-36-б.

эски туркча исм ҳам куйганликларидан эсласак, нега турғай деб аталгани англашилади. “Турғай” (бидбилдик) барлос уруғининг бошлиғи эди”¹⁸¹,-деб ёзади Вамбери.

Халқ орасида чилтон кўзга кўринмайдиган гуё ғайрат-табiiй ҳислатга эга бўлган, бир-биридан ажралмайдиган афсонавий қирқ руҳга сиғимиш мавжуд бўлган, гўё улар бахтсизлик бало ва фалакатлардан сақланган. Аждодларга сиғиниш ҳам, дев ва жинсларга сиғиниш ҳам исломга бўлган ахлоқ-одоб, тартиб-қоидаларга сингиб кетган. Туркий кўчманчи қабилалар орасида осмонга, тангри сиғиниш кенг тарқалган бўлиб, унга бағишлаб қурбонликлар қилар эдилар. Улар руҳнинг абадийлиги ва нариги дунёга ишонар эдилар. Шунинг учун ҳам майитни у дунёга кузатиш учун унинг хизматкорини, яхши кўрган хотинини ва отини ўлдиришардилар¹⁸².

Осмонни инсонларнинг тақдирини ҳал қилувчи қудрат сифатида билиб, ердаги ғалаба ва тушкунликларнинг сабаблари деб оддий кўчманчиларга ҳоконларнинг мартабаси, ҳокимлигининг сабабини “юқоридан” излашни тавсия этардилар.

Ўрта Осиёда манихейликка хос эътиқод ҳам анчагина таоқалган эди. Бу дин асосида мани деган шахснинг (3 аср) христианлик ва будда динидаги баъзи унсурлар билан озиқлантирилган зардуштийликка майли бўлган ғоялари Жанубий Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда кенг тарқалади. Бунга сабаб Мани диний маросимларга тасвирий санъатми кенг жорий эта билиши бўлиб, маҳоратли рассомлар, ҳайкалтарошларни ўз замонасининг Маниси деб атаганлар. Манихейлик инсонларни зулматдан халос этувчи ёруғлик оламидан келадиган элчига умид боғлашга таскин бериб, зоҳидлик ва тарки дунёчиликни тарғиб этган. Бу эса вақти келиб, ҳар кунги ахлоқ-одоб, тартиб-қоидалар ва турмуш тарзини ташкил этган-ҳаётни севган оддий подачига ҳам, муайян юмуш бошлик ва ҳокимиятга эга бўлган савдогар, бой ва ҳокимларга ҳам бора-бора майл бўлиб қолади.

Манихейларнинг бошлиғи VIII аср бошларида Тохаристонда қароргоҳга эга бўлган. Бу дин бошданок аслзода ва ҳокимларга таянган. Аммо булар орасида ижтимоий норозилик хусусиятларига эга бўлган оқимлар ҳам бўлиб, уларнинг шиори “Ким бой, бадавлат бўлса-камбағал бўлади, гадойлик қилиб абадий азобларга йўликади”, деб кўпчилликни ўзига жалб этган.

¹⁸¹ Қаранг: Вамбери Х. Бухоро ёҳуд Моваруннахр тарихи... 6-7-б.

¹⁸² Хидоятлов Г.А. Моя родная история.-Т.: Ўқитувчи. 1990. 76-б.

Дунёвий жараён мазмунини яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги доимий кураш ташкил этади деб тушунган зардуштийлар ҳам ўз фаолиятларида бу диннинг инсонларни яхши сўз, яхши ишга отлантирувчи ғоясини нафақат тоат-ибодатда, балки ўз ҳаётларининг турмуш тарзига айлантирганлар.

Шунинг учун ҳам зардуштийлар зоҳидлик, тарки дунёчиликка берилмай ўз ҳаётларини меҳнат билан безатиб, моддий бойликларини тинмай орттиришга ҳаракат қилиб келганлар. Бу эса янги дин-исломнинг ақидасига мос келувчи ҳол бўлиб, зардуштийларни исломга айлантиришга ғоявий монелик қилмас эди. Зардуштийлар якка худоликка қаратилган эътиқодлари ҳам-Оллоҳни қабул қилишга тўсиқлик қилмаган. Иккинчи томондан, арабларга зардуштийлик дини азалдан таниш бўлган. Қуръоннинг гувоҳлик беришича мажусийларнинг орасида (хусусан, жанубий Арабистонда) бу дин кенг тарқалган эди. Зардуштийларнинг динига биноан инсоннинг моддий ҳаётдаги турмуш тарзи, эътиқоди, руҳининг нариги дунёдаги мавқеини белгилаб беради. Эътиқод этганнинг руҳи жаннатга, гуноҳкорники эса дўзахга жойлашади; фаришталар ухламасдан доим инсоннинг қилмишини ёзиб боради, яхши муомаласи ва гуноҳсиз бўлган киши жаннатга боради, деган фикрлар ислом ақидасидан узоқ бўлмаган. Хотин-қизларнинг ёпинчиқлари ҳам зардуштийларга бориб тақалади. Гольдциэрнинг фикрича, беш вақт намоз, диний маросимий, поклик, жума куни ғоялари зардуштийлардан олинган ва ҳатто кўпгина ҳадислар зардуштийларнинг китоблари ғояларига жуда ҳам яқин¹⁸³.

Олдинги бобларда зикр қилинганидек, моддий неъматларни ишлаб чиқариш, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиш; ер, яйловлар ҳақида ғамхўрлик қилиш; ота-она ва яқинларга меҳр-шафқат, болажонлик ҳамда диндошларга ёрдам бериш ва бошқаларни диний бурчи даражасига кўтарган зардуштийлар эътиқоди ҳам ислом ахлоқининг тезроқ ёйилишига йўл очиб берган. Зардуштийлик билан исломнинг тақдирга ишончи ҳақида ғоялари ҳам жуда ўхшаш.

Хуллас, маҳаллий аҳоли орасидаги хилма-хил, тарқоқ диний эътиқодларнинг мавжудлиги, биринчи томондан, бу ердаги халқларни қабила ва уруғларни ҳатто давлатларни ҳам тарқоқ, бир-бири билан ўкиша олмайдиган даражага олиб келишига қарамасдан, иккинчи томондан, бу диний эътиқодлар ҳар бири алоҳида умумий бирлаштирувчи мафкура хизматини адо этаолмаса ҳам жуда кўп

¹⁸³ Қаранг: Гольдцэр И. Лекции об исламе. -Спб.: 1912. 22-23-б.

ўхшашлик томонлари билан исломни ва унинг ахлоқий тартиб-қоидаларини маҳаллий ахлоқ-одоб тизимига мослаштириб, муштарак тус олиб боришига кўмаклашади.

Ислом ақидаларини умумлаштириш ҳар тарафлама (универсал)лик ҳамда ҳамма нарсани қамраб олиш хусусияти ҳам христианликдан фарқ қилиб, Шарқда ва Ўрта Осиёда ҳам анъанавий бирдамликни Оллоҳнинг олдида ҳамма тенг, биродар деган жамоат (уммат)ни пеш қилаолди. Бу эса маълум даражада худо олдида шахсий жавобгарликни, маъсулиятни жамоа (уммат)лаштириш билан алмаштириб, инсоннинг тақдири, шахсий ҳатти-ҳаракати билан эмас, балки энди унинг жамоага нисбатан раво кўрган ахлоқ-одоби ва унинг шу диний бирлашмага мансублиги билан белгиланади. Ислом мусулмонни қон-қардошлик муаммоларини тўласинча кўпориб ташлаган эмас. Аксинча уруғ-қабила ва халқларни, ирқи, жинси ва миллатини бир жамоага жипслашувини тарғиб этади. Яъни азалдан шаклланган уруғ-қабилага садоқат билан боғланган узвий алоқадорликни, аксинча илоҳий бирлик каби ахлоқий қадрият даражасига кўтарди.

Мусулмон ахлоқи асосида ташкил этган шахснинг худо олдидаги маъсулияти ва уни дунёвий ҳаётдаги ҳатти-ҳаракатига тааллуқли одоби ҳам шарқда исломни бошқа динлардан имтиёзли афзаллигини кўрсатди.

Агар Библия Одам ато билан Момаҳавони биринчи гуноҳи учун жаннатдан ҳайдаб одамга абадий равишда пешона тери билан меҳнат қилишни ва Ҳаввода азоб-уқубатлар билан зурриёт орттиришни ва гуноҳ келажак авлодларга абадул-абад меросга ўтказилиб, инсон ўз аждодининг гуноҳини ювиш билан овора бўлишни раво кўрса Оллоҳ эса “... уни сийлаб-ўзига яқин қилиб, тавбасини қабул этди ва тўғри йўлга ҳидоят қилди” (20:122). Бунга илова Оллоҳ нафақат рашкли, қахрли ва жазоловчи, балки адолатли, раҳмдил ва меҳр-шафқатли. У нафақат мўминга ва ҳатто бетавфиқ гуноҳкорларга ҳам жаннатдан жой олишга имконият беради. Яъни, гуноҳни ювишга, ислом кучли тўсиқлар қўймайди.

Исломда жаннат инсоннинг, хусусан, шарқона табиатига жуда ҳам мос келадиган тарзда бошқа динларга нисбатан батафсил баён этилган.

Динларда олий ахлоқдорликнинг кўринишларидан бири рўза тутиш маросимидир. Бунда ҳам ислом бошқа динларга нисбатан ўзига хос “юмшоқлик” кўрсатади. Масалан, христиан динида 49 кун давом

этадиган предпасхальный пост (пасхадан олдинги кунлар), 42 кун давом этадиган петров ёки апостольский пост, 15 кунлик успенский, 11 кунлик рождественский ҳамда йил бўйи чоршанба жумада бир кунлик рўза тутиш жорий этилган. Аммо ислом дини арконларидан бири бўлган рўза бир ой муҳлатни назарда тутиб, “бирор киши хаста ёки мусофир бўлса”, у ҳолда рўзани соғайганда тутиш мумкин, ёки кексалик ёки бетоблиги сабабли “рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим” (4:183-184). Рўзага “ким ҳозир бўлса...тутсин”. “Оллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишни истамайди” (4:185). Бундан ташқари, шариат ҳомиладор ва болани эмизувчилар ҳамда оғир жисмоний меҳнат билан машғул бўлганларни ойида рўза тутишдан озод этади.

Исломнинг асосида художўйлик ва таквадорликнинг мақсади самодаги ҳаётдан баҳраманд бўлиш ғояси ётади. Буни эса дунёвий ҳаётдан мавҳум бўган инсоннинг аниқ кирдори, муомаласи, одоби ташкил этади. Тўғри, кўпгина ҳадислар мавжудки, унда шоҳи матодан кийим кийиш ман этилган. Масалан “Бир минг бир ҳадис” тўпламининг 107 саҳифасида келтирилган ҳадисда: “Кимки дунёда ипак кийим кийса, охиратда киймайди”, олтин ва кумуш идишларда таом ёки ичимлик ман этилган. Аммо ислом самовий ҳаёт деб кундалик, дунёвий юмуш ва ҳатти-ҳаракатни унутмаслик иккаласидан ҳам баҳраманд бўлишга даъват этади.

Шариат томонидан олтин ва кумушни кундалик турмушда ишлатишнинг ман этилиши, бу дунёда бойликка шавқ-хавас қўйишни таъна қилувчи ислом таълимотидан келиб чиқади. Охиратни муҳайё этувчи таот-ибодатни сусайтирувчи бу дунёнинг шавқи ҳаваси ва лаззатидан, бойликдан камбағал мусулмонлар фикрини узоқлаштиради. Лекин ўта зоҳидликни ҳамда бўйдоқликни ислом ахлоқи ёқтирмайди. Хуллас, мусулмон, В.В.Бартольднинг таъкидлашича, христиан худонинг фарзандларини бажариш жараёнида ўзини ва яқинларини унутган ҳолда таквадорликни бажо келтириш кераклигини уқтирса, исломда кундалик ҳатти-ҳаракати билан бир қаторда мусулмон Оллоҳни ва бошқа мусулмонларни ёддан чиқармаслиги, муайян муддатда тоат ибодатини бажариб, ўз молу-мулкидан камбағал бечора ва сағир-етимларга хайру-эҳсон беришни унутмаслиги керак¹⁸⁴. Ўзбек ҳалқининг исломгача бўлган турмуши,

¹⁸⁴ Қаранг: Қуръон. 3:2-3; 127:207, 215, 220, 237, 264-265, 267, 270-273; 3:92, 134, 135; 4:2,6-10, 52-53; 9:53-56; 13:22-23; 14:31;28:56-60; 29:30; 30:38-40; 35:29-30; 51:19; 55:60; 57:11; 64:16.

моддий ва маънавий маданиятини чуқур ўрганган Г.П.Снесаревнинг фикрича, ўзбекларда ҳозиргача сақланиб келган ҳайвонларг асиғниш, у замонларда кенг тарқалган экан. Бундай сиғиниш деҳқончилик, зироатчилик ва чорвачилик билан чамбарчас боғлиқ бўлган эътиқодлардир. Зардуштийлик келиб чиққанидан бу эътиқод уй ҳайвонларига, айниқса қорамолга сиғинишга олиб келган. Уларнинг ақидаларига биноан, у дунёда чинват деб аталган. Кўприкдан қурбонлик қилинган ҳайвонлар ёрдамида жаннатга ўтиш эътиқоди кенг тарқалган. Шунинг учун ҳам қурбонликни тўласинча ислом томонидан Ўрта Осиёга олиб келган дейиш ҳам ножоиз деган фикрлар ҳам адабиётда мавжуд. Ислом шу тайёр эътиқодга мафкуравий тус берди, холос.

Оллоҳ бадавлат мусулмонларнинг молу дунёлари ичида камбағалларни фақирликдан сақлайдиган миқдорини беришликни фарз қилиш билан бирга Оллоҳ камбағаллар очу-яланғоч қолганларида... жидду жаҳл қилиб меҳнат қилишни ҳам фарз қилган¹⁸⁵.

Оллоҳ ушбу сўзларга амал қилмаганларни қаттиқ сўроқлайди ва уларга қаттиқ азоб беради.

Шуни ҳам унутмаслик жоизки ислом Ўрта Осиёда азалдан мавжуд бўлган одатлардан ҳам кенг фойдаланган. Кўпгина шаклланиб қолган иқтисодий, ахлоқий, оила ва турмуш тарзига тааллуқли одатий тартиб-қоидалар ичида соф халқчил, фуқаролик, инсонийлик қиёфага кирган, диний тус олган ва баъзан ҳукмрон доиралар манфаатига хизмат ҳам қилган. Ёки, ҳозирги даврда ҳам Ўрта Осиё халқлари орасида киши вафотидан кейин ҳам еттисини, йигирмасини, қирқини, йилини ўтказиш одати ахлоқий қадриятлар турмушига кириб қолган ва шунга ўхшаш одатлар ва маросимлар ислом ақидасининг ҳомийлик доирасига тушиб келган. Ўрта Осиё халқларининг ахлоқ-одоби исломгача маълум бўлган давлатни руҳонийлар томонидан бошқарувчи (яъни теократик)га оид ғоялар билан ҳам анчагина суғорилган эди.

Турк хоқонлари, Бухоро ва Шош подшолари, Суғд ва Фарғона ишхидлари, Эфталит сардорлари, Хоразм шоҳлари жуда ҳам олий диний унвонларга ҳам эга бўлиб, уларнинг ҳокимияти само, худо, тангри томонидан ҳисобланарди. Улар нафақат олий қудратнинг изоҳи, ердаги вакили, балки коҳин ҳамда инсонлар фаолиятини ва

¹⁸⁵ Абдулқаҳҳор Шоший. Закотнома. –Т.: 1991. 17-б.

худодлар олами талабига мувофиқлаштирувчи воситачилар ҳам деб тушунилар эди.

Шунга ўхшаб, исломнинг инсон ахлоқ-одобини уммат талаблари асосида амалга оширувчи Оллоҳ олдидаги имтиҳоннинг гарови эканлиги ҳақидаги ақидалар, маҳаллий аҳоли томонидан тезроқ тушунилгани ҳам бежиз эмасдир.

Нерунинг фикрича, исломга бўлган эътибор ижтимоий характерга эга бўлган сабаблар билан боғлиқдир. У шундай деб ёзади: “Баъзи бошқа динларнинг асосчиларига ўхшаб Муҳаммад мавжуд бўлган кўпгина ижтимоий урф-одатларга қарши чиқди. У тарғиб қилган дин ўзининг оддийлиги ва дулварлиги, демократизм ва тенглик аломатлари билан узоқ вақт мустабид ҳокимият ва рухонийлар зулмидан озор чеккан кўшни мамлакатларнинг халқ оммасига маъқул бўлди. Улар эски тартиблардан чарчаган ва ўзгаришларга тайёр эдилар”¹⁸⁶. Неру исломнинг кириб келишини бу жамиятда зарурий ўзгаришларни амалга оширишнинг асоси деб қаради... У илгариги суистеъмол қилишларнинг тугаши... ягона буюк мусулмон биродарликка тааллуқлиликини ҳис қилиш бунинг ижобий ижтимоий натижалари деб ҳисобланади.

Араб босқинчиларининг ғалабаларининг сабабалари, Нерунинг фикрича, ана шулардандир. У уларнинг ҳаракатидаги талончилик ва вайрон қилувчилик майлига ёки исломни зўрлик билан қабул қилдириш усулларига амалда эътибор бермади. Ислом ҳаётда Оллоҳнинг олдида ҳамма тенг ва ижтимоий адолат ақидаларини ҳаётга тадбиқ этиши нафақат беҳад бойликни қоралашда (маҳкум этишда), балки умматнинг бадавлат аъзоларидан камбағаллар учун махсус солиқлар жорий этишида намоён бўлиши, ижтимоий зиддиятларни ҳам вақтинча силлиқлаштирди. Шу билан бир қаторда ўзининг шундай патриархал-феодалчасига бировнинг кучидан фойдаланиш тартибини жорий этдиким, бошда Арабистондаги, сўнгра босиб олинган Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги “ғайри динларни”, мусулмон бўлмаганларнинг ортиқча маҳсулотни ўзлаштириш ва меҳнаткашларни эзиш услуби эди. Кучли, шу билан бир қаторда, ўзининг бирлиги билан ислом мусулмон бўлмаганларга қарши жиҳатдан жорий этди. Жаҳон мусулмонларнинг биринчи вазифаси бўлиб қолди. Асосан кўчманчи уруғлардан ташкил топган араб кўшини нафақат ғайридинлар билан шафқатсиз уруш ғояси билан,

¹⁸⁶ Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. Т.1. 206-б.

балки анъанавий уруғ-қабилачилик тартиб-интизом билан ҳам мустаҳкам жипслантирилган эди¹⁸⁷.

Исломни Ўрта Осиёга жорий этиш арабларга ҳам анчагина қийматга тушган. Маҳаллий халқнинг қаршилик кўрсатиши натижасида араблар ҳам кўп талофатга йўлиққанлар. Наршахий зикр этилган асарида асли Эронлик Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан (655 йили вафот этган) Салмони Форсийдан қуйидаги мазмунга эга бўлган бир ҳадисни келтиради: Жаброил пайғамбарга айтганки, кун чиқиш томонда бир жой бор, уни Хуросон дейдилар, унинг учта шаҳарини қиёмат куни ёқут ва маржон билан зийнатлаб келтирадилар, улардан нур чиқиб туради: у шаҳарларнинг теvarагида фаришталар кўп бўлиб, улар тасбиҳ, ҳамд ва такбир айтадилар, келинни куёв уйига олиб боргандек у шаҳарларни эъзоз ва икром билан машгаргоҳга олиб келадилар. Бу шаҳарларнинг ҳар бирида етмиш мингдан байроқ, ҳар бир байроқ тагида етмиш мингтадан шаҳид (ётган) бўлади ва ҳар бир шаҳиднинг шафоати билан форсча сўзловчи ва худони бир деб билувчи етмиш минг киши азобдан қутилади. Қиёмат куни у шаҳарларнинг ҳар тарафи: ўнг ва сўли, олди ва орқаси ўн кунлик йўл бўлиб, буларнинг ҳаммасида шаҳидлар туради. У шаҳарларнинг бирини араб тилида Қосимий, форсчада Яшкард дейдилар; иккинчисини арабчада Самарон, форсчада Самарқанд дейдилар; учинчисини арабчада Фоҳира, форсчада Бухоро дейдилар. Нима учун фоҳира дейилади, чунки қиёмат куни Бухоро шаҳари ўзида шаҳидларнинг кўплиги билан фахр қилади. Шундан сўнг Пайғамбар хитоб қилиб: Эй худо фоҳирага баракат берган, унинг халқлари дилларини тақво билан пок этгин, ишларини покиз қилгин ва уларни менинг умматимга марҳаматли қилган! Ана шу маъно туфайли бухороликларнинг раҳмдилликларига уларнинг эътиқодлилики ва покликларга кун чиқиш ва кун ботиш гувоҳлик беради. Бу жумлалар араблар томонидан Ўрта Осиёни босиб олишлари осонлик билан чекмаганлигидан, бу муқаддас юртнинг заминида минглаб шаҳидлар ўзига “паноҳ” олганидан даракдир.

Ёки шуъбийлар тарихига назар ташласак! VIII аср охири IX аср бошларида Ўрта Осиё халқлари орасида араблар таъсирига қарши шуъубийлар деб аталган маданий оқим авж олди. Шуъубийлар (араб, шаъб-халқ) Эронни араблар истило қилиб, араб тили ва ислом динини кирита бошлаган даврда (VII аср) араблар таъсирига қарши, қадимий

¹⁸⁷ Қаранг: Еремеев Д. Возникновение ислама // Азия и Африка сегодня. 1991. № 2. 17-18-б.

Эрон маданиятини сақлаб қолиш учун кураш бошлаганлар. Ўрта Осиёда эса маҳаллий, қадимий цивилизацияни оддий араб маданиятига қарши қўя олганлар. Улар ўз маданиятларини тараннум этиш араблар маданиятидан устунлигини исботлаб, араблар билан бошқа халқлар ҳам тушунсин деб, араб тилига таржима этганлар.

Булар орасида Самарқандлик ал-Хуромий катта мавқега эга бўлган. У ўз шеърларида араб истилоси оқибатида келиб чиққан оғир мусибатларни, маҳаллий аҳолининг босқинчилар томонидан яратилган қашшоқлик, бадбахтлик оқибатларини куйлаган. Суғдийларнинг азалдан гуллаб-яшнаган анъаналарини, маданиятини ва уларни араб маданиятидан ҳар томонлама устунлигини очиб берган. Маҳаллий маданият яратган инсонларнинг бир-бирига тенглиги ҳақидаги фикрни-адолатни куйлаган¹⁸⁸.

“В жизни, я думаю все люди равны, ведь не видно, У Морилы над могилой не превозношения, ни превосходства”¹⁸⁹ (яъни мен ўйлайманки, ҳамма инсонлар баробар, мазорда ёки қабрда хизмати юзасидан мақташ ҳам, устунлик ҳам кўринмайди).

Шуъубийларнинг Ўрта Осиё адабиётида катта мавқега эга бўлган киши бу Башар ибн-Бурдий (тахм. 700-963) дир. Унинг отасини араб истилочилари Басрага асир қилиб олиб кетишади. Басрада туғилган Башшар бой задоган (оқсуяк) хотин авлодининг мавлоси сифатида яшаган. Проф. М.А.Усмоновнинг ёзишича мавло-мулла,-(араб-яқинлашган, яқин одам). Илк ислом даврида бу динни қабул қилган бошқа халқлар вакиллари кўпинча бирон араб қабиласи вакилларига яқинлашиб, уларнинг хизматини қилиб кун кўрган, улар қабила аъзолари таркибига киритилмаган, лекин қабилага яқин деб танилган ва унинг аъзолари ҳимоясида бўлган. Ана шундай кишилар дастлаб мавло (яқин одам, муштарий) деб аталган. Кейинчалик унинг шакли ва мазмуни ўзгариб, бир томондан, мавлоно шаклида олимлар ва шоирларга ҳурмат билан мурожаат этиладиган иборага айланган. Иккинчи томондан, олдин руҳонийларга, кейинчалик умуман саводли ва ўқимишли кишиларга нисбатан ишлатиладиган иборага айланган. Бунинг домумло шакли йирик руҳонийлар, мадраса муаллимлари, имомларига бошқаларга нисбатан ишлатиладиган бўлди. Кейинчалик унинг диний мазмуни анча унутилган, домуллонинг қисқарган бошқа кўринишини-домла ибораси ҳозирги

¹⁸⁸ Қаранг: Джалилов А. Из истории культурной жизни таджикского народа. –Душанбе: Ифрон. 1973. 79-б.

¹⁸⁹ Эберман В.А. Арабский поэт из Согда. –Л.: 1930. 45-б

вақтда ўқитувчилар, олимлар, билимдон ва ҳурриёт зиёлиларига нисбатан ишлатилади¹⁹⁰.

А.Э.Тейле ўзининг “Башшар ибн Бурд” асарида ёзишича, кўзи ожиз бўлса ҳам Башшар юраги билан кўрган. Унинг араб тилининг бутун нафис томонларини билиши, ҳатто арабларни лол қолдирган. А.Э.Тейле Башшарнинг қуйидаги шеърини таржима қилган.

От природы я слеп, однако талант мой-как раз отслепоты,
Дивное мышление! Ты вместилище познания.

Свет очей с уселенной пронизательностью перенесся в глушь сердца. (яъни, табиатан ожизман, аммо менинг истеъдодим-шу ожизлигимдан. Ҳамма мени (лол) ҳайрон қолдирувчи тафаккур. Сен билимнинг идишисан, Кўзимнинг нури кучли сезгирлик билан юрагимнинг, қалбимнинг тубига ўтган).

Башшар ўзининг аждодлар маданияти ва удумларига ўзининг мансублигини яширмасди. У ўзининг аждодлари ва Ўрта Осиёликлиги билан фахрланган. Ислом дини маросимларидан баъзиларининг маҳдудлигини изҳор этиш билан бирга ўз аждодларининг диний анъаналарига бўлган эҳтиром кўркмасдан қайд қилар эди. Масалан, А.Э.Тейле, унинг оловга бағишланган қуйидаги шеърини келтиради:

“Земля темна, огонь светозарен,

И огонь-предмет поклонения с тех пор, как огонь существует”.
(яъни, ер қора, олов эса нурафшон,
Ва олов мавжуд бўлгандан буён топинадиган нарса):

Башшар 783 йилда халиф Маҳдийга бағишлаб ёзган хажвий шеъри (эпиграммаси) учун савалаб ўлдирилган¹⁹¹. Бу фожиани исломга ба-ғишланган энциклопедик луғатда-Башшарни “ерга нисбатан оловни афзал кўриб” лойни оловдан ҳам юқори улуғлаган. Иблисни оқлагани учун қатл қилинган деб ёзмаган¹⁹².

Хуллас, бу муҳит Ватанимизда савдо йўллари бир-бирига пайвандлашиб кетишидан ташқари, унда турли-туман халқларнинг одат ва анъаналари ўзаро чатишиб, мужассамлашиб кетиб, бунинг ҳулосаси сифатида янги маҳалла ўзигача маданият вужудга келади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримизнинг кундалик одоб, ахлоқ ва урф-одатларига исломий одоб ва ахлоқнинг ҳам сингиб кетиши натижада Марказий Осиёдаги одоб, ахлоқ, урф-одатларини дунёнинг жуда кўп миллатларга ибрат бўлишлигига олиб келди. Ҳатто, Ўрта Осиёда араб

¹⁹⁰ Қаранг: Ислом. Справочник. 192-193-б.

¹⁹¹ Қаранг: Джалилов А. Из истории культурной жизни таджикского народа; 81-84-б.

¹⁹² Қаранг: Ислам: Энциклопедический словарь 78-б.

истилосига қарши кураш жараёнида пайдо бўлган маънавий зиддиятнинг пойдевори ҳам шу мамлакатларнинг тарихий саҳифаларида етишиб чиққан қизиқарлиси яна шундаким, арабларга қарши курашда маҳаллий оппозиция исломдан ҳам фойдаланган. Бунга яққол мисол тимсолида Муқанна қўзғалони билан чегаралансак бўлади. Муқанна одамларга ўзини худо номидан иш юритаётган ҳоким деб исботлашга уринди. Илгари одам ота, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммадга Пайғамбарлик ваъҳий бўлганидек, ўзига ҳам худодан амр келганини эълон қилган эди. Шу йўл билан у ўзи юритган таълимоти ва ҳаракат дастурининг нуфузини оширишга эришган ҳам эди. У турли вилоятларга, асосан, Мовароуннаҳрга ўз таълимоти баён этилган мактубномаларини юборган. Уларда ёзилишича “худо унга гавдаланади”, “куч, ҳокимият, шон-шуҳрат ва ҳоказолар каминага (Муқаннага) мансуб, менга итоат этинг ва ҳоказо. “Кимда-ким мен билан бўлса, жаннатга тушади. Ким қарши бўлса дўзахга тушади”¹⁹³.

¹⁹³ Наршаҳий. Бухоро тарихи. 74-б.

III БОБ.

1§ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИДА ИСЛОМ АҲЛОҚИНИНГ ЯНАДА МУКАММАЛЛАШТИРИЛИШИ.

Маълумки мусулмон олимлари учун юнон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа жойларда яратилган дурдоналар йиғилган эди. Ислом цивилизацияси илму-фанларнинг инсонпарварлигини ва Қадимги дунё маданиятини барқарор этди. Мусулмонлар бу соҳада (600/700 йилдан 1300 йилгача) ҳукмронлик қилдилар.

Ўрта Осиё мусулмонлари илм ўрта асрчилик даврларида пахтадан қоғоз, ишкор, новшадил (нашатир), нитрат кислотаси ва бошқа кимёвий бирикмаларни яратдилар. 700 йил мобайнида (700 й.дан-1400 й.гача) тиббиёт илмида жаҳонда тенги йўқ авлодларга айландилар. Бу соҳада Ар-Ризо ва Ибн Синонинг номлари билан чегаралансак бўлади. XIX асргача кўз касалликларини даволашда мусулмонлар ўзларига тенги йўқ эдилар.

Форобий, Ғаззолий, Ибн Синолар эллин донишмандларининг чуқур билимдонлари бўлган. Улар Платон, Аристотель, Эпикур, Зенон, Евклид, Александр Афродизийский, Птолемей, Порфирий ва бошқалар асарларини батафсил ўрганиб, уларга шарҳлар ёзишган, ҳамда эпикурчилар, стоиклар, пифагорчилар, киниклар мактабини яхши билишган.

Буларнинг ҳаммаси ислом динини йўқотиш мақсадига эга эмасдилар. Аксинча, улар исломни тозалаб, унинг эътиборини янада кўтармоқчи бўлганлар. Албатта, диннинг ҳамма саволларига жавоб бера олмайдиган фалсафа билан исломнинг чиқиша олмаслигини билиб олганларидан сўнг тафаккур ва диний ҳиссиётни ҳам қониқтирадиган Коинотнинг бирлиги тўғрисидаги ғоя, назарияни оламга беришган. Бу мақсад билан улар ахлоқ назариясини илмнинг маънавий (руҳий) соҳасини унинг фалсафий томони билан яраштиришга уриндилар. Қўш ҳақиқат назарияси ҳам шу ҳаракатнинг изҳори ҳисобланади. Инсон ўз қалби билан руҳнинг интизомли сабрутоқат ва интизом натижасидагина Олий ақл даражасига эришуви мумкин. Албатта бу интизом қанчалик ахлоқий ва маънавий бўлса, шунчалик ақлий ҳам бўлиши шарт эди. Ибн Сино булар ичида шу ғояларни ёрқин ва изчил таҳлил қилганлардан эди.

Архитектура соҳасида ҳам бобокалонларимиз жаҳон цивилизациясининг олдинги сафларида эдилар.

Ислом саънатида зеб-зийнат нақшлари алоҳида ўрин эгаллайди. Оламдаги нафосатий ҳаётӣ ўзига хос тарзда акс этдириш ислом санъати бутарастликка йўлиқмаслик учун жонли нарсаларни тасвирлашни ман этган. Ислом ибодатхоналарни ва диний маросимларни Оллоҳнинг шаклини чизган ҳолда жиҳозлашга йўл қўймаган. Ибодатхона-масжид-бу ибодат қиладиган жой, шунинг учун кенг, баҳаво бўлиши керак. Аммо, ислом санъати диний эътиқод рамзларини изҳор этишда оламга тенги йўқ даражада туради. Оллоҳ яратган оламнинг геометрик мутаносиблиги ва мусиқавий уйғунлик маромига махлиё бўласан киши. Инсоннинг ритмик ҳаракати, имон, имом-хатибнинг тиловатидаги овози маросимнинг уйғунлик мутаносиблигини ташкил этади. Ислом санъати оламдаги ҳодисаларни математик белгилар ва мусиқа билан инъикос этади. Мусулмон арабесклари¹⁹⁴-ибодатхона ва уйлардаги зебу-зийнатлар нафақат ислом санъатининг шакли, балки цивилизациянинг руҳи ҳамдир.

Ислом Одам Атодан Муҳаммадгача бўлган пайғамбарларни эъзозлайди. Муҳаммад ўзидан олдинги пайғамбарлар ишининг давомчиси деб билади. Шунинг учун ҳам ислом цивилизацияси бошқа цивилизацияларни ҳам тан олади. Қуръон ва шариатдаги тартиб-қоидаларга зид келмаган ҳолда ислом маданияти юнон, ҳинду, форс халқларининг бой ютуқларидан фойдаланиб келди. Ж.Неру Исломнинг катта худудга муваффақиятли тарқалишининг объектив, таърихий, иқтисодий ва маданий сабаблрига кўра айтиб бериши билан бир қаторда ҳаммасини ислом маданияти деб ҳисоблашни хато ва бу бизни фақатгина чалкаштириши мумкин, холос, деб таъкидлайди¹⁹⁵. Неру илк ўрта асрларда Ўрта Осиё маданиятининг юксак ҳолатини белгилаган даврларга асосий эътиборини қаратди. Ғарбий ва Ўрта Осиёдаги араб маданияти ва цивилизацияси, деб ёзади у, ўзининг гуллаб яшнашида иккита араблар ва Эрон маданиятидан илҳом олди. Уларнинг ҳар иккаласи чамбарчас боғланиб, синчков фикр ва юқори синфларнинг юксак ҳаёт даражасини вужудга келтирдилар¹⁹⁶.

Унинг қайд қилишича, араблардан куч-ғайрат, синчков ақл, эронликлардан нафис турмуш тарзи, саънат ва зеб-зийнат кириб келди. Турклар ҳукмронлиги даврида Бағдод таназзулга учради, рационализм

¹⁹⁴ Меъморчилик ва рассомлик саънатига геометрик шакллардан барг, гул ва шу кабиларнинг тасвирдан ташқари топган мураккаб нақш.

¹⁹⁵ Неру Дж. Открытие Индии. Кн.1 358-б.

¹⁹⁶ Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. Т.1. 127-128-б.

руҳи ва излаши ҳам сусайди. Чингизхон ва муғуллар буларнинг ҳаммасига нуқта қўйдилар. Орадан юз йил ўтгач, Ўрта Осиёда яна уйғонди. Самарқанд ва Ҳирот араб-форс маданиятининг эски анъаналарини қайсидир бир даражада тиклаган рассомчилик ва меъморчилик марказларига айландилар. Аммо араб рационализи ва фанга бўлган қизиқиш қайта тикланмади. Ислоҳ қотиб қолган эътиқодга айланиб, билим эгаллаш ўрнига, кўпроқ ҳарбий босқинчиликка мослашди. Осиёда унинг асосий вакиллари эндиликда араблар эмас, балки турклар¹⁹⁷ ва мўғуллар, қисман афғонлар эдилар. Бу мўғуллар Ғарбий Осиёда мусулмончаликни қабул қидилар¹⁹⁸.

Шуни таъкидлаш лозимки, Неру араб олимлари, мутафаккирлари, саёҳатчилари деганда ўрта асрларда Ўрта Осиёдан чиққанларни тушунади. У Ўрта Осиёдаги фан ва маданият вакиллариининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини юқори баҳолади, уларнинг ҳинд маънавий ва интеллектуал имконият (потенциал)ларининг ўсишига таъсирини таъкидлади. Шу давр мобайнида, ҳатто араб империяси инқирозга юз тутганда ҳам, араб цивилизацияси Ғарб ва қисман Ўрта Осиёда сақланиб қолди¹⁹⁹. Араблар асраноми соҳасида ҳам ҳинд, ҳам александрия олимларининг ютуқларини ривожлантирганликларини эътироф этиш билан Неру, номлари маълум бўлган IX асрнинг математик ва асраноми, ал-Хоразмий, XII асрнинг асраноми ва машҳур шоири Умар Хайёмни кўрсатади. Ўрта Осиёдаги ва Европадаги энг машҳур ҳақимлардан бири сифатида Ибн Сино номини эслатади, унинг Бухорода яшаганлигини таъкидлайди, Европада уни Авицена деб атаганлар ва ҳақимларнинг шоҳи деб ҳисоблаганлар, йирик араб мутафаккирлари ва философларидан бири Нерунинг таъкидлашича Абу Наср Форобийдир²⁰⁰.

Аммо Нерунинг фикрича, философия соҳасида Ҳиндистоннинг таъсири унчалик сезиларли бўлмаган. Философия ва табиий фанларни араблар Греция ва қадимги Александрия мактабларидан ўзлаштирганлар. Платон ва ундан ҳам кўпроқ меъёрда Аристотель арабларнинг тафаккурига катта таъсир кўрсатганлар ва шу даврдан ҳозиргача уларнинг таълимоти асли ҳолда бўлмаса ҳам, араб шарҳлари шаклида мусулмон мактабларида ўрганиш предмети

¹⁹⁷ Салжук турклари ва Ўрта Осиё, Хитой Туркистони туркларини назарда тутати.

¹⁹⁸ Неру Дж. Открытие Индии. Кн. 1. 367-368-б.

¹⁹⁹ Неру Дж. Ўша жойда. 365-б.

²⁰⁰ Неру Дж. Ўша жойда. 366-б.

ҳисобланади. Александриядаги меоплатонизм ҳам арабларга таъсир кўрсатган. Араблар рационализм ва материализмнинг ривожланишига ёрдам берган юнон фалсафасининг материалистик мактаби билан танишганлар. Рационалистлар диний ақида ва кўрсатмаларни ақл маромига ўтказишига ҳаракат қилганлар, материалистлар динга дефли инкор қилганлар²⁰¹.

VII асрдан бошлаб Бухоро араб халифалиги томонидан забт этилган, у Мовароуннахрнинг ички вилоятлари томон қилинган истилоларда дастлабки таянч манзилгоҳ сифатида хизмат қилибгина қолмай, балки янги эътиқод-исломни тарғиб қилиш ва қарор топтириш йўлида ҳам роль ўйнаган. Бу шаҳардан исломият ва ҳарид илмларини йирик тарғиботчилари ва муаллимлари етишиб чиқди. Ислом ҳуқуқшунослигининг Бухоро мактаби ташкил топди. Бухоронинг ислом дини, мусулмон ахлоқи, маданияти ва ҳуқуқшунослигининг Шарқдаги кучли марказларидан бирига айланиши туфайли унга IX аср бошларидаёқ “қуббат ул-ислом”-“ислом динининг гумбази” деган сифат ҳам берилди. Маршаҳийнинг гувоҳлик беришича, машҳур фикҳшунос (ҳуқуқшунос) олим хожи Имом Абу Ҳамф Кабир Бухорий туфайли Бухоро “қуббат ул-ислом” деб аталган Бухоро аҳолисининг илмли бўлишига, Бухорода илм кенг тарқалиши ва имомлар, уламоларнинг ҳурматли бўлишларига у киши сабаб бўлган. Бухоролик бу фақир 832 йилда вафот этган.

Ўрта асрларда Бухоро нафақат исломиятдагина эмас, балки илму маърифат ва маданият тарқатишда ҳам Моварауннахрда йирик марказ сифатида шуҳрат топди. Шу сабабли унга кейинчалик яна бир сифат “шариф” сўзи қўшилиб, у “Бухорий шариф”, яъни “Шарофатли Бухоро” номи билан юритиладиган бўлди. Бухоро ҳукмдорлари томонидан “Зарба Бухорий шариф”, яъни Бухоройи шарифда зарб этилган деб битилган тамғалар билан олтин ва кумуш тангалар ҳамда мис чақалар ишлаб чиқилган.

Дарҳақиқат, бу кўхна ва шарофатли Бухоро шаҳрида турли асрларда бино қилинган 200 га яқин мадрасаларда ўз даврида минглаб толиби илмлар, диний ва дунёвий билимларни олиб, бутун Ўрта Осиё бўйлаб зиё тарқатганлар. Мирзо Улуғбек томонидан Бухорода Чорсу майдонида қурдирилган мадраса дарвозасида ҳатто арабча “илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир” деган сўзларнинг ўйиб ёзилган, Ўрта асрларда, айниқса темурийлар

²⁰¹ Неру Дж. Открѣтие Индии. Кн.1. 365-366-б.

ҳукмронлик қилган даврда илм ва маърифатга бўлган ижобий муносабатларнинг ёрқин далилидир²⁰².

Бухоролик машҳур Филолог Абу Мансур ас-салбийнинг (961-1038) ибораси билан айтганда: “самонийлар давридан бошлаб шон-шуҳрат мақсад, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган (жой) эди”²⁰³.

Ислом цивилизацияси маҳаллий ҳудудларда яшовчи истедодларнинг равақи учун жуда катта имкониятларни ҳам ажратиб берди. Ўзаро ҳамкорлик ришталари ислом ҳудудида яшовчилар орасидаги ёш истедодларга илм-фан (у дунёвий ёки илоҳиётлигидан қатъий назар)ни ўзлаштириш ва унинг тараққиётига қўшадиган ҳиссаларга кенг йўл очиб берган. Шунинг учун ҳам ҳали ислом келгунича маданий, илмий савияси бой бўлган Ўрта Осиё халқлари орасида, меросийлик қонуни асосида, жуда кўп алломалар етишиб чиқдиларки, улар нафақат дунёвий фанларни, ҳатто диний илмий-илоҳиёт илмига ҳам катта ҳисса қўшганлар. Ўрта Осиёда етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Аъзам, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Хўжа Аҳрор ва бирқанча суфий тариқатларнинг ва мактабларнинг асосчилари ислом оламида машҳурдирлар. Уларнинг асарларида ва амалий-шахсий ҳаётларида нафақат ислом динини маҳаллий шароитга мослаштириш, балки унинг тушунча ва қонунлари янада ривожлантиришда ҳамда ислом арконлари асосида ахлоқ-одоб тартиб-қоидалари такомиллаштирилиб, шарқона ахлоқ-одобнинг ривожига катта ҳисса қўшди.

Ислом динини дунёвий ахлоқ тартиб-қоидаларига яқинлаштириб, уни янада бойитишда Ўрта Осиё фарзанди Имом Бухорийнинг хизмати жуда ҳам катта. Филолог Ш.Бобохоновнинг таъкидлашича, “Имом Бухорий Қуръони Каримдан кейин энг саҳиқ ва эътиимодли ҳисобланадиган шоҳ асарлари тўрт жилдик” “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”да одоб ҳақидаги ҳадисларни биркитобда жамланган эса-да, аммо бундаги ҳадислар сони бутун Ислом оламини яхши одоб ва ахлоққа тарбиялаш учун ул жанобга кифоя қилмайдигандек сезилганлигидан каттароқ ҳажмдаги “ал-Адаб ал-Мафрад” ҳадислар тўпламини яратдилар. Бу асарда 1322 та ҳадис ва хабарлар 644 бобда жам қилинган²⁰⁴. Имом Бухорий илми ҳадисда “Саҳиҳ” йўналишига асос

²⁰² Қаранг: Мухаммаджонов А. “Бухоро-тангри жамоли”. Фан ва турмуш. 1992. № 3-4. 9-б.

²⁰³ Увватов У., Ҳакимжонов М. Адиблар каъбаси: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992, 12 июл.

²⁰⁴ Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-Муфрад. (Адаб дурдоналари).-Т.: “Ўзбекистон”, 1990. 10-б.

солиб, фақат тўғри, ишонарли ҳадислар тўплами яратган. Ҳадисшуносликда биринчи бўлиб, ҳадис тўпламини Мовароуннаҳрда тасниф этган, муҳандис Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий, намоёндаларимиздан Исоқ ибн Раҳавайя ал-Марвазий, имом Ҳамид ибн Ҳанбал, Имом ал-Хайсан ибн Кулайб аш-Шоший, Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Баракотий, Иброҳим ибн Маъқил ан-Насафий, Наъим ибн ҳаммод ал-Марвазий, Хофиз ал-Хоразмий, Жалолуддин ан-Насафий, Имом Абдулҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва бошқалар ҳам ҳадис тўплamlари тасниф этишган. “Сунан” йўналишидаги тўплamlарда тўғри, ишонарли ҳадислар билан бир қатор “Заиф” ҳам келтирилган тўплamlарни жорий этишда ватандошимиз Исо ат-Термизий ҳам ижод этган²⁰⁵.

Имом Бухорий тўплаган ҳадислар мазмун эътибори билан диний тусда, Қуръон суралари ва оятларининг шарҳи сифатида бўлса ҳам улар дунёвий аҳамиятга эга эдилар. Ота-онани эъзоз этиш, уларнинг дуосини олиш учун мулойим гапириш, уларнинг амрига итоат қилиш, уларга раҳм қилиш, уларни сўкмаслик, ота-она мушрик, бўлса ҳам уларга яхшилик қилиш, улар зулм қилса ҳам уларга яхшилик қилиш, ҳатто улар ўлгандан кейин ҳам “уларнинг гуноҳларини кечирмакни Аллоҳ Таолодан сўрайсан, уларнинг насиҳат ва шарий насиятларини амалга оширасан”, уларнинг дўстларини ҳурмат қиласан ва “қавм-қариндошлар билан улар туфайли қарор топган қариндошлик алоқаларини узмайсан”²⁰⁶ каби тартиб қоидаларга чорловчи ҳадисларнинг қиймати ҳозир ҳам жуда катта. Қўшнилик одоби, етим-есирга, хизматкорга, хотин-қизларга, муҳтожларга, ўз биродарларига ёрдам, кўмак бериш ва умуман кишилар бир-бирига муҳаббат қилишлари ҳақида ахлоқий тартиб қоидаларни изох этувчи ҳадислар бебаҳодир.

Кишиларнинг гуноҳини кечириш, бировлар устидан кулмаслик, мактанчоқликнинг бебурдлиги, баҳиллик, зулм, такаббурликка берилмасликни ҳаддан ошмоқликнинг ноўринлиги инсонлар орасида тарғиб этиш ҳам ҳадислардан четда қолмаган.

Касалманд беморнинг ҳолидан ҳабардор бўлиб, уларни бориб қуришнинг фазилати ҳақида, қаҳатчилик ва очлик йилида кишиларнинг бир-бирларига ёрдам беришлари, одамларга жаҳл билан

²⁰⁵ Қаранг: Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Ислоҳ. Ҳадис: 4 китоб К.1. Ал-Жомийъ Ас-Саҳиҳ Ийонарли тўплам. Н.Иброҳим ва М.Кенжабек таҳрири остида. Мухаррир Хожа Баҳтиёр Набихон ўғли. Арабчадан З.Исмоил таржимаси. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. 4-б.

²⁰⁶ Имом Исмоил ал-Бухорий, Ал-Адаб ал-Муфрад. 26-б.

ҳадия қилмасликни, ҳа, уятчанлик ҳақидаги ҳадисларнинг ҳам амалий аҳамияти чексиздир. Умуман ҳалоллик, поклик, ростгўйлик сингари умуминсоний фазилатларни тарғиб этувчи ҳадислар Имом Бухорий ижодида камол топган.

Одамлар бир-биридан аразлаб юрмасдан бир-бирини қойиш ва сўкишдан ўзини сақлаб, кишилар ўз муносабатларини тузатишлари ҳақида кишиларни безовта қилмай ҳаёт кечиришда тартиблилик ҳақида, ўз қавмини севиш, ёш болаларни севиш ёки катта кишини ҳурмат қилиш ҳақида, аҳли аёлларга раҳмдир бўлиш яхшилиқни кишилар орасида тарқатиш ҳақида баён этилган ҳадислар ҳам умуминсоний қадриятлар тизимида фойдали ўрин олган, инсоний турмуш тарзини баён қилувчи ҳадислар, яъни молини ноҳуя исроф этмай турар жойларни яхши тузатиб, ўзи ва оиласига етарли биноси бўлатуриб, “мақтаниш учун ортиқча қилинадиган бинолар қурмай”, яхши сийрат, чиройли ҳайъат ва “ҳар бир ишда иқтисодчилик етмиш ҳислатдан бир бўлагидир”, яъни яхши сийрат-хулқ билан муомалалик бўлиш. Чиройли ҳайъат шаклини, кўринишни, яхши қилиб юриш, иқтисод эса ҳар бир иш ва ҳаракатда ҳатто ибодатда ҳамўртача ҳолда бўлишлиқни киши ўзига лозим тутушни²⁰⁷, тарғиб-этади. Имом Бухорий тартиб берган ҳадислар нафақат умуминсоний тусга эга бўлган одоб, тартиб-қоидаларни изҳор этиш билан чегаралайнмай, ҳатто инсонни табиатига, уй ҳайвонлари, қушларга ҳам марҳаматли бўлиш ҳақида амалий ахлоқ-одобнинг насиҳатини баён этади.

Ватандошимиз, “Сунан ат-Термизийнинг муаллифи Имом Термизий ўз устози Имом Бухорийдан нафақат ҳадис илмини, балки фикҳ ҳадисни ҳам зрганиб, аҳком (қонуний) ҳадисларнинг фикҳ масалаларига тааллуқли бобларини тартибга келтирган муҳандисларнинг фикрича, ат-Термизий ҳадис илмининг саккиз фанини, яъни сийрат, одоб, тафсир, фикҳ, аҳком шарт ва маноқибларини (яъни, фазилат, яхши ҳаракатларни мадҳ этиш) ўзида мужассам этган²⁰⁸. Имом ат-Термизий ҳадисларни бобларга ажратган ҳолда тасниф этиб, ҳадиснинг саҳиҳини нотўғрисида ажратиб, унга кенг таҳлил беради ва унинг афзаллигини очиб беради.

Ат-Термизий Ўрта Осиё, Эрон халқларининг урф-одатлари, ахлоқ-одоби, давлатчилик қонун-қоидалари ва қадимий эътиқодларини исломга мослаштирган тарзда сингдиришда катта хизмат кўрсатган.

²⁰⁷ Қаранг: Ал-Адаб ал-Муфрад. 23-б.

²⁰⁸ Қаранг: Совет Шарқи мусулмонлари. 3-сон (87), 1410 ҳ-1990 м. 3-б

Ат-Термизий ҳар бир ҳадис атрофида борган мазҳаблараро нуқтаи назардан курашига эътибор қилган, уларга танқидий ёндошган. Уламоларнинг фикрича ат-Термизийнинг “Саҳих” асарида бошқа китобларда учрамайдиган мазҳаблар зикри, далиллар, “саҳих, ҳасан” (яъни, дуруст, чин ҳамда чиройли-яхши), ҳамда ғариб (яъни нодир) каби турли ҳадислар баёни мавжуд.

Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган “Совет шарқи мусулмонлари” журналида “сунан”дан олинган қуйидаги ҳадислар: “Ростгўй омонотга хиёнат қилмайдиган савдогар охиратда пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлади”; “Мўминларнинг имони мукаммароғи уларнинг хўшхудқлироғидир ва энг яхшиларингиз аёлларингизга хулқингиз яхшироқларингиз”; “мунофиқ икки сифатдан-яхши хулқ-атвор ва диний масалаларни билишдан маҳрумдир”, “Худо вамалоикалардан тортиб инидаги чумолилар ва бошқаларгача башариятни яхшиликка (хайр) ўргатувчилар учун дуо қилинг” Еган таомларингизнинг яхшиси пешона тери билан топганларингиздир. Фарзандларингиз ҳам пешона терингиздандир. “...Эр киши ўз оила аъзоларига бошлиқдир ва оила аъзоларига маъсулдир. Аёл ўз уйи хонадонига беқадир ва уйи тасрифида маъсулдир...” ва бошқа исломий тусда бўлса ҳамки, инсониятни ҳақиқий ахлоқий қадриятлар асносида тарбиялашга катта ҳисса қўшиши муқаррардир.

Ат-Термизийнинг Муҳаммад пайғамбарнинг хулқ ва сифатларини қамраб олган “Шамоиلى Муҳаммадия” асари ҳам исломий ахлоқ асосида шарқона одоб услубининг яшнашига катта ҳисса қўшган. Уч юз йигирма олти ҳадис орқали Муҳаммад пайғамбарнинг сиймоси, қилган ишлари, хулқ-одоблари, юриш-туришлари, маънавий дунёсини ат-Термизий томонидан мукаммал равишда очишга уринишдан мақсад-Пайғамбарнинг умри ва қилган ишларини барча мусулмонларга ахлоқий ибрат этишдир. Шубҳасиз, бу китобни ўқиган ва Муҳаммаднинг суврат-сийратини, тавсифларини эшитган мусулмон ҳаммадан зиёда саҳий дил, ҳаммадан зиёда фозил, мулойим табиат, ростгўй, жасорат, умматнинг ғамини ўйлаган, бенуқсон, камтарона, содда ҳаёт кечирган инсонийликка бирон зид ҳаракат қилмаган шахснинг қиёфасини кўз олдига келтирган. Диёнатли аҳли меҳнат бу маълумотлардан ўз хулқи, одоби учун озуқа олиб, ҳарқандай қийинчиликка шукроналик этиб, сабр-қаноат бағишлаб уларга қувват берган, Келажакка умид бағишлаган бу

ўғитлар мусулмонлар учун инсоний фазилатларни сақлаб, уни ривож бериб келганлар.

Хуллос, бу китобда баён этилган пайғамбарнинг пок ҳаёти исломий ахлоқ тартиб-қоидаларини шакллантиришда ўзига хос аҳамият ўйнаган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё ҳадисшунослари Имом Бухорий, Имом ат-Термизий ва буларнинг ислом динини бу ўлкада илоҳиёт илми асосида янада ривожлантириб, уни халқ оммасига манзур этишида хизматлари жуда катта. Маҳаллий халқлар Қуръон ва ҳадислардаги таълимотларни ўз ҳаётларида самарали тадбиқ этишларида бу алломалар томонидан ривоят қилган ҳадисларни намуна сифатида қабул қилиб, унга амал қилганлар. Масалан, қуйидаги ҳадисни олсак “Қиёмат кунда Оллоҳ таоло ҳузурида бандаларнинг ёмони дунёда халқ унинг ёмонлигидан кўркқан кишидир”. Бундай жирканч ҳолатнинг келиб чиқиш илдизлари асли инсоннинг табиатига бориб тақалсада, унинг кучайиши, оммавийлашиб оддий бир ҳолатга айланришида жамиятдаги тузумдан фойдаланиш ҳамдир. Жамиятдаги ўз мавқеини ҳаромхўрлик, зўравонлик, чайқовчилик асосида кучайтира олганлар тамагирчиликка ва зўравонликка давлат сиёсатининг негизи қилиб олиб, халқнинг ва адолатдан умудини бутунлай узиб қўйганлиги ҳам сабабдир.

“Агар инсон ўз нафсини тия олса, яъни бировнинг моли ҳақиқа хиёнат қилмаса, фаҳш ишларга ҳирс қўймаса, ақлни ўғирловчи лаззатларга ружу қилмаса, шалоқ гаплар оғзидан чиқмаса Мўмин бандалардаги энг разил ҳислат ёмон иборалар билан кишиларни сўқишдир” (134 ҳадис), икки юзлама мунофиқ бўлмаса, бориға қаноат қилиб, эртанги кун умиди билан яшаса, ҳамиша илм ва ҳунар ўрганишига интилса, жоҳилатдан узоқ, бўлса, энг муҳими пок виждон билан иш тутса, ўз Ватани ва халқини ҳимоя қилиш учун жонидан кўркмас-жаннатдир, акс ҳолда у виждон азоби билан ўтади, дўзахий бўлгани шудир²⁰⁹.

Мовароуннаҳр халқларининг ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг маънавиятида ҳамда ахлоқий тартиб-қоидаларида исломнинг кенг ва чуқур ўрин олишида суннийликда келиб чиққан шариат мазҳабларидан ханафий мазҳабининг аҳамияти катта. Бу мазҳабнинг асосчиси Абу Ҳанифа ибн Собит бўлиб, халқ орасида кўпинча Имоми Аъзам мазҳаби деб юритилади. Ўрта Осиёдан ташқари ер юзи

²⁰⁹ Ал-Адаб ал-Муфрад. 166-б.

мусулмонларининг ҳам катта қисми бу мазҳабда бўлиб, Имоми Аъзам чизиб берган йўлдан юрадилар. Ислом қонуншунослиги (фикх)ни мукаммал эгаллаган Имоми Аъзам шариат ҳуқуқларини тартибга солади, истехсон (биров ҳақида яхшилик билан сўзлаш, эслаш) тартиб-қонунларини ишлаб чиқади²¹⁰.

Имоми Аъзам фикх илмида буюк аллома олими бўлса-да ундан бирорта ҳам асар қолмаган. Шарқ оламида машҳур бўлган “Ал-фикх ул-акбар” (“Катта фикх китоби”) баъзи олимларнинг фикрича Имоми Аъзам қаламига мансуб дейилади.

Китоб ёки асар қолдирмаганлигиг сабаб Имоми Аъзамнинг ҳалоллик ва поклиги, парҳезлик ва тақвода юксак даражада эканлигидир. У юксак одоб ва ахлоқ, чиройли хулқли ва муомала намуналарини ўзида мужассам этган камтар шахс бўлган, фикримизнинг далиллиги Васлий Самарқандийдан қуйидаги мисолни келтириш билан чегараланамиз: “Бир кун ўғиллари Ҳаммод кўп кишиларга имом бўлиб, ўтамоқ бўлди. Ҳазрат имоми Аъзам қаттиқ ушлаб олиб, бошқа кишини имом бўлғил, дедилар. Одам имом бўлиб намоз ўқулди”. Сўнгра Ҳаммад айтди: “Эй ота, мени уялтирдингиз” Ҳазрати Имоми Аъзам айтдилар: “Эй ўғлум, балки сени уялтирмоқдан сақладим зероки. Бир киши десаки, Ҳаммоднинг ортида ўқулгон намозни ибодат қилинглар (яъни қайта ўқинглар). Сўнгра бу ҳодиса китобларга ёзилиб, ору номуси қиёматгача келур эди. Ҳоло андоғ уялиш сенга йўқдир”²¹¹. Халифа Мансур томонидан камчи ва зиндон билан азоб бериб, захар ичириб ўлдирилган Имом Аъзам жасадини Боғдоднинг қозиси шахсан ўзи ювиб бўлгач, жасадга қарабайтган эканки, “Сени тангри таъоло раҳмат қилғайки, ўттуз йил ифтор қилдинг, қирқ йил кечалари ухламасдан ибодат қилдинг. Бизлар ичра ҳаммамиздан фақирроқ, обидроқ, ҳисоли ҳамида (хўш ҳислат)ларга жомеъроқ (эгароқ) эрдинг, яхшиликлар ва суннат ила қабрга кетадурсан ва сендан кейин қолгонлар ҳам сенга тебеъ бўлурлар”²¹².

Имоми Шафиъий дебдурки Қачонки Боғдодга келдим. Абу Ханифа қабри шарифларини зиёрат қилиб, барокот ҳосил қилғоли келдим. Менга бирор ҳожат пайдо бўлса, Имоми Аъзам мазори шарафларига бориб, икки ракаат намоз ўтаб, худодин тиласам, муродим Имоми Аъзам ҳурматларидан тез ҳосил бўлур²¹³.

²¹⁰ Қаранг: Васлий Самарқандий Ал-Калому-л-афхам ман оқиби-л Имоми ал-Аъзам. –Т.: 1991. 3-б.

²¹¹ Васлий Самарқандий. Ўша асар, 47-б.

²¹² Васлий Самарқандий. Ўша асар 52-б.

²¹³ Васлий Самарқандий. Ўша асар 57-б.

Хуллас, Имоми Аъзамнинг нафақат таълимоти (бунинг таҳлилини кейинроқ ёритишга ҳаракат этамиз), ҳатто унинг пок ҳаёт тарзи ҳар бир мусулмон учун ибрат олишга арзийдиган ҳаёт ҳисобланган. Абу Ҳанифа мурувватли ҳеч бир кишини ёмон деб гапирмовчи, бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилмовчи, икром ва эҳсонларни бошқалардан аямаган гўзал сифатли ва яхши сиратли киши бўлган. Шогирдларига мушфик, меҳрибон ва ғамхўр бўлган. Имоми Аъзам мазҳабидагилар учун саҳоба ва тобеъин фазилатларидан сўнгра имоми Аъзам...фазилатларини ўқиб зикр қилмоқ... ва сиротли ҳамидларини билмоқ жуда яхши амал қилғондек бўлур ва кўнгил нури илоҳий ила тўлур²¹⁴.

Исломий ахлоқ тартиб-қоидаларини Ўрта Осиё ҳудудида жорий этишда Имом Аъзам исмининг муболағаси ҳам ўзига яраша аҳамият касб этган. В. Самарқандийнинг таъкидлашича нуъмон қон маъносини беради. Қон эса киши организмнинг таянч (қувончи ва тирикликнинг тартиби низоми) ҳамдир. Баъзи ҳукамоларнинг таъкидлашича, қонни руҳ билиб, Имоми Аъзамни фикҳ илмининг таянчи; зарур масалаларнинг руҳи деб айтганлар. Бошқалари Нъумонинг маъносини қизил лола билан айлантириб, имоми Аъзам таълимоти фикҳ гулшанинг лоласи, яъни ислом гулининг гулшанидир, дейишлари ҳам бу мазҳаб мусулмонларининг ахлоқий амалларига сингиб кетишига омил бўлганлигига шубҳадан узоқдир.

Халифа Хорун ар-Рашид Имоми Абу Юсуфдан устозингиз Абу Ханифа қандай киши эди, деб сўраганда Абу Юсуф Эй Амир ул-мўминни, менинг билғоним шулки, устозим ҳазратлари Аллоҳ Таъоло ҳаром қилғон нимарсалардан қаттиқ қочар эдилар ва кўп парҳезлар эрдилар. Шариъти ғарройиисломни (исломнинг ёрқин шариати) аҳком (ҳукм)лари ҳақида ҳаргиз билмасдан туриб гапирмас эрдилар. Худога тоат қилмоқни кўп суяр эдилар, гуноҳ қилмас эдилар. Аҳли дунёдан қачар эдилар, ҳамиша узун сукутлик ва хомуш эрдилар. Доим андиша қилур эрдилар, илмлари кўп эрди. Агар бирор масаладан сўралганда ул масалани билғон бўлса бирор кўп таҳқиқлаб, сўзлаб савоб (тўғри)лигини исбот қилар эрдилар. Агар билмағон бўлсалар, ҳақга қиёс қилур эрдилар ва тобеъи ҳақ билур эрдилар. Нафслари бирла динларинияхши сақлар эрдилар. Одамларга илмлари ва молларидан инсор қилиб бахшойишлик эрдилар. Ўзлари ғанай булиб, ҳеч бир моллик кишига майл қилмасдан ва ҳеч одамдан умидвор

²¹⁴ Васлий Самарқандий. Ўша асар 10-б.

бўлмасдан тириклик қилиб, тамъадан кўп узоқ эрдилар ва ҳеч кишидан ғийбат қилмас эрдилар. Агар кимдан гапурсалар, яхшилаб гапулар эрдилар ва қатъан беҳуда сўз демакдан безор эрдилар, деганда ʔалифа “бу сифатлар солиҳин (пок одам)лар ахлоқи ҳамида (яхши хулқ)ларидур”, деб таъкидлаган²¹⁵.

Васлий Самарқандийнинг асарида Имом Аъзамнинг ахлоқи ҳамидалигини ёритувчи яна бир неча хислатлари келтирилган: “Имоми Аъзам ҳазратларими ўн буюк писандида (ёқимли) хислатлар жам бўлгон эди”:

Вараъ (парҳезлик). 2. Сидк (содиклик). 3. Иффат (поклик). 4. Мадорату-и-нос (одамлар билан мурса). 5. Маваддати содиқа (садоқатли дўстлик). 6. Иқборун ало мў янфаъу (фойдали насага ҳайрихоҳлик). 7. Тавлус-самти, яъни кўп хомуш (тим)лик. 8. Савоб (тўғри) сўзлик. 9. Ямонлик қилғонга яхшилик қилмоқ. 10. Тамаъсизлик. Агар Имоми Аъзамнинг бу ўн хислатларидан бири бошқа одамда топилсп, қабиланинг бошлиғи ва ўз вақтининг сардори бўлур эрди²¹⁶.

Туркиялик ҳамда аксоки фикрига қараганда, Озорбайжон шиааларидан ташқари ҳамма таркий халқларнинг мазҳаблари ҳанифий эканликларидан Абу Ҳанифа ибн Собит (699-767) нинг насаби ҳам турклардандир²¹⁷. П.Цветковнинг ёзишича Абу Ҳанифа ҳуқуқшуносликдан бирини сабоқни Имом Жафар ас-Содикдан олган ва ўз асарларида рад этиб бўлмайдиган обрў сифатида ўз устозидан тез-тез далиллар келтирган²¹⁸.

Абу Тохирхўжа Самарқандийнинг “Самария” асарида берилган изохда АбуҲанифани 80 (699)-150(769) йилларда яшаган деб ёзилган. Имом Аъзам баъзи саҳобалар-яъни муҳаммадни кўрган кишилар билан ҳамда шиаларнинг имоми Жафар ибн Содик билан ҳам бевосита учраган.

Ривоятларга қараганда Имом Абу Ҳанифа ўта художўй, тақвадор, зоҳидлик турмуш тарзида яшаб, Оллоҳнинг бирон аҳдини бузиб, гуноҳ қилиб қўйишдан жуда ҳам кўрққан. Куф шаҳрида ўғирланган қўй гўшти сотилганини эшитиб, ўғирланган ҳаромни ейишдан кўрқиб, етти йил қўй гўштини истеъмол этмаган.

²¹⁵ Васлий Самарқандий. Ўша асар. 43-44-б.

²¹⁶ Васлий Самарқандий. Ўша асар. 44-б.

²¹⁷ Қаранг: Каримов Г.М. Шариат... 16-б.

²¹⁸ Цветков Т. Исламизм. Т. III. Асхабад. 1913. 40-б.

“Мовароуннаҳр мусулмонлари”нинг 2-3 (94-95)-сонида нашр этилган Салоҳиддин Муҳиддиннинг мақоласида ёзилишича, Абу Ҳанифа тижорат билан машғул бўлиб келган. Аммо сотиладиган нарсаларини айбли жойини юзига қўйиб, яхши жойини кўринмайдиган қилиб кўярдилар... ривоят қилишларича, шериклари Ҳафс ибн Абдурахмонни бир қанча тўнни сотиш учун бир юртга юборадилар. Уни кузатаётиб: “Тўнларнинг ичида биттасининг айби бор, шу айбини сотишдан олдин оловчига кўрсатгин” деб тайинлайдилар. Лекин Ҳафс ибн Абдурахмон мазкур тўнни айбини кўрсатиш эсидан чиқиб сотиб юборади. Харидорни эса танимайди. Абу Ҳанифа буни билган, сотувдан тушган маблағнинг ҳаммасини садақа қилиб юборадилар²¹⁹.

Хуллас, Имом Аъзам тижоратда таъма қилишдан йироқ, муомалада нухратда ишончли ва амин (ростгўй), саҳиллик разолатидан узоқ, яхши муомалани ҳам ибодат ҳисоблаб, кўп вақтларда кундузлари рўза, кечалари ибодатда қоим киши бўлган. 45 маротаба ҳаж қилган.

Имом Аъзам ҳақида ҳадислар ҳам тўқилган. Масалан, пайғамбарнинг ҳадисида: “Менинг халқим орасида Абу Ҳанифа исмли одам пайдо бўладики, у машр куни халқнинг машъали (хуршеди) бўлади”. “Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа Оллоҳнинг дини ва сунналарини жонлантиради”, “Одам Ато мен билан фахрланади ва мен Абу Ҳанифа билан, кимда ким уни севса, мени ҳам севади, Ким унинг душмани бўлса менинг ҳам душманимдир”, Мени халқим орасидаҳар бирюз йилда кишиларнинг эътибори билан, уларнинг орасида энг фахрлиси-Абу Ҳанифадир.

Ислом анъанасида Абу Ҳанира тўғрисида Алининг қўйидаги сўзлари ҳам машҳур: Қуфада Абу Ҳанифа деган диннияҳши биладиган пайдо бўладики, баъзилар томонидан унинг билимини ва ҳаракатини қадрлай олмаганларидан ҳалок бўлади²²⁰.

В.Самарқандий ўз асарида “Ад-дур-ул-мухтор фи шарҳи таквир ул-абсор” номли китобдан қўйидаги иқтибосни келтиради: “Қуръондан сўнгра Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалом муъжизаларининг каттароғи Абу Ҳанифа ал-Нуъмон Имоми Аъзамдир, ...Алайҳи васоллом айтдиларким. Одам алайҳуссалом менга фахр қилиб аркан ва мен умматдан қимарса фахр қилурманки, исми Нўъмон ва лақаби Абу Ҳанифадир. Ул киши умматимга ҳидоят (тўғри

²¹⁹ Мовароуннаҳр мусулмонлари. 2-3 (94-95)-сон. 1992. 39-б.

²²⁰ В.Самарқандий. Ўша асар. 7-8-б.

йўл) чироғи эрур. Шак йўқдурки, бу ҳадис... Содиқ ва мутаҳаккит (ҳақиқий)... унинг нури билан ислом олами равшан ва мунаввар бўлди ва бўлмоқда. Мингларча йўлидан озғонлар ҳидоятлари зиёси ила ҳақинча мақруд йўлдан топди ва топмоқда. ... Алайҳис-салом айтдиларми Пайғамбарларимизга фахр қилурлар эрди ва мен Абу Ҳанифага фахр қилурман. Кимки Абу Ҳанифани дўст тутса, мени дўст тутмиш ва ҳар кимарса анга душманлик қилса, менга душманлик қилмиш, инсон аҳлиға, Пайғамбарга дўст тутмоқ важоб бўлғонидек ...Имоми Аъзам ҳазратларини ҳам дўст тутмоқ, важабдур ва билъакс саркагилик этмак (бўйин эгмасдин) ҳаромдур...”²²¹.

Шарқшунос П.Қветковнинг “Исломизм” асарида қайд қилишича, Абу Ҳанифа Қуръон ва сунналардаги мураккаб қонун-қоидаларни эпчил, анчагина оз-оз, мулоҳазали шароитларга мойил ва тушунарли қилиб беришга ҳаракат қилган.

Албатта, Абу Ҳанифа ҳар бир масалани Қуръон асосида ҳал қилишга ҳаракат қилган. Агар Қуръондан топилмаса, унда саҳобаларнинг фикр-мулоҳазаларидан излаган. Улардан ҳам топилмаса, ўзи қиёс илми орқали ижтиҳод қилган. Имоми Шофиъийнинг уламолар қиёс хусусида Абу Ҳанифанинг аёлидурлар, деган сўзлари келтирилган, лекин Имоми Аъзам ўзгаларнинг фикрини рад этмай, вожибларига амал ҳам қилган.

Абу Ҳанифа оқил ва хур одамнинг эрки ва иродасини ҳурмат қилган ҳолда фикҳ масалалари ва муаммоларини ёзишича ҳаракат қилган. Масалан, Абу Ҳанифа: “Агар инсон балоғатга етган бўлса-ю, лекин ақли камлиги, ё сарфиётни яхши қилаолмаганлиги учун молини исроф тариқасида сарф қилса ҳам, уни бундай сарф ҳаражатдан ман қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки у хур ва мустақил инсондир. Шунингдек, бир кишини бошқа бировдан қарз бўлса-ю, қўлидаги бор моли ўша қарзи билан баробар бўлса-да, қарзни ундириш учун уни мажбур қилиш ёки ҳибсга олиш зулмдир” деганлар²²². У судхўрликни қоралаган. Қарздордан бирор манраат олишни рад этиб, уни рибо (судхўрлик) бўлади деб таъкидлаган.

Юқорида айтганимиздек, ислом қадимий араблар орасида ҳуқуқий-ахлоқий “қадрият”лардан бири сифатида ҳукм сурган қотиллик учун ўч олиш одатини анчагина чеклади. Яъни, бир кишининг ўлими учун бутун уруғ ёки қабилани ўлдиришга интилишни-ўша ўлдиргандан ўч олиш билан чегаралади. Масалан,

²²¹ В.Самарқандий. Ўша асар. 7-8-б.

²²² Мовароуннаҳр мусулмонлари, 1992. № 2-3 (94-95), 41-б.

Қуръоннинг Ал-Исро сурасидаги “Оллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган жонни (яъни, қатл этилишга мустаҳик), сазавор-Х.Х.) бўлмаган жонни ноҳақ ўлдирманглар, матар ҳақ (шеръий қонун) билангина (ўлдиришларингиз мумкиндир)”. (17:33) фикрига кўра эркак учун-эркак, аёл учун-аёл, қул учун-қулдан ўч олиш ёки пул ва мол билан унинг қон ҳаққи-деб олиши мумкин. Имом Аъзам мазҳаби шафиъийлардан фарқ қилиб, қасос олиш учун ўлдирилаётган кишини у қай йўсинда бошқани ўлдирган бўлса, бунинг ўзини ҳам шу йўсинда ўлдирилиши талаб этмай, тезроқ, яъни “осонроқ” ўлдиришни бошини кесишни талаб этади. Аҳл ўз-зиммаси ўлдириш ҳиссасини ҳам ҳанифийлар диё билан алмаштиришни асослайди.

Ёки ўғирликни олсак, Қуръон “Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун, Оллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглар!...” деган. Агар ўғрилик биринчи маротаба қилинган бўлса, ўғрининг ўнг қўли (бармоқлари) кесилади, иккинчи маротаба бўлса, чап оёғи, учинчи маротаба-шафиъийлар чап қўлини кесишни, Имом Аъзам мазҳаби эса ҳибсга олишни буюради. (Бундай жазони ҳанифийлар 10 дир ҳамдан оз бўлмаган қийматни назарда тутсалар, шафиъийлар 3 дирҳамдан паст бўлмаган қийматни назарда тутишади).

Исломда диндан қайтиш-муртад-деб номланиб, жуда катта оғир гуноҳ (кабира) ҳисобланади. Шариат мазҳаблари орасида қандай гуноҳни кабира ҳисоблаш керак ва унга қандай жазо белгилаш керак деган масалада тўла яқдиллик бўлмаган. Умуман олганда, энг оғир ҳисобланган диний гуноҳлар (масалан, худонинг мавжудлигини рад этиш, пайғамбарни ҳақорат қилиш кабилар) кабирага кирган, бунинг учун шариатда ўлимга ҳукм қилинган, нариги дунёда эса у абадий дузахга тушади, деб ўқтиришади. Шуники характерлики, гражданлик муносабатларига хос жиноятларидан ҳеч бири кабира ҳисобланмаган²²³.

Кабира гуноҳли эркак ва аёлни ўлдиришни талаб этган, қолган уччала мазҳабдан фарқ қилиб, Имом Аъзам мазҳаби эса хотинларни ўлдирмай қамок жазосига тортишни лозим кўради.

Мусулмон никоҳи фақат мусулмонларнинг орасида бўлиши мумкин. Аммо, ҳанифийлар мусулмон эркакка христиан ёки яҳудий динидаги аёлга ўз динини сақлаган ҳолда уйланишга ижозат беради. Лекин мажусий ёки оташпараст аёлга уйланишни ман этади. Шундай

²²³ Ислом. Справочник.-Т.: 1989, 171-б.

ҳолни шафиъийлар ман этади. Шиалар эса улар билан вақтинчалик қонунлаштирилган муваққат-мутъе никоҳига ижозат беради. Аммо мусулмон аёли на ақл ўз-зиммасига ва на хусусан, мажусийларга турмушга чиқишни тўртала мазҳаб ҳам ман қилади. Лекин “Болиға, (яъни балоғатга етган-Х.Х.), оқила, хур аёл турмушга чиқишда, агар у хоҳламаса аёлни мажбур қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Йигит уйланишда қиз танлашга қандай ҳуқуқи бўлса, қиз ҳам худди шундай тенг ҳуқуқга эга”, бироқ, қиз ҳаётӣ тажрибаси камроқ бўлиб, куёв танлашда хатога йўл қўйса, танлаган куёвига қизнинг валийси марози бўлса, никоҳлари бекор, деган мулоҳазани ҳам Абу Ҳанифа айтган²²⁴.

Ҳанифийлар ота-онадан ажралган ўғил болани 7 ёшдан сўнг, қиз болани балоғатга етгандан кейин агар отаси хоҳласа унга қайтариб беришини лозим топади. Шафиъийлар эса болалар ким билан яшашларини ўзлари танлашини маъқуллайди. Қандай вазият бўлмасин ота-оналар ўз фарзандларидан хабар олиб турушлари ҳуқуқига эгалар.

Ҳанифийлар бошқа мазҳаблардан фарқ қилиб ақл ўз-зиммасига нисбатан дурустгина муносабатда бўлганлиги ҳам исломнинг инсонга бўлган хайрихоҳлик муносабатини яққол намоён этиб, бу диннинг кенг миқёсда тарқалишига имконият яратишдаги омилларидан бири бўлса ҳам ажабланарли эмас. Ёки ақл ўз-зиммасига бўш ерларни экин экиш учун олиш, мусулмон уйини ижарага олган, одоб доирасида масжидга кириши мумкин бўлган.

Ислом дини арабистон худудидан ташқари чиқиши ва унинг кенг ёйилиши даврида Оллоҳга сажда этиш қайси тилда жорий этилиши муаммоси келиб чиқади. Такводорлик, диндорлик, художуйликнинг маъносини билмаслик худонинг марҳаматига сазавор бўлиши мумкинми, деган маъно чиқадиغان бўлди. Бошқа тилда такводорлик қилишнинг фойдаси борми?

Имом Аъзам намоз ва хутбани бошқа тилларда ҳам ўқиш мумкин деб асослайди. Унинг шогирдлари имом Абу Юсуф ва имом муҳаммадлар ўз устозларининг таълимотини ардоқлаб, араб тилини билмовчилар ўз такводорликларини бошқа тилда амалга оширишлари мумкин, деб ҳисобладилар²²⁵.

Бу масала мусулмон оламида катта тортишувларга ҳам олиб келган. Араблар ўз истилоси даврида босиб олган ва араб халифалигига бўйсундирилган яқин ва ўрта шарқ ҳамда Мовароуннаҳр ҳалқлари орасида Қуръон тилини билмаслик туфайли диний маросим

²²⁴ Қаранг: Мовароуннаҳр мусулмонлари. 2-3, 94-95-сон, 1992, 41-б.

²²⁵ Қаранг: Цветков П. Исламизмъ. 18-19-б.

ҳамда тафводорликни тушунмасдан адо этишда қийинчиликлар келиб чиққан. “Самария”нинг муаллифи Абу Тоҳирхожанинг гувоҳлигича, дерларким, биров имом яъни имом Паздавий²²⁶ қошига келиб, Қуръонни форсийчасига ўгириб ўқисалар ва арабчасини бир ёққа ташласалар тузукми? Деб сўрабди. Имом дарҳол у кишини ўлдиришга буюрибди ва бу кишини ўлдиришга буюриғимининг сабаби йўлини, бу одам “Қуръон”ни мўъжизаликдан чиқариб, динга ҳалол ва ўзгариш киритмоқчилар. Шунга кўра уни ўлдиришни вожиб билдим, деди. Имомнинг бу ишини Самарқанд ҳокими маъқуллади²²⁷.

Наршаҳийнинг ёзишича, Бухороликлар дастлаб ислом динини қабул этган пайтларида арабчани ўргана олмаганларидан намозда Қуръонни форс тилида ўқир эдилар²²⁸.

Бундан ташқари Қуръондан бир-икки оятни ёдлаш мажбурий бўлган зидда бўлмаса, намозда катнашаётган, имомнинг ҳатти-ҳаракатини такрорлаш одати жорий этилган²²⁹.

Маълумки, ийди рамазон бирла, ийди қурбон намозларини ўқимоқ ва яна намоз хуфтондан сунгра номозни виртни ўқимоқ вожибдур²³⁰ яъни, зарур топмаган кишилар кофир ва бейймон бўлмаса ҳам қаттиқ гуноҳкор ҳисобланади. Ана шу витр номозига ҳамма мазҳаб имомлари бир хил қарамаганлар. Масалан, имом Аъзам мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа витр намозини Қуръонда кўрсатилмаган бўлса ҳам ким мажбурий деб ҳисоблайди. Имом Шофиъий эса бу номозни суннатий, яъни пайғамбарнинг кўп вақтларда қилган амалларидан деб ўқтирилади. Хотин-қизларнинг рўза тутишларида бўлган муносабатда ҳам ханифия мазҳабида ўзига хос фикр мавжуд. Агар аёл ҳомиладаор ёки чақалоқни эмизиш даврида қориндаги бола ёки эмизилаётган болага онанинг овқат емаслиги салбий таъсир этса, рўза тутиши шарт эмас. Кейинроқ рўзани тутиши мумкин. Аммо буни гуноҳ ҳисоблаб, уни ювиш керак ёки керакмаслигида мазҳаблар орасида тафовут мавжуд: Умар ибн Аббос ва Шафиъийлар буни гуноҳ ҳисоблаб уни ювиш тарафдорлари бўлсалар Ҳасан ибн Али бунга қарши чиқади ва буни Абу Ҳанифа ҳам қабул этган²³¹.

²²⁶ Машҳур руҳоний олим, вафоти 1098 йил Самария... 35-б.

²²⁷ Самария... 35-б.

²²⁸ Самария... 124-б.

²²⁹ Қаранг: Цветков П. Исламизм 19-б.

²³⁰ Аҳмад Ходим Маҳфудий Ибодати исломийа. –Т.: “Меҳнат”, 1991, 56-б.

²³¹ Қаранг: Цветков П. Исламизм 211-б.

Ҳаж масаласида Қуръоннинг ол-и Имрон сурасидаги қуйидаги оятлар: “Албатта, одамлар ибодат қилишлари учун қурилган биринчи уй маккадаги муборак ва бутун оламлар учун ҳидоят бўлган қаъбадурки, ...унга кирган одам ҳар қандай хавф-хатардан омон, каби очик оят-аломатлар бордир... ва бунга қодир бўлган кишилар зиммасида Оллоҳ учун шу уйни ҳам-зиёрат қилиш бурчи бордир” ...(96-97). Шунда “Қодир бўлган кишилар” деган ибораларнинг талқини ҳам ҳар хилдир. Имом аш Шофиъий соғлиги кутармай заифу нотавон ва қувватсиз бўлиб қолган киши ўз ўрнига бошқа кишини юбориб ҳаж қилдирмоғини лозим топади. Имом Малик ўзини боқа оладиган ва юра оладиган ҳажга бориши шарт деб топса, Абу Ҳанифа “Қодир бўлган кишилар деганда мўмин художўйларнинг моддий ва шахсий маблағига вобаста деб ўқтиради”²³².

Абу Ҳанифа от гўштини ейишни одобдан ташқари деса, шогирдлари бефарқ деб топишади. Маълумки, чорвадорлар орасида от гўштини суъистемол этиш кенг тус олган, Хужжат ул-ислом унвонига сазавор бўлган фикҳ ва фалсафа илмининг йирик намоёндаси Ғаззолий ҳам “от гўштининг ҳалоллигини даъво қилиб далил” келтирганда, юқорида зикр этилган имом Паздавий қабул қилмаган²³³.

Абу Ҳанифа яратган шариат мазҳаби қисқа, лўнда, эпчил, ўзгартиришларга бой, тадбиркорлик тарзида баён этилган. Ҳукм Қуръон ва сунналар²³⁴га таянган ҳолда, ҳамма назарий саволларга жавоб берувчи йўл-йўриқ ҳисобланади. “Эркин ҳукм тарафдорлари” номини олган ханафийлар қуруқ ҳарлар ўлик маъно, мазмун эса ҳаёт деган шиорга таяниб, улар таълимоти воқеаларнинг туб маъносига чидам билан бориб етишдан келиб чиқиб, кўпинча муросасозлик, ўзгартиришларга бой, изчил тус олган эди. У суннадан олдинроқ Қуръонга таянган ҳолда ундан парчалар олиб, астойдил таҳлил этарди. Юзаки жиҳатдан эски қонунлар асосида ҳукм юритаётган бўлса ҳамки, ўз фикрини мустақил равишда олға сурган.

Иккинчи жиҳатдан нисбатан эркин фикр юритиши билан ҳам ажралиб турган. Исломнинг чегараси кенгая бориши билан унинг умумий қонунлари ҳамма ҳудудларда баробарига амалга жорий этила олмаслигини пайқаган аллома маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб амал қилиши дастурини ишлаб чиқди. Шунинг учун ҳам у яратган қонунлар нисбатан юмшоқроқ ва қулайроқлиги, маҳаллий урф-

²³² Қаранг: Цветков П. Исламизмъ 283-284-б.

²³³ Қаранг: Самария... 35-б.

²³⁴ Қаранг: Ислом Справочник. –Т.: 1989, 305-б.

одатларни, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли кенг тарқалган²³⁵.

Закот кимларга берилмайди? Закот қўйидаги шахсларга берилмайди: 1. Зиммийга. У мусулмонлар орасида яшаб мусулмонлар томонидан, унинг жони, моли, аҳли-аёли омонликда яшашга аҳднома берилган бошқа диннинг вакили. 2. Бадавлатларга ва уларнинг болаларига, чўрию-хизматчиларига. 3. Қариндош-қариндошларга. Улар жумласига ота-она, бува-буви, ўғил-қиз ва набиралар киради. 4. Жуфти ҳалол бўлган хотинига. Чунки унинг нафақаси эрининг бўйнидадир. 5. Пайғамбарларимизнинг Ҳошим ва муталибдан тарқалган авлодларига. Бу ўринда бир савол туғилади? Закотдан мусулмон бўлмаган камбағал ва ночор бўлган кимсаларга берса бўладими ёки йўқми? Бу масалада Имом Аъзам шу фикрларким, Ғайридин бўлган фақир бечоралаога закотдан эмас, балки фитр садақатидан ва ихтиёрий садақалардан берса бўлади²³⁶.

Шариат нуқтаи-назаридан жамғарма қилиб қўйилган бойлик моллари, савдо-сотик қилиш учун олиб қўйилган ашёлар ва чорва моллари закот ҳисобга, яъни олиш даражаси, микдорининг кўрсаткичига етгандан сўнг, бир йил юзини қўймоғи лозим. Аммо мева-чева, экин-текинларнинг закоти ҳосил йиғилгандан кейин берилиши шарт. Бир йил юзини қўймоғи шарт бўлган моллардан муддатидан олдин закот бериш мол эгасининг ихтиёрига вобаста. “Шариат ва фақир бечораларнинг аҳволлари танг бўлиб қолганда уларнинг манфаатини кўзлаб закотни ўз вақтида илгари берилишига Имом Аъзам, Имом Шофий ҳам ва Имом Аҳмад ҳам ижозат берганлар”²³⁷.

Ҳанифа мазҳабининг илоҳиётчиларидан Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд Матуриди (944 йилда Самарқандда вафот этган) ўзининг “Китоб таъвилот ал Қуръон (Қуръон тафсири китоби)да инсоният тақдири ва эркин иродаси Оллоҳнинг иродаси билан амалга оширилишига қарамай, Оллоҳнинг ридвони-хоҳиши асосида эмас. Оллоҳ инсонни эркин иродаси билан бирга яратган, у ўз ихтиёри билан ҳатти-ҳаракат этади. Шунинг учун ҳам бу ҳаракатларига охиратли баҳо олади, -яхши ишлари учун Оллоҳ унга қўмаклашади, ёмон ишларини кўрган оллоҳ ундан узоқлашади. Шу билан инсоннинг

²³⁵ Аш-Шаҳристони. Книга о религиях и сектах. –М.: “Наука”. 1984. 238-б.

²³⁶ Абдулқаҳҳор Шоший. Закотнома. (Имом Аъзам мазҳабларида)-Т.: “Нашир Нам” ширкати, 1991. 25-б.

²³⁷ Абдулқаҳҳор Шоший. Ўша асар. 26-б.

қилмишларига нисбатан ахлоқий маъсулиятни оширишга олиб борилади”²³⁸.

Ислом оламига диний ва ахлоқий аср-фармойишларининг бажарилиши устидан назорат қилувчи аждодлар-мухторибларнинг катта мансабдор шахслар махмуи барпо этилиб, улар халқ томонидан ислом маросимлари, урф-одатлари ва ахлоқий тартиб-қоидаларининг бажарилиши ва бажарилмаслигининг ҳисоб- китобини олиб борадилар. Албатта, ахлоқ тартиб-қоида, удумлар, олди сотди, борди-келди кабилар ислом шариати нуқтаи-назари асосида амалга ошуви назарда тутилади. Раислар аҳолининг масжидларга боришини, муаззинлар томонидан ўз вақтида номозга чорлашларини рўзанинг мусулмонлар томонидан бузилмаслигини қатъий назорат қилган. Хотин-қизларни ёпинчиқ ва паранжисиз кўчага чиқмасликларини, бозорларда олди-сотиксиз эркаклар билан сўзлашмасликларини, ҳаммом ва бошқа жамоат ҳамда кишилар йиғиладигшан жойларни кузатган. Тартиб бузувчи мастлар, қиморбозлар, гиёҳванд, нашавандларни таъқиб этган.

Рўза тутмаган, азон айтишган масжидга бормаганларни, тошу тарозида фирибгарлик қилганларни дарра билан уриб жазолашга ҳукм чиқариб, ўша ернинг ўзида ҳукмни ижро этган.

Ўрта Осиё Имом Аъзам маҳзабининг янада кенгроқ жой олишига унинг шогирди Мутакаллим ас-Самарқандий номи билан машҳур бўлган Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Матуридий ўзининг “Китоб таъвлат ал-Қуръон” таъвил-анъанавий Қуръон тавсифидан фарқи ўлароқ, Қуръон матнларининг “Сирли мазмуни”ни очишга ҳаракат қилиб уни маъжозий талқин қилиш усули асарида ханафийлар фалсафаси Каломини ишлаб чиққан. И.П. Петрушевскийнинг фикрига биноан, ал-Матуридий Имом Абу Ханифага ўхшаб жиноий ҳаракатлар (гуноҳлар) худонинг иродаси билан амалга ошса ҳамки, унинг хоҳиши келиб чиқмайди, деб ўргатади²³⁹. Ал-Матурудийнинг фикрича, Оллоҳ одамни эркин иродали қилиб яратган; шунинг учун инсон ўлимидан сўнг ё ажр, ё жазо оладиган у ёки бу ҳатти-ҳаракатини ўз ижтиёри билан амалга оширади; яхши, пок, эзгу ишларида Оллоҳ унга кўмаклари ёмон, ҳаром ва разил ишларидан уни тарк этиб, турли гуноҳкорлик қилишида унинг измига тушмайди. Шундай қилиб,

²³⁸ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. Курс лекций. Л.: 1966. 219-б.

²³⁹ Ислом. Справочник... 254-б.

инсоннинг ўз ҳатти-ҳаракати олдида ахлоқий маъсулият яратилади, деган далил келиб чиқади²⁴⁰.

Юқорида зикр қилинган ўзига хос хусусиятлар, соддалиги, анчамунча енгиллиги ҳамда маҳаллий урф-одатлар билан зид келмаслиги ва бошқа хислатлари билан Мотурудий каломи имом Аъзам мазҳабининг кенг тарқалган ҳудудларидан бири Ўрта Осиё бўлган.

Имом Аъзам мазҳабининг кенг халқ оммаси орасида тарқалишига сабаблардан яна бири Абу Ханифанинг турмуш машаққатлари қанчалик оғир бўлмасин ҳоким ҳатто Ҳалифаликдан ҳам ҳадялар олмаган. Имомлардан Имом Малик ва имом Шофий давлат хазинасидан маблағ хазинасидан маблағ олганлар. Имом Молик халифалардан ҳадя олишни “ҳоким олимга ўз ҳаётидан бермайди, чунки олим илм билан машғул бўлиб, бошқа йўл билан ризқ топишга ҳаракат қилмайди. Шунинг учун ҳам у хазинадан ҳожатига яраша маблағ олишга рухсат берган. Имом Шофий эса пайғамбар авлодига бевосита даҳллий шахс сифатида тегишли ҳисса (Банул Муттолиб-Х.Х.)ни олган. Абу Ханифа ва ибн Ханбаллар бундай маблағ олишга қатъий қарши туришган. Халифа Абу Жаъфарнинг нима сабабдан мен берган ҳадялардан қабул қилмайсиз?” деган сўроғига Имом Аъзам-“менга ўз шахсий молларидан юбормадилар, бинобарин қабул қилмадим, аммо юборган ҳадялар байтул молдан (давлат хазинасидан-Х.Х.) уни олишга эса мени ҳаққим йўқ. Чунки мен жангчи эмасманки, жангчилар олгандан олсам, ёки уларнинг фарзанди эмасманки, фарзандлари олгандек олсам, фақир ҳам эмасманки улар олганларидек олсам”²⁴¹, деб жавоб берган.

Ислом тарихида гоҳ расмий эътиқод сифатида танилиб (Ҳалиф Восиқ (827-851) даврида), гоҳ таъқиб остига олиниб (мутаваккил 847-861) келган муътазилийлар антик фалсафа ва мантиқнинг усул ҳамда тушунчаларини илоҳиётга татбиқ қилиб, Қуръон ва сунна таълимотини ақл-идрокка мос талқин этишни илоҳиёт асосларидан бири деб эътироф этганлар билан ҳанафий (шафаъийлар ҳам) мазҳаби изчил равишда мунозара юритган. Ажабланарли жойи шундаки, буюк Аристотельнинг фалсафий қарашлари, юқорида зикр қилинганидек нафақат буюк Шарқ алломаларига шарқона ахлоқ-одоб, тартиб-қоидаларини ривожлантиришда ёрдам берган. Энди эса у ислом каломини асослашга қўшимча куч, далил сифатида ҳам хизмат қилган.

²⁴⁰ Қаранг: Петрушевский И.П. Ислом в Иране... 218-219-б.

²⁴¹ Мовароуннаҳр мусулмонлари. 2-3 (94-95). 1992, 40-б.

Хуллас, ислом шариатини Ўрта Осиё шариатига (бошқа худудлар билан бир қаторда) мослаштириш жараёни маҳаллий халқлар орасида минг йиллар мобайнида шаклланиб келган ахлоқий қадриятларни инкор этмай Имоми Аъзам асослаган фикҳ илмидаги истехсон услуби бизнинг шароитимизда мувофиқлаштирган ҳолда содиқлик, поклик, садоқатли дўстлик асосида одамлар билан яхши муомилада бўлиб, ёмон сўз қилганга ҳам яхшилик айтиш, инсоннинг фойдали ишига ҳайрихоҳлик қилиш каби писандида хулқ-атвор фазилатларини янада ҳам кенгроқ тарқалишига олиб келди.

Бутун Ислом оламида содир бўлганидек, Ўрта Осиёда муслмончилик ахлоқининг ривожига жуда ҳам кўп авлиё, тақводор ва азизлар ҳамда уларнинг қарашларига эътиқод қилишнинг шаклланиши билан ҳам чамбарчас вобастадир. Тўғри, бундай эътиқодлар арабларда исломдан олдин келиб чиққан. Бундай ҳол Ўрта Осиёга ҳам тааллуқли. Илм исломда баъзи авлиёларнинг муқаддаслиги назарда тutilади. Аммо бу асло уларга нисбатан эътиқод эмас. Аксинча, Қуръон ва авлиё, ва фаришта ва на бутларга сиғинишни таъкидлайди. Уларга сиғинишни ширк деб, ваҳдоният ва товҳидни илгари суради. “Улар, деб ёзилади Қуръонда-Оллоҳни қўйиб, ўзларига зиён ҳам, фойда ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар” ва “Ана шу нарсалар оллоҳ ҳузурида бизларнинг оқловчиларимиз”, дейдилар (10:18). Қуръоннинг “Наҳл” сурасида қайд қилинишича, (мушриқларнинг) Оллоҳни қўшиб, илтижо қилаётган бутлари биран нарсани яратувчи эмасдир, балки ўзлари яралгувчилардир... (улар) жонсиз (мато) ўликлардир. Ва улар (ўзларига сиғинаётган мушриқларнинг) қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмайдилар... Тангрингиз ягона тангридир... (16:19-22). Бунга ўхшаш фикрлар Қуръоннинг Раъд сурасининг 16 оятида, Каҳф сурасининг 102 оятида, Зумар сурасининг 45 оятида ва бошқа жойларда ҳам учрайди.

Хали илк ислом замонларида эътиқодга берилган Ўрта художўй кишилар валийлар, яъни авлиёлар (худога яқин одам-Х.Х.)га ҳурмат ва эҳтиром пайдо бўлиб, уларни бора-бора диний мансабдорлар тизимида муқаддаслаштириб, Оллоҳ билан одамлар ўртасидаги воситачилар даражасига кўтариладилар.

Голдциернинг фикрича, бошқа авлиёларга сиғиниш оддий халқнинг оммавий эътиқоди даражасида бўлиб, бундай ишонч мужоҳид ва фикҳлар томонидан тан олинмаган. Авлиёларга сиғиниш аввало муҳаммадга сажда қилишдан бошланган. Муҳаммадга

муъжизакорлик, ҳамма нарсани олдиндан кўра билувчи, воқиф, кароматгўй каби сифатларни раво кўрганлар.

Аммо П.Цветковнинг ёзишича, суфизм ва унинг дарвешлик жамоаларидаги маросимлар исломнинг руҳига мос келмаслигига қарамай, ҳокимлар улардан сиёсий яроқ сифатида фойдаланиб, уларни янада кучайтира бордилар. Дарвешларнинг ривожига бора-бора бидъат ва ҳурофат ўрнини аста-секин дин олаборди²⁴² Қуръон фақатгина Оллоҳга сажда этишни талаб қилса, энди мусулмонлар авлиёлар ва шайхлар ҳамда уларнинг қабрларига сиғина бошладилар. Уларнинг қудрати баъзан Оллоҳнинг қудратидан ҳам ортиқ эди: боласиз аёллар келиб, улардан фарзанд тиласа, ёш қизлар-улардан ёр сўрар, қариялар узоқ умрни, бадбахтсизлар-фаравонликни. Авлиёлар энди ҳамма нарсани башароит қилувчи, инсонлар тақдирини ўзгартирувчи-пайғамбардан ҳам зиёдроқ ҳокимият эгаси бўла бордилар. Бундай сиғинишлар исломни ўзига қарши чиққан ҳақиқийбутпарастликка олиб келди. Аммо ҳар қанча ваҳшийлик тарзида бўлса ҳамки, ёши улугларнинг ҳукмига сўзсиз, кўр-кўрона итоат этиб тартиб-қониданинг жорий этилиши ҳамда ҳамма бир шайх ҳукмига буйсунувчи катта кучга бирлаштириши ҳар бир мусулмондан фаоллик ҳамда ташаббускорлик руҳини барбод этарди.

Кейинчалик бундай хислатларни бошқа пайғамбарлар Али, Фотима, Хусан сўнграсаҳобалар, табеълар, мазҳаб асосчилари хусусан, Имом Аъзам ҳамда йирик илоҳиёт мутахассислари, дин йўлида Жафо чекканлар ва бошқаларни сажда қилиш кенг авж олиб кетган.

Ҳатто христианлик динидаги авлиёлар, исломгача мавжуд бўлган маҳаллий авлиёлар, афсонавий қаҳрамонлар (А.Македонский) ҳам муқаддаслаштирилди. Бошда фақиҳлар, авлиёларга сиғинишни тан олмаганларига қарамай (муътазилийлар уларнинг “муъжизаларининг” сеҳргарлик деб атаганлар), X-XIII асрларга келиб ашъарийлар (мутакаллимлар) ва матуридийлар каломи ҳамда тасаввуф аҳли авлиёларга сиғинишини қонуний деб атадилар. Ҳатто Ғаззолий ўзининг “Ихйа улум ад-дин” (“Диний илмларни тирилтириш”) асарида ва Фаҳриддин Розий ўзининг Қуръонга берган тавсифида авлиёлар ва уларнинг муъжизаларини ислом ақидалари билан асослаганлар²⁴³.

²⁴² Қаранг: Цветков П. Исламизмъ... 11-12-б.

²⁴³ Қаранг: Петрушевский И.П. Ислам в Иране... 238-б.

Албатта, авлиёларга сиғинишни Қуръонга зид келтирмай, И.Гольдциер ўзининг “Культ святых в Исламе” асарида келтирилган ҳадис

“Ким авлиёга нисбатан душман сифатида чиқса, у Оллоҳга қарши очик уруш эълон қилади”²⁴⁴. Бунга ўхшаган бир қатор ҳадислардан фойдаланадилар. Илоҳиётчилар авлиёларнинг ўзлари ҳеч қандай муъжиза қила олмайдилар, аммо авлиёлар орқали оллоҳ нафақат одамни, балки қабр, бирон табаррук нарса, булоқ кабиларни муъжиза кўрсатишда ишлатади деб асослаганлар.

Хуллас, энди авлиёлар Оллоҳнинг муъжизасидан фарқ қилувчи, каромат соҳиблари ҳисоблаб, уларнинг қабри диний рамзларини бутпарастликдан фарқ қилганлар.

“Самария” муаллифининг ёзишича Самарқанд шаҳри ва унинг атрофида жуда кўпгина мазорлар, авлиё ва валилар номи билан мавжуд бўлиб, мусулмон оламида машҳур бўлган. Бу китоб IX боби “Самарқанд ва унинг атрофидаги сербаракат мазорларнинг аломатлари ва уларнинг номлари баёни ва машҳур сифатлари тўғрисида” деб аталиб, 87 та номлари аниқ ва яхшигина сақланиб қолган мазорларнинг келиб чиқиш тарихи, уларнинг диний нуқтаи-назардан асосланган моҳияти, уларнинг каромати ва фойдаси хусусида ҳамда ўнлаб ноаниқ, бузилиб кетган мазорлар жуда ҳам кенг маълумотлар келтирилган²⁴⁵.

Бу мазорларнинг “соҳиб”лари ичида Муҳаммаднинг амакиваччаси Қусам ибн Аббоснинг-Ҳазрати шоҳ-мазори, иккинчи халиф Умар Хаттобнинг наслидан бўлган Мавлоно Бурҳониддин Соғарбий-Ҳазрати Руҳобод-мазори, Мадинада туғилиб, 767 йилда Мадинада вафот этган шиаларнинг олтинчи имоми Ҳазрат Муҳаммад бин имом жаъфар мазори: у насаби Абу Бакрга туташган хожа Абдулфайз Балҳий мазори; тасаввуфининг йирик намоёндалари бўлмиш Қутъби Чордажум мазори (шайх Нуриддин Басир-ун учинчи қутб), Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор мазори, Баҳовиддин нақшбандийнинг халифаларидан бўлган Ҳазрат Хожа Сакко мазори, Аҳмад Яссавий силсиласига туташ бўлган Имом Али Суғдий ва шайх Азизон мазорлари, йирик фикҳ илмининг намоёндалари Абу Мансур Мотуридий Мотрудия мазҳабининг асосчиси, Бурҳониддин

²⁴⁴ Гольдциер И. Культ святых в Исламе... 98-б.

²⁴⁵ Қаранг: Тоҳирхўжа ва бошқ. Самария... 28-30-б.

Марғилоний мазори; машҳур қозилар Абдулфайз Балҳий, Хожа Абди Дахрун ва бошқаларнинг мазорлари мавжуд бўлган²⁴⁶.

Ўз моҳияти кўра анчагина ҳурфикрликка майл бўлган тасаввуф ислом негадир юзага келиб чуқур ислоҳот мазмунга эга бўлган таълимотдир. “Бундай ислоҳот мазмунининг улар инсоний қадриятларга майллиги бу таълимотнинг кенг халқ оммасига тезда сингиб кетиши, “халқчил” дин сифатида эътироф этилишига олиб келди. Мана шу “халқчиликка эга ислом дини маҳаллий халқлар томонидан қабул қилинишига муҳим омил бўлди”²⁴⁷.

Тасаввуф таълимотининг моҳиятини таҳлил этишга берилгани билан шуни таъкидламоқчимизки, Шайх Фариiddин Атторнинг “Мантиқ тайр” асарида ёзилишича, тасаввуф бу яхшиликнинг бир туридир. Лекин тасаввурдаги ахлоқ унга доир қадриятлар ислом ақоидидаги ахлоқий қарашлардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб ҳам туради, яъни бу оқим аслида омманинг зулмга норозилик ҳаракати сифатида дабдабабозликка, таъмиагирликка қарши эътирозини билдира олмади, моддий бойликлардан воз кечиш, қўлга киритилган меҳнатсиз даромадни харом деб ҳисоблаш ва жанда кийимда юриш каби фаолиятларида намоён этганлар.

Тўғри, шарқнинг кўпгина амалдорлари тасаввуфнинг баъзи таълимотларини қабул қилишганлар. Масалан, Ибн Сино тасаввуфнинг ваҳдат, ҳулул, фано ва баҳога нисбатан қарашларини рад этиб Оллоҳ билан бирлашиб, шахсий, жисмоний абадийликка айланиш ҳеч ҳам мукин эмас, ҳаракат ва воқеалар кароматдек тўйилса ҳамки, улар сабабий асарлар натижасида табиий қонуниятлардан ташқарида бўлмайди деб ёзади²⁴⁸.

Суфий шундай кишилардирки, у қандай хайрли ишни бажармасин, қаллоблик қилмайди; қилган хизмати эвазига тамаъ қилмайди, балки ўзини қусрли ҳисоблайди; бу ишни мен бажардим деб ҳаволанмайди, чунки бу ҳислат ширкка яқиндир. Улар ўзларини вафо ва шахватдан тиядилар; ўзларини дунёда бир саёхатчи деб биладилар. Улар пайғамбарнинг Харро тоғида узлатда зоҳияликда бўлиб турганидан ибрат сифатида қайта қилиб ғариблик ва узлатда бўлган одам ўз ҳаддини чуқур англайди, ёмонлик қилишдан ўзини тияди ҳеш ақработлар орасида бўлиш эса, кишида уларга орқа қилиш ҳиссини ўйғотади деб тушунадилар. Кимсасиз тоғу чўлларда, ғорларда яшаш

²⁴⁶ Қаранг: Самария, Абу Тоҳирхўжа ва бошқалар... 28-60-б.

²⁴⁷ Бозоров О. Шодиев Р. Ўрта Осиё тасаввури ва ахлоқий қадриятлар. –Самарқанд:.. 1992, 42-б.

²⁴⁸ Қаранг: Диноршоев М. Натурфилософия Ибн Сины. –Душанбе «Ирфон», 1985, 64-65-б.

эса, халқдан йироқда, уларнинг тўғри-нотўғри гапларини тинглаш, ғийбат ҳаромхўрликларига шерик бўлишдан ҳоли этади. Бу ҳол ўзига жоиз ва раво кўрилган ризққа қаноат этиб, ортиқчасидан ҳазар этади. Бу таркидунёчилик эмас, албатта! Узлат суфийни хусумат, гумон, тамаъ, нифоқ, риё, фосиқлик кабилар билан соғлиқ гуноҳлардан ҳам асраган унга руҳий поклик йўлини очган, гумроҳ ва ҳамоқатларнинг башарасига қараш азобидан ҳалос этган. Агар суфий халққа манфаат етказмоқчи бўлса, агар кўлидан келса, бечораларга садақа беради. У сабрли бўлиб васвасага берилмаслиги керак тавозени жойига қўйиб, ўзи ҳақидаги яхши-ёмон гапларга эътибор бермаслиги лозим. Бу гаплар ҳар қандай синфийлик, фирқавийликдан ҳоли эмасми? Шу нарса эътиборга сазаворки, суфийлик таълими учун тафсил этилган тасаввурга оид илмлар ҳам инсоний покликка ташвиқ этади.

Хуллас, тасаввуф аҳлининг кўпчилиги ахлоқий фазилатларининг шахсий намунаси сифатида майдонга чиққан. Уларнинг аксарият саховатли, ёмон юмушлар ва нарсалардан ўзини тийиб, йироқ тутадиган, сафардаги мададкор, етимларга меҳрибон, олий ҳиммат, мулойим сўз, камтар, одамларга ишонадиган, диний эътиқоди мустаҳкам, ифвогарлик қилмайдиган, қаноатли, кўп рўза тутадиган, ростгўй, ҳасадгўйлик қилмайдиган, қалби пок, сўзи билан иши, эътиқоди бир бўлган инсонлар бўлган.

“Бу ахлоқий қадриятларнинг мажмуаси ҳар бир жамиятдаги баркамол инсонларга хос сифатлар деб аташ мумкин. Лекин, тасаввуф аҳлига хос деб талқин қилинаётган бу қадриятларнинг кундалик қисми асрлар оша сайқаллашиб келган ахлоқий дикрдоналар, улар ўз моҳияти билан эътиборига кўра умуминсонийдир”²⁴⁹. Бу дурдоналар шарқона ахлоқ-одобни янада мукаммаллаштиришганда таҳсинга сазавор манбаъ бўлиб, оддий инсонларга ибрат сифатида бўлиб, уларнинг қалбидан зудлик билан жой олиб келган меҳр-саҳобат, руҳий кафолат, инсон қудрати, Ватанга садоқат, ерга сиғинмоқ каби ахлоқий уйғунликни туркий тилдаги ҳикматлар орқали донг таратган файласуф бўлган. Яссавий санъатининг бағрида деб ёзади Иброҳим Ҳаққулов ҳам “Кучсизлик ва куч дини” яширинган. Унда Инжил ҳам, “” Қуръон ҳам бор. Шоир ижодиётига “Қуръон”дан ўтган ғоя ва образлар сезиларли мавқега эга. Лекин улар қандай шаклларда ва қайси мақсадларда ўзлаштирилгани аниқлаш зарур. Мана ўшанда ҳақиқат равшанлашиб, чин моҳият юзага чиқади.

²⁴⁹ Бозоров О., Шодиев Р. Ўша асар. 44-45-б.

Ҳақиқат шундаки, А.Яссавий оят ва ҳадисларнинг мазмуни айнан ўзлаштирмай ғоявий, ахлоқий, фалсафий мақсадлар асосида қайта “ишлаб чиқарилган”. Унинг ахлоқий эътирозида оддий мусулмоннинг маънавий, илоҳий камолотига тўсиқ бўладиган инсондаги салбий хусусиятлар-ғофиллик, нафсга мағлуб бўлиш, нодонлик ва жаҳолатпарастлик, ҳақни танимаслик, беғамлик, такаббурлик, гуноҳкорлик, шафқатсизлик ва бошқа иллатларнинг, қайси юртда авж олишидай қатъий назар, уларга маънавий қадриятлар қимматини пасайтириб ташлашдай тушиш бонги акс этган. Унинг диний-ахлоқий фалсафаси дунёдаги юз ўгирмай шу иллатларда кутилмоқда ва улардан кутилмоқ йўлини-“худо йўлини” излайди. Шу йўл орқали ёмонлик, нодонлик, жаҳолат, молпарастлик иллатларига ривож берган тубан дунёни юракдан қувишга даъват этади; шу йўл билан инсон қалбида ғалаён кўзғайди. “Ноҳақ даъво қилган” қози, имомлар, “ҳаром еган ҳокимлар”, “дунё менинг” деб “жаҳон молия” йиққангушна амалдорлари, “оқни қаро қилғон” мулло-ю, мударислар, эл устига миниб елиб “тотлиғ-тотлғ” еб, “турлик-турлик кийган”ларга қарши кўнгилди нафрат ўйғотади²⁵⁰.

Бундан Яссавийни мазлум халқ тарафини олган инқилобчи деб билмаслик керак. Унинг ахлоқий эътирозида инсондаги табиий салбий хусусиятларни таҳлил этишни, Оллоҳни танишни, унинг ишқини идрок-этишни назарда тутати. Бу ғоя, албатта, ислом динини оддий меҳнаткаш кўз олдида янада гўзаллаштириб, унга янада кучлироқ кўнгил қўйиши даъват этади, яъниимон орқали инсонга муҳаббатни улуғлайди. Оллоҳдан қўрқмай бечорага зулм қилувчиларни, Яссавий имонсизлик деб атаган. Унинг фикрича, на мусулмон, на кофир ҳеч бировга озор бермаслиги тартдир.

Аҳмад Яссавий, маломатиййа²⁵¹ мазҳабининг кўзга кўринган намояндаларидан бири сифатида, ўз ҳикматларида одамни ўз-ўзига танқидий назар билан қарашга даъват этган. Инсонларни ёлғон, ифлос ва ҳаром йўллардан қайтариб, ҳақиқат, адолат ва ҳалолликка ундаб

²⁵⁰ Яссавий Аҳмад. Ҳикматлар. Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқю: нашр тайёрловчи: сўзбоши ва мзоҳлар муаллифи, тўпловчи: И.Ҳаққулов: -Т.: Адабит ва санъат нашриёти. 1991. 8-б.

²⁵¹ Маломатиййа IX асрда Ироқда тасаввуфнинг мазҳаби сифатида пайдо бўлган. X-XI асрларда Хуросондан Ўрта Осиёга тарқалган. Бу мазҳабга мансуб кишилар учун ўз-ўзини комиллаштириш, кўз-кўз қилмасдан яширин хода юракни поклаш бош вазифа ҳисоблаган. Суфийнинг ғурури ва ўзидан мамнунлиги тариқа йўлидаги катта хавф ҳисобланиб, суфий ўз муваффақиятини ошкор қилмасдан одамларнинг мақтови ва ғамхўрлиги эмас, балки уларнинг қаҳри ва маломатига сабаб бўладиган ҳатти-ҳаракатлар қилиш, ўзига нисбатан ғазаб ва нафрат ўйғотадиган тарзда ҳаёт кечириши керак, деган таълимот бўлган, ўзининг яхши фазилатларини қаътият билан пинҳон сақлаган. Ўзгаларнинг ёлғони риёқрикларидан сўз очиш осон, аммо ўзидаги қаллоблик ва риёнинг пардаларини йиртиш матонатли ишдир. Маломатиййалар мана шундай матонат учун курашганлар.

келган. Халқ ичида катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик ва меҳроқибатнинг кенг ёйилишига ҳисса қўшган.

Демак, бу мазҳаб ҳам халқ оммаси назарида исломнинг яна бир “қирраси”ни очиб, уни Яссавий ва унинг шогирдлари томонидан диннинг дилини теран англаш истаклари билан ҳам чатишиб кетган.

“Хўжа-Аҳрор ўз даврининг етук шарқшуноси бўлмиш Вяткиннинг фикрича, ...салтанатдаги фавқулодда мавқеидан фойдаланиб, ўз иродасини адолатнинг тантана қилмоғи учун қаратади”²⁵². В.В. Бартольд ҳам Хўжа Аҳрор ўз давлати ва тутган мавқеидан халқ манфаати учун фойдаланишга ҳаракат қилганини тан олади. Хўжа Аҳрорни халқ ҳимоячиси деб билди.

Е.Бертельс томонидан 1948 йилда чоп этилган “Буюк ўзбек шоири” тўпламида билдирилган қуйидаги фикрини, яъни “Нақшбандия дарвешларини фан ва маданиятнинг ниҳоятда ҳасадгўй мухолифлари” тўғри деб айтиш ниҳоятда мушкул. Бу ўринда ўша давр маданиятининг тараққийпарвар икки вакили Жомий ва Навоий худди шу уюшмага мансуб бўлганликларини ёдда тутиш керак. Улар тараққиёт душмани бўлган шундай бир уюшмани ўзларига муносиб билишларига ишониб бўладими?

Ибн ал-Арабий яратган бу таълимотни (нақшбандийлар) А.Жомий ўта яхши эгаллаган ва шарҳлаб берган. Қолаверса, нақшбандийлик тариқати суфийлик тарихида биринчи бўлиб, уни таркидунёчилик анъанасидан холос этиб, мусулмонларни фаол ҳаётга, ҳақ йўлида самарали меҳнатга чорлайди. Шу туфайли у деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар, яъни чинакам халқ ҳаракатига айланади. Унинг шиори “даст ба кору дил ба ёр” эди, яъни қўл-меҳнат билан, дил худо билан.

Бартольднинг фикрича, Хўжа Аҳрор раҳномалигидаги бу ҳаракат муайян даражада ўз даврининг ҳокимлари-темурийзода султонларининг иттифоқчиси бўлган ақидапараст давлатманд уламоларга қарама-қарши турган катта куч эди.

“Бизнингча, XI-XII асрларда Эрон ва қисман Хуросонда вужудга келган исмоилийлар ҳаракати, XI аср Хуросон суфийлиги, XIII аср Рум суфийлиги ва ниҳоят Ўрта Осиё суфийлик ҳаракатининг (нақшбандийликка қадар кубровия ва Сайфиддин Бухорий таълимоти, Баҳоваддиндан бошлаб эса нақшбандийлик ҳаракати) ягона тарихий

²⁵² Қаранг: Фан ва турмуш, 1990, № 7, 28-б.

жараён сифатида баҳолаб, уни феодализмга қарши инқилобий ҳаракат деб қарамоғи керак”.

А.Жомий 1481 йили “Тухфат ул-Аҳрор” достонини бутунлай Хўжа Аҳрорга бағишлайди. Бундан қатъий назар, Жомийнинг “Силсилат ул-Заҳоб”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Хифаднома” достонларининг муқаддимларида ўнлаб байтларда Хўжа Аҳрор ва унинг қилган ҳайрли ишлари, ҳаракатлари таърифу-тавсуф этилади. Унинг қатор хислат ва фазилатларини тилга олади:

- Қамбағалларга меҳр-шафқатлилик, суфиёна фақирлик, яъни мавжуд жуда катта мулк, бойликка нисбатан бепарволик;

- Мактублари орқали сиёсий, хўжалик ва руҳий таъсирини ўтказиш мақсадида фойдаланди;

- суфийлик амалиётида биринчи марта деҳқончилик билан боғлиқ вақф мулкчилиги фаолияти;

- Чингизхон давридан бери қонуний кучини сақлаб келаётган оддий халққа зулм, ситам келтирган тамға ва ёрғуни бекор қилишдаги буюк арбобларга хос қудрати;

Олима О.Д.Чехович нашр эттирган XV аср ҳужжатларидан шу нарсга аён бўладики, ер ва мулкни “сотувчт” кишилар уни Хўжа Аҳрорга хатлатиб бериши маросими гувоҳлар олдида ўтказилган. Вақфга ўтказилган бу ер ва мулк аввалги эгасининг қўлида қолаверган.

Бу қатъий фикрларга тўласинча қўшилиш мумкин. Чунки А.Болдировнинг ёзишича, Ҳижрий 865 (мелодий 1460) йида Хўжа Аҳрор Ҳиротга ўзининг бу юк мақсади-Чингизхон давридан бери шохдан-шоҳга ўтиб келаётган удум тамға ва ёруғни бекор қилиш учун келади. У бу ерда 18 кун бўлади ванақшбандийликка содиқ кишилар билан танишади. Жомий ҳам Хўжа Аҳрорга меҳр қўяди. Шундан кейин улар яна 1465 йили Самарқандда, 1467 йили Марвда, 1476 йили Самарқанд ва Андижонда бирга бўлишади.

А.навоий ҳам ўзининг “нафоҳат ул-унс” (“Насоим ул-муҳаббатимин Шамоим ал-футувват”) асарида Хўжа Аҳрорнинг таъсири нафақат Мовароуннаҳр, балки Рум, Хуросон, Эрон, Озарбайжон, Миср, Хитой ва Ҳиндистонга қадар етиб борган. Бу юртдаги ҳокимлар, улуғ олим ва мутафаккатрлар уни ўзларининг пири деб билганлар. Алишер Навоий Хўжа Аҳрорнинг жуда катта таъсир кучига эга бўлган мактубларини жамлаб бир китоб қилган.

Хўжа Аҳрорнинг “Рисолаи Волидия” ҳамда “Фуқорот ул-орифин” асарлари халқ орасида катта эътиборга эга бўлган. Хўжа

Аҳрор бу асарларида халқни доимо эзгу ишларга бошлаган, майда хонликлар ўртасида юз бериши мумкин бўлган турли нидо ва урушларни бартараф этган; бу минглаб аҳолининг тинч яшаши, меҳнат қилиши, фаравон ҳаётини у ўз нуфузи эътиборидан фойдаланиб, халқни бирлаштиришга уринган ва шунга эришган ҳам.

Унинг маблағи ҳисобига Қобул, Тошкент ва Самарқандда бир талай мадрасалар ва масжидлар барпо этилган. “Рисолаи Волидия” (яъни “Оталик рисоласи”)ни 935 ҳ.да Бобур Форсийдан туркийга таржима қилган.

Албатта, бу асар шеърят йўли билан ислом ақидаларини халққа етказишни мақсад қилиб олишига қарамай, одоб ҳамда инсонийликни улуғловчи-яхшилик, инсонга муҳаббат, ғамхўрлик, эътибор каби сифатларни моҳирона ўзига хос жозибали тарзда тарғиб этади. Хўжа Аҳрорнинг бу асарда баён этган фикрларининг илк мантиғи шундан иборатки, инсон аввало бир-бири билан жипслашиб, бир-бирининг дарду-ғамини вақиф бўлиб иноқ яшаб, душманлик Ҳиссиётдан узоқ бўлиб, бир-бирини камситмасликни тарғиб этган.

Эҳтиёжи кишига йўқтур анинг,
Ёру ёзар ишига йўқтур анинг...
Ё ҳабиби арабий-ки кураший,
Ғам-у дардинг манга шодий-йу хуший.
Чархнинг гардиши майлинг бирла,
Бори халқ бўлди туфайлинг бирла²⁵³.

Мана бу байтларни айтган донишманд инсонларни иложи борича ғайбат, ёлғондан узоқлашиб, бир-бирлари билан хушмуомалада бўлишни, одоб чегарасини асло унутмасликка чорлайди:

Ғийбат-у ёлғон музий (яъни соҳта-Х.Х.) сўздан,
Эҳтироз (сақла-Х.Х.) эт йироқ эткил ўздин.
Ҳар ёмон қаълни (сухаини-Х.Х.) уздин дур эт.
Тилинга бир нимани мазкур эт...

Нахй (ман-Х.Х.) қил харне-ки муяссар бўлса,
Ҳар не янглиғ-ки муйассар бўлса²⁵⁴.

Х.Аҳрорнинг ким қайси мансабда бўлишидан қатъий назар инсоният ўзининг катта тарихида яратган ахлоқ-одоб, урф-одатларни ардоқлар шу қадриятлар асосида яшаши ҳақидаги фикрлари ҳозирги замонда ҳам ўз қийматини йўқотмаган,

²⁵³ Ҳазрати Ҳожа Убайдулло Аҳрор. Рисолаи Волидия. З.М.Бобур таржимаси. –Т.: Ёзувчи. -1991. 3-б.

²⁵⁴ Ўша асар.5-б.

Тарк қилма адаб-у суннатлар,
Ҳар не микдор-ки, тарк этсанг агар,
Онга нуқсон сонга бўлгай воқий,
Қилмагай-сен амалингни зойль²⁵⁵.

Эл юрт ичида яшашининг ўзи бўлмайди. Унинг ўзига хос ахлоқий тартиб-қоидалари мавжуд. Элни эъзозлаш... каттаю-кичикнинг обру-эътиборини жойига қўйиб, андеша тарозусининг тошларини мезонига бўйсуниб, ўз нафсингга берилмай, эътиқод билан эл-юртдагиларнинг ҳар кунги ҳолатига мададкорлик қилишни унутмаслик ҳам бу асарда катта ўрин олган.

Яна муъмин ишида ёрлиғ эт,
Эл-у тил бирла мададкорлиғ эт...
Ҳар сўз айтсанг-у ҳар иш қилсанг,
Чун хамеша муни варзиш қилсанг,
Хисбате нафс-и набий бирла ул он
Нафсингга бўлғуси бешакку гумон...
Кимнинг оти эканин андеша,
Қил-у қилғил бу сифатни пеша²⁵⁶.

Чунки, бошқаларни ҳурмат, иззат қилсанг, ўзинга ҳузур ҳаловат келтиради. Бошқалар ҳам сенга таважжух, ҳавас орттирадилар. Ҳамма сени ўзига дўст тутишга ҳаракат этади.

Отини қалбинга кўп мазкур эт,
Ер ғайрини кунгулдан дур эт.
Мундоқ этсанг санга мале (иштиёқ-Х.Х.) ҳосил
Булур-у сен мени тарк айламагил.
Бардавом улса, сенга майл ортар,
Майлдин ҳосил упур лаззатлар.
Неча лаззат эса, майл онча булур,
Майл лаззатни топқинча булур.
Қўймай элдин муни қилсанг такрор,
Ихтиёра санга қолмас, ей ёр.
Хоҳ-у нохоҳ тутарсен они дўст,
Ба кашиш бирла бу қўшиш қани дўст.
Мунда етсанг бу-дур ул эл дегани,
Дўст туткай ҳамагий-и дил ани²⁵⁷.

²⁵⁵ Ўша асар. 6-б.

²⁵⁶ Ўша асар. 8-б.

²⁵⁷ Ўша асар. 10-б.

“Рисолаи Волидия”даги бир лаҳзадек туйиладиган бу ўткир дунёда қиладиган ҳар бир муомала, юмушни яхшиликка, эзгуликка, муъминликка атаб, ғанимат билишга чорловчи қуйидаги сатрларни ҳаёжонсиз ўқиш мумкин эмас.

Мубтало чоғида бил-ки нетар,
Амалини боридан кутах этар.
Дам-и охир-ки, чиқар сендин бал,
Ҳар нафасни дам-и охир билгил.
Мол-у нақдина-ву бори эл-у кун,
Зан-у фарзанд била шаҳр-у мудин.
Хотирингдан бариси махв бўлур,
Хотир ул дам барисидин қутулур.
Ҳар нафасни дам-и охир билибон,
Анда бу навъ тааллуқ қилибон.
Зикр-и мазкурга бўлғил машғул,
Бу йўсинлук-ки дегум-дур санга йўл²⁵⁸.

Ҳа, дўст тутиш осон, аммо уни доимо дилингда сақлаб узлуксиз давом эттириш лозим, эл-юрт билан ҳамнишинлик қилиб, ундан асло йироқлашма. Инсон-инсоният билан тирик. Албатта ҳамнишинлик ҳамма билан бир текис, ҳар доим яхши натижа бермаслиги ҳам эҳтимолдан узоқ эмас: мотамзода билан ўлтирсанг, албатта, унинг ғаму ғуссаси сенга ўтади:

Дўст тутмоғлик ила, эй доно,
Дўстнинг ёдини тутмоғликда.
Ул-ки, туткай хамагий-и дил дўст,
Мунтаж-и (натижа-Х.Х.) фарт-и (ҳаддан зиёд-Х.Х.) муҳаббат
била дўст.

Ўзни сен рост итоат билан қил,
Ҳамиишинлик бу жамоат била қил.
Ҳамиишин ҳар ким ила бўлса кўнгул,
Сухбатидин мутассир (мушкил-Х.Х.) бўлур ул.
Ким-ки, мотамзода бирла турса,
Ё нишот (хурсандлик-Х.Х.) аҳли била ултурса.
Ғаму шоди анга қилгай таъсир,
Топкуси-дур анга холат тағйир²⁵⁹.

Инсон бошқалар билан бўлган муносабатларида, борди-келди муомалаларидан, улардан яхши фазилатларни олиб, ўз одоби

²⁵⁸ Ўша асар. 11-б.

²⁵⁹ Ўша асар. 12-13-б.

ахлоқини, ўз фаросат ва заковатини ривожлантиради. Аммо ҳарқандай муомала, мунозара ва учрашувларда ўзлигини унутмай эл олдида ўз одобини йўқотмасдан, халқ, эл назаридан тушмасликка ҳаракат этиш лозим. Бу шахснинг ўзига керак, унга барака ва файз бағишлайди.

Васлидин анга шуъуре бўлмас,
Файздин анга хузуре бўлмас.
Гар кавий бўлса, кишига бу сифат,
Бўлғуси анга ул фурсат.
Гар сабот истар эсанг ул фурсат,
Интизом (ўзинга лозим тутганингга-Х.Х.) ила давом-и муҳбат.
Сақлагай-сен бу эл олдида адаб,
Бил оларни бу шуъуринга сабаб.
Зохир-у ботин адаб маръий (риоя-Х.Х.) тут,
Беадаблик равиш-у роҳин унут.

Бир адабий киши гар тарк қилур,
Ушбу ал кунглидин ул тушгуси-дир.
Ким, йироқ тушса бу эл кунглидин.
Бурноғи ҳол анга қолмас ул хин (вақт-Х.Х.)
Нега-ким фойиз анинг кунглига ҳол,
Ул кўнгиллардан эди, кўнгулга ол.
Файз отмакка жиҳат робита би.

Робита қолмаса ул ҳол кетар,
Сўз эшитур эсанг, ушмунча етар.
Бейнойо-ти ҳаққ-у хосе-и ҳақ,
Гар малак-дур қора-дур анга варақ²⁶⁰.

Хуллас, бу асар ва унинг муаллифининг бутун ҳаёти ҳамда фаолияти худудимизда шарқона ахлоқ-одоб, тартиб-қоидаларини диний ақоидларни умрида ўқий олмаган кенг халқ оммаси орасига жорий этишда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган.

А.Навоий ўзининг “Насойимул-муҳаббат”, “Ҳайратул-аброр”, “Маҳбубул-қулуб”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва бошқа бир қатор асарларида тариқат одобининг тирик тарғиботчиси сифатида тасаввуф одобига ва тасаввуф аҳлига хос юксак сифатларни кўтаринки руҳда ифода этган. А.Навоий бу асарлари билан шарқона хулқ-одоб тартиб-қоидаларни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган. Бу асарлардаги

²⁶⁰ Ўша асар. 14-15-б.

асосий ғоя тақдир тақозаси билан дунёдан ундан бирон зарра ортик бўлмаган инсон зоти яратилиб, унинг одоби, хулқи уни башариятни тебратиш қудратига олиб келди. Тадқиқотчи А.Ҳабибуллаевнинг ёзишича, А.Навоийнинг бу соҳадаги фикри қуйидагича: “Бу тақдир била андох таҳқиқ бўлдим, ҳақ субҳонаҳу ва таоло махлуқотда бани одамдан тарифроқ ва буюкроқ халқ қилмайдур. Нечунки, маърифатуллоҳ ганжининг амини ва маҳрами улдир. Ва чун махлуқнинг зотида башариятни доҳил қиди, башарият муқтазоси била алардин нописанд (номаъқул) ишлар вужуд тутди. Бунинг ислоҳи учун баъзи бирғузида бандалар бошига нубувват тожи қўйиб, белига ҳидоят камарин боғлаб, бу махлуқнинг амру ваҳийга ўз олдидин маҳкум ва буларга ҳоким қилди ва калом ва аҳкам олар учун нозил қилди, то ул маърифатга аларни далолат қилдилар”²⁶¹. “Ҳайратул-аброр”нинг биринчи макотида Навоийнинг

“Кимики жаҳон аҳлида инсон эрур,
Балки нишони анга имон эрур”.

Дейишига сабаб инсоннинг Инсон бўлишида унинг иймони комил бўлиши шарт, икки юзламачилик, мунофиқлик инсонга ярамайди. У ўз “солиҳ аъмал ва ҳақида ҳисол” (эзгу ишлар ва фазилатлар) йўли орқалигина, ўз хоҳиши ва иродаси билан охират азобларидан ҳалос бўла олади деб ёзган эди. Охират борлиги тўғрисидаги мудҳиш ҳақиқат Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарининг ҳикояларидан асосий ўрин олган бўлса ҳамки, булар ҳаётдан юз ўгирувчи эмас, балки ҳаётни муносиб кечирмоқ, эзгулик хизматида яшамокни тарғиб этувчи чақириқлардир.

А.Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари 1485-1498 йиллар орасида ёзилган²⁶² анъанавий тарихий асар бўлишига қарамай, инсон улуғлигини таъкидловчи, унинг алоқий баркамоллигини тарғиб этган, инсон боласига оқ-қора, яхши-ёмон, олим-жоҳил, ҳаром-ҳалолнинг фарқига етиб олган тарзда адолат ва инсоф, имон ва диёнат йўлида туриб ҳақиқат учун курашга ундовчи ахлоқий ақидаларни тақдим этади.

Тўғри, Навоий Шарқ тарихнависларнинг анъанаси, услубидан ташқари чиқмасдан, ўз асарида сўзни қадимий диний ривоятлар, яъни Одам ва Ҳавонинг яратилишини тасвир этишдан бошлаб, одам авлодлари ва улар орасидан чиққан Нух, Иброҳим, Исмоил, Яъқуб, Юсуф, Мусо, Довуд, Сулаймон, Исо каби пайғамбарларнинг ҳаёти ва

²⁶¹ Ислом нури. 5(23)-сон, март 1-15 (1991).

²⁶² Қаранг: Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Самарқанд. 1990. 3-б.

уларнинг ўз эътиқодлари учун олиб борган курашларини ҳикоя қилади. Аммо, бу асарни чуқурроқ таҳлил қилинса, Навоий томонидан бунда динни ва диний ғояларни ташвиқ қилиш асосий мақсад қилиб олинмаганлиги ҳам кўзга ташланади. Асарнинг “Одам салалатулло алайҳнинг яратилишига” бағишланган қисмидаги қуйидаги матнини олсак: “Бир ҳоқуч тупроқни ер юзидан олиб... тупроққа Муҳаммад Салоллоҳу алайҳи вассаломнинг хулқ-атворини муқаддас сув билан қориштириб барча малоикаларга эълон қилдики, бугун олам ва одамнинг яратилишидан мақсад мана шу ва у охир замоннинг пайғамбари бўлажак. Малоикалар Одамнинг илмини эътироф эттилар ва тангрининг ҳукми билан унга сажда қилдилар”²⁶³. Бу матндаги диний ривоятдан бироз мавҳумлашиб, жиддийроқ мулоҳаза юргизсак, Одамга махсус хулқ-атвор лозимлиги, унинг ер юзида катта ҳарфлар билан ёзилган инсон бўлишлик сифатли адо этилган. Инсон ҳақиқий Инсон бўлиши учун ҳайвондан ўз одоби, ахлоқи билан фарқ қилиши лозим.

Шунинг учун ҳам буюк бобокалонимиз ўз асарининг бу қисмини бир рубой билан якунлайдики, у қуйидаги мисра билан бошланади: “Одамни худо лутф билан яратган”²⁶⁴... яъни, Одам бу олийжаноб, ҳайрихоҳ илтифот, назокат, бошқаларга меҳрибон зотдир. Демак, у ҳар доим яхшилик ва марҳамат кўрсатиш, хушмуомалалик ва олижаноблик лутфу қарашини унутмаслик учун яратилган. Демак, инсон энг юксак мавқедаги мавжудотдир. У халифа, унга ҳамма мавжудот бўйсунити керак. Аммо асли жинлардан бўлиб, кўп итоат, қилув орқали, малак даражасига эришган Иблис Одамга сажда қилмади; Одам билан унинг орасида қарама-қаршилик келиб чиқади. “Навоий талқинида бу инсонийлик ва эзгулик билан макр ва ёвузлик ўртасидаги зиддиятдир”²⁶⁵, -деб ёзган А.Қаюмов ҳақдир. Навоий томонидан Одамнинг умр йўлдоши Ҳавонинг яратилишини Азиз Қаюмов ўша ерда қуйидагича изоҳлайди: Ҳаво Одам алайҳи-с-саломнинг сул ёнидан “яратилди”. Одам тупроқдан ясалган эди. Бу тупроқ илоҳий ишловлардан кейин инсонга айланди. Инсонга энг юксак ўрин берилди. Ҳаво эса шу олий даражадаги вужуднинг сўл ёнидан, яъни юраги ўрнашган томонидан яратилди. Демак, Навоий талқинида барча мавжудот орасида энг шарофатлиси инсон бўлса, унинг янада шарифроқ қисми аёлдир.

²⁶³ Навоий Алишер. Тарихи анбиё... 85-б.

²⁶⁴ Навоий Алишер. Тарихи анбиё... 67-б.

²⁶⁵ Қаюмов А. Ўлмас сабоқлар. Шарқ юлдузи. 1991, № 5. 2-б.

Эзгуликни ташвиқ этган Навоийнинг талқинида Иброҳим пайғамбарнинг юз мингга яқин боланинг ўлимига буйруқ берган золим Намруд подшоҳдан кўпситама кўргани тафсилоти ҳам жуда ҳаяжонли ёритилган. Намруднинг таъқибларидан қутилган “Иброҳим алайҳи салом шодмон бўлиб, тангри таоло ҳузурида шукроналик қондасини бажо келтирди ва Маккада Қаъба уйини бино қилди. Нақл қиладиларки, Қаъба уйи битгач, “Бирор очни тўйдирдингиз ёки бир яланғочни кийинтирдингизки, бунча ваҳима қиласан!” деган хитоб келди... Шундан кейин Иброҳим... меҳмонхона қуриб одамларни зиёрат қилишга киришди”²⁶⁶. Навоийнинг изоҳларига кўра, “Иброҳим деганнинг маъноси Абу Раҳимдир яъни Ғахмлиғ ота демак”²⁶⁷.

Нух, Иброҳим, Исмоил, Яъқуб пайғамбарлар тарихига оид қисмларида А.Навоий инсонлар қайси жинс, ирк, миллатига қарамай аҳил, бир-бирларига содиқ бўлиб яшашга, ҳалол меҳнат қилиб яшашга, оилавий тотувлик, ҳайр-эҳсон, ота-бола ўртасида ҳурмат, меҳмондўстлик, иззату эҳтиром ила-поклик билан яшаш одобини тарғиб этиб, инсоният тарихида биринчи ноҳақ қон тўкишни (Қобил мисолида, эҳтиётсизлик билан беодоблик қилинғани (Нухнинг ўғли Хом мисолида), меҳмонновозликнинг бузилишини (Исмоилнинг биринчи хотини мисолида), оға-иниларининг бир-бирларига жабру ситамини (Юсуф пайғамбарнинг биродарлари мисолида), инсонлар орасида мавҳуд бўлган тухмат, иғво, ўғрилиқни қоралади. Навоийнинг фикрича, агар киши ўз нафси, ёмон интилишларидан устун тура олмаса, унинг барча тоат-ибодатлари беҳуда. Киши табиатидаги ёмонлигини, яъни нафсини енга олмоғи керак. Ёвузлик ва маккор изчил бўлиб, эзгулик ниқобига яшириниб ўз башарасини очик кўрсатмайди. Шайх Шибраний ўзининг “Унвонул-баён” китобида Табиатнинг шаробидаги ўткирликни риёзат мижози билан синдир, ақл танобини эса тақво илк билан боғлаб қуй. Юсуфдек ақл билан иш қилувчилар ҳар бир нарсанинг оқибатига боқурлар, Зулайҳодек ҳавойи нафсга берилувчилар нақл эшигини қоқурлар.

Юсуфни ақл тўхтатиб қолиши. Зудайҳони эса табиати ўз қўлига олди.

Туғма табиатингни қўйилган еридан кўчириб юбор, демайман, чунки инсон табиатини ўзгартмоқ амри маҳолдир, лекин доимо нафсинг билан курашда бўл, шунда мададли бўласан,...Бир ҳаким шундай деган экан: “Бирор кишини алдамаслик инсоннинг

²⁶⁶ Навоий Алишер. Тарихи анбиё... 75-б.

²⁶⁷ Навоий Алишер. Тарихи анбиё... 76-б.

эхтиёткорлигидан нишона бўлса, бировга алданмаслик ақлнинг комиллигидан далолатдир”²⁶⁸ деб ёзган экан.

Навоийнинг одампарварлик (гуманистик) ғояларини бу асарда янада мукаммаллаштиргани Мусо, Юсуф Довуд, Сулаймон каби пайғамбарлар тарихини таҳлил этиш жараёнида ҳам яққол кўринади. Инсоннинг улуғлигига бениҳоя ишонган ва унинг тарбияга мойиллигига умид боғлаган бобокалонимиз хато қилган кишини қаттиқ қораламайди. Унинг фикрича, ҳатто пайғамбарлар ҳам ҳато қилиши мумкин. Масалан, Мусо пайғамбарнинг фазилати, илми ва мартабаси ниҳоят даражада кўтариладики, бу ҳеч бир ақлга сиғмай қолади. Шу сабабли. Бу кун олам юзида яратувчи тангри мендан донороқ бандани яратганмикан, деган фикр тилига келади ё кўнглидан кечади²⁶⁹. Бу манманликни Ҳизр мисолида кемани тешиб, уни золим шохдан камбағаллар фойдасига қолдирилиши, бузуқ деворни тузатиб, икки етим болага хазинани сақлаш мисолида Мусода мағрурлик ҳиссиётини бостириш, ёки Исо ўғли Довуднинг ўз яқин бўлмиш у рёга хиёнат қилиб, унинг Савоб отли хотинига уйланиши мисолида, ўз қабиҳ ишини тушиниб хатоси учун...қирқ кун саждадан бош кўтармади. Навоийнинг “...Одамларга ўзингга лозим кўрганингни лозим кўр, узоқда бўлган қариндошингга тегишли аёллардан кўлингни торт”²⁷⁰, деган фикри инсоният кўлга киритган асил ахлоқий фазилатдир.

Бундан ташқари, буюк Навоий Мусо, Яъқуб, Довуд, Исо каби пайғамбарлар тарихини баён этишда ўзга миллат ва аҳли диндаги инсонларга ва уларнинг пайғамбарларига катта инсоний ҳурмат билан қараганлиги ҳам таҳсинга сазавордир. Бу фикримизнинг далили Б.Валихўжаев ва Қ.Тоҳировларнинг Навоийнинг ушбу китобига ёзган ўз сўзбошисидаги қуйидаги матнни келтиришимиз билан чегараланамиз. “Масалан, Бани Исроилдан тарқалган вабодан ҳалос қилишни сўраб Довуд ва Қазмининг худога ёлворганликларини ҳикоя қилар экан. Навоий Довуд-алайҳис-салом ва қавм, уламо ва аҳбори Байтул-муқаддаснинг саҳроси устига келиб, бошларин яланг қилиб тазарруъ қилдилар, деб ёзади. “Бошни яланг” қилиб худога илтижо қилиш далилининг ўзи Навоийнинг ўзга динга ҳурматини билдиради. Демак, Навоий ўзга диний эътиқодларни рад этмаган, виждон

²⁶⁸ Навоий Алишер. Тарихи анбиё... 98-б.

²⁶⁹ Навоий Алишер. Тарихи анбиё ... 105-б.

²⁷⁰ Навоий Алишер. Тарихи анбиё... 5-б.

эркинлигини ҳимоя қилган, жаҳондаги барча халқларнинг ўз эътиқодлари асосида дўст бўлиб яшашини истаган”²⁷¹.

Хуллас, Навоий пайғамбарлар ҳаёти, фаолияти тимсолида эзгулик, ҳақиқат ва адолат, инсонпарварлик ва халқпарварлик ғояларини тарғиб этади.

Асарнинг иккинчи қисмида Навоий томонидан жаҳонга машҳур олимлардан Лукмони Ҳаким, Фиоғурс, Жомосп, Букрот, Букротис, Сукрот, Афлотун, Аристотилис, Балинос, Жолинус, Содик, Бузуржмехр кабиларнинг ҳикматли сўзларидан намуналар келтириб, улардан Инсонга лозим бўлган баркамол ахлоқий кадриятлар яратишга умид боғлайди. Масалан; Лукмони Ҳакимнинг “Кунгил номақъбул-феълдан ва тил намуносиб сўздан узоқ бўлса, улардан яхшироқ гўшт йўқ. Агар бўлмаса, улардан ёмонроғи йўқ”, “икки нарсани доимо ёд қилмоқ керак ва иккисини унутмоқ керак. Аввалги иккиннинг бири ўзи қилган яхшилик ва бири бошқалар қилган ёмонликдир”; “Хушфеъл одам бегоналарга яқин ва бадфеъл одам яқинларга ёт” ёки ундан сўраган эмишларки, “фойдаси барча одамларга нарса нима?”- “ёмонларнинг йўқлиги” деб жавоб берган каби фикрлари Шарқона ахлоқ-одоб, тартиб-қоидаларининг ажралмас дурдоналаридандур.

Фиоғурс Ҳакимнинг “Киши ўзини мақтаса, сўзи чин бўлса ҳам нописанддир. Ўтган одамлар номи билан қасам ичиш ёлғонлик нишонасидир. Мусибатга сабр қилмоқ-ўзганинг ғамидан шодланувчи учун мусибатдур”; Жамоаси Ҳакимнинг “Улуғ кишининг энг ёмон хислати ўз илмидан воз кечганлиги, тубан кишининг энг яхши хислати эса илмини тарк этганлигидир”.

Букрот Ҳакимнинг “Умр қисқадир, иш эса узун”, Букротис Ҳакимнинг Шарафли илм кўнгилда тинч турмайди, яхши нарсалар кўнгилдан чиқмайди. Яхши сўз кўнгилни ёритади, яхши хат эса кўзга озука берувчи келиндурки, унинг қалини шукрдир. Кўринмайдиган кўп нарсадан ишончли бўлган оз нарса яхшидир;

Сукрот Ҳакимнинг “Нодонга таъзим қилмоқ хандалакка сув бермоқдурки хандалак қанча сув кўп ичса, шунча аччиқроқ бўлади. Ўз жойида бўлмаган ғайрат, иш қилаётгандаги сусткашликдан ёмонроқдир”.

Афлотуннинг “Подшоҳга май ичиш ҳаромдир, чунки мамлакат ва халқ нигоҳбонидир, Агар нигоҳбонга нигоҳбонлик қилиш лозим

²⁷¹ Навоий Алишер. Тарихи анбиё... 5-б.

бўлса, оқибати яхши бўлмайди. Ўзини бой кўрсатган қамоқ ўзини қиммат кўрсатган чақа кабидир. Саҳоват сўрамаганга беришдадир, чунки тилаганидан кейин бериш тиланчилик мукофотидир”.

Аристотелиснинг “Подшоҳ улуғ дарёга ўхшайди, тобеълари эса дарёдан айрилиб чиққан, ариқларга ўхшайди. Дарё сувининг ҳолати қандай бўлса, фикрлар суви ҳам шу ҳолда бўлади. Ширин бўлса ширин, аччиқ бўлса аччиқ. У соф бўлса, бўлар соф, у лой бўлса, бу ҳам лой. Бас, подшоҳ ғоят ҳиммат ва мувозанат билан иш юритмоғи лозим, токи амалдорларни оддий халқи унга буйсунсинлар”.

Балиноснинг “Подшоҳ барча элдан, мамлакат барқарорлигини истаса, расмади билан солиқ олиши керак. Элга расмадсиз бойлик улашса, мулки бузилишгача боради”.

Жолинуснинг “Ғам-жон беморлигидир. Иштаҳаси бор бемор, иштаҳаси йўқ соғломдан яхшидир. Чунки унда саломатлик ортиб боради, бунисида хасталик”.

Батлимуслининг “Қобилнинг саодати шундаки, тушунадиган бўлади. Одамлар ҳолидан сабоқ олган киши некбахт ва аҳолидан одамлар сабоқ олган киши бадбахт”.

Содиқнинг “Меъдангда овқат бўлатуриб, унинг устига овқат ема”,

Бузурмеҳрнинг “Устозимдан йигитликда нима қилмоқ яхши ва қариликда нима қилмоқ? Деб сўради. Йигитликда илм касб қилмоқ ва қариликда уни амалга киритмоқ яхшидир” деди, каби айтганлари қаррали фикрларини А.Навоий томонидан ардоқлаб ўз китобида тўплаб келтиришдан ягона мақсад-инсонни тўғри йўлга боришига унглаб, одамийликнинг ажойиб бўлган ҳислатларини шакллантиради, унинг халифалик унвонига сазавор бўлишини истайди.

Шундай қилиб ўрта асрлар давомида Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида ислом ахлоқи аста-секинлик билан бўлсада кенг ўрин олабошлади. Айниқса, Ўрта Осиёлик мутафаккирлар Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ғаззолий, имом Бухорий, Имом Термизий, Имоми Аъзам, Аҳмад Яссавий, Хўжа Аҳрор, Алишер Навоий ва бошқаларнинг ижодида Ислом, Қуръон, Ҳадислардаги ахлоқий қарашлар янада мукаммаллаштирилди ва маҳаллий шароитга мослаштирилди. Шунинг учун ҳам, айниқса Исмоил Бухорий, Исо Термизийларнинг “Саҳиҳ” илмига бағишланган асарлари, улардаги ихлоқий ғоялар, ахлоқий қадриятлар бутун ислом дунёсида катта ҳурмат билан тилга олинади.

Исломнинг тарқалишидан бошқа ҳудудлар билан бир қаторда Ўрта Осиёда ҳам маҳаллий маданият билан исломий маданиятнинг қўшилиб кетиши натижасида янги Ўрта Осиё цивилизацияси пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам исломнинг бундай шакл олишига маҳлиё бўлганлар арабларнинг Ўрта Осиёга келишини ҳарбий тажовуз эмас, балки маданиятнинг олий шаклини келтирувчилар деб ҳам атамоқдалар.

Тўғри, арабларнинг келиши билан Ўрта Осиё жаҳон маданиятига, марказлашган олий даражадаги иқтисод, байналминал савдо тизимига қўшилдилар, Ўрта Осиёдаги халқларнинг жуда кўп хиллиги маданиятининг жаҳон маданияти билан қоришиб кетиши унутилиб қўйган юнон фалсафаси ва маданияти оламида яшовчилар томонидан жонлантирилди.

Мусулмон цивилизацияси нафақат Европа рассоми Ўрта Осиёнинг ҳам Буюк Ренесансига ахлоқий замин тайёрлади, Элдин маданияти қайта тикланди. IX асрнинг охирига келиб Аристотель, Гален, Платон, Птолемей, Евклид, Архимед қадимги Ҳиндистон, Эрон, Европа алломаларининг асарлари араб тилига таржима этилди, IX асрнинг бошларида халифа Маъмун Бағдодда катта, жаҳонга тенги йўқ Академия-“Дар-ул-Хикма” (“Донишмандлар уйи”)ни ташкил қилади.

IV БОБ. КЎП ЭЪТИҚОДЛИЛИКНИНГ БИРЛИГИ-АХЛОҚИЙ-ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ОЛИЙ-ШАКЛИ СИФАТИДА (хотима ўринда)

Жамиятнинг маданий савияси дин ва черковнинг тутган мавқеи ҳамда аҳамиятини ёки даҳрийликнинг мавқеи ва аҳамиятини “динни шарафлаш” ёки “даҳрийликни шарафлаш” каби қуруқ, мавҳум бирёқламалик мезони билан ўлчанмайди, дин ва даҳрийлик ҳамма вақт ҳам тарихий ва ижтимоий жиҳатдан ўзаро боғланиб келган бўлиб, улар ўзларининг муваққат, мазмунда манфаатлари доираси, вазифа ва мақсадларига эга. Бошқача сўзлар билан айтганда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маълум дунёқарашнинг у ёки бу хали динийми ёки даҳрийликми-асосан дунёқараш билан чекланиб қолмай, балки унинг тизими билан боғланган, яъни унинг бирламчи тури билан, яъни муайян шароит асосида шаклланган ижтимоий “топширик” билан ҳам боғланганлигини кўпинча икки томон тарафдорлари назарда тутишни унутиб қўядилар, ижтимоий “топширик” фақатгина бир ғоя, мафкура таълимотига сиғиниш руҳида, синфий нуқтаи назар билан суғорилган бўлса-унда маънавий қашшоқлик, якка ғоялик ўзга “зид” ғоя тарафдорларининг эркинлигини оёқ ости қилишлик нохуш ҳолатларга олиб келиши ҳеч гап эмас.

Тўғри, мафкуранинг асосий негизида маълум ғоявий йўналиш ётади. Идеологик, мафкуравий тушунчаларнинг маъноси ҳам идео-ғоя, логия-таълимотдир. Демак, ижтимоий ҳаётни мафкурасизлантириш меҳнаткаш оммани ғояси излантириш маъносини билдиради. Мафкурасизлик эмас, балки бир қолипга солинган, бир гуруҳнинг манфаатига қаратилган таълимотдан ҳазар қилиб ҳаммага мувофиқ келадиган умуминсоний қадриятлар мафкураси-динга ишончларни ҳам, даҳрийларни ҳам, иккиланувчиларни ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётга мувофиқ келувчи фаолиятга чорловчи ғоя керак.

Шунинг учун мафкурадан тамоман воз кечиш-жамиятни, ижтимоий ҳаётни, маданиятни қашшоқлаштириб, маънавият олаmidан инсонларни маҳрум қилишга олиб боради. Бу фикримизнинг исботи учун маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясининг президенти Тошпўлат Тожиддиновнинг “Туркистон газетасининг 1992 йил 10 ноябрда ёзилган қуйидаги сўзларини келтириш билан чегараланамиз: Мафкурадан воз кечиш-умуман тўғридан-тўғри бош-бошдоқлик ва давлатни ҳароб этиш йўли”.

Бундай мафкура ақидапарастликка тамоман зиддир. Чунки, ақидапарастлик ҳукмронлиги даврида ўзгача фикрга тоқатсизлик вужудга келади, ўзга халқ ва миллатлар маданий-тарихий ва маънавий бойлигига менсимай қараш одат тусига айланиб қолади. Бирёқламалик (ақидапарастлик) ҳиссига ва ғоясини на динга ва на даҳрийликка мансуб кўриш мумкин эмас. Даҳрийликни тоталитар тузум томонидан ачинарли аҳволларга тушириб қўйгани ҳали кўз ўнгимиздан кетган эмас.

Шу маънода диний дунёқарашга ҳам бирёқламалик ақидапарастлик руҳи ҳукмрон бўлмаслиги керак. Бунинг ҳам оқибати яхшиликка олиб бормайди. Бунга ҳам тарихий далиллар ошиб-тошиб ётибди. Хусусан, охирги йилларда динга, диний ташкилотларга кенг йўл очиб берилди. Буни республикаимизнинг мустақиллик сари дастлабки қадимлари онларида ўтмиш маданият ва қадриятларини тиклаш соҳасидаги, миллий онгни ўстириш каби вазифалари деб тушуниш ўрнига динни ҳозирги замонда инсониятнинг “маънавий ва интеллектуал” раҳномаси даражасигача кўтаришга бораётган кишилар оз эмас қизиқарлиси шундаки, ҳаётимиздаги ахлоқий таназзул ҳақида сўз юритиб, маданият соҳасидаги камчиликлар, тарихий хотирамиздаги “оқ доғлар”, бутун авлодлардаги, тарихий, маънавий бўшлиқдан “сеҳрли таёқ”, ҳамма бало-қазолардан сақловчи “халоскор” фақатгина динга мурожаат этиш кайфияти ошиб бормоқда. Бунинг устига дин билан даҳрийликнинг ижтимоий аҳамиятга боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда очикдан-очик ёки ниқобланган кўринишда илмийлик, холислик, таҳлил этиш тартиб-қоидаларини бузиш ҳодисалари содир бўлмоқда, махсус “оқ-қора” деб юриши ҳам юз бермоқда, “сеҳрли таёқ” ва “бутун қийинчиликлардан қутқазиш” хусусияти орқалигина қутилишни асосламоқдалар. Лекин ҳозирги бундай долзарб масалаларни ҳал қилишда фалсафадаги ренесанс (ўйғониш) ҳақида ҳеч ким умид қилмаётир.

Хуллас, турли эътиқодларга сиғинганлар ҳам бир-хил бахт-саодатга, эзгу мақсадга интилиш, бу-умуминсоний қадрият сифатида тарих ва заминнинг зарурий тақозасидир²⁷². Охир-оқибатда воқелик, борлиқ, битта-ку! Уни ўрганиш, таҳлил этиш эса турли хил йўллар билан бормоқда. Бунинг ўрнида олам миқёсидаги муаммоларни ечишда ҳамма тафаккур кучларини бир нуқтага жамлаш катта аҳамиятга эга эканлиги зарур жаҳон тараққиётининг сабоқлари

²⁷² Қаранг: Бозоров О. Худайқулов А. Ўша асар.2-б.

шундан далолат берадики, фан ва илоҳиёт билан шуғулланувчи олимларнинг мулоҳазаларида жуда ҳам кўп умумий жиҳатларини топиш мумкин.

Жуда ҳам умумлаштириб қарасак шуни яққол кўрамизки, оламнинг тадрижий ривожланиши тартибини улар қарийб бир хилда талқин этишади. Аммо асосий фарқ шундаки, оламнинг вужудга келишидаги сабабни фан намоёндалари табиий моҳиятдан, илоҳиётчилар эса илоҳий моҳиятдан ахтаришади. Ёки ахлоқ-одоб, поклик, ҳалоллик каби фазилатларни англашда ва уларни ҳаётга тадбиқ этишдаги уларнинг фикрларига келсак. Бу соҳаларда ҳам рақобатдан кўра ҳамкорликка эришув, имкониятлар мавжудки уни яратсак, юртимизнинг келажаги катта фойда кўриши мумкин холос.

Дунёвий фанларнинг вакиллари ҳал қила олмаган барча масалаларни диннинг ўзи ҳал қила оладими? Бизнинг фикримизча, тарихийлик ва конкретлик талаблари асосидагина буни қаноатли равишда ҳал қилиши керак.

Тарих ижтимоий ҳаётининг турли томонларини динларга “назорат қилиш” имкониятини берган эди. Дин у ёки бу даражада диндорлар ҳаётини назорат қилади, уларнинг хулқ-атворига, қарашлари ва хулосаларига таъсир ўтказилди. Диндорларнинг ҳаракати, уларнинг муомаласида динни важ сабаблар мавжуд, у кўп режали, бир хил бўлмаган хусусиятга эга.

Шуни унутмаслик керакки, аҳолининг диндорлик даражаси унинг сифатий хусусиятлари ва бошқалар тараққиётнинг у ёки бу босқичи, даврида ижтимоий организм ҳолатига маълум кўрсаткич бўлиб хизмат қила олади, диний таскин этишнинг ички тузилишини аниқ таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, нима учун, қайси усуллар орқали дин инсон онгидаги бўшлиқларни тўлдирилишини ўз зиммасига олади. Ижтимоий тараққиётдаги босқичларнинг тарихий ва ўзига хос бўлиши, унинг тузулишида айна бир пайтда оммавий даҳрийликнинг ишлаб чиқилишига олиб келган бўлса шундай шароит оммавий диндорликни ҳам келтириб чиқаради. Собиқ социалистик ижтимоий шароит яратган дин ҳам даҳрийликни қонуний, илмий нуқтаи-назардан туриб таҳлиллари мумкин бўлган ҳодисадир. Тўғри, бу ҳодисага ҳолисона баҳо бериш ҳали ўз ечимини кутмоқда.

Бизнинг мамлакатимиздаги диндор ва диндор бўлмаган фуқароларнинг бирлиги уларнинг ҳуқуқ ва бурчларининг тенглиги, виждон эркинликлари принципларига ҳар томонлама тўла амал қилишни, ғайри-табиий моҳиятга ёки даҳрийликга ишониш ҳуқуқини,

танлаган дунёқарашини ҳурмат қилишни ҳам талаб қилади. Ҳар бир диндор ёки даҳрий ўз “тилида”, ўз дунёқараши мавқеидан қатъий назар, ўз воситалари орқали ердаги борлиқни яхши томонга ўзлаштириш учун умумий қарашлар билдириши мумкин. Шу нарсани ҳисобга олиш зарурки, дин, унинг тушунча ва образлари, диний таълимот қарашлари хилма-хил ижтимоий-сиёсий мақсад ва манфаатларга таъсир қила оладиган етарли қулай имконият ва мутаносибликларга эга. Бу эса у ёки бу ҳозирги диний онг талабларини акс эттирган шиорларни айнан таҳлил қилишни белгилаб беради.

Дин инсоният ҳаётида энг узоқ даврларда, қадимги замонларда вужудга келди ва кириб келди. Бу инкор қилиб бўлмайдиган далилдир, Лекин маълум бир далил турли таҳлил ва баҳо олиши мумкин.

Диний эътиқодларнинг кўп асрлар мавжуд бўлиб туриши баъзиларга дин ҳамма вақт бўлган ва кишиларга керак, у ўзида сўзсиз қимматли нарсалар сақлайди, деб тушунилиши мумкин. Уларнинг фикрига кўра, динда теран доно, кўплаб авлодлар ҳаётида синалган қарашлар мавжуддир.

Кексаларни ҳурмат қилиш ўзига хос ибодатга айланиши мумкин, ақлли чегараларни ўтиб, тарқалиб, у маъқуллашмаслиги ёки оқланмаслиги ҳам мумкин эди. Ўтмишнинг тарихи ва маданиятига иззат-икром билан муносабатда бўлиш, баъзиларни, жумладан, дин ва черковнинг аҳамиятини ҳаддан ташқари ошириб кўрсатишга олиб келади.

Ўтмиш авлодларининг маънавий ҳаёти тажрибаларини менсимаслик турли шаклларда намоён бўлди. У айниқса, диний ҳиссиёти, эътиқодини менсимаслик муносабатида ўз аксини топди.

Дин бутун инсоният маънавиятининг такрорий ривожини халқларидан бири бўлиб, у билан жамият тарихининг катта бир босқичи боғлангандир. Дин воқелик ва ўзини англаб олиш шакли сифатида тарихий ва ижтимоий сабаблар асосида келиб чиқди ва мавжуд бўлиб келмоқда.

Динни билмайдиган ҳеч қандай халқ йўқ. Дин инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олишга ҳаракат қилади: уларнинг турмуш тарзини аниқ белгилаш, гуруҳ диндан фойдаланиб жамиятнинг сиёсий бошқаришга даъво қилади, оламнинг тузулиши ҳақида ўз тушунчасини беради, инсоннинг белгиланган мақсадини кўрсатади, ахлоқий ва эстетик қадриятларини асослайди.

Дин қандай қилиб ўзига жалб қилади ва жалб қилмоқда? Нима учун дин узоқ даврлардан бери кишиларни ўзига мафтун қилиб

келмоқда? Ахир бир қарашда диний эътиқод ўзига хос қийинчилик туғдирадиган юган солиб, инсон иродасини чеклаб, унинг ташаббусини, ҳатто ердаги ҳаётда бахт, хотиржамлик учун интилишни буғувчидек бузиб ҳам кўринади-ку?

Бу саволларга жавоб бериш осон эмас ва диний нуқтаи-назарда тушуниш мавжудлигининг сабабларини билган тақдирдагина жавоб топилиши мумкин. Албатта, диний эътиқодни сақлаб туришда мажбур қилиш катта аҳамият ўйнаган. Тарихдан биз шуни биламизки, диндан қайтганлар ва унга бўйсунмаганлар қоидаги кўра жуда қаттиқ жазоланганлар. Ҳамма ерда соф кишилар ҳамда ундан ҳар хил манфаатдорлар тўдалари ҳимоя қилганлар, ҳар қайси дин ўзига қадрлар тизимини яратдиким улар минглаб йиллар давомида ўзларининг ишонтириш санъатларини таъкомиллаштирганлар. Унинг нуфузи давлат ва жамоатчилик эътибори билан ҳимоя қилинган даврлари ҳам бўлган. Лекин бу билан ишни тушунтириб бўлмайди. Ҳеч қандай мафкура у қандай санъатга эга бўлишидан қатъий назар ишонтириш ва ташвиқот кучи билан, асосланиши, сақланиб қолиши мумкин эмас. Аксинча, ташвиқот ижтимоий ҳаётда етарли шарт-шароит мавжуд бўлса, шунчалик мувоффақиятли бўлиши мумкин. Мафкура ўз қонунларига биноан келиб чиқади ва ўлади. Шунинг учун диний ғояларни ҳимоя қиладиган ёки инкор қиладиган фақатгина мантиқий далиллар кўпинча ҳал қилувчи аҳамият касбини ўйнамайди.

Қачонки биз нима учун дин кишилар устидан ўз ҳокимиятини сақлаб турганлиги ҳақида ўйлаганимизда, “дин” сўзини биз қандайдир турли мафкураларнинг йиғиндисидан тўпланган деб тушунишимизни эсдан чиқармаслигимиз керак. Бу умумий фикрни алоҳида-алоҳида бир-биридан ажратсак у ёки бу диний таълимотнинг кўп томонларининг асл моҳиятини билиб олишимиз мумкин.

Диний йўналишлар ҳаётда кўпинча бир-бирини инкор қилсаларда, уларнинг ҳар бири махсус шароитга асосланган ҳолда ўзининг муайян мазмунига эга бўлиб, ўша шароитдан келиб чиққан бўлади. Даврлар алмашинуви билан динлар ҳам ўзгаради. Ўзининг мана шу хилма-хиллиги билан дин, ҳамма учун уларнинг маънавий эҳтиёжларини баробар қондириб бемалол сақланиб қолди. У ёмонлик ва қийинчиликларнинг сабабларини, ҳақиқий ҳаётга эришиш йўллариини ўзига хос тарзда кўрсатди. Яхшилик, ҳақиқат, гўзалликка эришув йўлларига диний тус берилар эди. Кишилар худога ўз қалблари, ўзларининг тоза фикрлари билан мурожаат қилар эди.

Ўтмиш мутаффакирларидан бири динга “яхшиликни излаш, ҳимоя, ёрдам” жуда муҳимдир деган эди.

Инсонга ўз моддий эҳтиёжларини кондириш билан боғлиқ ташвишлардан ташқари, ҳаётни маънавий жиҳатдан англаб олишга интилишлари ҳам одатдир. Лекин яшаш қийинчиликлари, кундалик ишлар билан боғлиқ ташвишлари, кишиларнинг кучини ютиб юборади, уларда оламга, ўзига нисбатан норозилик туғдиради.

Бундай қоникмасликларга нисбатан дин ўзига хос мураса йўлини беради. Кишилар диндан “ҳақиқат машъалини” ахтарадилар, ўзларини ўраб олган қоронғиликдан, ўзларининг “йўлчи юлдузларини” ахтарадилар. Дин инсонга ўз мустақил изланиш йўлини енгиллаштиради, ўзи танлаган маъсулиятни енгиллаштиради. Динда инсон ўз эркинлиги ва мустақиллигидан воз кечмай, диндан таскин ва умид олади.

Дин умумий шакл, қобил бўлиб, унинг ичида инсоннинг оламга бўлган муносабатини ривожлантирди, кўплаб сиёсий, ахлоқий, эстетик ғоялар пишиб етишди. Бу қобилнинг ичкарасида турли нуқтаи-назарлар бир-бири билан тўқнашиб келишмовчиликлар ҳам келиб чиқди. Кўпинча янги, илғор ғоялар динни янгилаш талаблари билан ҳам чиқди, “ҳақиқий дин”, “ҳақиқий худо”ни ахтариш, излаш шаклини олди. Жумладан, ислом дастлаб камбағалларнинг дини сифатида вужудга келди ва ўзида тенглик қардошлик, яъни демократик мазмунидаги ғояларни ҳам акс эттирган.

Кўплаб диний ақидалар, тасаввурларнинг ҳаёлий тусда эканлиги очиш ошқоча меҳнатни талаб қилмайди, лекин бу ақидалар, тасаввурларнинг орқасида нима яширинган, буларнинг сирини, уларнинг ердаги мазмунини аниқлаш ниҳоятда қийиндир. Диний эътиқод ўзига хос кўзгу бўлиб, у орқали диндорлар оламни кўрадилар. Кўзгуларнинг йўналишини фойдали тарзда ўзгартириш меъёрини топа билиш керак. Диний тушуниш нуқтаи-назаридан бўлса ҳам кишилар оламни билишга интиладилар.

Шунинг учун ҳам муқаддас китобларни таҳлил қилишда уларни инсон яратган деб ёндошилса, бу диндорларни ҳақорат қлгандай бўлади. Чунки улардаги фикр ва мулоҳазалар инсониятга кучли таъсир қилган; бундай таъсир қилиш қандайдир ички кучга ва қадр-қимматга эга бўлиши, қандайдир ҳаётий қувватнинг манбаи бўлиши инсонларни олий даражадаги ҳақиқий юксак ҳиссиётларга чорлаган. Зардушт Будда, Исо, Муҳаммад ва бошқаларнинг ҳикматли гаплари чуқур маъно ато этиб, диндорларни ҳозирги кунда ҳам, бундан икки минг йил

муқаддам ва ундан ҳам кўпроқ йил олдин, улар энди ҳукм қилинган каби қабул қилса мумкиндай тўйилади. Уларда қандайдир ҳаққонийлик, ўзига мафтун эттириш, доимийлик, замонавийлик бўлиб уларга тарихий ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсата олмади.

Бунинг акси қилиб бу муқаддас китоб ва ҳикматларга жуда ҳам ақлли ва замонасининг фаросатли кишилари томонидан яратилган асарлар сифатида қаровчилар ҳам мавжудким, улар бу асарларга анчагина катта илиқ ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб, уларни яратганларга худонинг жарчиси мутассами сифатида қарамай, балки бу ақл ва руҳнинг қобиляти нақадар юксак чўққиларга кўтарила олишига мадҳия деб ҳисоблайдилар.

Дж. Нерунинг мана бу сўзлари бизнинг фикримизга яхши далил бўлаолади: Динларни асосчиларининг баъзилари ажойиб шахслар эди, лекин мен уларни инсоний мавжудот сифатида уйлаганимда уларнинг барча сўзлари менинг кўзларимга қорнғи бўлиб кўринар эди. Инсонни илоҳий номани элтувчи сифатида ишлатилгандан кўра менда инсон ақли ва руҳининг ривожланши таассурот ва ишонч ҳосил қилар эди.

Афсона ҳам менда шундай таассурот қолдирди. Агар бу афсоналарнинг ҳақиқий мазмунига ишонса, унда барча афсоналар беъмани ва кулгили бўлиб қолади. Лекин уларга ишонмасдан қўйсанг, улар янги кўринишда янги гўзаллик уруғини экади, ўзининг ажойиб меваси, бой таассуроти, кўплаб ўрганса арзийдиган мазмунни келтириб чиқаради. Ҳозирги вақтда юнон худолари ҳақида айтилган гапларига ҳеч ким ишонмайди, шунинг учун биз улар билан завқ олишимиз мумкин ва улар бизнинг маънавий меросимизнинг бир бўлаги бўлиб қолмоқда. Агар биз уларга ишонганимизда эди. Биз учун у қанчалик оғир тушмасин, бу диний эътиқоднинг юкидан қатъий назар, биз одатда уларнинг гўзаллигини сезиш қобилятини йўқотган бўлар эдик, Ҳинд афсонаси жуда бой ва чиройли фикрларга шакл берган, қандай қилиб бундай олтин конидан сочилган фикр ва тасаввурларни бера олган кишилар қандай одамлар бўлсалар деб уйланиб қоламан²⁷³.

Инсон ақл-заковатининг ижоди бўлган бу матнларни кўриб чиқиб, биз улар ёзилган даврни, улар яратилган шароит ва маънавий муҳитни, уларни биздан ажратиб турадиган вақт, фикрлар ва тажрибасини унутмаслигимиз керак. Биз маросимлар тантанаси, диннинг мақсадини унитиб, улар қайси ижтимоий муҳитда, ажойиб

²⁷³ Қаранг: Неру Дж. Открытие Индии. –М.: Политиздат. 1989. 118-119-б.

чирой билан берилганини эслашимиз керак. Инсон ҳаётидаги кўплаб муаммолар доимий, ҳатто абадийлигидан қадимги китобларга қизиқиш пасаймаётганлигини исботлаш мумкин. Улар бизнинг замонамиз учун қизиқиш ўйотмайдиган ўзлари яшаган даврга тааллуқли бўлган муаммоларга тўхталганлар.

Кўплаб ... уларни муқаддас ёзувлар деб ҳисоблайди. Менингча бу жуда қайғули, бу билан инсон ақлининг энг дастлабки босқичлардаги ҳақиқий аҳамиятини очиб беришдан узоқлашишдир. Бу қандай ажойиб ақл бўлган! Улар асосида билимнинг ўша даврга тааллуқли кўп сонли тўплamlари яратилган эди. Улар мадҳиялар, дуолар, қурбонлик урф-одатлари, жодугарлик, табиат ҳақидаги ажойиб назм ва бошқа хилма-хил нарсаларнинг қоришмасидан ташкил топган. ...жонли ва кўтаринки руҳ бағишлайдиган кучи кишини ҳайратда қолдиради. Улар ҳаётда шундай чанқоқ эдиларки, ўз қалбларига оз аҳамият бера олмаган эдилар. Уларда нариги дунёдаги ҳаёт тўғрисида қандайдир тасаввур мавжуд эди.

Аста-секин худо ҳақидаги тушунча вужудга келади, дастлаб у олим худоларини тангри, кейинроқ монотеизм, яна кейинроқ монистик тушунча билан боғланган худо келиб чиқади, фикр уларни номаълум соҳаларга олиб кетади, табиат ва руҳнинг сирлари ҳақида эслаш ва тадқиқот қилиш келиб чиқади. Буларнинг барчаси юз йиллар давомида амалга оширилади. Биз уларда инсоний ақлнинг биринчи очик изҳор қилинишидир, назмининг алангасини табиат гўзаллиги ва сирлари олдида қойил қолишни топишимиз мумкин.

Улар ...цивилизациялаш асрлар мавжудлиги ва тафаккурнинг натижаси бўлиб, улар давомида цивилизация қарор топади²⁷⁴.

Нерунинг ёзишича, Робиндранат Тагор веда гимнларини қуйидагича белгилаган экан: халқ оммаси фикрининг ҳаяжонли шоироналигидан гувоҳ беради, ҳаёт олдидаги эъзозли ваҳимани ифодалайди. Халқнинг бой ва чиройли таассуротга эга бўлиши, цивилизациянинг илк даврларидаёқ ҳаётнинг чексиз сирларини сезиб олишга ёрдам берди. Бу оқ кўнгилли дин эди; барча офат ва табиат кучларини илоҳийлаштириш, айна вақтда мардлик ва ҳаётий қувноқлик дини бўлиб, унинг сирлари ҳаётга унинг оғир шубҳаларини вазминлаштирмай фусункорлик бахшлар эди, Бу халқнинг дини эди, зиддиятли хилма-хил объектив оламни хаёл суриш билан оғирлаштириш эмас эди, бироқ вақти-вақти билан ҳиссий билимнинг

²⁷⁴ Қаранг: Неру Дж. Ўша асар. 120-121-б.

мунаввар бўлишидан “ҳақиқат ягона” деган фикрни (гарчи) донишмандлар турлича атаганлар.

Қадимги дунёнинг узоқ манбаларидан инсон тафаккури ва фалсафаси халқлар ҳаёти, маданияти, адабиёти дарёлари ўзининг сарчашмасини олган. Сўнгра ҳаммаси ўз ҳажмига кўра кенгайган, кўпайган, улар баъзан ерни бой чўкиндилар билан қоплаган ҳам. Кўплаб йиллар давомида улар ўз ўзини ўзгартирган, базан қуриб қолса ҳам, улар ўз хулқини сақлаб қолган. Агар улар туғма ҳаётга эга бўлмаганда бу мумкин эмас эди. Бу барқарорликдир.

Фалсафа фақат тор доирадаги файласуфларнинг ёки эркак олимларнинг мулки эмас эди. Қадимги донишмандлик-бу ҳаётнинг тўлалигига интилиш, хилма-хил ҳаётий фаолиятни ҳаёт қувончлари билан боғлаб тушунтиради. Бу донишмандликнинг бир бўлаги ҳатто саводсиз, нодон омма онига ҳам киради. Биз шуни ҳам кўрдикки, халқ аянчли урушдан кейин ҳам ўз динининг машъаласи, руҳининг бардамлигини йўқотмайди.

Маънавий қадриятларни аниқлаш, ахлоқий тартиб-қоидаларни ҳимоя қилиш вазифаси донишмандларга (ислом донишмандларига ҳам) юклатилар эди, улар иззат-икром, ҳурматга сазавор эдилар. Улардан кейинги кишиларни ҳатто муқаддас дин ёки диний эътиқоддан ҳам юқори кўяр эдилар.

Агар инсон ўз бурчларини бажарса, унинг ахлоқий ҳатти-ҳаракати тўғри эди. Бундан тўғри оқибат, натижа келиб чиқиши зарур эди.

Форслар, юнонлар, араблар, мўғулларнинг кетма-кет бостириб келиши ва босиб олишига қарамасдан миллий ҳаётнинг ривожланиши, адабиёти амалда тўхтаб қолмади.

Маҳаллий аҳолининг ўз маданиятига унга қандайдир жўшқин куч, қандайдир ички ҳаётий қобилят, ҳаётий тушуниш мавжуд эди. Маданий тараққиёт ва ворисийликни тарих давомида ажойиб ҳодиса деб ҳисоблаш керак. Улар узоқ тарихий даврда воқеликни кўра оладиган ва кўплаб шундай нарсаларни билиб олдиларки, уларни ҳечқачон четга отиб юбориб бўлмайди.

Диний таълимотлар илмдорлар томонидан оммани итоатда сақлаш учун тўқиб чиқарилган деган гаплар ҳам жуда тўғри эмас.

Динни фақатгина оламнинг тузилиши ҳақидаги афсона, ақидалар, тасаввурларгагина йўйиш ҳам мумкин эмас. Дин-бу эътиқод. “Эътиқод арабча-ишонч, маслак, дунёқараш маъноларини англатиб, худога ёки бирор ғайри-табiiй кучга, материализм ёки бирор бошқа ғояга қаттиқ,

мустаҳкам ишонч демакдир. Тарихда инсонлар оловга, бутларга, ўсимлик ва ҳайвонларга, жонга, Буддага, Исога, Яхвега, Муҳаммадга ва ҳ.к.ларга ишончда бўлган”²⁷⁵. Шунинг учун ҳам дин эътиқод сифатида маълум ҳаётий қоидалар, интилишлар, махсус тарзда шаклланган ахлоқий, эстетик қадриятлар ҳиссиёти, мураккаб кечинмаларнинг йиғиндисидан иборат.

Омманинг диний эътиқоди эса қонунларда қайд қилинган диний таълимотлардан ҳамма вақт фарқ қилади. Оддий диндорлар одатда қоидага кўра афсона, ақидалар, сирли ибодатларнинг моҳиятини яхши тушунмайдилар, улардан нималарнидир билсалар ҳам, одатда бу уларнинг онгида, кўпинча янгича маъно касб этиб акс этади. Қандайдир бошқа таълимотларга нисбатан, диний таълимот ўз диндорларига эга бўлмасдан иложи йўқ. Таълимотлар ўз тарафдорларини хатто йўқотса ҳам, у сақланиб қолади, дин эса оммавий ондагина айнан мавжуд бўлиб қолиши мумкин (масалан, тотемизм, сеҳргарлик).

Бундан ҳар қандай дин диндорлар учун у қандай аҳамиятга эга эканлигини тушуниш керак. Бунинг учун муқаддас китоблар ва илоҳиётчиларнинг асарларини ўрганиш озлик қилади.

Л.Фейербахнинг фикрига кўра, диний тасаввурлар асоссиз уйдирма эмас; балки тўласинча ердаги асосга қуйилган. Диний тасаввурларга қараб ердаги ҳаёт ҳақида ҳукм юритиш мумкин. Диний тасаввурларнинг мавжуд ижтимоий шароитлар юзага келаётганлигини унутмаслик керак, Худо, Жаннат, дўзах-бу куруқдан-куруқ ёлғон-яшиқ эмас, унда “ердаги ҳаёт” мавжуд, яъни чунончи, дунёвий негизнинг ўзидан ўзини ажратганлигининг ва самоларда ўзига мустақил бир олам яратганлиги сабаби эса шу дунёвий негизнинг ўзида яхлитлик бўлмаганлиги ва жуда кўп зиддиятларнинг мавжудлигидир. Диний ғоялар ва тасаввурлар муайян тарихий мазмун билан бойитилган. Худо ғояси ижтимоий ва шахсий онда инсоният тарихининг жуда катта даври давомида мавжуддир. Инсоният тарихида ўзининг узоқ давом этиши ва кучининг таъсири жиҳатдан худо ғоясига тенг келадиган бошқа ғояни топиш қийин. Гап соф ҳолдаги худо ғоясининг ўзида эмас, балки ҳиссиётлар, майллар, йўналишларнинг бутун йиғиндиси билан боғлиқ; у билан боғланган сабабларни аниқлаш керак. Чунки бу ғоялар ҳаётга, худони ташкил қилувчи кучларга чақиради. Бизнинг фикримизча худо ғояси, унинг

²⁷⁵ Бозоров О. Худойкулов А. Ахлоқий қадрият ва ислом. 39-40-б.

ижтимоий вазифаларига нисбатан ясамадир. Бошқача бўлганда, дин ҳақиқатга оддий эргак, ғалати уйдирма бўлиб қолар эди.

Кишиларнинг муайян эҳтиёжлари худоларни ҳаётга “чақирган” ва бу эҳтиёжларга хизмат қилади, улар билан биргаликда тадрижийлашади, ўзгаради.

Энг аввало динда бутун кучни худога умумий ишончига, нариги дунёга кишиларни бирлаштирадиган кучни ва унинг маълум ҳаётий қоидаларини бера олишини кўра билиш керак. Бу қоидалар, бирлаштиришнинг қиёфаси турли динларда турли бўлиб, улар ҳаёт шароитларидан келиб чиқади. Дин турли жамиятларга хизмат қилади, лекин кишиларни жипслаштириш, бирлаштириш вазифаси (айни вақтда баъзан бошқа диндагиларга қарама-қарши қўйиш) ҳам диннинг моҳияти билан боғланган. Диний ишончнинг табиатида нафақат ўзи шу динга ишониши, балки бошқаларни ҳам ушбу динга мажбуран ишонтириш акс этган.

Диннинг бирлаштирувчи-айирувчи табиати диний таълимотнинг мазмунига тўсиқ бўлишлигида яққол намоён бўлади. “Биз мусулмонлар-Биз православ чўқинганлар”-деб кўплаб айтишади, бу вақтда улар диний таълимотнинг мазмунини ўйламайдилар, балки этник ва метаэтник бирлик тўғрисида ўйлайдилар. Бундай фикрни Христосга ҳам, Оллоҳга ҳам ишонмовчилар ҳам айтиши мумкин.

Диний яхлитликларга кишиларни қандай қилиб бирлаштиришга эришилади? Бу худо ва руҳлар оламнинг яратилиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни сингдириш, тарқатиш, урф-одатларни сингдириш билан амалга оширилади, дейдиганлар билан келишиш жуда қийин. Ҳаёлий тасаввурлар ва урф-одатлар ўз-ўзидан бундай кучга эга эмас. Гап шундаки, дин тарихий тараққиётнинг маълум даврида кишиларнинг зарурий эҳтиёжларига, интилишларига жавоб берган. У ҳаётда тўпланиб қолган қониқиш ҳосил қилмайдиган ҳиссиётларга ёки унинг олдидаги кўрқишлардан қутилиш йўллари бера олган. Шубҳасиз, ҳозирги динлар ўз мазмунига кўра ёмонликдан қутилиш, холос бўлиш ҳақида турли таълимотларнинг бир кўринишидир. Яхшилик ва ёмонлик муаммолари билан қадимги динлар ҳам боғланган эди.

Эътиқодларнинг жуда хилма-хил шаклларига қарамасдан, диний таълимотларнинг бутун тарихи давомида, улар диний-афсонавий намуналар моҳиятига кўра, битта катта муаммони-кишилар ҳаётидаги ёмонлик ва азоб-уқибат қаердан пайдо бўлган, улардан қандай қилиб қутилиш мумкин деган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Уларга

турли хилда жавоб берилган, лекин уларнинг ҳаммаси шу битта саволга жавоб беришдан иборат эди.

Дин-ижтимоий жиҳатдан шартли хаёлот бўлса керакки, у орқали инсон ўзининг оламга бўлган муносабатини белгилашга ҳаракат қилади, ҳаётни тушуниб олишни ишлаб чиқади. Диннинг бош хизмати шундаки, у кишиларнинг воқелик олдидаги кучсизлик ҳиссиётидан чиқиш йўлини беради, у қийинчиликлар, азоб-укубатларни бошдан кечиришга ўзига хос ёрдам берадиган восита бўлиб, воқеликка маънавий мослашишнинг усули ҳамдир.

Диний тушунча мавжуд қоидаларга нисбатан норозиликни пасайтиради, бу қарийб ички-табиий ҳиссиёт усулда топилган ўз-ўзини ишонтириш усули орқали содир бўлади. Кишилар ўзларини воқелик олдида итоаткор бўлиш зарурияти ҳақидаги фикрга ишонтириб, бу воқеликни олиш кучлар орқали бошқарилишига ва бунга кўникиш муқаррарлигига ишончлигини пайдо қилиб келганлар. Ҳаётдаги шароитга фаол таъсир қилиш ўрнига, кишилар ўзининг маънавий оламини, ўзининг хулқ-атворини гуё табиий равишда бошқарувчи ғайри-табиий мавжудотларга мувофиқ мослаштирганлар. Инсон ўзига ўзи суянишни унутмай, оқибат яхшиликнинг тантанасига ишониши керак эди.

Динга, черковга ишонувчи тақводорлар омманинг кўз олдида энг аввало ҳаётнинг мураббийлари сифатида чиқиш қиладилар. Уларнинг аксарияти кишиларни ёмон йўлга бошламайди. Улар дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб, кишиларни инсофга, нопок йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради. Мана шунинг учун ҳам дин ахлоқий қадриятларни қўриқловчилик аҳамиятига даъвогар бўлиб, ҳозир ҳам мавжуд бўлиб келмоқда.

Умуман дин хулқ-атворга яхши таъсир кўрсатади, ҳозирги даврда бизда етарли, жуда кўп тарқалган жиноятлар ва иллатлардан асрайди, огоҳлантиради. У қандайдир хурофотнинг табиий кучлар орқали сақланиб туради. Агар диндор билан гаплашиб, ундан сизнинг диний ишончингиз нимага асосланади, деб сўрасангиз, у тезлик билан суҳбатни ахлоқ мавзусига буради. Бундай фикрни нафақат диндорлардан эшитиш мумкин. Бундай фикрни динга ишонувчи ҳам, ишонмовчилардан ҳам, бу соҳада ўқимишли бўлган ёшлардан ҳам, кекса кишилардан ҳам эшитиш мумкин (улар кўпинча диннинг тартибга солувчилик аҳамияти сақланганда эди, ичкиликбозлик, безорилик, оиланинг бузилиши ҳам камайган бўлар эди, дейдилар).

Кимнинг яхши эканлигини муҳокама қилиш шарт эмас, яхши одам, лекин диндор ёки даҳрий, ярамас одам. Бу ерда ҳеч нарса айтиб бўлмайди.

Жиноятчилик ва ахлоқсизликни бартараф этишнинг воситаларидан бири диний эътиқод бўлиши мумкин, бу мунозара талаб қилмайди. Бундай фикр нимага асосланади? Биринчидан, дин олдиндан иллатлар ва жиноятларга қарши фаол курашиб келган. Бу тўғри. У кўп асрлар давомида ҳаммага маълум иллатларга қарши курашган (Лекин у қанчалик таъсир қилган? Бу юксак вазифа қаердадир, қачондир амалга ошганми? Диндорлик юқори бўлган мамлакатларда жиноят ҳисоб-китоби ва хулқ-атвор ҳолати, диннинг ютуқлари ҳақида фикр юритишга асос бера олмайди. Жиноятчиларнинг ўсиши ва пасайиши жамиятнинг ахлоқий ҳолати, амалиёт кўрсатишича бошқа янада муҳимроқ сабабларга боғлиқ). Диннинг самарали таъсири ҳақида фикр билдираётганлар тарихий амалиётни эмас, балки яширин ўзига хос имкониятни кўзда тутадилар, уларнинг фикрига кўра, бундай имконият диндорларнинг эътиқодига яширинган эмиш, яъни уларнинг фикрича, агар инсон динга сидқидилдан ишонса, жиноят қилишга қобилияти бўлмас эди. Бу эса фақат тахминдир.

Албатта, неча минг йиллар аввал келиб чиққан ҳамма жаҳон динлари каби исломни ҳам, илму фан ва маданиятнинг ҳозирги тараққиёти нуқтаи-назаридан туриб таққослаш мумкин эмас. Шунинг учун унинг тарихи муайян тарихий шароитлар билан алоқадорликда ўрганилиши керак.

Олдинги даврда илмий тадқиқотларимизда мавҳум мафкуравий қолип ҳукмрон эди; даҳрийлик ва дин, диний эътиқод ва илмий тафаккур икки қутбга ажратилган эди. Бутун ўтмиш тарих ва инсониятнинг ҳозирги ривожини шунга шоҳидлик берадики, дин ва даҳрийлик, эркин фикрлик ва диний ақида инсониятнинг кўпқирралик маънавиятининг кўринишидир. Ижтимоий борлиқнинг хилма-хил шакллари тараққиётининг келажаги адоват, бир-бирини инкор этиш, “ёки-ёки” асосида бўлмай, бир-бирини ўзаро тўлдириш инсоният маънавиятининг бирлиги заминида амалга ошиши керак.

Ҳар томони (универсализм) инсоният жамиятининг бирлигини таъминловчи, етакчи ҳатти-ҳаракат бўлмоқда. Хилма-хил қарашлар, фикрлар ва йўналишларнинг баробар ҳуқуқлигини инобатга олиш умуминсоний қадриятларни сақлаб қолишда муҳим, ҳал этувчи шарт бўлиб қолмоқда.

Маънавийликнинг бу таркибий қисмлари ижтимоий тафаккурда муҳим ўрин эгаллайди. Бу таркибий қисмлар ўзаро алоқадорликда бўлиб, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, баъзан уларни аниқ ажратиб олиш қийин, аммо уларсиз ва уларни ўзаро алоқадорликда, яхлитликда кўраолмаслик ижтимоий фикрни халқларнинг маънавий маданиятини тўласинча баён этиш, ёритиш мумкин эмас.

Маданият тарихи, шу билан бир қаторда динларни ўрганишдаги янгича ёндошув-фикр мулоҳазаларнинг бир неча хиллиги (плюреализм)ни таъминлаш бўлиб, илму-фаннинг ривожига, ҳақиқатни билиб олишга, адолат ва ижтимоий тараққиётни жорий этишга кўмаклашади. Афсуски, бизнинг даҳрийлик адабиётимиз динга жамиятнинг ҳамма тараққиёт босқичларида бир хилда (йўналишда) амалга ошган реакцион ақида деб баҳолашга асосланиб келган эди.

Дин маданиятнинг ажралмас қисми ва шакли, унинг бошқа шакллари, таркибий қисмлари билан доимий алоқадорлигини унутмаслик керак. Бундан ташқари, у тарихий тараққиёт жараёнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсиймуносабатлар, маънавий жараённинг, ички ва ташқи ўзгаришларининг доимо ва мустаҳкам таъсирида бўлади.

Демак, тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида келиб чиққан йирик ижтимоий воқеалар борасида диннинг у ёки бу хусусияти ва хислати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўз муҳим ўрнини ўзгартириши мумкин. Шунинг учун ҳам динни асоссиз ёмонламоқ ва уни тўласинча инкор этмоқ ва муайян тарихий даврлардан ажратган ҳолда, унинг муайян минтақадаги фаолияти, ижтимоий, маънавий шарт-шароити ҳамда омилларини ҳисобга олмай баҳо бериш илмий сифат бағишламайди. Шу ҳол христианлик динига ҳам, ислом динига ҳам тааллуқлидир.

Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Расмийчилик, қолиплаштирилган, содда чизма асосида бир ғояни омманинг онгига сингдиришга уриниш, плюрализм (кўп фикрлилик)ни чеклаб қўйиш каби салбий ҳолатлар маънавийтимизнинг камолот сари эмас, инқирозга етаклайди. Бу даҳрийликка ҳам тааллуқли. Бунга риоя этган даҳрийлик инсоният яратган маънавий маънавиятнинг таркибий қисми сифатида бўлган диний ақидаларга, расм-русмларда, байрамларда динни тарбия ва таълимга маънавий, ахлоқий қадриятларга бой бўлган ғоялар ҳозирги вақтда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини билолмайди.

Шундай дахрийлик очик айтганда, инсоний борлиқнинг энг муҳим ҳақиқий изланишларидан қочишга ҳаракат қилади.

Л.Фейербах: “...инсон нимага қаттиқ ишонса, уни айтишга нафақат кўрқмайди, балки уни очикдан-очик айтиши ҳам зарур. Жамоатчилик кўз ўнгида ниманидир мардлик билан олиб чиқилмаса, унинг ёруғликка чиқишининг ҳеч қандай кучи ҳам бўлмайди. Ўз-ўзидан чўчиган дахрийлик шунинг учун ҳам номуносиб, бўш дахрийлик ҳисобланади”²⁷⁶.

Бу дахрийликнинг ҳозирги шароитда ташкил топган анъанасига муносабат ва дин танқиди масаласида қандайдир маънода адолатли айтилган гапдир. Ҳозирги шароитда уларнинг мустаҳкамлиги сидқидилдан синаб кўрилмоқда, чунки у ўзининг ҳаётда қобилятлилигини бошқа мафкуравий дунёқарашга эга бўлган кишилар билан очик баҳсларда ошкоралик, ўз-ўзини танқид ва мунтазам янгиланиш муҳитида синаб кўрмоғи лозим.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳурфкирлик, виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Динларни, шу жумладан, исломни ҳам халқимиз маънавиятига, руҳиятига кўрсатган ва кўрсатаётган ҳаётбахш таъсири ҳамда унинг тарбиявий аҳамиятини янада оширишни назарда тутиб, Конституциянинг 31-моддасида қуйидагилар ёзилган: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”. Демак, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Виждон эркинлиги республикадаги барча миллат, элатларнинг динини, уларнинг урфу одатларини, анъаналарини ҳурмат қилишни таъминлайди. Виждон эркинлиги республикамизда Конституциянинг 61-моддаси билан ҳам диний ташкилотлар ва бирлашмаларни давлатдан ажратиб, уларни қонун олдида тенглаштиргани ҳамда давлатни диний ташкилот ва бирлашмаларнинг фаолиятига тамоман аралашмаслиги билан ҳам таъминланади. Бунинг устига давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг (бу қаторда диний бирлашмаларнинг ҳам) ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиши учун тенг ҳуқуқий эркинлик беради. Айни вақтда якка ҳокимликка интилишга ва бир мафкура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўймайди. Лекин “...

²⁷⁶ Фейербах Л. Т.1, II-часть. 806-б.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган... халқнинг демократик эркинликларига ва маънавиятига тажжовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши лозим”²⁷⁷.

Демак, конституциянинг ҳосияти билан республикамиздаги барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеи, яъни қайси партия ва бирлашмага қарашлиги, шу жумладан, ўша партия, уюшма ва бирлашмалар ҳам дин қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.

Тўғри, ҳарқайси жамиятда шу жумладан, кўп миллатли, кўп динли, кўп фиркали фуқароларимизда ҳар хил эътиқод ва қарашлар; у ёки бу нарса ва воқеага турлича ёндошувлар ва ҳаказолар мавжудлиги муқаррар. Шунинг учун асосий эътиқод асосида, яъни республикамизнинг инсонпарвар демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат даражасига кўтариб, фуқароларимизнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаган ҳолда, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини адолат асосида таъминлашни ўйлаб, одоб-ахлоқ тартиб-қоидалар, меҳнат ва фаолият ҳамда муаммоларимизни жорий этишни ўйлашимиз керак. Шу нуқтаи назар асосида яшаган халқ, элат учун ҳечқандай жанжал, ихтилоф, низо можарога ҳожат қолмайди.

Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” асаридаги қаҳрамоннинг рақобат бор жойда садоқат бўлмас. Эслик одам эскини эсламас, ёки нечун гоҳо бир эл иккинчи эл билан ошно бўлмасдан туриб ётсирайди, фақат ўз тилим, ўз куйларим ва ўз қўшиқларим яхши деб ўйлайди! Ўйлайди-ю, қатли ом қилиб бўлса ҳам ўз урф-одатларини бошқа юртларга ёймоқчи бўлади²⁷⁸, деган фикрларида “ҳамжихатлигига нима етади” каби инсоният яратган фазилатга эришув табиий эканлигидан даракдир.

Фалсафий нуқтаи-назардан қарасак, ихтилоф, можаро, низо, жанжал ўзига яраша қонуний ҳолатдир, чунки, инсоният ҳар хил, уларда ҳар хил мулоҳаза, хоҳиш, қизиқиш, манфаат мавжуд экан, уларнинг тўқнашуви шарт. Қизиқиш шундаки, қанчалик кўп миқдордаги кишилар бирга меҳнат ва фаолият қилсалар, шунчалик бу жамоанинг ижодий имконияти кенг, у ерда-меҳнат маҳсулототи ва яхши якунлар бўлади-ю, ихтилоф, низо ва жанжалларнинг манбаи ҳам шунчалик юқори бўлди. Баъзи бундай вақтда кўзни юмуш керак,

²⁷⁷ Каримов И. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. –Т.: “Ўзбекистон”. 1992. 41-б.

²⁷⁸ Қаранг: Ёқубов Одил. Кўҳна дунё. Роман.-Т.: 1983, 14-33-б.

кўрмаганликка солиш керак деган фикрлар тез-тез учраб турадики, бу ҳол ноўриндир. Мухолиф томонлар ҳечқачон ўз фикридан қайтмаслар, аксинча бир-бирларига пичинг қилмоқ, аччиқ гапирмоқдан толмасдан, жамоадаги муҳитни бузиб, яхши эзгу ишларга сарфлашга асқотадиган ўз куч ва қувватларини, вақтларини ноўрин сарфлайдилар.

Ихтилоф, жанжалдан ҳеч ким ютмайди. Аксинча иккала томон ҳам ютқизади. Айбнинг даражасини қидирмасдан (“мендан кўра у айбдорроқ...!”) биринчи яхши қадамни ўз зиммасига олди бу мардлик, ўз-ўзини қадрлаш “ўз қадрини билмаган, ўзганинг қадрини билмас”каби ахлоқий қадриятга моликдир. Мухолиф томоннинг мулоҳаза ва фикрларини чидам билан, рақибни одоб билан, мунозара қилмай, уларнинг фикрини бўлмайд кулоқ солиш ҳам одабий ҳислатдир. Хуллас суҳбатдош ёки мухолифнинг нуқтаи-назарини ҳурмат қилиш ва унга сабр-тоқат билан муносабатда бўлиш инсоннинг ахлоқий камолотидан далолат беради.

Бунинг иккинчи томони ҳам шундаки, икки нотаниш кишилар қайси миллатга ва динга мансубликлари ва ҳарқандай тил билан гаплашганларидан қатъий назар бир-бировларини тушуниб олишларига имонимиз комил. Мободо улар бир-бирларини тушунолмасалар, бошқа учинчи кишини айблаш керак ҳам эмас. Бир миллат, дин ва тилда сўзлашувчилар ёки бошқаларга муайян таъсири бўлганлар орасида чиқадиган низога даъво топиш жуда мушқил. Бундай тушунмовчилик тақдир тақозоси билан бошқаларга мураббийлик қилувчилар орасида чиқса, бу ўта фожиали ҳолга айланиб кетади.

Дин ва эътиқод айнан тушунчалар эмас. Л.Толстойнинг фикрига кўра, дин билим бўлса, эътиқод-илмдир. Билим бу оламдаги нарса ва ҳодисаларга оид маълумотлар мажмуи, илм эса бирон соҳани тушунча ва категориялар орқали тадқиқ этувчи-фандир. Кўпинча оламга “ташланган” фикрлар ўзининг ибтидоий шаклида жойлашган мазмунининг мевасини беравермайди. Масалан, ўтган пайғамбарлар Исо, Муҳаммад ўзларининг фикрларини шу кеча-кундуз баъзи руҳонийлар томонидан қилинаётган талқинни эшитиб қолсалар жуда даҳшатли ваҳимага тушиб қолишлари ҳам ажаб эмас. Мусулмонларнинг суннийлик ва шиаликка бўлиниб кетиши ислом тарихида ўзига хос катта фожиалардан эди. Қирғинбарот урушлар, бир-бирини таъқиб этишлар авж олиб, хусусан, шиалар орасида маҳдини кутиш, у орқали адолат ўргатилишига катта умид боғлаганлар оз бўлмаган.

Шоҳ Исмоил тарихда биринчи марта шиа мазҳабини катта бир давлатнинг динига айлантирди ва суннийларга қарши ғазоват эълон қилди. Буларни кўрган холис одамлар шиа-сунний душманлигидан безор бўлган. Адолатсизликдан азоб тортиб юрган жуда кўп содда одамлар бу гапга ишонадилар. Шиалар мусулмон оламидаги барча бахтсизликларга Алидан олдинги уч халифани ва уларнинг кейинги авлодларини сабабчи қилиб кўрсатадилар. Суннийлар узоқ вақт давлат тепасида турган ва мусулмон динини жуда кўп мамлакатларга тарқатган ҳоким куч бўлганликлари учун уларнинг зулмларидан норози бўлган кўпгина олимлар, санъаткорлар, деҳқонлар, косиблар ва бошқа турли табақа вакиллари ҳам шиалар томонига ўтади. Абдурахмон Жомий бу ҳақда шундай деган эди:

“Эй муғбачан даҳр, бидеҳ жоми маям,

Ки омад низойи сунни-ю, шиа қаям.

Гўяндки, Жомийе, чи мазҳаб дори?

Сад шукурки, заги сунни-ю, хари ша ная”²⁷⁹.

(Эй дунёнинг ёш оташпарасти, менга майин жомини бергилки, сунний ва шиа низоларидан қусгим келмоқда. Десалар: Жомий сен қайси мазҳабдансан? Юз шукурки, суннийнинг ити-ю, шианинг эшаги-эмасман. Таржима П.Қодировники).

Ҳозирги шароитимизда кўпгина тафаккур йўналишлари диний ташкилотларга катта умидлар боғлаб, у орқалигина мамлакатимиздаги танқислик, оғир ҳолатдан ва тангликдан чиқишга орзу қилмоқдалар. Фақатгина унга масжид ва муқаддас қадимжоларни қайтариб бергандагина, руҳонийлар ихтиёрига таълим-тарбияни тўласинча бериш билангина бу юмушни уддалайоламиз дейдилар. Шубҳасиз, коммунистик мафкура томонидан бундай азалий ҳақиқатларга эришув истаклари лойқалантириб ташланган эди.

Энди эса динга умум тарзда қайтиш ҳам одат тусига кириб қолган. Кимни кўрмасак ҳозир танқислик шароитга тушиб қолганимиздан гангираб, озми-кўпми қўлга киритган қадриятларимизни ҳам ерга уриб, ёмонлашишга киришиш авж олиб бормоқда. Буюк аждодларимиз асарларидаги исломга алоқадор ўринларни кўз-кўз қилишга ўтмоқдамиз. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да (1991 йил 18 январь) Муҳаммад Имомназаровнинг таъкидлашича, “Мана, фалончи ҳам эътиқодли мусулмон бўлган, Оллоҳга муножот этган”, деб таъкидлаш ҳаракатига тушиб қолдик.

²⁷⁹ Қаранг: Қодиров Примқул. “Юлдузли тунлар” Сайланма: 3 жилдлик. 3-жилд. –Т.: 1988. 288-289-б.

Кеча анкетадаги “Сиз худога ишонасизми?” деган саволга “худо бор” деб жавоб берган ўқувчиларни қаттиқ урушган, энди эса уларни худо билан қўрқитишаяпти. Уларни “қиёмат” кундаги азоблар билан тўлиб-тошган воқеалардан гапириб, уларнинг кўнглига ғулу солиб, кечалари ухлайолмайдиган қилиб қўйишаяпти. Бундай “тарбиячилар” Оллоҳнинг номи билан ўз қўл остидаги талабаларни қўрқитишга ўтиб, очикдан-очик замонасозлик йўлига ўтиб олишган.

Дин, дахрийлик ва уларнинг тарихини ўрганиш зўравонлик, қўрқитиш эмас, балки ёшларни ўзи яхшилик ва ёмонликни ажратиб олишга йўл очиб бориши лозим, илму маърифатга ошно қилиш керак. Балки, улар англагани ва тушунгани сайин раҳм йўқолиб, ўрнини маърифат эгаллайверади, уларнинг кўнгли илм ва маданиятга бой бўла боради. Танҳо бир дунёқараш, эътиқоднинг якка ҳокимлигини тугатсак кишиларга душман кўзи билан қарамай ҳеч бўлмаганда тоқат қилишни ўрганамиз. Ҳар юмушда бўлганидек, бу соҳада ҳам меъёр бўлиши шарт!

Биз ўтмиш аجدодларимиз яратган қадриятларга объектив, холисона баҳо бериб, бизлар учун керак томонларини олиб, келажак авлод учун ҳам жуда керак бўлган бу қадриятларни етказиб бериш маъсулиятини ҳам унутмаслигимиз керак. Албатта, биз ота-боболаримизнинг ўн беш аср мобайнида ислом руҳида тарбия олганликларини унутмаслигимиз керак. Халқимиз муайян сиёсий маданият, миллий онг, мафкура анъаналарига, чуқур ва кенг кўламда ислом, шариат қадриятлари, арқонларига эга. Бизнинг хоҳлаш ва хоҳламаганлигимиздан қатъий назар ислом ва шариат халқимизга катта таъсир кўрсатган ва ҳозир ҳам кўрсатаолади. Буни ҳисобга олмаслик, менсимаслик ва энг ёмони мусулмон жамоасини, бутун бир халқни алдаш оддий сиёсий калтабинлик бўлмай, мавжуд сиёсий тузум учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши муқаррар²⁸⁰. Файласуф А.Зоҳидов ўз фикрини давом эттириб, мусулмон жамоасининг маънавий мулки ҳисобланмиш демократик ва инсонпарварлик анъаналари, қадриятлари маърифатлилик-мусулмонча зиёилик ва инсонийликнинг унутилиб юборилишидан ҳаққоний тарзда ҳадиксирайди.

Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга қатъий эътиқодли, иродали ва ишбилармонли бўлиб,

²⁸⁰ Қаранг: Зоҳидов А. Миллий мафкура: дастлабки сабоқлар. –Мулоқот, 1992: № 2, 28-б.

ҳаётдан ноумид бўлмасликни тарғиб этади. Буни унитиш ҳалқимизнинг шаънини, миллий анъаналаримизни оёқ ости қилиб, иродасизлик, иккиюзламачилик ва риёкорликни авж олдиради.

Агар биз асрлар мобайнида шаклланиб келган соф ташқи мусулмончилик, соф тоқатлилик, “ҳудога солиш” кўринишларини, бағри кенгликни бўғсак унда ақллилик ва иродалик ўрнини мутаассиблик эгаллаши, жаҳолат даҳшатли суратда бош кўтариши мумкин. Бундан ҳар доим диний низо ва жанжалларни олиб келади деган хулоса чиқмайди. “Балки аҳолини ёппасига чин мусулмон қилиш, аёлларга чачвон ёптириш, умуминсоний ҳуқуқлар ва қадриятларни четга суриб, фақат ва фақат диний қадриятларни бирдан-бир қадрият деб билиш каби ҳозирги қисман амалга оширилаётган шаклларда намоён бўлади. Демак, демократия ва исломни, инсонпарварлик ва динга қарама-қарши қўйиб эмас, балки ислом шариатининг ўзидаги демократик ва инсонпарвар анъаналарни тиклаш, жонлантириш ва ривожлантириш орқалигина мутассиблик ва жаҳолат йўлига ишончли тўсиқ қўйилади”²⁸¹ аммо, диний маъмурият ва ташкилотлар дунёвий манфаат билан чамбарчас боғланиб кетганликни унутмаслик керак. Бир диний ҳудуддаги уламо ва руҳонийлар орасидаги тўқнашувларда Оллоҳнинг иродаси эмас, балки муайян кишиларнинг дунёвий манфаатини кўрамиз И.А.Каримовнинг ҳали 1992 йил 2 ва 3 июлда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек “...дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор ўқтирмоқчиман: дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият талашиб юришлар ҳудога ҳам ёқмайди. Ислом дини инсонларни камтарликка, камсуқумликка ундайди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифага ажратмайди. ...Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, худонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан, бир-биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмон, сен кофир, деб талашиб юришлар бизга тўғри келмайди.

...Уламолар сафига турли бақироқлик, куни кеча партбилетни кўтариб райкомга югурган, бугун саллани қийшиқ ўраб мачитга йўрғалаган бебурд кимсалар адашиб кириб қолмасин. Яхши одам ҳар куни эътиқодини алмаштирмайди. Эътиқод ва иймон бир либос эмаски, бугун бунисини ечиб ташлаб, эртага янгисини кийсанг”²⁸² .

²⁸¹ Зоҳидов А. Миллий мафкура: дастлабки сабоқлар... 29-б.

²⁸² Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992. 23-24-б.

Уламо ва руҳонийларни нафақат беваю-бечора, етим ёки ногиронлар, касаллар ёки тазйиқ остида эътиқодини йўқотиб ва уни изловчилар орасида эмас, митингларда, майдонларда ёки бир уламони биратула бирнеча туман ёки вилоятнинг халқ ноиб сифатида кўрамиз. Бир мачитнинг ёки мадрасанинг уламози ёки руҳонийси фирқа ходимининг истефосини талаб қилса, иккинчи коммунистик ғоя тарафдорига хомийлик қилади. Бирининг оқ фотиҳаси иккинчисининг қарғаши ягона Оллоҳнинг номидан амалга оширилади. Аниқки бундай ҳоллар яхшиликка олиб бормайди. Одамларда бўлгани сингари турли мафкураларда, жумладан, диний мафкураларда ҳам дўстлар бор, душманлар бор. Лекин душманларни қандай аниқлаш учун, менимча-деб ёзади А.Бегматов,-буюк Алишер Навоийга мурожаат қилиш керак. Шуниси қизиқки, навоий чуқур эътиқодли мусулмон бўлишига қарамай, унинг асарларида ислом руҳонийларининг ижобий образлари жуда кам учрайди. Шоир қаерда шайхларни, уламоларни тилга олса, уларга нисбатан танқидий фикр билдиради. Навоийнинг мусулмон руҳонийларига муносабати ҳозирги давр учун яна бир жиҳатдан ибратлидир. Турғунлик йилларида ислом дини, ислом руҳонийлари тўғрисида матбуотда, радио ва телевидениеда фақатгина танқидий материаллар, фелетонлар берилди. Ҳозирги кунда эса қарши томонга оғиш кузатилмоқда. Ислом дини ва мусулмон руҳонийларини беаёв танқид қилган ўша газета ва журналлар, радио ва телевидение тўғрисида фақат мадҳия, офаринларни эълон қилиши мумкин, лекин руҳонийлар тўғрисида мадҳиябозлик қилиш унчалик тўғри эмас. Чунки, улар орасида ҳам пок қалбли, софдил кишилар билан бир қаторда, худди Навоий давридагидек иғвогар, пул устида эътиқодни ҳам сотиб юборадиган, ғаламис ва чақимчилар ҳам оз эмас²⁸³.

Ўзини билмаган муаммо олдида ўзини тийиш керак, билмаган нарса ёки ҳодиса устидан мулоҳаза юритмаслик керак. Акс ҳолда диний низоларни келтириб чиқаришнинг асл илдизи ҳам ўз нафсини тийдира олмасликда.

Инсонга ишонч ҳосил этиш ҳам дунёвий мақсадга мувофиқ, ҳолдир. Тўғри, инсон жирканч қабихлик даражасига чўкиб кетиш ҳам, тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги ахлоқий камолот чўққиларига кутарилиб кетиши ҳам мумкин. У ич-ичидан ҳаётий, дунёвий (заминий) гуноҳкор бўлиб, ўз гуноҳини ва виждонидан ва на бошқа кишилардан яширмайди. Инсон борким, у ягона Оллоҳга

²⁸³ Қаранг: Бегматов А. Навоий ва ислом дини. Мулоқот. 1992. № 2. 47-6.

бенуқсон бўлган ҳамда одам унинг бир қисми бўлган ақл деб ишонади; унинг бу ишончи ҳукмдорга бўлган ишончидан фарқ қилади. Оддий меҳнат аҳли ўзининг кундалик ҳалол юмуши билан ахлоқий тараққиётни таъминлайди.

Аммо бунинг учун унда эътиқод бўлиши керак. Бировлар эътиқодни Оллоҳнинг ҳазинасига калит деб билса, бошқалар эса эътиқодни инсон ҳаётининг такаюғи деб билади. Бекаму-кўст ҳаммабоп универсал (ҳарёқлама) эътиқод ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир жисм, жонворнинг танасига, мавқеига мувофиқ ва зарур бўлган махсус шарт-шароит лозим деган маънодек. Масалан, Л.Толстойнинг ибораси билан айтганда, курт-кумурсқа учун дарахтнинг тукчаси қониқарли бўлса, асал ари учун барг, гул; қушча учун дарахтнинг шохи, олмахон учун бўтоқ, айиқ учун эса дарахт кифоя.

Инсон учун эътиқод ана шунга ўхшаш . Бировга бут, саваш, иккинчисига сирли ибодат, учинчисига пайғамбар, тўртинчисига-унинг шахсий худоси, бешинчисига... Буларнинг ҳаммаси ҳар бир инсон қалбини, талабнинг мезонига ва унинг эсу ҳушига, фаросатига вобаста.

Қадимий Шарқ ривоятида нақл қилинганидек қуйидаги воқеалар инсонлар орасида тез-тез учраб туради: тўрт йўловчи-сайёҳлар саҳрода учрашиб, биргалашиб қолган масофани иссиқ жазирамада тай этаётганларида узум сотувчига йўлиқишиб, чанқоқларини қондиришга шошилган ҳолларида, бири эйнаб сотиб оламан деса, иккинчиси йўқ ангур оламин, учинчиси эса стафилъ яхши деганда, тўртинчиси фақатгина узум оламин деб, ораларида жанжал чиқишига сал қолганда, донишманд уларнинг мақсади бирлигини ва фақатгина уларнинг бир нарсани тўрт тилда, яъни араб, форс, юнон ва турк тилларида сўзлаб тўртови ҳам ўзича ҳақ эканини билдириб, яраштириб қўйган экан.

Бунга ўхшаш ҳоллар худони тушунишда ҳам инсонлар орасида тез-тез учраб туради. Ҳар бир дин ўз нуктаи-назарини, ўз қарашлар ва ақидаларини пеш қилиб, асослашга ҳаракат қилади, бу табиий ҳол албатта. Ҳар-бир мазҳаб ва секталар ҳам бир дин ҳудудида ўз изоҳини маъқуллайди. Ҳар бир инсон ҳам “ўзини билган худони ҳам билади” тақлидидек ўзининг маънавий тажрибаси, маълумоти, мустақил ақл-идрок этиш қобилияти асосида худо ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилади. Аммо худо тўғрисидаги баҳслар бошқа баҳслардан фарқли ўлароқ, баъзан урушларга ҳам айланиб кетади. Ғайри динлар бидъатчилари, баъзи бир хурфидарли донишмандлар, қонуний ҳис-

идрок чегарасига сифмайдиган қирғинлар саробига тортиладилар, Қанчадан-қанча пайғамбарлар ақидапарастлар билан курашиб уларни нобуд этган. Жаҳон динлари ҳам (шу қаторда ислом ҳам) мажусий-бутпарастларга қўшин тортган. Ҳамма динлар яхшилик ва инсонпарварлик елкасида турсалар ҳамки, уларнинг тарихи қон ва қирғин ва зўравонликларга шерик. Тўғри, инсонга эътиқод керак усиз ҳаёт мазмунсиз. Эътиқодсиз ҳаёт маънавиятсизлик. Маънавиятсизлик кўпчиликнинг ҳаётини эгаллаб олса, бу хавфли аломат. Сохта коммунизм миллионлаб кишиларга “эътиқод”лилик ўрнини олганидан қандай аҳволга келганимиз, ҳаммага аён. Ислом ва бошва динларни ғайри қонуний деб ҳисоблаб эътиқодда яккаҳокимчилик қилиш диний эътиқодлиларга не кулфатларни олиб келмади.

Диний ақидалага кўра инсон икки тарафлама қиёфага эга. Унинг абадий бўлмиш руҳий тамонига ёндошиб, унинг моддий томони бўлмиш тану андомини менсимасдан назар-писанд қилмаслик керак. Бу ҳақ бўлиши мумкин. Аммо инсоннинг бу икки тамони бир-бирисиз мавжуд бўлаолмаслигини назарга олсак, нега энди моддий томонини менсимаслик керак?

Тўғри, ҳамма динларнинг ақидасига кўра, инсоннинг руҳи худога қаратилиб, фақат унинг марҳаматига эришувига хизмат қилиш бўлса, нега энди шу руҳни олиб юргувчи танни (моддийликни) менсимаслик керак? Нега энди биз маънавий қарши томон оппозициянинг борлигига кўникмаймиз экан. Маънавий оппозиция бу табиий; мўътадил, маънавий изланиш эса, бу ижод-қонуний жараён. Чунки ҳаёт ва ўлим, худо ва инсоният, Ер ва коинот каби объектив борлиқнинг муаммолари ёзувчилар, файласуфларни руҳонийлардан кам қизиқтирмайди. Маданий жиҳатдан юксак бўлган мамлакатларда диний ақидаларга зид келувчи фикр ва мулоҳазалар ҳамда ижодлари учун ёзувчини, файласуфни, даҳрий кишини дорга осишмайдику. Бу ваҳшийлик ҳисобланади.

Биз диний ташкилотларга зид эмасмиз. Аммо ҳар бир ижтимоий ташкилот ўзига тааллуқли фаолияти билан шуғулланаберсин. Ҳокимлар ҳокимлигини, судлар ҳукмини чиқараверсин, уламолар ибодатини адо этиб, ўз динига эътиқод қилиб, диндорлар сафини кўпайтираверсин. Лекин ҳақиқатни охирги босқичга етказиб танҳо ҳокимдорлик қилиш давлатга ҳам, диний ташкилотларга ҳам, шахсларга ҳам мансуб эмас, акс ҳолда бунинг оқибати ёмон ҳолларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги урушлар у ёки бу қатлам, давлат, фирқа ёки бир гуруҳ инсонларнинг ҳақиқатга “посбонлик” қилишидир.

Аслида эса на у ёки бу миллат, эътиқод ва унинг худо ҳақидаги тасаввури, балки ўша яратувчи бунёд этган ва қайси оммавий динга ўзини мансуб этишидан қатъий назар-Инсон ер юзидаги энг муҳим ҳақиқат ҳисобланади. Агар ҳар бир шахс ўзининг кундалик ҳаётида ўзига энг асосий, муҳим ва олижаноб кўринган миллионлаб пул жамғариш, босқинчилик, бировни ўлдиришга тайёргарлик кўриш, парламент, илм ва динини бир озгина тўхтатиб, ўз ҳаётига ўзига, ўз баданига қисқа муддат ичида ноаниқ ҳолда яшовчи, қалбига бироз назар солса, А.Толстойнинг фикрича, у ўз камчилигини топаолади. Бу қалб, яъни виждондирким, у инсоннинг қалбини ўз қонуниятлари орқали пок этиб, ҳатто душманларига ҳам нисбатан муҳаббат ўйғотади. Ер юзидаги ҳар бир инсон ўз қалбини пок тутса, бошқаларга нисбатан дўстлик, биродарлик руҳида бўлиб иш тутади. Унда олам, инсониятни сақлаб қолиши ҳам мумкин. Буюк аллома Форобийнинг таъкидлашича бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ-фазилатли халқдир. Шу тартибда барча бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади.

Демак, маънавий, ақлий кучларни каттаю-кичик бўлса ҳамки, ихтилоф можаро, хавф-хатарларнинг манбаини тушуниб, билиб олишга қаратиш керак. Масалан, умуман урушларнинг олдини олиш учун биринчи ва иккинчи жаҳон урушларидан сўнг Бирлашган Миллатлар ташкилотини тузиш керак бўлиб қолган эди. Ҳозирги экологик ҳолатнинг олдини олиш ҳам халқларнинг оқилона бирлиги, ҳамкорлигини таъминлашда тезлик билан янги БМТ лозим. Бунга ишонч бор. Чунки инсоният ўз олдига ба қадри ҳол (яъни. Уддасидан чиқадиган) мақсадларни қуяди-ки бу тарихий жараённинг қонунларидан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қайтият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, -Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
7. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2019.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2019.
9. Абу Наср Форобий. Рисолалар.-Т.: “Фан”, 1975.
10. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2020.
11. Абу-р Райхон Беруни. Избранное произведения. Т.1.-Т: изд. АН УзССР, 1957.
12. Абу-р Райхон Беруни. Собрание сведений для познания драгоценностей (минерология). –М.: изд. АН СССР, 1963.
13. Абу Тоҳиржож. Самария.-Т.: “Камалак”, 1991.
14. Абдулқохҳор Шоший. Закотнома.-Т.: 1991.
15. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо.-Самарқанд: 1990.
16. Аҳмад Муҳаммад Турсун, Муҳаммад Шариф Жуман. Ислом дини.-Т.: “Мовароуннахр”, 2006.
17. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
18. Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Ибодати исломиа. –Т.: “Меҳнат”, 1991.

19. Абдусамедов А.И. Динлар фалсафаси.-Т.: 2010.
20. Акбарова Н.А. Переоценка роли религии и атеизма в формировании духовности в современных условиях. –Т.: 1991.
21. Анисимов С.Ф. Духовные ценности: производство и потребление. –М.: “Мысль”, 1989.
22. Баёний. Шажарии Хоразмшоҳи.-Т.: “Камалак” 1991.
23. Баркамол авлод орзуси.-Т.: “Шарқ”, 1999.
24. Бартольд В.В. Ислам. Т. 6.
25. Беляев Е.А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннее средневековье. –М.: “Наука”, 1966.
26. Бегматов А. Навоий ва ислом дини.-Мулоқот, 1992, № 2.
27. Березиков Е. Рухлар ўйинига ташриф.-Сирли олам, 1992, № 1.
28. Бозоров О., Худайкулов А. Ахлоқий қадриятлар ва ислом.-Самарқанд: “Зарафшон”, 1992.
29. Бозоров О., Шодиев Р. Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий қадриятлар.-Самарқанд: “Зарафшон”, 1992.
30. Васлий Самарқандий. Ал-Каламу-л-аф-ҳам фий манохиб-лимоми ал-Аъзам. –Т.: 1991.
31. Габриэли Ф.О. Основные тенденции развития в литературах ислама. Арабская средневековая культура и литература.-М.: “Наука”, 1975.
32. Гафуров Б. Таджики. Кн.1.-Душанбе: “Ирфон”, 1989.
33. Г.Э.фон Грюнебаум. Классический ислам. Очерк истории (600-1258).-М.: “Наука”, 1986.
34. Гольдциэр И. Арабские племенные отношения и ислам.
35. Гольдциэр И. Лекции об исламе. Спб.: 1912.
36. Гулыга А.В. Искусство в век науки.-М.: 1978.
37. Грюнебаум Г.Э. Основные черты арабо-мусульманской культуры.-М.: 1981.
38. Жалилов А. Из истории культурной жизни таджикского народа.-Душанбе: “Ирфон”, 1973.
39. Диноршоев И. Натурфилософия Ибн Сины-Душанбе: “Ирфон”, 1985.

40. Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. –М.: “Мысль”, 1986.
41. Ёкубов Одил. Кухна дунё. –Т.: 1983.
42. Жумабаев Й. Зардуштийлик китоби. –“Фан ва турмуш”. 1990, №10.
43. Жумаев Н. “Авесто” мўжизаси. –Т.: 2013.
44. Журавский А.В. Христианство и ислам. Социокультурные проблемы диалога. –М.: «Наука», 1990.
45. Звезда Востока, 1990, №1.
46. Зоҳидов А. Миллий Мафкура: дастлабки сабоқлар. –“Мулоқот”, 1992, № 2.
47. Ибрат. Фарғона Тарихи. –Т.: “Камалак”, 1991.
48. Иброҳимов А. Динлараро бағрикенглик-муваффақиятларимиз гарови. –Т.: “Сано-стандарт нашриёти”, 2013.
49. Из истории философского наследия-народов востока. –Т.: “Фан”, 1972.
50. Из истории общественно философской мысли и вольнодумия. –Т.: «Фан», 1991.
51. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 4 китоб.-Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
52. Имом ат-Термизий. Сунани Термизий. –Т.: 2017.
53. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. –Т.: “Шарқ”, 1998.
54. Ислом, Религия, общество, государство.-М.: “Наука”, 1987.
55. Ислом Энциклопедический словарь. –М.: “Наука”, 1991.
56. Кант И. “Антропология с прагматической” точки зрения. Соч., Т.6. –М.: “Мысль”, 1984.
57. Каримов И. Имон ва маслак тарихи. –Т.: “Янги нашр”, 2010.
58. Касымжанов А.Х. Алб-Фароби. Алма-ата: 1974.
59. Керимов Г.М. Шариат. –М.: 1978.
60. Климович Л.И. Книга о Коране его происхождение и мифологии. –М.:Политиздат, 1986.
61. Колесников А.И. Завоевание Ирана арабами (Иран при “проведных халифат”). –М.: 1982.

62. Костецкий В. Читая Корана. –Т.: “Ўқитувчи”, 1994.
63. Корнеев В.Н. “Невидимые” парадоксы религии и культуры. –М.: “Знание”, 1991, № 3.
64. Крачковский И.Ю. “Аш-Шанфарий песнь пустыни”. Избр.соч., Т. II. –М.: Изд АН СССР, 1956.
65. Крымский А. История мусульманства... Ч. I. II. –М.: 1903.
66. ЛГ-Досье, 1991, № 3.
67. Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2008.
68. Материалы по истории прогрессивной общественно философской мысли в Узбекистане-Т.: «Фан», 1976.
69. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: “Маънавият”, 2008.
70. Мец А. Мусульманский ренессанс. –М.: 1973.
71. Милославский Г.В. Интеграционные процесс в мусульманском мире. –М.: “Наука”, 1991.
72. Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Имон (Ислом, Қуръон, одоб-ахлоқ)-Т.: “Камалак”, 1991.
73. Мухаммаджонов А. Бухоро-тангри жамоли. –“Фан ва турмуш”, 1992, № 3-4.
74. Назаров Қ.Н. Ижтимоий тараққиёт: Инсон ва қадриятлар. –Т.: 1991.
75. Наршахий. Бухоро тарихи. –Т.: “Камалак”, 1991.
76. Неру Дж. Открытие Индии. Кн. 1. –М.: 1989.
77. Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. Т.1. –М.: 1989.
78. Очерки истории арабской культуры V-XV вв. –М.: 1982.
79. Панова В.Ф., Бахтин Ю.Б. Жизнь Мухамеда. –М.: Политиздан, 1990.
80. Плеханов Г.В. Чернышевский и его время. Соч, Т.V. –М.: Госиздат, 1924.
81. Плеханов Г.В. Избр. Филос.произвед. в -5 томах. Т. 1. –М.: 1956.
82. Петрушевский И.П. Ислам в Иране в 7-15 вв. –Л.: 1966.
83. Саидбаев Т.С. Ислам и общество. –М.: «Наука», 1974.
84. Саидбаев Т.С. У истоков ислама. – «Исламский вестник», 1992, № 2.

85. Соловьев Вл.С. Собр.соч., Т.VI. –Спб.: 1911-1914.
86. Тажуризина З.А. Иден свободамқслия в истории культурак.-М.: изд. МГУ, 1987.
87. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. –М.: 1986.
88. Туленов Ж. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. –Т.: “Меҳнат”, 2000.
89. Уватов У., Ҳакимжонов М. Адиблар каъбаси. –Т.: 1992.
90. Ўзбекистон адабиёти ва саънати. 1992, 12 июнь.
91. Усмонов И. Наводир ал-усул ҳикматлари. –Т.: “Фан”, 2009.
92. Усмонов М.А. Ислом ақидалари ва маросимлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1975.
93. Усмонов М.А. Распространение ислама и его роль в истории Средней Азии// К изучению истории вольнодумных идей и общественной мысли Средней Азии. –Т.: «Фан», 1991.
94. Федотова В.Г. Духовность как фактор перестройки. –Вопросы философии. 1987, № 3.
95. Фильштинский И.М., Щидфар Б.Я. Очерк арабо-мусульманской культуры (VII-XII вв.). –М.: 1971.
96. Фрезер Дж.Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии.- М.: Политиздат, 1980.
97. Хайруллаев М.М. Фараби-крупнейший мыслитель средневековья. –Т.: «Фан», 1975.
98. Хайруллаев М.М. Фараби и его философские взгляды.-М.: Знание“, 1975.
99. Хайруллаев М.М., Бахадиров Р.М. Абу Абдуллах ал-Хорезми. – М.: “наука”, 1988.
100. Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. –Т.: 1990.
101. Хидоятов Г.А. Моя родная история. –Т.: “Ўқитувчи”, 1990.
102. Худойбердиев Х. Қадриятлар ва ислом// Восток и русская культура. –Самарқанд: 1991.
103. Худойбердиев Х. Шариатдаги ахлоқий қадриятларнинг фалсафий жиҳатлари// Ўзбекистон мустақиллиги ва фалсафа. 2-китоб. –Т.: 1995.

104. Худойбердиев Х. Марказий Осиёда илмий дунёқараш қарор топишининг ўзига хос хусусиятлари. Диншунослик асослари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
105. Худойбердиев Х. Абу Исо Термизийнинг “Саҳиҳ”ларида ахлоқий тарбия ва кадриятлар муаммоси// Халқ педагогикаси. –Термиз: 1995.
106. Худойбердиев Х. Нақшбандия таълимотида ахлоқий тарбия масалалари// Хожа Алоуддин Аттор нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаси. –Денов: 1995.
107. Худайбердиев Х. Абу Исо Термизийнинг “Аш-шамоил ан-набавия” асарларида ахлоқий кадриятлар масаласи// Бактрия-Тоҳаристон шаҳар маданияти. –Самарқанд: 1995.
108. Худайбердиев Х. Ҳаким Термизий-сўфизмнинг йирик вакили// Халқ педагогикаси. –Т.: “Университет” 1999.
109. Худайбердиев Х. Ислом ва ҳозирги замон// Мустақиллик, маънавият ва тарбия. –Термиз: 2000.
110. Худайбердиев Х. Ўзбекистон мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлари. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
111. Худайбердиев Х. Ўзбекистон мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар. –Т.: “Ижод дунёси”, 2002.
112. Худайбердиев Х. Темур тузуклари ва ахлоқий кадрият. “Сирли олам”, 1995, № 11.
113. Худайбердиев Х. Устозига устозлик қилган шогирд. “Фан ва турмуш”, 2001, № 4.
114. Худайбердиев Х. Шайхларнинг улуғи. “Сирли олам”, 2002, № 3.
115. Худайбердиев Х. Улуғ мутасаввуфлар улуғи. “Сирли олам”, 2002, № 8.
116. Худайбердиев Х. Хожа Ахрор Нақшбандия тариқатининг йирик вакили. – “Сирли олам”, 2000, № 10.
117. Худайбердиев Х. Диний бағрикенглик ғояси. “Жайхун”, 2007, № 2.
118. Худайбердиев Х. Ўзбекистон мустақиллиги ва виждон эркинлиги. –“Жайхун”, 2007, № 3-4.
119. Худайбердиев Х. Ёшларда эътиқодни шакллантириш. –“Таълим муаммолари”, 2008, № 2.

120. Худайбердиев Х. Диний бағрикенглик: диний-маънавий қадриятларни эъзозлаш тамойили. – “Жайхун”, 2009, № 3-4.
121. Худайбердиев Х. Барча дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжихатлиги тамойили. – “Жайхун”, 2009, № 3-4.
122. Цветков П. Исламизм. В 4-томах. –Асхабад. 1911-1913.
123. Чавчавадзе Н.З. Культура и ценность. – Тбилиси: “Мацнифета”, 1984.
124. Чутматов Ж. Имом Абу Исо Термизий. –Т.: 2019.
125. Шодиев Р.Т. Суфизм в духовной жизни народов Средний Азии. (IX-XIII вв.) –Т.: 1993.
126. Эберман В.А. Арабский поэт из Согда. Л.: 1930.
127. Эркаев А. Маънавият-миллат нишони. –Т.: “Маънавият”, 1999.
128. Эркаев А. Духовность и развитие. –Т.: “Маънавият”,
129. Қуръон. –Т.: 2008 “Чулпон” 1992.
130. Қуронов М. Миллий тарбия. –Т.: “Маънавият”, 2007.
131. Қуронов М. Эзгу ғоялар руёби. –Т.: “Маънавият”, 2011.
132. Қаюмов А. Ўлмас сабоқлар. Шарқ юлдузи. 1991 № 5.
133. Шарипов А. Великий мыслитель Абу Райхон Беруни. –Т.: «Узбекистон», 1972.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
I-боб. Маънавий қадриятлар: мазмуни ва тарихий шакллари.....	5
1:1. Маънавият инсоният жамиятининг ажралмас қисми сифатида.....	5-21
1:2. Маънавият ва қадрият тушунчаларининг таҳлили.....	22-35
1:3. Ахлоқий қадриятларнинг ижтимоий моҳияти	36-55
II-боб. Ахлоқ ва ислом ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларининг таҳлили	56
2:1. Араб умуминсоний ахлоқининг мусулмон ахлоқининг шаклланишидаги ўрни	56-84
2:2. Мусулмон ахлоқининг ўзига хос мазмуни	85-100
2:3. Шарқона ахлоқ тизимида ислом ахлоқининг тутган ўрни.....	101-122
III-боб. Ислом ахлоқи Ўрта Осиё халқлари тарихида.....	123
3:1. Исломнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ва маҳаллий ахлоқ-одоб қадриятларини ўзига сингдириб олиши.....	123-142
3:2. Ўрта Осиё халқлари тарихида ислом ахлоқининг янада мукаммаллаштирилиши.....	143-180
IV-боб. Кўп этниклиликнинг бирлиги-ахлоқий қадриятларнинг олий шакли сифатида (хотима ўрнида).....	181-203
Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати.....	204-209

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Ўзбекистон Республикаси
олий таълим, фан ва инновация вазирлиги
Термиз муҳандислик технология институти

Х.Худойбердиев

МАЪНАВИЯТ, АҲЛОҚИЙ ҚАДРИЯТ ВА ИСЛОМ (монография)

Муҳаррир:

Техник муҳаррир: А.Бўриев

Мусахҳих:

Дизайнер-саҳифаловчи:

Теришга 18.11.2022 йилда берилди.

Босишга 05.12.2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. Ҳажми 14 босма табоқ.

Буюртма № 00. Times New Roman.

Офсет усулда чоп этилди. 000 нусхада. 224 бет.

“IRFON-PRINT” нашриёти.

Термиз давлат университети ННМ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Термиз шаҳри, “Баркамол авлод” кўчаси, 43-уй.